

ДАНТЕ – ЮРИСТ \* ДАНТЕ – ЮРИСТ \* ДАНТЕ – ЮРИСТ

**АКМАЛ  
САИДОВ**



**ДАНТЕ –  
ЮРИСТ**

**АКМАЛ САИДОВ**

**ДАНТЕ – ЮРИСТ**

**Тошкент  
«Адолат»  
2011**

**УДК: 34:821.131.1 (092) Данте**

**ББК 83.3 (4Гем)**

**C21**

C21 **Саидов Акмал Холматович.** Данте – юрист / А.Х.Саидов. – Т.: «Адолат», 2011 – 200 б.

ISBN 978-9943-332-99-7

**УДК: 34:821.131.1 (092) Данте**

**ББК 83.3 (4Гем)+67.3г (3)**

Буюк шоир ва буюк олим, буюк сиёсатчи ва буюк файласуф, айти пайтда яна кўплаб илмлар билимдони, Коинот фуқароси номига сазовор бўлган Данте Алигьери нодир ва мангу боқий асарлари билан инсоният маънавий хазинасига улкан ва бебаҳо хисса қўшган жaxon адабиётининг даҳосидир. Айти пайтда унинг илк Уйғониш даврининг энг буюк ҳуқуқшуноси сифатида жамиятда ҳуқуқ устуворлиги ғоясининг қарор топишидаги хизматлари бекиёсдир.

Юридик фанлар доктори, профессор А.Саидовнинг ушбу китобида Данте даҳосининг ана шу энг муҳим қирралари – комусий нодир адабий истеъдоди ва ўз давридан анча илгарилаб кетган ҳуқуқий қарашлари уйғунликда атрофлича таҳлил этилади.

«Данте – юрист» барча адабиёт ихлосмандлари, ҳуқуқшунослар, кенг китобхонлар оmmasига муносиб тухфа бўлишига умид қиламиз.

1201000000 – 012  
Д ————— – 2011  
(04) – 2011



ISBN 978-9943-332-99-7

© А.Х.Саидов, 2011

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Адолат» нашриёти, 2011 йил.

## БАШАРИЯТ ФАРЗАНДИ

Улуғ италян шоири ва мутафаккири Данте Алигъери инсониятнинг энг мухтарам фарзандларидан бири бўлиб, у зот олти юз йиллар муқаддам Уйғониш даврини бошлаб берган даҳо ижодкордир. Асрлар мобайнида дантешунослик илми давом этиб келмоқда. Яъни, у ҳақда юзлаб китоблар ёзилди. Қўлингиздаги ушбу нашр «Данте – юрист» деб номланган бўлиб, муаллифи таниқли ҳуқуқшунос олим, серқирра ижодкор, жамоат арбоби, профессор Акмал Саидовдир.

Аввалдан айтиб қўя қолайлик, мазкур тадқиқот дантешунослик бўйича, айниқса, Шарқда яратилган ноёб илмий манбалардан биридир. Унда Данте ҳаёти ва ижодига доир деярли барча тафсилотлар камраб олинган. Китобда, табиийки, Дантенинг юрист мақомидаги фаолияти анча кенг ёритилган. Шунингдек, мутафаккирнинг фалсафий қарашлари ҳам атрофлича ўрганилган.

Данте ҳаётини Европа тарихий муҳитидан ажратиб ўрганиш асло мумкин эмас. Италияда турли партиялар (гвельфлар, гибеллинлар) орасидаги низолар, Рим Папаси сиёсати билан боғлиқ чигал муносабатлар, шунингдек, қадим лотин ўрнида италян халқ тилини адабий муомалага киритиш каби осон бўлмаган муаммолар Дантенинг бошига адоқсиз маломатлар келтирган эди. Шу сабабли, шоир ҳаётининг кўп қисми қувғинда ўтди. Данте икки маротаба ўлимга ҳукм қилинди. Бу ҳукм ўтган асрнинг 60-йилларидагина расман бекор бўлди.

Данте Алигъери мутахассислигига кўра ҳуқуқшунос-юриstdир. Лекин у башарият тарихида асосан «Илоҳий комедия»дек шоҳ асарнинг муаллифи сифатида қолди. Айрим мунозарали жиҳатларга қарамасдан, асарнинг аҳамияти ҳамма даврлар ва барча халқларга баб-баробар тааллуқлидир. Дейлик, йўлбарс ҳамма минтақада йўлбарс бўлгани каби, инсонларнинг фазилату иллатларида ҳам азалий уйғунлик борлигини рад этиб бўлмайди. Ушбу воқеотлар Шарқнинг «Меърожнома»ларида ҳам ўз тасвирини топган. Туркийларнинг ўрта аср Уйғониш давридаги буюк вакили Алишер Навоий ҳазратларининг ижодий нафасида ҳам биз ўша замонларнинг шабадаларини ҳис қиламиз. Бу улуғ шоирлар азамат инсонлар қаторида ялмоғизлар қиёфасини ҳам чизиб кетганлар. «Илоҳий комедия»даги манзаралар нариги дунёга

қилинган саёхат натижаси деб қабул этилади. Бирок, муаллиф ҳақиқатан ҳам у дунёга бориб келганми, деган савол масал жанрида учрайдиган жониворлар ҳам гапирадиларми, йўқми, деган тушунча сингари ғоят жўн гапдир. Аслида Данте мавжуд борлиқдаги иллатларни шафқатсиз равишда фош этди.

Дантенинг энг эзгу орзулари етишолмаган маҳбубаси Беатриче тимсоли билан боғланади. Дантешуносларнинг эътироф этишича, Уйғониш даври Дантенинг Беатричегга бағишлаб ёзган илк шеърларидан бошланган. Сабаби, бу илк ижодда ифода ва мазмун тамомила янгича эди.

Данте дунёқараши Шарқ олами билан туташдир. Жумладан, бизнинг юртлардан қанот қоққан буюк ғоялар Испания араблари орқали Европага кириб борди ва узоқ асрлар мобайнида улар учун дастуриламал бўлиб қолди. Шу боисдан ҳам Данте, масалан, Ибн Сино сиймосини ғоят катта ҳурмат билан тасвирлайди. Унинг осмон ҳолатлари ҳақидаги тасаввурлари эса ал-Фарғоний (Альфраганус) илми билан мутлақо ҳамоҳангдир.

Данте, умуман, халқнинг ёнини олди. У монархияни эътироф этса-да, ҳокимият халққа хизмат қилиши шарт, деб ҳисоблади. Бошига оғир қулфатлар тушганда, жаҳолат аҳли: – асарларингдан воз кеч, деб талаб қилганда, ҳатто шоирнинг ўғлини ҳам ўлимга ҳукм этганда: «Халқим, мен сенга нима ёмонлик қилдим?», дея нидо чекди.

Акмал Саидовнинг ушбу тадқиқотини ўқиган ҳар бир китобхон бу улуғ сиймо ҳаёти ва ижодига доир кўплаб маълумотлардан воқиф бўлади, Данте ва Ўзбекистон мавзусида эса янги таассуротлар олади. Қўлингиздаги ушбу китобни умуман дантешунослик дунёсида воқеа деб ҳисоблаш мумкин.

**Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
Ўзбекистон халқ шоири**

## МУҚАДДИМА

Флоренция Дантени ўзининг биринчи буюк фуқароси деб атаган. Биргина бу шаҳар эмас, курраи заминимиз, ҳатто чексиз Коинот ҳам уни ўз фуқароси деб аташдан фахрланиши шубҳасиз. Бу инсон ўзи ким бўлган?

**У – Данте Алигъери (Dante Alighieri)** – бир вақтнинг ўзида буюк олим ва буюк шоир, буюк сиёсатчи ва дипломат. Шу билан бирга – файласуф, ҳуқуқшунос, руҳшунос, тарихчи, математик, мантиқчи, физик, астроном, кимёгар, биолог, психолог ва яна бир қанча фанларнинг билимдони.

Данте ижодида фан ва шеърятни омухта қилиб, ўзидан аввалги бирор даврнинг қўлидан келмаган ишнинг уддасидан чиққан: яъни, **илк бор яхлит дунё образини яратган.**

**«Данте юрист сифатида»** – бу баҳссиз мавзу эмас. Дантенинг бадийий ва фалсафий дунёкараши беҳисоб илмий ишларда батафсил таҳлил ва талқин этилган, унинг жаҳон маданиятидаги роли аниқ-равшан деган тасаввур устувор, бироқ биз жуда мукаммал кўп жилдли адабиёт тарихини мутолаа қилар эканмиз, атиги бир неча сатрлар орқали Дантенинг Ўрта асрлар етакчи нуқтаи назарини акс эттирган давлат ва ҳуқуқ тўғрисида ўз таълимоти, яъни фалсафаси бўлганлигини, юриспруденция тарихига мурожаат этганимизда эса, ҳуқуқшуносларнинг ғояларини бадийий тилда ифода этган шоир сифатида буюклигини билиб оламиз. Дантенинг Ўрта асрлар ҳуқуқшунослигининг тасвирчиси сифатидаги роли кейинги юз йилликлар давомида унинг ҳуқуқшунослар тафаккурига кўрсатган таъсирига у қадар мос тушмайди. Биз юриспруденция тарихида Дантега «жой бермасдан» кўп нарсани йўқотаётганимиз йўқми?! Ҳар ҳолда, асосий масала ва тадқиқот мавзусини, яъни «Данте – юрист» номини асослашда жуда аниқлик талаб этилади.

**«Данте – ҳуқуқшунос»** шоирнинг адабий буюклиги сояси панасида қолиб кетган ёки аввалги даврлар ғоя ва манбалари билан чегараланиб қолган. Буни истисно этиш учун изланишлар соҳасининг устувор йўналишларини аниқлаб олиш керак.

Дантенинг энг кўхна Болонья ҳуқуқ мактабида олган ҳуқуқий билимлари унинг аксарият асарларида яққол кўзга ташланади. Ҳақиқатан ҳам, Дантенинг умумий маданияти тасвирига қўшимча

чизгилар қўшиш учун унинг юриспруденция соҳасидаги чуқур билимларини ҳам акс эттириш керак. У бутун умри давомида дин ва давлат, ахлоқ ва ҳуқуқ масалаларини жиддий ўрганган ва биз бунга шоирнинг асарларида ўз ифодасини топган жуда машаққатли ҳаёт йўли билан узвий боғлиқ бўлган ва буни акс эттирадиган унинг ички камолоти пиллапоялари таҳлили орқали аниқлик киритишимиз мумкин бўлади. Биз ихтиёримизда бўлган асарларидан ҳаққонийлиги билан ажралиб турмайдиган таржима холига оид маълумотларга аниқлик киритадиган ва умумий манзарани кенгайтирадиган асосий саналарни топа оламиз.

Агар «**Илоҳий комедия**» Ўрта асрлар юриспруденциясида фақат ваъдалар ва лойиҳалар тарзида мавжуд бўлган давлат – ҳуқуқий воқеликнинг моҳият жиҳатидан янги ғоясини яратган ўзига хос синтез вазифасини ўтаганлигини кўрсата олсак, мазкур китоб олдига қўйилган вазифа бажарилган деб ҳисоблашимиз мумкин.

Данте христиан ва Шарқ мутафаккирларининг кўпгина фикрларини мужассамлаштирганига шубҳа қилмаса бўлади. Шоирнинг айрим ғоялари Уйғониш даври ва Янги даврдан ўзиб кетганлиги ҳам шубҳасиздир. Лекин биз Дантега сиёсий-ҳуқуқий ғоялар умумжаҳон занжирининг бир ҳалқаси сифатида қарайдиган бўлсак, у бевосита юриспруденция учун нима қилганлигини пайқамай қолишимиз мумкин. Буни истисно этишимиз учун – қанчалик таажжубланарли бўлмасин – асосий диққат-эътиборни Дантенинг барча асарларига эмас, балки жаҳонда дантеча тарихий-бадий ва сиёсий-ҳуқуқий тасаввурни мужассамлаштирган «Илоҳий комедия»га қаратиш керак. Бунда эса, ўз навбатида, «Илоҳий комедия»га устуворлик берилишини қисқача асослаш талаб этилади.

Биз жаҳон адабиётининг зиммасига муайян тарихий даврнинг ҳуқуқий онги ва дунёқарашини шакллантириш жараёнида алоҳида роль юкланишидан хабардормиз. Гомер, Шекспир, Гёте, Ф. Достоевскийнинг асарлари – жаҳон ҳуқуқий маданиятининг ажралмас таркибий қисмидир. Баъзан бундай ижод намуналари муайян ҳуқуқий давр ривожининг хотимаси сифатида пайдо бўлади, баъзан улар назарий хулосалар чиқаришга замин тайёрлаб, эртароқ яратилади. Аммо бундай ҳолларда ушбу асарларга юриспруденция тарихида узоқ умр ато этиладиган қандайдир хусусият-

лар мавжуддир. Шу сабабли ҳуқуқий давр, ўз адабий инъикоси чуқур идрок этилмасдан, тўлақонли намоён бўлмайди.

Бундай хусусиятларга китобнинг муқаддимасида эмас, балки хотимасида аниқлик киритиш ўринли бўлар эди, бироқ даставвал ҳам қисқача изох бериш лозим: юриспруденция ва адабиёт учун шундай умумий соҳа борки, унда бадиий идрок, турли воситалар жалб этилганлигига қарамасдан, бир нарса билан машғул — бу рамзлар ҳаётидир. Уни, эҳтимол, яхлит — адабиёт ва юриспруденция, образ ва тушунча бир-бирига қарама-қарши бўлган жараён сифатида кўриб чиқиш мумкин. Бу ҳолда айрим даҳо асарлар — улар орасида «Илоҳий комедия» ҳам — асарлар ўтиши билан сўнмаган қудратли тафаккур зиёси манбаси вази-фасини ўташи тушунарлироқдир. Гап шундаки, ҳуқуқ тарихчилари ўз тадқиқот мақсадларига аниқлик киритар эканлар, руҳий ҳиссиётлар мажмуасидан «ғоя»ни ажратиб олишдан иборат одатий усулга амал қиладилар. Кўп ҳолларда бунинг натижасида ривоятда ҳам, адабиётда ҳам, ахлоқий хатти-ҳаракатларда ҳам ўзига хос тарзда намоён бўладиган ҳодисаларга алоқаси бўлмаган ожиз тассавурлар туғилади.

«Илоҳий комедия»нинг ўзига хослиги шундаки, у тесқари жараёни намоён қилади: XIII аср охирида (ёки Италияда 1200-йилларни «дученто» деб аташганидек) қотиб қоладиган мавҳум чизмалар Данте томонидан ўзини маданият сифатида англай бошлаган бирламчи оқимига қайтарилган ва дафъатан ўз кучи манбасини топиб, сирли пардасини кўтарган.

**«Илоҳий комедия» Дантенинг энг йирик шоҳ асари ва унинг адабий ижоди чўққисидир. У уч қисм («Дўзах», «Аъроф», «Жаннат») ва 14 233 шеърӣ мисрани мужассамлаштирган юзта кўшиқдан иборат. «Илоҳий комедия» Ўрта асрларнинг Европа маданиятини ривожлантиришга салмоқли таъсир кўрсатган шеърӣ қомусдир. У Ўрта асрлар маданиятининг ўзига хос синтези сифатида бу давр учун яқунловчи асар ҳам ҳисобланади.**

Дантенинг ҳуқуқий дунёқарашини идрок этишига яқинлашиш учун уч шартга риоя этиш талаб этилади, деган фикрдамиз.

**Биринчидан,** Данте маъно ва мақсадини ифода этишга ҳаракат қилган давр умумжаҳон тарихий занжирида фақат ҳалқагина бўлиб қолмасдан, ҳуқуқий маданиятнинг ўзига хос кўрини-



шини, яъни, мумтоз рим ҳукуқи реценсиясини илгари сурган деб ҳисоблаш лозим.

**Иккинчидан**, «Илохий комедия»га ноёб бадиий-ҳуқуқий ва фалсафий тафаккур синтези сифатида алоҳида эътибор қаратиш керак.

**Учинчидан**, биз Дантенинг ҳуқуқий тафаккурини яхлит ва тўла тасаввур этишимиз, яъни, биз «замонавийлик»ка киритишни хоҳлаганларни эмас, балки, унинг ўзи бизга таклиф этаётганини қабул қилишимиз зарур.

Бунда, агар биз қайта идрок этиш вазифаларидан четлашсак ҳам, шоир ижодини янгича англаш муқаррардир. Биз Данте асарларининг матнига олти юз йил давомида тўпланиб қолган, лекин инсониятнинг ХХI аср тарихий тажрибасига дахлдор бўлган, уни талқин этишнинг беҳисоб мисолларидан беҳабар бўлган замонавий китобхоннинг табиий саволлари билан ёндашадиган бўлсак, йўлнинг, масалан, бурилишгача бўлган қисмини кўриш мумкин бўлмаганидек, аввал ҳеч ҳам англаш мумкин бўлмаган нарсаларни пайқаймиз. Бундай манзара Данте «**Янги ҳаёт**»ининг сўнги сонетида «**янги идрок**» («**intelligenza nova**») деб атаган: схоластиклар «**зиёлилар**» деб атаган, Арши аълода фаришталар ўртасида ўз ўрнини эгаллашга шошиляётган, мушоҳада ва изтироблардан шаффофлашган янги руҳдир.

Шундай қилиб, биз олдимизга қўйган вазифа ниҳоятда камторона бўлганда ҳам ўзимизда ва классик адибларни анъанавий идрок этишимизда ўзгаришлар рўй беришига тайёр туришимиз керак. Мумтоз асарларда кўхналик ва навқиронлик сиймолари таажжубланарли тарзда уйғунлашади. Аслини олганда, бу классик асарларнинг асосий белгиларидан биридир. Адабиёт ва юриспруденциянинг «кичик» ижодлари бир марта ўқилганда, бир сиймода мужассамлашгандек туюлади. Буюк асарлар эса, ҳар бир авлод томонидан қайтадан мутолаа этилади, янгидан туғилади, янгидан кашф этилади. Хусусан, агар биз шунчаки Дантени янгича ўқишга ҳаракат қилсак, тарихий ёндашувга хиёнат қилмаймиз. Агар биз идрок этишнинг у ёки бу даражасига кўтарила оласак, янгиликни кашф этишимиз муқаррардир.

## **БИРИНЧИ БОБ**

### **ДАНТЕ – КОИНОТНИНГ БУЮК ФУҚАРОСИ (ҲАЁТИДАН ЛАВҲАЛАР)**

- Дантенинг оиласи, таваллуд топиши ва ўқувчилик йиллари
- Дантенинг сиёсий ва дипломатик фаолияти
- Дантенинг дарбадарликдаги ҳаёти
- Дантенинг вафоти ва ижодий меросини ўрганиш

## ДАНТЕНИНГ ОИЛАСИ, ТАВАЛЛУД ТОПИШИ ВА ЎҚУВЧИЛИК ЙИЛЛАРИ

Данте Алигъери 1265 йил 21 майдан 20 июнгача бўлган даврда Ғарбий Европанинг энг йирик марказларидан ҳисобланган Флоренцияда, унча бой бўлмаган аслзода **Алигъеро** (баъзи маълумотларга кўра, **Алагерио**) **ди Бэллинчионе** оиласида, Эгизаклар буржи остида дунёга келган. **Тўлиқ исми — Дуранте**. Аммо тақдир уни Данте номи билан бутун дунёга машхур қилган. Унинг **Франческо** исмли тутинган укаси ва икки синглиси бўлган.

Дантенинг ҳаётига оид маълумотларнинг аксарияти унинг ўз асарларида, шунингдек **Ж. Боккаччо, Бенвенуто, Л. Бруно** каби адибларнинг буюк замондошлари таржимаи ҳоли ҳақидаги муайян даражада ривоятлаштирилган манбаларда келтирилади. Данте «**Янги ҳаёт**» («**Vita Nuova**») ва «**Базм**»<sup>1</sup>да («**Convivio**») ўз ҳаёти билан боғлиқ воқеаларни рамз ва шаъмалар билан шунчалик чирмаб ташлаганки, сирли рақамлар, хаёлий тасаввурлар жумбоқларининг тагига етиш жуда мушкул. Дантега бағишланган асарлар сон-саноксиз эканлиги ва муттасил кўпайиб бораётганлигига қарамасдан, вақт ўтиши билан унинг таржимаи ҳолига тааллуқли маълумотлар камаймоқда: янги фактлар топилмаяпти, дастлабки дантешунослар буюк адиб ҳаёти ҳақида келтирган маълумотлар жиддий танқид остига олинмоқда.

XIII асрда Флоренция фуқароларининг туғилиши қайд қилинмаган. Шу сабабли, ҳеч бир муболағасиз, бутун жаҳон учун улус сана ҳисобланган ушбу таваллуд куни хусусида бевосита Дантенинг ўзидан, яъни, унинг энг машхур дурдона асари — «**Илоҳий комедия**»нинг («**Divina Comedia**») «**Жаннат**» қисмидаги **Йигирма иккинчи кўшиқдан** билиб олишимиз мумкин<sup>2</sup>.

Яна бир машхур италиялик адиб, умумжаҳон миқёсида эътироф этилган «**Декамерон**»нинг муаллифи, Дантенинг энг содиқ ихлосманди, ҳаёти ва ижодининг тадқиқотчиси **Жованни**

---

<sup>1</sup> «Convivio» («Пир») Фозила Сулаймонова томонидан «Зиёфат» деб таржима қилинган. Қаранг: Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб (Қадимий давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари). — Т.: «Ўзбекистон», 1997.

<sup>2</sup> Данте Алигери. Божественная комедия, 22-песня. (Перевод на рус. язык М. Лозинского) —Т., 2008. С. 501-506.

**Боккаччо**<sup>1</sup> Алигьерининг дўстларидан бири – **нотариус Пьеро Жардини**дан «Илоҳий комедия»нинг муаллифи май ойининг охирида дунёга келганлигини билиб олган.

Дантенинг туғилган йили **Жованни Виллани**нинг «**Солнома**» («**Хроника**»)сида тасдиғини топган<sup>2</sup>. Данте 1262 йил 25 мартда Сан Жованни черкови(баптистерияси)да чўқинтирилган. Флоренцияда мавжуд бўлган ўша даврдаги анъанага кўра чўқинтириш маросими чақалок таваллуд топганидан кейинги биринчи эҳтиросли шанбада ўтказилган. Яъни, бу маросим Данте туғилганидан деярли бир йил ўтгач ўтказилган<sup>3</sup>.

Ж. Виллани асарлари IX китоби 136-бобида Дантенинг бизгача етиб келган биринчи таржимаи холи келтирилган. Унинг «Хроника»си XII китоби 44-бобида Данте Флоренциянинг энг буюк фарзандларидан бири бўлганлиги, юртдошлари эса унинг кадрига етмай, дарбадарликда яшашга мажбур этганликлари қайд қилинган. Дантенинг Вилланига таъсирини «Илоҳий комедия»нинг «Дўзах» қисми 14-қўшиғининг «Хроника» – IV китоби бир неча боблари билан ҳамоҳанглигида кўриш мумкин. Виллани ўзининг асари VIII китоби 36-бобида худди Дантенинг «Илоҳий комедия»си «Жаннат» қисмининг 15-қўшиғидагидек Флоренция инқирозга юз тутишини башорат қилган<sup>4</sup>.

Дантенинг аждодлари ҳақида кўп нарса маълум эмас.

Айтишларича, Алигьери оиласи Флоренция шаҳрига асос солишга ва унинг қурилишига катта хисса қўшган кўхна римликларнинг **Элизей**лар сулоласидан келиб чиққан. Дантенинг бо-

---

<sup>1</sup> **Жованни Боккаччо (Giovanni Boccaccio) (1313 йил июнь-июль – 1375 йил 21 декабрь)** – италян гуманисти, ёзувчиси ва шоири, Европа Уйғониш даври адабиётининг йирик намояндаси, «**Данте Алигьери ҳаёти**» китобининг (тахминан 1360 йилда ёзилган) ҳамда «Илоҳий комедия»нинг 17 қўшиғига шарҳлар муаллифи.

<sup>2</sup> **Жованни Виллани (1274 -1348)** – флоренциялик йилномачи, тарихчи, давлат арбоби ва дипломат. XIV аср Флоренция маданиятининг энг машҳур асарларидан бири – «Янги хроника» («*Nuova Cronica*») муаллифи. В.И.Рутенбург: «Виллани ўрта асрлардаги Флоренциянинг сўнги тарихчиси ва, айни пайтда, янги даврнинг биринчи Флоренция тарихчиси дейиш мумкин», деб ёзган. Данте ва Виллани ижоди XIV аср Флоренция маданиятининг энг буюк асарлари ҳисобланади.

<sup>3</sup> Антонетти П. Повседневная жизнь Флоренции во времена Данте / Пер. с франц. и предисловие В.Д.Балакина. – М., 2004. С. 55-56.

<sup>4</sup> Қаранг: Джованни Виллани. Новая хроника или История Флоренции. – М.: Наука, 1997.

босининг отаси — **Каччагвида** ломбардлик **Альдигьери да Фонтана** оиласидаги нуфузли хонимга уйланган. «**Альдигьери**» исми вақт ўтиши билан «**Алигьери**»га айланган. Каччагвида ўғилларидан бирига шундай исм қўйилган. Флоренциялик ушбу сулоланинг кейинги авлодлари ҳам айнан шу ном билан аталган.

**Каччагвида — Данте ўз асарларида тилга олган ягона аждодидир.** Данте «Илохий комедия» саҳифаларида бобосининг отаси арвоҳи билан учрашганда бу шавкатли рицардан ўз ажлодлари номларини айтишни сўрайди, бироқ Каччагвида улар тўғрисида «сукут сақлаш» кифоялигини билдиради.

Каччагвида жасур жангчи бўлган, Император Конрад III ни ҳарбий юришлари пайтида кузатиб борган, рицарлик унвонига сазовор бўлган, жангда ҳалок бўлган.

**Дантенинг бобоси Беллинчионе** сиёсий курашда фаол иштирок этган. Беллинчионе Императорга қарши, Рим Папасининг тарафдори, яъни муросасиз **гвельф**<sup>1</sup> бўлган. У кўп марта **гибеллинлар**<sup>2</sup> томонидан Флоренциядан қувилган. Шундай бўлишига қарамасдан, у 1266 йилда, шаҳардаги ҳокимият гвельфлар қўлига ўтганидан сўнг она юртига қайтишга муваффақ бўлган.

Умуман олганда, буюк италян шоири Данте ҳаёти тўғрисида жуда кам далилий ва ашёвий маълумотлар сақланиб қолган. Айрим йилларда у қаерда, нима билан машғул бўлганлиги аниқ маълум эмас. Мавжуд маълумотларга ҳам тўла-тўқис ишониб бўлмайди: у вақтларда архив ҳужжатларига ҳозиргидек авайлаб муносабатда бўлинмаган. Афсуски, **бизгача Дантенинг ўз кўли билан ёзиб қолдирган бирор сатри етиб келмаган.**

Шундай бўлишига қарамасдан, ўша вақтларда сақланиб қолган жуда кам ҳужжатлардан ҳам Алигьерининг оиласи кўчмас мулк ва ерга эгалик қилганлигини билиб олиш мумкин. **Дантенинг отаси ҳуқуқшунос бўлган.** У оиласининг молиявий аҳво-

---

<sup>1</sup> *Гвельфлар* — Флоренцияда XII аср охирида пайдо бўлган сиёсий гуруҳ, назарий жиҳатдан улар Рим Папаси тарафдорлари бўлган, амалда эса Флоренция манфаатларини ифода этган. Қаранг: Вейфер Р. Данте. Роман. — М.: Армада, 1998. С.367.

<sup>2</sup> *Гибеллинлар* — Флоренцияда XII аср охирида пайдо бўлган сиёсий гуруҳ, назарий жиҳатдан улар Император тарафдорлари бўлган. Қаранг: Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб (Қадимий давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари). — Т. «Ўзбекистон», 1997. 347-348-бетлар; Вейфер Р. Данте. Роман. — М.: Армада, 1998. С.367.

лини бир оз бўлса-да, ўнглаш учун кўпинча судхўрлик (фоизга қарз бериш) билан пул ишлаб топишга мажбур бўлган.

**Дантенинг онаси — синьора Бэлла** бўлажак шоир 10 ёшга тўлмасданок, 1275 йилда вафот этган. Кўп ўтмай, 1283 йилда отаси ҳам ҳаёт билан видолашган.

**Дантенинг отаси — Алигьери II**, афтидан, сиёсий фаолият билан шуғулланмаган ва Флоренцияда яшаган. У фарзанди жуда ёш пайтидаёқ ҳаётдан кўз юмган бўлса ҳам ёш Данте учун яхши таълим олишига шароит яратиб беришга улгурган. Ўша даврда Флоренцияда болалар фақат бошланғич таълим оладиган мактаблар бўлган. Данте мактабда грамматика ва риторикани ўрганган. Бу Ўрта асрларда битилган лотинча матнларни эркин ўқий олиш имконини берган. Бундан ташқари, Данте тарих, дин, мантик, мусиқа, жуғрофия, астрономия ва бошқа табиий фанлардан муайян даражада хабардор бўлган. Лекин мактабда асосий фан — дин таълимоти бўлган. Диншунос ўқитувчилар нафақат Инжилни, балки Платон, Аристотель, Вергилий, Овидий, Стаций асарларини ҳам яхши билишган. Улар ўқувчиларни мушоҳада юриштирдан ҳам кўпроқ расо фикрлашга мохирлик билан ўргатганлар.

Данте олган тарбия шундай эдики, у онгдан ҳам кўпроқ тасаввурга озик берган, ҳаёллар уммонига ғарқ этган.

Данте ҳаётдан эрта кўз юмган онасини эсида сақлаб қолмаган, ўсмирлик пайтида эса, отасидан ҳам айрилган. У бирон марта туғилган уйи ва яқинларини ёдга олмаган, асарларида рафиқаси Жемма Донати, ўғил ва қизларини тилга олмаган. Дарбадарликда у қариндош ва яқинларини эмас, балки, Флоренциядаги Сан-Жовани черкови кўнғироқларининг жарангини эслаган, ўзига етказилган заҳматларни хотирлаган. Умуман, ўша даврларда моддий ва оилавий масалаларни овоза қилиш урф бўлмаган: оила — буткул шахсий, наслий, амалий иш ҳисобланган.

Бўлажак шоирни саводхонликка ким ўргатганлиги тўғрисида ишонарли маълумотлар сақланиб қолмаган. Алигьери оиласининг нотариусларда қайд этилган бир ҳужжатидагина «**ўғил болалар ўқитувчиси Романо**» тилга олинган. Эхтимол, у болани илм йўлига бошлаган биринчи устозидир. У Алигьери оиласига яқин кишилардан бири бўлганлиги аниқ.

Умуман олганда, Ўрта аср мактаблари ўқувчиларига кўп нар-

са бера олмаган<sup>1</sup>. Уша вақтларда Флоренцияда университет бўлмаган. Унинг ўрнини Дантени ўзи жуда эъзозлайдиган дўсти **Брунетто Латини** босган. **Брунетто касби бўйича ҳуқуқшунос – нотариус бўлган**, Флоренция коммунаси хужжатларини расмийлаштириб борган. Шу билан бирга, дипломатик вазифаларни ҳам кўп бор бажарган. Айни пайтда Брунетто Латини олим ва шоир, Франциянинг назмда битилган **«Ҳазиналар китоби»** қомуסי ва кўпгина итальянча асарлар муаллифи бўлган.

Данте ўзининг «Илоҳий комедия»си «Дўзах» қисмидаги ўн бешинчи кўшиқда устози Брунетто Латини билан Флоренция қисмати, зафар ва мағлубиятлари тўғрисида қурган суҳбатини келтирган:

**Энди аён бўлди мавҳум турган зот:  
Жизғанақ бандага келиб яқинроқ,  
Дедим: «Сэр Брунетто, сизмисиз, наҳот?»**

**У деди: «Афу эт мени, бўталоқ,  
Балки бошқаларни бир зум этиб тарқ,  
Хоҳласанг, лотинча дарс ўтсак озроқ»<sup>2</sup>.**

Нима учун ҳурматга сазовор шоир уни севувчи шогирд томонидан «Дўзах»га киритилгани тушунарли эмас, эҳтимол, одамларни билимлар уфқи ортига чорлаётганни маҳв этганлиги сабабига кўрадир. Шундай бўлса ҳам, Данте «боқий ҳаёт йўлини» «англатган, уқтирган» устоз – «кутлуғ номни» ёдга олади.

Брунетто Латинининг Флоренцияда ҳеч қандай мактаби бўлмаган. Шунинг учун у Дантенинг Романо каби оддий ўқитувчиси бўлиши мумкин. Лекин унинг бўлажак шоир машғулотларининг раҳбари, синчков, меҳрибон устоз бўлганлиги аниқ.

Дантенинг ўқувчилик йиллари, машғулотлари отасининг вафоти сабабли тезда тугаган. У мустақил билим эгаллашга ки-

---

<sup>1</sup> Антонети П. *Повседневная жизнь Флоренции во времена Данте / Пер. с франц. и предисловие В.Д. Балакина.* – М., 2004. С. 223-226.

<sup>2</sup> Данте Алигьери. *Илоҳий комедия. Дўзах / Русчадан Абдулла Орипов таржимаси.* – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 102-б; Данте Алигьери. *Илоҳий комедия. Дўзах. Абдулла Орипов таржимасининг қайта нашри / Нашрга тайёрловчи профессор Қаландар Абдурахмонов.* – Т., 2007. 87-б.

ришган. Данте кўлига қандай китоб тушса – улар асосан провансал ва француз тилларида битилган бўлган – ҳаммасини бир четдан ўқийверган. Флоренция шаҳри аҳолиси шимолдан келган бу меҳмонлар билан муттасил мулоқотда бўлганликлари сабабли улар ана шу ҳар икки тилни яхши билишган.

Данте француз ва провансал тилидаги китоблар орқали дунёқараши ва тафаккурини бойитган ва эҳтиросларини жунбушга келтирган сеҳрли дунё билан танишган. **Эдип, Фива, Троя, Энея тўғрисидаги ривоятлар, Овидийнинг «Метаморфоза» туркумлари, Искандар Зулқарнайн ва Цезарь, Буюк Карлга** тааллуқли тарихий воқеалар шулар жумласидан бўлган. У **«Атиргул тўғрисидаги роман»** дидактик шеърини, қофиялаштирилган француз қомуслари билан таниша бошлаган. Худди шу масалада Данте учун Брунетто Латини ёрдами ниҳоятда қимматли бўлган.

Брунетто Латини жуда ўқимишли киши бўлган. Унинг қомусий асарларида антик давр мутафаккирлари, Италия шаҳарлари, бу ердаги маданий ҳаёт тўғрисида жуда қизиқарли маълумотлар келтирилган. Брунеттонинг кенг дунёқараши бўлажак шоир кўп нарсаларнинг моҳиятини англаб етишида жуда қўл келган.

Шогирд ҳам устозидан қолишмас эди. Ўта иқтидорлилик, ақлнинг эрта чархланиши, ҳамма нарсани билишга бўлган жўшқин эҳтиёж ёш Дантенинг билимга чанқоклигини кучайтирган. Унда шеърятга қизиқиш жуда эрта уйғонган. Данте беҳисоб провансал шеърларини, асосан лирик асарларни тинмай мутолаа қилган. Провансал шеърятинг барча машхур намояндалари – **Арно Даниэль, Бертран де Борн, Гераут де Борнель** ва кўплаб бошқа шоирлар унинг учун кадрдон бўлиб қолган. Данте бир йўла Сицилия мактаби вакилларининг ижоди, итальян лирикасининг дастлабки намуналари, шунингдек флоренциялик биринчи шоирлар асарлари билан танишган<sup>1</sup>.

Данте биргина шеърятдан савод олиш билан чегараланмаган. Барча бадавлат, айниқса, дворян оилаларининг болалари

---

<sup>1</sup> Провансаль шеърини ва сицилия мактаби ҳақида батафсил қаранг: Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб (қадимий давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари). Т.: «Ўзбекистон», 1997. 348-349 б. Самарин Р. *Западноевропейская поэзия эпохи Возрождения // Европейские поэты Возрождения.* – М.: «Художественная литература», 1974. С. 5-26.



каби Данте расм чизиш ва мусикани ҳам ўрганган. Лекин бу санъат турлари унинг учун шеърят каби қадрли бўлмаган. Дантенинг ўзи ҳикоя қилишича, у Беатриче вафот этганига бир йил ўтгач, ўз махбубаси сиймосини жонлантириш мақсадида хурлиқо суратини чизган. Расм чизиш, мусиқа асбобларида куй чалиш уни рассом ҳам, мусикачи ҳам қилмаган бўлса-да, келгуси ижодига ўз таъсирини кўрсатмай қолмаган. «Илохий комедия» сатрларида тез-тез кўзга ташланадиган бадий буюклар – ҳар бир рангнинг энг нозик жилваларини фарқлай олиш, уйғунлик хиссиёти унинг ёшлик пайтидаги машғулотлари маҳсули бўлган.

Дантенинг тадқиқотчилари уни «**Ўрта асрнинг сўнгги шоири ва Янги даврнинг биринчи шоири**» деб атайдилар. Бу **Европа Уйғониш даври (Ренессанс)** билан боғлиқдир. Шу ўринда ҳатто мутахассислар – тарихчилар ва маданиятшунослар ҳам **Европа Уйғониш даври** қачон бошланганлиги ва қанча вақт давом этганлиги тўғрисидаги саволга ҳозиргача турлича жавоб бериб келаётганликларини эслатиб ўтиш жоиз. Бунинг бир қатор сабаблари бор. Жумладан, Италия учун Уйғониш даври XIV-XVI асрлар бўлса<sup>1</sup>, бошқа мамлакатларда у кейинроқ – XV аср охири ва XVI аср бошларида бошланган, деб ҳисобланади. Бундан ташқари, турли фан, маданият ва санъат соҳаларида, турли мамлакатларда Уйғониш даврининг бошланиш нуктаси турлича бўлган<sup>2</sup>.

Буюк италян шоирининг ихлосмандлари эса, Уйғониш даври тўққиз яшар Дантенинг ўз уйи деразасидан рўпарадаги қўшни хонадонда жажжигина **Биче** исмли қизалоққа нигоҳи тушган ондан бошланган деб айтишади. Бунда ўзига хос рамзий маъно бор. Навқирон Данте сонетлар ва насрий лавҳалардан иборат «**Янги ҳаёт**» («**Vita Nuova**») тўпламида (1292 йил ёки 1293 йилнинг бошида ёзилган) ўзининг ана шу Биче – гўзалликда танҳо, малойикалардан-да лобар Беатричегга оташин мухаббатини куйлаган.

Жованни Бокаччонинг гувоҳлик беришича, **Беатриче** бойбадавлат ва ўта нуфузли Фолько Портинарининг қизи бўлган.

---

<sup>1</sup> Антонети П. Повседневная жизнь Флоренции во времена Данте / Пер. с франц. и предисловие В.Д.Балакина. – М., 2004. С. 223-254.

<sup>2</sup> Қаранг: Самарин Р. Западноевропейская поэзия эпохи Возрождения / Европейские поэты Возрождения. – М.: «Художественная литература», 1974. С. 5-26.

Данте илк бор уни кўрганида қизалоқ 8 ёшда бўлган. Кейинчалик Беатриче флоренциялик катта сармоядорлар оиласидан бўлган Симони де Бардига турмушга чиққан. Аммо Беатриче 1290 йилнинг июнида, жуда эрта – 24 ёшида вафот этган.


Ҳақиқатан ҳам, Данте ҳаётидаги туб бурилиш нуқталари – унинг Беатриче билан учрашуви ва маҳбубасининг барвақт вафот этишидир. Агар **Биче Портинари** бўлмаганида, бошқа Данте, эҳтимол, «янги ёқимли услуб»нинг<sup>1</sup> яна бир шоир – трубадури, балки, даҳо, аммо «Янги ҳаёт» ва «Илоҳий комедия» муаллифи бўлмаган даҳо бўлиши мумкин эди. Яқин кишининг вафот этиши ҳамма вақт ҳаётда энг ларзали кунлардир, нозик ҳисли шоир учун эса, кўкларга кўтарган маҳбубасининг ўлими мангулик сир-синоатидан воқиф бўлиш, ҳаёт ва ўлим фалсафасини идрок этиш, ҳаётни ўлим орқали англашдир. Даҳоликнинг аёл билан фожиали муносабатлар орқали шаклланишига кўпгина мисоллар бор: **Сковорода, С. Киркьегор, Ф. Кафка**. Данте эса, муҳаббат шоирининг мутафаккир шоирга, руҳшунос шоирга, башоратчи шоирга айланишининг ягона холидир.

Данте «**Янги ҳаёт**»даги муҳаббат лирикасидан воз кечар экан, «**Базм**»да Беатриче вафотидан сўнг Арши аълога яқинлашишга интилиб, танҳоликда фалсафий машғулотларга берилгани, оддий муҳаббатдан илоҳий муҳаббатга, Ердаги Беатричедан Арши аълодаги Беатричегга, Дилбар Маҳбубадан Фалсафа Маликасига юксалганлигини ёзган.

Шундай бўлишига қарамасдан, калбини Жаннат ёритган шоир Беатричегга бўлган буюк муҳаббатига содиқ қолган: «**Собиқ севгим руҳи жозибани ҳис этди**», «**Менинг қонимни хотиралар ҳаяжони кўпиртиради, ўтмишдаги аланга изларини танияпман**». Унинг бошқа маҳбубалари ҳам бўлган, уларнинг кўпларига севги изҳор қилинган шеърлар битган, бироқ ҳаётидаги ва Жаннатдаги йўл бошловчиси – «Қизил либосдаги қизча» бўлган.

«**Янги ҳаёт**» тўплами Данте номини машҳур қилган **асардир**. Бу асар инсон қалбининг улуғ муҳаббати ва чексиз қайғуси тўғрисида ниҳоятда жўшқин ва самимийлик, эҳтирос ва

<sup>1</sup> «Янги ёқимли услуб» ҳақида қаранг: Сулаймонова Ф. Шарҳ ва Фарб (Қадимий давр ва ўрта асрлар маданият алоқалари) – Т.: «ЎзбекҶмён», 1997. 349 – 352-б.



илҳом билан битилган китоб сифатида жаҳон адабиёти хазина-сидан муносиб ўрин олган.

1277 йилда Алигъерининг отаси ўғлининг келажаги тўғрисида ғамхўрлик қилиш пайти келди деб ҳисоблаган ва унинг никоҳини ҳал қилишга киришган. **Ўша вақтларда фарзандларни жуда ёшлик пайтидаёқ никоҳдан ўтказиш ҳамда никоҳ шартномасига ўхшаш ҳужжатни расмийлаштириш ода-тий ҳол ҳисобланган<sup>1</sup>.**

Дантега унаштирилган қиз – **Жемма ди Монетто Донати** флоренциялик жуда нуфузли аристократлар оиласидан бўлган. Узоқ вақт давомида икки ёшнинг тўйи Беатриче вафотидан кейинок, 1295 йилда бўлган, деб ҳисоблаб келинган. Аммо бу никоҳ мазкур санадан ўн йил муқаддам – 1285 йилда бўлган, деб ҳисоблаш учун ҳамма асослар бор. Бу оилада уч ўғил – **Пьетро, Якопо ва Иоанн ҳамда Антонио исмли қиз** дунёга келган. Шуни айтиш керакки, **Жемма номи ёки унга бағишланган сатрларни Данте асарларида учратмайсиз.** Дантенинг Жемма билан муносабатлари асрлар пардаси билан тўсилган. Афтидан буюк инсонлар шахсий ҳаёти тафсилотларига муносабат шундай бўлгани маъқул, чунки бу икир-чикирларга бурнини суқишга интиладиганлар истаганча топилади.

Ўн саккиз ёшида Данте ўз оиласига бош бўлиш, икки опа-синглиси ва **укаси Франческо**ни боқишни зиммасига олишига тўғри келган. Унинг опа-сингилларидан бирининг исми бизгача сақланиб қолган. Уни **Тана (Гаэтана)** деб аташган. Опа-сингиллардан иккинчиси эса, Флоренция коммунасининг герольди Леоне ди Пожога турмушга чиққанлиги маълум. Бу оилада туғилган ўғил, яъни Дантенинг жияни Андреа ди Пожо Боккаччо билан таниш бўлган ва унга ўз оиласи тўғрисида кўп нарсаларни хикоя қилиб берганлиги тахмин қилинади.

Дантенинг маълумоти тўғрисида бирор ишонарли ҳужжат сақланиб қолмаган. Лекин шоирнинг илк асарларидан бири – «Янги ҳаёт»дан у **Вергилий, Лукан, Гораций, Овидий** каби антик ижодкорлар ҳамда диний адабиётлар билан таниш бўлганлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

**Данте Болоньядаги ҳуқуқшунослик мактабида**

---

<sup>1</sup> Антонети П. Повседневная жизнь Флоренции во времена Данте / Пер. с франц. и предисловие В.Д. Балакина. – М., 2004. С.52-59.

**хуқуқий таълим олган.** Мактаб хуқуқшунослик факультетининг мажбурий ўқув дастурига Юстиниан, Дигест кодекслари, Рим декретларини, шунингдек Абу Али ибн Сино ва Галеннинг тиббиётга оид асарларини ўрганиш киритилган. Таълимни охирига етказмаган хуқуқшунос шеърларида университетда ўтилган фанларга тааллуқли мисралар учрайди. **Дантенинг империя концепцияси у томонидан Рим хуқуқини ўрганиши натижасида шаклланган дейишга, фикримизча, тўла асослар бор.**

Номаълум сабабларга кўра, Данте Болонья университетининг юридик факультетини тугалламаган ва юриспруденция бўйича илмий даража олмаган. Эҳтимол, отасининг ўлиmidан сўнг у оилада тўнғич фарзанд бўлгани сабабли хўжаликни бошқариш зарурати Дантени Болоньядан уйга қайтиб келишига мажбур қилгандир.

Данте Болоньяда машхур хуқуқшунос ва шоир **Чино да Пистойя, «Янги ёқимли услуб» (dolce stil nuovo – «дольче стиль нуово»)** асосчиси **Гвидо Гвиницелли<sup>1</sup>** билан танишган. Мазкур усул Флоренцияда кенг оммалашган. Бу ерда **Гвидо Кавальканти<sup>2</sup>** бошчилигида алоҳида шеърят мактаби таркиб топган. Шу сабабли Дантенинг ижодида мазкур «Янги ёқимли услуб» йўналишининг энг ёрқин намояндалари бўлган **Лапо Жанни, Жанни Альфани** ҳамда **Гвидо Кавальканти**нинг таъсири сезилиб туриши табиийдир. Данте бу уч сўз – «янги ёқимли услуб»ни тасавурида Бонажунта Орбиччани билан «Аъроф»да учрашуви пайтида унинг тили орқали ифода этган.

**«Янги ёқимли услуб»**нинг асосий хусусиятлари – шеърнинг ниҳоятда уйғунлиги, хис-эҳтирослар энг нозик қирраларининг акс этиши, файласуфлар ва мутафаккирлар ижодига мурожаатдан иборат бўлган. Ўша даврларгача бадий асар ёки илмий иш фақат латин тилида битилиши мумкин, **халқ тили – «volgare» (вульгар)** – бунга яроқсиз деб ҳисоблаб келинган. Бундан ташқари, Аппенин ярим оролидаги лаҳжалар бир-бири-

---

<sup>1</sup> **Гвидо Гвиницелли (1240-1276)** – Болоньялик шоир, Дантенинг устози. Данте уни ўзининг «Илоҳий комедияси»да «отам» деб атаган. Қаранг: Сулаймонова Ф. Шарҳ ва Фарб. (Қадимий давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари) – Т.: «Ўзбекистон», 1997. 349-б.

<sup>2</sup> **Гвидо Кавальканти (1259 йил атрофида – 1300)** – файласуф ва шоир, Дантенинг энг яқин дўсти. Қаранг: Вейфер Р. Данте. Роман. – М.: Армада, 1998. С.366.

дан шу қадар фарқ қилар эдики (улар ҳозиргача шундай фарқ қилади), кўп ҳолларда Италия жанубидагилар шимолдагилар нима деяётганини тушунмас эдилар. «Янги мактаб» халқнинг жарангдор мусиқий тили сонетлар ва илмий ишларнинг тили бўлиши мумкинлигини исботлаган. Бунинг энг ёрқин намунаси сифатида Дантенинг лотин тилида битилган **«Халқ тили тўғрисида»**<sup>1</sup> ги ҳамда итальянча халқ тилида ёзилган биринчи фалсафий наср намунаси — **«Базм»**<sup>2</sup> асарларини келтириш мумкин.

Шунинг учун **бугунги кунда буюк Дантенинг «Илоҳий комедия»си ва бошқа кўпгина асарлари битилган Флоренция шеваси расмий, «энг соф» итальянча тил деб эътироф этилганлиги адолатли ва қонунийдир.**

Шимолий Италияда шаклланган ҳақиқий шеърят мактаби «Янги ёқимли услуб»нинг икки ўзига хос хусусияти мавжуд. Биринчи хусусияти шундаки, ушбу адабий услубнинг келиб чиқиши Испаниядаги араб шеърятига бориб тақалади. Француз шарқшуноси Л. Масиньон таъкидлаганидек, «қофия Фарбда тўлик равишда фақат «Янги ёқимли услуб»да намоён бўлган. Бу санъат XII асрда мусулмонлар билан алоқада бўлган минтақа, яъни Ўрта ер денгизи соҳиллари: Прованс, Катанония, Галисия ва Сеталияда бирдан пайдо бўлди, бу фикр тўлик исботланган<sup>3</sup>.

«Янги ёқимли услуб»нинг иккинчи хусусияти шеърятнинг илм-фан, фалсафага биноан боғлиқлиги бўлган. Лотин аввероизмининг таъсири адабиётга ҳам ўтган, натижада илмий, фалсафий шеърят вужудга келган, шеърнинг фалсафийлиги кучайган. Бунда тасаввуф таълимотининг таъсири ҳам катта бўлган.

Данте «Янги ёқимли услуб»ни адабий мактаб даражасига кўтарган ҳамда ишқий шеърятнинг ажойиб дурдоналарини яратган.

---

<sup>1</sup> **«Халқ тили тўғрисида»** («*De Vulgari eloquentia*») — лотин тилида ёзилган, итальян тили табиати ҳамда шеърят ва шеъринг жанрлар чуқур таҳлил этилган, икки китобдан иборат, тугалланмаган, унча омма-лашмаган, бизгача уч рўйхатда етиб келган трактат. Қаранг: Дживелегов А.К. Данте Алигьери. Жизнь и творчество // [http:// az.lib.ru](http://az.lib.ru).

<sup>2</sup> **«Базм»** («*Convivio*») — итальян халқ тили ҳимоясига бағишланган трактат. Данте режасига кўра у 14 йирик насрий рисоладан иборат бўлиши керак эди. Лекин у 4 рисола билан чегараланган. Қаранг: Сулаймонова Ф. Шарқ ва Фарб. Қадимий давр ва ўрта асрлар мадания алоқалари — Т.: «Ўзбекистон», 1997. 358-б. Вейфер Р. Данте. Роман. — М.: Армада, 1998. С.371.

<sup>3</sup> Масиньон Л. Методы художественного выражения у мусульманских народов // *Арабская средневековая культура и литература*. — М., 1978. С.59.

## ДАНТЕНИНГ СИЁСИЙ ВА ДИПЛОМАТИК ФАОЛИЯТИ

Данте ҳаёти ва ижодиёти унинг ватанидаги сиёсий вазият билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги<sup>1</sup> сабабли Италиянинг XIII асрдаги ижтимоий-сиёсий тизими ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш лозим. Мамлакат бу даврда кўплаб кичик-кичик феодал давлат-чаларга парчаланиб кетган. Шаҳар – коммуналар ҳам улар қаторига кирган. Бу мўъжаз давлатчалар устидан олий ҳокимиятни қўлга киритиш учун Рим Папаси, Муқаддас Рим империясининг (унинг таркибига асосан Германия худудлари кирган) Императори ва Франция Қироли муросасиз кураш олиб борган. Мазкур кескин сиёсий кураш жараёни Италия аҳолисини тарафкашликка – турли сиёсий оқимларга бўлиб юборган. Шу даврда мамлакатни яхлит бир давлат шаклига келтириш учун кураш бошланган.

Флоренция ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнаган савдогарлар асосан католик Франция билан савдо-сотик қилган. Бу шаҳардаги катта банкларга эгалик қилувчи нуфузли оилалар ҳам шу қироллик билан қалин алоқада бўлганлар. Шу сабабли Флоренциянинг савдо доиралари «гвельфлар» оқими тарафдорлари бўлган. Акс ҳолда улар Рим Папаси томонидан черковдан қувилиши, шу билан бирга Франция билан ўрнатилган алоқаларни йўқотиши муқаррар бўлган<sup>2</sup>.

Дантенинг уйланиши унга кўп уқубатлар келтирган ижтимоий-сиёсий фаолиятининг бошланишига тўғри келган. Такдир фожиаси ва ижод эҳтироси ўзаро боғлиқ. Эҳтимол, агар даҳо бахтли бўлганида, унинг даҳолиги намоён бўлиши қийин кечмасмиди? Даҳолар кўпчилиги иблиснинг у ёки бу тамғасига эга эканлиги шу сабабли эмасмикин?

**Данте 1295 йилдан бошлаб фаол сиёсий фаолият билан шуғуллана бошлаган.** Бу пайтда у куч-қувватга тўла, забардаст бўлган. Биргина шеърий ва фалсафа уни қаноатлантира олмаган, майшатбозликни эса унчалик хуш кўрмаган. Флоренция ўша вақтда Европанинг энг бой шаҳри, сиёсий, иқтисодий ва

---

<sup>1</sup> Сулаймонова Ф. *Шарқ ва Ғарб. Қадимий давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари* – Т.: «Ўзбекистон», 1997. 348-б.

<sup>2</sup> Антонети П. *Повседневная жизнь Флоренции во времена Данте / Пер. с франц. и предисловие В.Д. Балакина.* – М., 2004. С.169-170.

ижтимоий соҳаларда тажриба ўтказиладиган ўзига хос лаборатория вазифасини ўтаган. Шаҳар эҳтирослар бўҳронида бўлган, бу ерда қаҳрамонлик ва сотқинликка, шухрат ва тубанликка, муҳаббат ва нафратга, ўта бадавлатлик ва қашшоқликка дуч келиш мумкин бўлган.

Дворянлар сиёсий фаолият билан шуғулланиш учун Флоренцияда мавжуд бўлган 12 та цехдан<sup>1</sup> бирига аъзо бўлиши керак бўлган. Ўша вақтда Флоренция Республикасида амалдаги қонунчиликка мувофиқ сиёсий фаолият билан шуғулланишга фақат 12 цехдан (7 та катта ва 5 та ўрта) бирининг аъзоси бўлганларга рухсат берилган. Бундай фуқароларга ўз байроқдорига эга бўлиш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини химоя қиладиган қуролли гуруҳлар ташкил этишга рухсат берилган. Данте дворянларга ҳам халқ магистратларида иштирок этишга берилган ижозатдан фойдаланиб (бунда дворянлар расман қайсидир бир ҳунармандлар цехи, бошқа касб-кор эгалари гильдияси ёки корпорациясига аъзо бўлишлари керак бўлган) табиблар ҳамда гиёҳлар билан даволовчилар цехига расман аъзо бўлиб кирган. Данте бу цехга **«штатдаги файласуф»** сифатида қабул қилинганлиги тахмин қилинади.

**Дантенинг олтинчи — табиблар ва доришунослар катта цехини танлаганлиги бежиз бўлмаган.** Бу цехга ана шу икки касб эгаларидан ташқари китоб билан савдо қилувчилар ва рассомлар ҳам қабул қилинган. Буни унинг ҳужжатларида **Данте Алигъери, Флоренция шоири (Dante d» Aldighieri degli Aldighieii, Poeta Fiorentino)** деб қайд қилинганлигидан би-лиш мумкин.

**Адибнинг сиёсий фаолияти Подеста<sup>2</sup> Кенгашига аъзо бўлиб сайланишдан бошланган.** Данте Алигъери молиявий жиҳатдан мураккаб шароитда бўлишига қарамасдан (қарз олганлиги тўғрисидаги беҳисоб тилхатлар шундан далолат беради) жуда қисқа муддатда сиёсий лавозим пиллапояларидан ниҳоятда тез кўтарилиб борган. У **Халқ капитани<sup>3</sup>** ҳузуридаги **Алоҳида халқ кенгашида иштирок этган.** 1295 йил у **Приорлар-**

---

<sup>1</sup> Қаранг: Вейфер Р. Данте. Роман. — М.: Армада, 1998. С.367.

<sup>2</sup> **Подеста** — XIII асрда Флоренция ижроия ҳокимияти. Қаранг: Вейфер Р. Данте. Роман. — М.: Армада, 1998. С.369.

<sup>3</sup> **Халқ капитани** — республика қуролли кучларининг қўмондониди, бошқа юртлик бўлган. Унга, шунингдек шаҳарнинг оддий фуқаролари ҳам бўйсунган. Қаранг: Вейфер Р. Данте. Роман. — М.: Армада, 1998. С.369.

ни<sup>1</sup> сайлашни муҳокама қилиш учун **Оқсоқоллар кенгаши** — **Savi («Донолар»)** га сайланган.

1282 йилда Флоренцияда биринчи **Конституция** ўрнига **«Адолатни ўрнатиш» («Ordinamenti di qiustizca»)**<sup>2</sup> қабул қилиниб, бу ҳужжатга мувофиқ республикага раҳбарлик гвельфлар ва гибеллинлар партияси қўлидан Приорларга (улар цехлар раҳбарлари, консуллар бўлган) ўтган. Приорлар ёки синьорлар ҳукумат аъзолари ҳисобланган.

1296 йилда Данте **«Юзлар кенгаши»**<sup>3</sup> га кирган 1300 йил 15 июнидан 15 августигача у етти нафар **Приордан (ҳукумат аъзосидан)** бири бўлган.

Бу вақтда Флоренцияда дворянлар билан пополанлар ўртасида мурасасиз сиёсий кураш авжига чиққан. 1295 йилгача Дантенинг сиёсий қарашлари аниқ ва тизимли бўлмаган. У келиб чиқиши дворян бўлган. Рафиқаси ҳам ана шу тоифадан бўлган. Кўпчилик Данте дворянлар сафига қўшилмаганда ҳам ҳеч бўлмаганда бетарафликни афзал кўради деб ўйлаган. У эса, буни хохламаган. Дантенинг пополанлар сафига қўшилганлиги унинг ниҳоятда ижтимоий ҳалоллигини кўрсатади. У кадрдон шахри учун таҳликали кунларда четда туришни ўзига эп кўрмаган, ўзининг «Илоҳий комедия»сида устози Вергилий тили билан айтгандек «шухратсиз, орсиз, номуссиз» бўлмасдан, аксинча юртининг тақдири учун маъсулиятни энг фаол фуқаролар билан биргаликда зиммасига олишни хоҳлаган:

**Устозим дедики: «Бир қавм бордир,  
Билар у на шухрат, на ор, на номус.  
Шундоқ яшаб ўтган, юзсиз, беордир...**

**Уларни маҳв этди само газабкор,  
Қабул айламагай Дўзах ҳам ҳатто,  
Топмагай ҳаттоки куфри эътибор<sup>4</sup>.**

<sup>1</sup> Қаранг: Вейфер Р. Данте. Роман. — М.: Армада, 1998. С.369.

<sup>2</sup> Қаранг: Вейфер Р. Данте. Роман. — М.: Армада, 1998. С.369.

<sup>3</sup> **«Юзлар кенгаши»** — Венеция Республикасининг молиявий ишларига раҳбарлик қилган. Қаранг: Вейфер Р. Данте. Роман. — М.: Армада, 1998. 368-б.

<sup>4</sup> Данте Алигъери. Илоҳий комедия. Дўзах / Русчадан Абдулла Орипов таржимаси. — Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 24-б.



Шуни айтиш керакки, Флоренция аввал бошдан «**Гвельф лигаси**» деб аталадиган уюшма етакчиси бўлган. Бу лигага шунингдек Лукка, Пистойя, Прато, Сан Миниато, Сан Жиминиано, Вольтерра, Пожибонси, Колле ҳам кирган. Ушбу шаҳарлар қудрати билан Тосканода тинчликни сақлаб туришга муваффақ бўлинган.

Данте сиёсий фаолиятига киришган пайтида «Гвельф лигаси» янги ҳарбий қўмондонининг сайлови ўтказиладиган бўлган. Шу сабабли Флоренциядан турли шаҳарларга ишончли кишилар жўнатилган. Бу вакиллар «Гвельфлар лига»сига кирувчи шаҳарлардан номзодларни сайловда қатнашишга таклиф этиш баҳонасида уларнинг Флоренция билан алоқасини мустаҳкамлаш ҳамда дворянлар ва Папа томонидан эҳтимол тутилган иғволарга учмасликни огоҳлантириш мақсади кўзланган. Бу жуда қийин вазифа бўлган. Чунки Флоренциядан юборилган ишончли вакиллар амалда Папага қаршилигини ошқор қилиб қўйган. Сан Жиминианога Данте Алигьери дипломатик вакил қилиб жўнатилган.

Бу маъсулиятли дипломатик вазифага қадар Данте «Юзлар кенгаши»да фаоллигини кўрсатган, 1297 йилда у беш кенгашдан бирининг аъзоси бўлган. Бу вақтларда у жамиятда шу қадар катта нуфузга эга эдики, **Ж. Боккаччонинг эътироф этишича, элчиларни қабул қилиш ёки жўнатиш, қонун қабул қилиш ёки уни бекор қилиш, уруш эълон қилиш ёки сулҳ тузиш – хуллас бирор муҳим масала ҳал қилиниши зарур бўлса, энг аввало Дантенинг бу хусусдаги фикрини сўрашган.** Ўша вақтларда Флоренция фақат унга ишонган, фақат унга умид қилган деб айтиш мумкин бўлган<sup>1</sup>.

Жованни Виллани ва Леонардо Бруни ҳам Ж. Боккаччонинг Дантенинг таржимаи ҳолига доир бу маълумотларини тасдиқлаган. Хусусан, Ж. Виллани «**У (Данте) шаҳарнинг энг муҳим маъмурларидан бири бўлган**» деб таъкидлаган. Л.Бруни ўзининг лотинча «**Янги солнома ёки Флоренция тарихи**» асарида: «**У ақли ва сўзамоллиги билан дўстлари орасида ажралиб туриши сабабли улар унинг иродаси билан**

---

<sup>1</sup> Боккаччо Дж. Жизнь Данте. Малые произведения. Сборник / Пер. с итал. Томашевского. – М.: Художественная литература, 1975.

**ҳисоблашишган ва фақат унинг кўрсатмаларини бажаришган»<sup>1</sup>** деб қайд қилган.

Мазкур ишонарли маълумотлар Сан Жиминианога чиндан ҳам Флоренция ҳукумати аъзоларидан бири йўл олганлигини англатган. Бу шаҳарда ҳозир ҳам «**Данте зали**» муқаддас жой сифатида сақлаб келинади. 1300 йил 7 майда шоир ана шу Подеста мажлислар залида маҳаллий кенгаш аъзолари олдида нутқ сўзлаб, Флоренцияга «Гвельфлар лига»сининг янги кўмондонини сайлаш учун делегатлар юборишга тарғиб қилган. У Флоренция номзоди, санманиатолик барон деи Манжадори учун овоз беришга чақирган.

Данте дипломатик топшириқни бажариб, Флоренцияга қайтиб келган ва бир ойдан кейин – 1300 йил 15 июнда **Приорлар ҳайъати** аъзоларидан бири этиб сайланган. Приорлар янги ҳайъати олдида жуда мураккаб вазифа турган. Флоренцияда бу вақтда сиёсий вазият ниҳоятда мураккаб тус олган. Шаҳарда ҳокимият пополанлар томонида бўлса, дворянлар манфаатларини Папа ҳимоя қилган.

1300 йил бошида Папага яқин бўлган бир неча кишига сиёсий ифвогарлик учун жуда катта миқдорда жарима солинган. Аммо улар бу вақтда Флоренцияда бўлмаганликлари сабабли жарима тўлаш учун шаҳарга келишни ҳохлашмаган. Шу сабабли улар шаҳардан қувғин қилинган ҳисобланган. Папа қатъий равишда бу қарорни бекор қилишни талаб этган. Аммо 1300 йил 15 апрелда иш бошлаган Приорлар ҳайъатининг аъзолари суд қарорини тасдиқлаган<sup>2</sup>.

Дворянлар бундан ниҳоятда дарғазаб бўлишган. Улар шаҳарда исён кўтаришни режалаштирган. Бу билан улар ҳокимиятни қўлга олишмоқчи бўлишган, лекин дворянларнинг бу режалари ошкор бўлиб, Приорлар уларни янада оғирроқ жазоларга маҳкум этишган. Исёнчиларнинг йўлбошчиси ўлим жазосига ҳукм қилинган. Унинг барча кўчмас мулкини хонавайрон қилиш ва барча кўчар мулкини мусодара қилиш қарори қабул қилинган. Бундан ташқари, бир қатор исёнчилар қувғин қилинган.

---

<sup>1</sup> Джованни Виллани. *Новая хроника или История Флоренции*. – М.: Наука, 1997.

<sup>2</sup> Антонети П. *Повседневная жизнь Флоренции во времена Данте* / Пер. с франц. и предисловие В.Д.Балакина. – М., 2004. С.101-115.

Папа Флоренциядаги бундай мурасасиз сиёсий ракобатни юмшатиш ва тинчлик ўрнатиш мақсадида кардинал Маттео Акваспартни шаҳарга махсус дипломатик вакил сифатида жўнатган. У бу ерга 1300 йил июнь ойи бошида етиб келган ва Папа номидан Приорларга чиқарилган барча ҳукмларини бекор қилишни талаб қилган. Лекин Приорлар ҳайъати аъзолари ўзларининг қонунда белгиланган икки ойлик муддати тугашидан аввал (15 июнгача) махсус комиссия тузиб, Папа шаҳар одил судловига аралашиши учун бирор ҳуқуққа эга эмаслиги тўғрисида қарор чиқартиришга муваффақ бўлишган. Бу Папа билан кескин ва жуда хавфли юзма-юз кураш бошланишини англатган.

Кардинал Акваспарт бу вақтда ҳали ҳам шаҳарда бўлган. Унда мақсадига эришмасдан, яъни Флоренция ҳукуматини ўз ҳукмини бекор қилишга мажбур қилмасдан шаҳардан кетиш нияти бўлмаган. Кардинал мунтазам равишда дворянларни шаҳар ҳокимияти ва пополанларга қарши курашга ундаб турган.

1289 йил Данте ҳаётида жуда кўп воқеалар юз берган. Карл I 1284 йилда вафот этган. Тахтга ўтирган унинг ўғли мухожирдаги гибеллинларнинг ифвосига учиб, Флоренцияга қарши уруш бошлаган. Шаҳар фуқароларини ўз байроғи остига тўплаган. Данте Вьери де Черки томонидан ўз мавзесидаги буржуалар орасидан йиққан 150 суворийдан иборат отрядга қўшилган. Бу отряд биринчи бўлиб душманга ташланишга ва биринчи бўлиб унинг зарбасини қабул қилишга тайёр турган. Аммо жанг такдирини пистирмада турган Корсо Донати отряди ҳал қилган. Улар душманга қўққисдан ҳужум қилиб, шу тариқа кейинчалик унинг энг ашаддий душманига айланадиган **Вьери де Черки**<sup>1</sup> ва ўзининг бўлажак қурбони Данте Алигьерини муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолган. Вьери де Черки – Оқ гвельфлар етакчиси, оддий халқ ичидан чиққан. У Флоренциянинг энг бадавлат фуқароси бўлишига, зодагонларча турмуш кечиришига қарамасдан, оддий халққа қайишган. Флоренция зодагонларининг муайян қисми ҳам Черки тарафдорлари қаторида бўлган.

Аммо **Дантенинг эътирофича, Флоренциядаги Приор – ҳукумат аъзоси лавозими унинг мансаб поғонасидаги чўққиси, аynи пайтда «барча кулфатларининг муқаддими» бўлган.** Чунки шу даврда Флоренция икки қарама-қар-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Вейфер Р. Данте. Роман. – М.: Армада, 1998. С.368.

ни сиёсий кучларнинг мурасасиз кураш майдонига айланган. Ёзувчи гвельфларнинг иккига — «Оклар» ва «Қоралар»га ажраб кетиши сабаб бўлган. Данте тарафдори бўлган, савдогар Вьери де Черки оиласи томонидан бошқарилаётган Оклар ўз атрофида оддий халқ ва кўпгина собиқ гибеллинларни бирлаштирган. Даниати (Дантенинг рафиқаси ана шу сулоладан бўлган) бошчилигидаги Қоралар номдор дворянлар ва зодагонлар ҳақ-хуқуқларини химоя қилишган.

Бу икки гуруҳ ўзларини гвельфлар деб номласалар ҳам улар ўртасидаги тафовут жуда катта бўлган. Қоралар Рим Папаси, Неаполь ва Франция қиролларининг қўллаб-қувватлашларига таянишган. Оклар эса айни пайтда жуда асосли равишда Папа Флоренцияни ўз тасарруфидаги ерларга қўшиб олишга интилади деб ҳисоблашган. Улар Неаполь ва Парижга ҳам ишонқирамай қарашган.

Флоренциядаги ижтимоий ва сиёсий кучлар мувозанати мутасил ўзгариб турган. Гвельфлар партиясининг ўзаги ва улар бошида турган банк капитали Папага қарши бўлган ҳамда гибеллинлар билан мурасага келишишга интилишган. Гибеллин дворянларнинг авлодлари ҳам банк капитали томонидан бошқариб борилган ва Папанинг содиқ тарафдорлари бўлган. Сиёсий вазият бу курашда асосий куч капитал бўлганлигидан далолат берган. Капитал эгалари орасида ҳам тарафкашлик бўлган ва бу қарама-қарши туришларга бошқа ижтимоий гуруҳлар жалб этилган.

Шу тариқа 1300 йил баҳорида гвельфлар икки: ҳокимиятни қўлларига олган **«Оклар пополанлар гуруҳи»** ҳамда **«Қора гвельфлар»** — Папа тарафдорлари бўлган дворянлар гуруҳига бўлинган.

1300 йил 15 августда Данте аъзо бўлган Приорлар ҳайъатининг ваколати тугаган. Кардинал Акваспарта ҳайъатнинг янги аъзоларига учинчи мартаба тасдиқланган ҳукми бекор қилиш талабини қўйган. Янги ҳайъат аъзолари бу сафар ҳам Папага бўйсунитдан бош тортишган. Тоқати тоқ бўлган Папа кардиналга унинг буйруғини инкор этаётганларга қарши қатъий чора кўришни талаб этган. Натижада кардинал Акваспарта Подеста, «Халқ капитани», Приорлар, Гонфалоньер, барча Кенгашлар аъзоларини черковдан бадарға қилган. Бу шаҳарнинг барча фуқаролари қонундан ташқарида бўлишларини англаган. Маз-

кур фатво – **интердикт**<sup>1</sup> ҳар бир флоренциялик такводор мулкини талон-тарож қилиш ва ўзини эса ўлдириш мумкинлигини англатган. Қарздорлар интердиктга дучор бўлганлардан олган қарзларини тўламасликлари, шаҳар фуқароларининг бошқа юртлардаги моллари ҳам мусодара қилинавериши мумкин бўлган.

Шунинг учун «Оқ гвельфлар» Папа бу жазони бекор қилиши учун қандай чора кўриш ҳақида ўйлай бошлаганлар. 1300 йил 11 ноябрда Флоренция ва у билан Гвельф окимига бирлашган иттифоқдош шаҳарларнинг вакиллари Папа томонидан қабул қилинган. Улар Папанинг бошмоғини ўпишган, узр сўрашган ва авф этишини ўтиниб сўрашган. Папа «сахийлик» кўрсатиб, интердикт амал этишини вақтинча тўхтатишга буйруқ берган.

Флоренцияда бундан қониқиш ҳосил қилиб, олий марҳаматга жавобан Папага ўнинг учун муҳим бўлган бир қатор масалаларда ён босишган. Бироқ бундай муросачилик пополанлар бир қисмига маъқул тушмаган. Оқибатда бу келишувчиликка қарши бўлганлар «Оқ гвельфлар»дан ажралиб чиққанлар. Улар бошида Данте турган.

**Данте 1301 йил 1 апрелдан 1 октябрга қадар яна Юзлар кенгаши аъзолигига сайланган.** У Флоренциядаги сиёсий вазият қалтис эканлигидан хабардор бўлган. Бу вақтда Папа **Филипп Соҳибжамол**<sup>2</sup>, унинг укаси **Карл Валуа**<sup>3</sup> билан келишиб олган деган миш-мишлар авж олган. Шаҳзода Карл Валуа муайян пулга Сицилияни забт этиш ҳамда Флоренцияга қарши уруш очиб, уни Папага бўйсундиришга рози бўлган.

---

<sup>1</sup> *Интердикт* – черков жазосининг бир тури, Папа ҳокимиятига бўйсунишга мажбур қилиш мақсадида диний маросимларни бажаришни тўла ёки қисман ман этиш. Қаранг: Вейфер Р. Данте. Роман. – М.: Армада, 1998. С.371.

<sup>2</sup> *Филипп Соҳибжамол* – француз Қироли Филипп IV (1268 – 1314). 1285 йилдан тахтда бўлган. У Папа Бонифаций VIIIнинг ашаддий душмани бўлган, Черковни ўзи устидан ҳукмронлигини тан олмаган. Қаранг: Вейфер Р. Данте. Роман. – М.: Армада, 1998. С.368.

<sup>3</sup> *Карл Валуа* – француз Қироли Филипп IV нинг укаси, Ерсиз номини олган. Флоренцияни бўйсундириш ва Сицилияни забт этиш бўйича муваффақиятсиз уринишлардан сўнг Францияга қайтиб келган ва бу ерда 1324 йилда вафот этган. Қаранг: Вейфер Р. Данте. Роман. – М.: Армада, 1998. С.370.

Флоренцияда Карл Валуа кимлигини яхши билишган. Унинг томирларида Қирол оиласининг қони оқишига қарамасдан, ўзи виждонини пулга сотадиганлар тоифасидан бўлган. Бу шахзоданинг граф Фландрскийга нисбатан соткинлиги ҳамманинг хотирасида бўлган. Граф унга ишонган, Карл эса Фландрскийнинг ашаддий душмани бўлган акасига ушлаб берган.

«Ок гвельфлар»нинг барча аъзолари тайёрланаётган ҳужумга зарба бериш тарафдори бўлганлар, лекин яна Папанинг қаҳрига дучор бўлмаслик учун курашга тайёргарликни ошқор олиб бормасликка қарор қилишган. «Юзлар кенгаши»да Папанинг унга кўмак бериш учун Флоренция отлик аскарлари отрядини юбориш тўғрисидаги илтимоси муҳокамасида Данте бунга қаттиқ қаршилик кўрсатган. Аммо Папанинг талаби кўпчилик овоз билан қондирилган. Овоз бериш натижасида пополан гуруҳи ўрасида бўлиниш юз берганлиги равшан бўлган.

Сентябрь ойининг бошида Карл Валуа Папа билан учрашиб, ҳарбий ҳаракатларга тайёргарлик кўраётганлиги маълум бўлганда Флоренциядаги вазият янада кескинлашган. 1300 йил 13 сентябрь куни беш Кенгашнинг барча цех оқсоқоллари иштирокида ўтказилган мажлисида Подеста **«Адолатни ўрнатиш»** ўз кучини сақлаб қолиши ҳамда пополанлар ҳокимиятини қўллаб-қувватлашни талаб этган. Данте бу таклифни жон-жаҳди билан ҳимоя қилган. Леонардо Бруни Дантенинг ушбу мажлислардаги чиқишларини шундай шахрлаган: **«У халқ оммасига таянишни таклиф этган»**. Данте Карл Валуани Флоренцияга киритмаслик учун айрим мудофаа чораларини кўришни таклиф қилган.

«Юзлар кенгаши» мажлислари давом этган. 1300 йил 20 сентябрда Кенгашнинг кенгайтирилган мажлисида болоньяликларнинг Флоренция орқали дон олиб ўтишларига рухсат берилган. Бу шахарнинг Папага қарши Болонья билан иттифоқини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Данте бу таклифни ҳамда 28 сентябрда Юзлар кенгашининг ёпик мажлисида шахар маъмурларига қўшимча ваколатлар бериш таклифларини ҳам қўллаб-қувватлаган. Лекин бу ҳақда қарор қабул қилинган бўлса ҳам, амалий чоралар кўринмаган.

Карл Валуа ҳарбий отрядлари эса, Флоренцияга яқинлашиб қолган. Бундай вазиятда Гвельфларга қирадиган шахарлардан аларнинг Флоренцияга ҳарбий мадад беришлари сўралган. Бу

шаҳарлардан олинган жавоблардан Флоренция бирор кўмакка умид қила олмаслиги ойдинлашган. Шу сабабли яна шошилинич равишда Папага элчилар жўнатишга қарор қилинган.

Бонифаций ҳузурига ким бориши керак? Ж. Боккаччонинг ёзишича, бу ҳақда Дантенинг фикри сўралганда, у шундай жавоб берган: «Агар мен бу ерда қолсам, ким боради? Агар мен борадиган бўлсам, бу ерда ким қолади?».

Данте Флоренциянинг элчиси сифатида шаҳарнинг яна икки вакили билан Папа ҳузурига йўл олган. Бонифаций уларни қабул қилган ва Флоренция унга бўйсунганини талаб қилган. Папанинг тегишли ҳужжатини тайёрлаган ва Флоренциядан келган икки элчи уни шаҳарга олиб кетган. Бонифаций Данте билан Римда олиб қолган.

Бу вақтда Карл Валуа вакиллари Тасканонинг барча шаҳарларига, шу жумладан, Флоренцияга ҳам музокаралар ўтказиш учун ҳузурига элчиларни таклиф қилгани жўнатган. Флоренцияликлар музокараларда қатнашишга қарор қилганлар. Карл Валуа элчиларга унинг нияти фақат «қора» ва «оқ» гвельфларни яраштириш эканлигини билдирган. Бунинг учун уни шаҳарга киритишларини сўраган.

Флоренцияликлар Данте тарафдорларининг эътирозларига қарамасдан, 1301 йил 1 ноябрда Карл Валуани шаҳарга киритишган. У ўзининг яраштириш вазифасини амалга ошириш учун тегишли ваколатлар ҳамда шаҳар дарвозаларининг калитларини олган. Натижада шаҳар қўриқчилари Карл Валуанинг аскарлари билан алмаштирилган ва шаҳарга Корсо Донати ўз тарафдорлари билан киритилган. Уларга Флоренциядаги «Қора гвельфлар» қўшилишиб, «Оқ гвельфлар»ни мол-мулкларини талон-торож, ўзларини қирғин қилишни бошлашган.

Данте Флоренциядаги воқеалар тўғрисида Римда бўлган пайтда ёки ўз шаҳрига йўл олаётганда хабар топган бўлиши керак. 1302 йил 18 январда мазкур воқеалар билан боғлиқ суд жараёнлари бошлангач, у қисмати оғир бўлишини англаб етган. 27 январда Данте «Қора гвельфлар»га қарши кураш олиб борганлиги учун 5000 лира миқдорида жарима тўлаши, мол-мулки мусодара қилиниши, ўзи эса, Тосканодан икки йилга бадарға қилиниши

тўғрисида суд томонидан ҳукм чиқарилган<sup>1</sup>. Бундан ташқари, унга уч кун муддат ичида Подеста хузурида ҳозир бўлиш буюрилган. Данте суднинг бу ҳукмига бўйсунмаган. Подеста буни жазоланувчининг ўз айбини тан олиши деб ҳисоблаган ва сиртдан уни гулханда тириклигича ёқиб, қатл этиш жазосини белгиллаган.

Данте Флоренциядан рафиқаси ва фарзандлари билан бирга қувғин қилинган бўлиши керак. Чунки ўша давр Флоренция конунлари айбдорнинг оила аъзоларини ҳам қувғин қилишни назарда тутган. Лекин кейинроқ Жемма ва Дантенинг болалари уйларига қайтиб келган бўлишлари керак. Шундан кейин Жемма Данте билан бошқа бирга яшамаган.

Ҳукмдан сўнг Дантенинг уйи таг-туғи билан бузиб ташланган. Унинг хотини ва фарзандлари, афтидан, бу вақтда шаҳарда бўлишмаган, бироқ кейин Флоренцияга қайтиб келишган. Дантенинг хотини билан муносабатлари батамом узилган, фарзандалари билан эса, у фақат қариллик пайтида учрашган.

Шу вақтдан бошлаб шоирнинг Италия шаҳар ва ҳовлилари бўйлаб дарбадарлиги бошланган, бу унинг вафотигача давом этган.

---

<sup>1</sup> 2008 йилнинг июнида Флоренциянинг шаҳар Кенгаши 1302 йилда Дантега чиқарилган ҳукмни бекор қилишга овоз берган. Шу йили шоирнинг сиёсий мухолифатчилари шаҳардан қувғин қилганлар ва унга қатл этиш таҳдиди билан шаҳарга қайтиб келиш тақиқланган. Аммо ҳозир ҳам Флоренция муниципалитети аъзолари буюк шоирга нисбатан олийжаноблик кўрсатмаганлар: 19 киши ҳукмни бекор қилишни ёқлаб чиққан бўлса, 5 киши бунга қарши чиққан. Қарши овоз берганлар ўз қарорларини агар Данте шаҳарда қолганида ўз «Илоҳий комедия»сини ёза олмасди, дея изоҳлаган. // Дантенинг шаҳардан қувғин қилиниши тўғрисидаги қарор етти юз йилдан кейин бекор қилинган // [http://resioh plus, ag / en / posts /iviw /61113](http://resioh.plus.ag/en/posts/iviw/61113)



## ДАНТЕНИНГ ДАРБАДАРЛИКДАГИ ҲАЁТИ

Буюк шоир йигирма йил Италия шаҳарлари бўйлаб дарбадар кезган. Бироқ Дантенинг муҳожирликдаги ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар кам. Аввал у кичик Сан-Годенцо шаҳарчасига келиб қолгани, кейин Флоренциядан қувилган гибеллинлар қўним топган Арещога ўтгани ҳақидагина узук-юлуқ маълумотлар мавжуд. Арещо, Сиена, Форли, Пистойя ва Болоньядаги муҳожирлар бир неча бор Флоренцияга қарши харбий ҳаракатларни амалга оширганлар, бироқ уларнинг ҳаммаси муваффақиятсизликка учраган. Мағлубиятлар, душманлик, ҳодисаларнинг асл моҳиятини англаб етиш барча буюк инсонлар эртами-кеч интиладиган ва Дантенинг ўзи «**ўзимга ўзим партия**» деб атаган идеалга етаклаган.

«Илоҳий комедия»да шоир «барча кулфатларнинг сабаби бўлган» гвельфларни ҳам, гибеллинларни ҳам ўзаро душманликда айблади:

### **Кимнинг гуноҳи кўпроқ — тарозуда торта олмайсан...**

Данте юртдан қувилиш, атрофидаги кишиларнинг қабихлиги, зўравонлиги ва хиёнатидан жуда азоб чеккан. Эҳтимол, у ўз «Дўзах»ининг дастлабки манзараларини чиза бошлаганда 1301 йилда Флоренцияда бўлиб ўтган қонли воқеалар кўз ўнгида гавдаланган. Данте қувилиш қайғуси ҳақида Каччагвида тили билан шундай деган:

**«Ўзганинг бурдаси оғизда қанчалар аччиқлигин,  
Муҳожирликда зиналардан тушиш ва кўтарилиш  
Қанчалар қийинлигини биладиган бўласан...»**

Бу эса шоирнинг «Базм»дан олинган ўз сўзларидир:

**«Эҳ, Коинот ҳукмдори бошқалар менинг олдимда айбдор бўлмасликларини, мен ҳам адолатсиз жазога, қувғинлик ва қашшоқлик жазосига дучор бўлмаслигимни марҳамат қилганида эди! Зеро, Римнинг энг гўзал ва энг шавкатли фарзанди — Флоренциянинг фуқаролари мени тувилган ва ўз ҳаётим чўққисига етгунимга қадар боққан бу жаннатмакон юртдан бадарға қилишни лозим**

топишди. Мен эса она шахримда укубатли такдиримга юпанч топиш ва умримни шу ерда якунлашни хоҳлардим. Мен эса турли шаҳар ва қишлоқларда дарбадарлик жафосини кечдим, қашшоқ ҳолда тақдир зарбаларига бардош беришга мажбур бўлдим. Мен чинакамига елкансиз кемага айланиб, аччиқ қисмат бўҳронларига дуч келиб, турли соҳиллар ва бандаргоҳларга бориб урилдим. Мен кўпчилик нигоҳи олдида бечорадек кўрина бошладим, ҳолбуки, эҳтимол улар мен тўғримда бошқача фикрларни эшитган бўлишлари мумкин. Ушбу кимсалар олдида фақат менинг шахсим камситилиб қолмасдан, менинг ёзилган ва ёзилажак асарларим ҳам қимматини йўқотди. Фақат менга нисбатан эмас, бошқаларга ҳам бундай муносабатнинг сабаби шундан иборатки, лўнда қилиб айтганда, олисдан келган шуҳрат ҳақиқий хизматларингизни бўрттиради, қисмат зарбалари эса хизматларингизни адолатсизлик билан пастга уради»<sup>1</sup>.

Данте «Базм» рисоласида ўз қисмати ҳақида шундай кўз ёшлари тўккан. Бундан қанча-қанча асрлар ўтган бўлса-да, бу мағрур инсон ушбу сатрларни битиши учун қандай укубатларни бошидан кечиришига тўғри келганлиги бизни ҳаяжонлантирмай қўймайди:

**«Дарбадарликнинг дастлабки йилларидаги ҳаётим аянчли бўлган: пул ҳам, ҳунар ҳам, ҳомийлар ҳам йўқ, гурур ва илм эса ҳамиша ёмон дастёрлар бўлган».**

Данте Ареццода бўлган пайтида «Ок гвельфлар» қароргоҳидаги барча Кенгашларда иштирок этган. У 1303 йилги ҳарбий режаларни муҳокама қилишда душманларга кишда ҳужум қилиш фикрига қарши чиққанлиги тўғрисидаги гувоҳликлар сакланиб қолган. Бироқ тарафдорларининг баҳорги ҳужуми муваффақиятсизликка дучор бўлгач, бунга Данте айбдор деб топилган. Данте «Ок гвельфлар» қароргоҳида бўлиши бирор яхши нарсага олиб келмаслигини англаб етган. 1303 йилнинг баҳорида у Ареццодан Форлига йўл олар экан, собиқ сафдошлари билан ҳамма алоқаларни узиб, ёлғиз қолган.

Ватанини Папа таҳдидларидан қутқариш учун Данте ҳамма

---

<sup>1</sup> Қаранг: Данте. Пир // Данте. Малые произведения. — М.: Наука, 1968.

нарсага, ўзи ҳақ деб ҳисоблаган иш учун ҳатто жонини фидо қилишга тайёр бўлган. Уни эса айблашган, ҳақоратлашган, ҳатто ҳаётига суиқасд қилишга ҳам ҳаракат қилишганлари эҳтимолдан холи эмас. Бундай кимсалар билан у сафдош бўла олмаган. Юрти уни бадарға қилган, қувғин қилганлардан эса ўзи халос бўлган. Шоир буни «Илоҳий комедия»нинг «Дўзах» қисмидаги ўн бешинчи қўшиқда устози ва дўсти Брунетто Латини тили орқали қуйидагича тасвирлаган:

**Дедик:** «Ёр бўлмиш саодатли бурж,  
Илрай олган эдим ҳаётда тугал,  
Иқбол ҳамроҳингдир, шону шухрат куч...

**Лекин у ёвуз эл беҳиммат, беюз,  
Фъезоль тоғларидан келган кўчманчи, —  
Босар тусарини билмайди хануз,**

**Ганим дер — яхшилик қилсанг-да гарчи:  
Ҳаммаёқни босса алаф ва ажриқ,  
Бечора лолани кўрсанг-чи.**

**У халқни дердилар сўқир ва фосиқ,  
Ҳасадгуй, ўлгудай ман-ман, очофат, —  
Ёндашсанг қораси юқарди аниқ.**

**Ҳар икки тараф ҳам сенга терс ва бад,  
Хизматинг кўролмай қайрашади тиш,  
Қўлидан ҳемири келмагай, минбаъд»<sup>1</sup>.**

Данте Италия шимолида бўлган. Эҳтимол, у аввал Тривозо, сўнг Падуя шаҳарларида яшаган. Бу ерда унга бошпана бериш ва қўллаб-қувватлашга тайёр дўстлари кўп бўлган. Шаҳар Италия илм-фан маркази бўлган. Бу ерда Данте Италия зиёлилари билан учрашгани ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Ана шу мулоқотлар унинг илмий қизиқишларини кучайтирган, шу-

---

<sup>1</sup> Данте Алигьери. Илоҳий комедия. Дўзах / русчадан Абдулла Орипов таржимаси. — Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 103-б.

нинг учун у эркин изланишлар олиб бориш учун Болоньяни танлаган.

**Ж. Боккаччо** ҳам, **Жованни Виллани** ҳам Дантенинг Болоньяда бўлганлиги тўғрисида гувоҳлик беришган. Бу ерда Данте ўзининг энг яхши шогирди ва издоши, ҳуқуқшунос **Чино да Пистойя** билан бирга бўлган. Италия ва Тоскано фахрланиши мумкин бўлган бу икки буюк ҳуқуқшунос ва шоир Болоньяда муҳожирлар сифатида кун кечирган. Чино да Пистойя «Қора гвельфлар», Данте, эса «Оқ гвельфлар» тарафдори бўлган. Лекин бу уларнинг дўстлигига асло раҳна солмаган. Чино дўстининг шеърят билан кам шуғулланаётганлигини таъкидлаб турган.

Данте шеърлар ёзиш билан эмас, балки йирик фалсафавий асар – «**Базм**» устида иш олиб бораётганди. «Базм» **Альбрехт Габсбургский**<sup>1</sup> ҳали хаёт, **Герардо дель Каммино** эса вафот этган вақтда ёзиб тугатилган. Бу китобнинг 1306 йилнинг феврари ва 1308 йилнинг май ойлари ўртасида ёзилганидан далолат беради. Данте бу вақтда асар билан бирга «**Халқ тили тўғрисида**»ги рисола устида ҳам иш олиб борган.

Шоир Болоньяда узоқ вақт қола олмаган. Бу мағрур инсон худди шу йиллари муҳожирликнинг барча азоб-уқубатларини бошидан кечирган. У ночор аҳволдан чиқиш учун курашган, кўп асарларни мутоалаа қилган, ижод билан шуғулланган. Данте Италияда нисбатан тинч ҳолда ижод билан шуғулланиш мумкин бўлган кўним жой излаган.

1306 йилнинг иккинчи ярмида шоирнинг дарбадарлигида бирмунча вақт танаффус юз берди. Шу йилнинг кузида у Лунижанега келиб, маркиз Маласпинлар оиласи меҳмони бўлган. Маркизлар шоирларга ҳомийлик қилишган, ўзлари ҳам шеърлар ёзиб туришган. Данте бу ерда ўзини анча яхши ҳис этган, дўсти Чино билан учрашиб, ўзаро суҳбат курган. **Данте «Базм» ва «Халқ тили тўғрисида»ги китобларини Лунижанеда ёзиб тугатганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд.**

1307 йил январиди Флоренциядаги кичик цехлар аъзолари Бенедикт XI вафот этганидан сўнг, унинг ўрнига сайланган гаскониялик Климент V уларнинг қўллаб-қувватлашига таяниб,

---

<sup>1</sup> *Альбрехт Габсбургский* 1438 йилда Император бўлган ва Габсбурглар сулоласи Муқаддас Рим Империясини бир неча юз йилликлар давомида – 1806 йилгача бошқарган.

дворянларга қарши исён кўтаришган ва аввалги ҳуқуқларини тиклашга муваффақ бўлишган. Бу воқеалар Дантенинг қалбида юртига қайтиш умидини туғдирди. У Флоренция халқига **«Халқим, мен сенга нима ёмонлик қилдим?»**, деган эхтиросли сўзлар билан бошланган мактуб йўллаган. Бу номасида у ўзини авф этишини сўраган. Лекин кичик цехлар аъзолари ҳокимиятни ўз қўлларига олишга муваффақ бўлмаганлиги учун, Дантенинг хати бирор натижа бермаган.

Шоир дарбадарлигининг биринчи босқичи Парижда тугаган. Дантенинг Франция пойтахтига қаердан ва қандай қилиб келганлиги ҳақида маълумотлар сақланиб қолмаган. Аммо унинг бу ерга келишида ҳеч бир ноодатий ҳол бўлмаган. Париж италиялик савдогарлар, банк эгалари, уларнинг хизматкорлари билан тўла эди. Бу ерга мухожирлар ҳам — кимдир ўз юмушлари билан, кимдир таълим ва илм йўлида, кимдир сиёсий мақсадларига кўра келар эди.

Ж. Боккачонинг маълумотига қараганда, Данте ўз билимларини такомиллаштириш мақсадида 1307 ёки 1308 йилда Парижга келган. Бунинг исботини «Илоҳий комедия» саҳифаларидан Франциянинг Ўрта ер денгизидаги соҳиллари ҳамда Парижнинг Лотин мавзеси тафсилоти ва турмуши хусусиятлари битилган сатрлардан топиш мумкин. Шоир Франция пойтахтидаги баҳс-мунозараларда қатнашган, чуқур билими ва топқирлиги билан ҳаммани ҳайратга солган.

Данте ўз ижодининг бош асари **«Илоҳий комедия»** устида 1307 йилда иш бошлаган. **Буюк итальян шоири «Илоҳий комедия»да ҳам фоний, ҳам боқий дунёдаги адолатни асосий мавзу қилиб олган.** Данте ўз асарини комедия деб номлаган. Умуман, шу вақтлардаги анъанага кўра ниҳояси фожиа билан тугайдиган барча асарлар **«Комедия»** деб аталган. Шу билан бирга, асарнинг «Комедия» деб аталишини унинг **«Муқаддима»**си (**«Дўзах»**) кайғули бўлиб, хурсандчилик билан тугаши (**«Жаннат»**) ҳамда трагедиядан фарқли равишда оддий усулда ёзилганлиги билан ҳам боғлашади. **Асарга «Илоҳий» кўшимчаси Ж. Боккаччо томонидан қўшилган деб ҳисобланади.** Ҳар ҳолда 1555 йилда Венецияда чоп этилган бу асарга биринчи марта «Илоҳий комедия» номи қўйилган.

1308 йилнинг 27 ноябрида **Генрих VII**<sup>1</sup> Муқаддас Рим империяси Императори бўлган. 1310 йилда у Италияга «хаммани яраштириш» мақсадида қўшин бостириб кирган. У «гвельфларни гибеллинлардан ажратмайман, хаммани ўз хомийлигим остига оламан» деб эълон қилган. Қувғинга учраган минглаб италияликлар, шу жумладан, Данте ҳам Императорни қарши олишга интиланган. Кўпгина шаҳарлар – Милан, Генуя, Пиза Императорга ўз дарвозаларини очиб берган, лекин марказий Италиядаги «Гвельф лигаси» Генрих VII ни тан олишни хоҳламаган. Унга қарши курашга Флоренция бошчилик қилган.

«Римликлар қироли» Генрих VII Альп тоғларидан ўтиб, Италия ичкараси томон юришини давом эттирар экан, Данте бошқа юзлаб қувғинлар билан бирга Тангридан у тезроқ Флоренцияни қўлга киритишини, «Қора гвельфлар» ҳокимиятини ағдариб, уларни Ватанга қайтишлари учун имконият яратишини илтижо этган.

Данте Алигъери учун Германия Императори олий адолат тимсоли ҳисобланган. У Рим Папасига бўйсунмайдиган монархия асосчиси бўлиши керак эди. Данте ўзининг бу орзу-умидларини 1312 йил билан 1313 йил ўртасида ёзган «**Монархия**» рисолида баён этган. У бу асарида Бутунжаҳон қироли ҳукмронлиги остидагина инсоният тинч ҳаёт кечириши мумкинлигини, Тангри жаҳонга ҳукмронлик қилиш учун Рим халқини танлаганлигини, демак жаҳон ҳукмрони Муқаддас Рим империясининг Императори бўлиши кераклигини асослашга ҳаракат қилган. **Данте умумжаҳон дунёвий монархиясини ер юзидаги инсоният фаровонлигини таъминлайдиган адолатли давлат шакли сифатида талқин қилган.**

Умуман Данте, «**Монархия**», «**Базм**» (1308), «**Ер ва сув ҳақида**» (1320) асарларида ўзининг инсонпарварлик қарашларини илгари суриб, ўз даврининг муҳим ижтимоий-ахлоқий ва сиёсий-ҳуқуқий муаммоларига жавоб излаган.

Афсуски, Дантенинг Генрих VII билан боғлиқ умидлари сароб бўлиб чиқди. Генрих 1313 йилнинг 24 августида Тоскано пойтахтига етиб бормасдан, Съенадан 12 километр узоқликдаги

---

<sup>1</sup> *Генрих VII – Германия қироли, Люксембург графи, «Римликлар қироли», 1308-1313 йилларда тахтни эгаллаган. Қаранг: Вейфер Р. Данте. Роман. – М.: Армада, 1998. С.371.*

Буонконвенто деган жойда вафот этган. «Қора гвельфлар»га қарши кескин чиқишлари учун Данте авф этилганлар рўйхатидан ўчирилган, унга ва фарзандларига катл этиш хавфи билан Флоренцияга қайтиб келиш ман этилган.

Флоренциядаги «Қора гвельфлар» хоқимияти 1311 йилнинг август ойида кўпгина қувғин қилинганларни авф этган, аммо бу рўйхатда Дантенинг номи бўлмаган. Иккинчи бор – 1315 йилнинг май ойида Флоренция ҳукумати яна қувғин қилинганлар ва мухожирларни авф этиш тўғрисида фармон чиқарган. Мазкур ҳужжатда Данте ўзининг «**Базм**» ва «**Монархия**» асарларидан воз кечса, авф этилиши билдирилган. Данте бунга рози бўлмаган. Шунда ҳукумат уни иккинчи бор ўлимга ҳукм қилган. Бу гал унинг ўғиллари ҳам ана шу олий жазога ҳукм қилинган. **Бу ҳукм фақат 1966 йилдагина бекор қилинган<sup>5</sup>.**

Шоир 1316-1320 йилларда Луккеда яшаган деб ҳисобланади. Айрим маълумотларга кўра, у яна Веронага қайтиб келган ва 1320 йилга қадар ўз ҳомийси – ёш саркарда Кан Гранде белла Скала саройида яшаган. Дантенинг бу ерни нима учун тарк этганлиги ва Равеннага йўл олганлиги тўғрисида тадқиқотчилар ҳеч бир маълумотга эга эмас. Бу масалада фақат унинг Кан Гранде билан жанжаллашиб қолганлигини истисно этиш мумкин, холос. Чунки, Дантенинг ўғли Пьетро Веронада қолиб, ўз ҳомийлари марҳаматидан фойдаланган. Шу боис мазкур масалада Дантенинг сокин бир жойни топиб, ўша ерда танҳоликда буткул ижодга берилиш нияти бўлганлиги тахмин қилинади.

**Уйғониш даври куйчиси Данте ўзининг «Илоҳий комедия» асарини 1321 йилда тугаллаган. Бу шоҳ асар фақат 1472 йилдагина алоҳида китоб ҳолида нашр этилган.**

---

<sup>5</sup> Қаранг: Дживелегов А.К. Данте Алигьери. Жизнь и творчество // [http:// az. lib. ru](http://az.lib.ru).

## ДАНТЕНИНГ ВАФОТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ

Данте хаётининг сўнги олти йилини Равеннада ўтказиши бу шаҳар ҳукмдори Гвидо Новелло да Полента шеърят шайдоси бўлганлиги билан изоҳланган. 1321 йилнинг ёзида **Данте элчи сифатида Равенна ҳукмдори номидан Венеция Республикасига йўл олган**. У бу сафардан қайтаётиб, у водийнинг балчиқ босган жойидан ўтаётганида безгак касалига чалинган.

**Данте 56 ёшида – 1321 йил 13 сентябрдан 14 сентябр-га ўтар кечаси вафот этган**. У Равеннада, Сан Пьер Мажора (кейинчалик у Муқаддас Франциско номини олган) черковида дафн этилган. XV аср охирида Равеннанинг венециялик ҳукмдори Бернардо Бербо машхур меъмор Пьетро Ломбардени таклиф этиб, унга Уйғониш даврининг энг машхур куйчиси қабри устида оқ мрамрдан мақбара курдирган.

Данте вафот этганидан сўнг унинг оила аъзолари ижодининг тожи – «**Илоҳий комедия**» қўлёзмаларини излашга тушганлар. Унинг икки қисми аллақачон тарқатиб бўлинган, лекин «**Жаннат**» эълон қилинмаган эди. Қидирувлар муваффақиятли яқунланган. Бироқ қўлёзмалар орасида бу қисм пировардидаги кўшиқлар топилмаган. Шоирнинг оила аъзолари «Жаннат» ниҳоясига етказилганидан яхши хабардор бўлганлар. Ўшанда гўё Данте ўғли Якопо тушида намоён бўлиб, унга бу сўнги кўшиқлар битикларини Венецияга жўнаб кетиши олдидан қаерга яшириб қўйганлигини айтган. Уларни худди ўша ердан топишган. Бу ҳақиқатми ёки ривоятми – аниқ эмас, лекин у, биринчидан, «Жаннат» Данте вафот этганидан сўнг эълон қилинганлигини, иккинчидан, замондошлари бу «муқаддас» поэма ниҳоясига етказилишини қандай диққат-этибор билан кузатиб борганликларини тасдиқлаши билан эътиборлидир.

Италияда Данте вафот этганлиги тўғрисида хабар тарқалгач, унинг хотирасига бағишлаб кўплаб кўшиқлар битилган. Азалий дўсти Чино да Пистойянинг канцони, кўплаб бошқа дўстларининг сонетлари шулар жумласидандир. Аммо шоирнинг ватани Флоренцияда Данте вафоти ҳақида бирор таъзия сўзлари айтилмаган. Аксинча, унинг асосий душманлари – дин арбоблари шоир вафотидан кейин ҳам ундан ўч олмоқчи бўлганлар. Хусусан, кардинал Бертрандо дель Пожетто Данте вафотидан бироз ўтган



дан сўнг фақат унинг шоҳ асари «Илоҳий комедия»нигина эмас, унинг муаллифи майитини ҳам гулханда ёқишни талаб этган.

Ҳамшахарлари учун Данте буюк «Илоҳий комедия» ижодкори эмас, балки Генрих VII ҳарбий юришлари вақтида битилган хатлар муаллифи ҳисобланган. Флоренцияликлар буюк даҳосига муносиб баҳо беришларига яна ўнлаб йил ўтиши керак бўлган.

Масалан, XV асрда «инсонпарвар олимлар»дан фақат **Леонардо Бруни**<sup>1</sup>гина Данте ҳақида ёзган. Бошқалар унинг шеърятини ўта жайдари халқ тилида битилган деб ҳисоблаганлар. Н. Никколи ҳатто Дантени «этикдўзлар ва новвойлар шоири» деб атаган. XVI асрдаги Италия тилшунослари, жумладан, П. Бембо Дантени уни асарлари тилининг қўполлигида айблаган. XVII асрда эса, «Илоҳий комедия» Т. Тоссо ихлосмандлари томонидан ашаддий танқидга дучор бўлган. **Фақат XVIII асрга келиб, Данте асарларини тўла ўз ичига олган тўплам нашр этилган. Бу пайтда Ж. Вико Дантени Гомер билан тенглаштирган.**

Данте ижодиётининг илмий тадқиқотларига эса фақат XIX асрда киришилган. Данте ижодини ўрганишни **Гаспаро Гоцци** бошлаб берган. Бу масалада Италия озодлиги учун оташин курашчи, Наполеон босқинидан сўнг Англияда муҳожирликда яшашга мажбур бўлган Уго Фосколонинг хизматлари катта бўлган. 1825 йилда унинг Данте ижодига бағишланган очерклар туркуми китоб шаклида нашр этилган. 1846 йилда эса, **Уго Фосколо**

---

<sup>1</sup> **Леонардо Бруни (1370/74-1444)** – Салютатининг шогирди, дўсти ва ижодининг давомчиси; аввал Рим курияси ҳузурида хизмат қилган, кейин Флоренцияда канцлер бўлган. У юнон тилини билган ва Аристотелнинг «Политика» «Никомаков Этика»сини, Платоннинг «Федон», «Горгий» мулоқотлари, «Федор», «Апология», «Критон», «Мактублар»ини, шунингдек Плуларх, Ксенофот, Демосфен, Эсхил асарларини таржима қилган. У «Мулоқотлар», «Ахлоқий камолотга кириш», «Мактублар» каби асарларнинг муаллифидир. Бруни Аристотель каби ахлоқий баҳонинг ҳақиқий мезони мавҳум қоида эмас, балки эзгу ниятли инсон деб ёзган. Унинг Аристотель услубига мос ижоди нафис, том маънода инсонпарварлик руҳи билан суғорилган: агар инсон эзгу ниятли бўлмаса, у ақли расо бўла олмайди, ақли расолик (донолик) хира тортган дид сифатида намён бўлар экан, ўзининг том маънодаги кўринишида ҳақиқийдир. Жиноятчилар ва ёвуз кишилар математика ва физика қонунларини идрок этишлари мумкин, лекин улар ҳақиқат ёғдусидан маҳрумлар, эзгу ишлар учун мутлақо кўрлардир... шу тариқа ҳалол инсонга бахт эшиги тўғеридан-тўғери ва эркин очилади, у ҳеч қачон алданмайди, хато қилмайди. Бахтли бўлишни хоҳлайсизми – бунга эришиш учун ҳалоллик ва эзгу ишлардан тўғерироқ йўл йўқ.

қайдлари қўшимчалар билан таржима қилинган. Италия инқилобининг етакчиси Жузеппи Мадини томонидан бу китоб учун ёзилган сўзбошида Фосколо хизматлари қуйидагича қайд қилинган: «**У танқидини тарих воситаси орқали амалга оширган. У Дантени фақат шоир сифатидагина эмас, фуқаро, ислохотчи, дин пайғамбари, миллат башоратчиси сифатида тадқиқ этган**».

Данте ижоди ҳақида Италиянинг етакчи адиблари **Алессандро Манцони, Сильвио Пеллико, Жордани, Эрмес Висконти** ва бошқалар ҳам бир қатор асарлар битган. Буюк италян шоирига кизиқиш Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам ортиб борган. Айниқса, Францияда **Фориэлнинг**, Германияда **А.В. Шлегелнинг** Дантега бағишланган тадқиқотлари унинг асарларини таржима қилишга туртки бўлган. Аввал «Илоҳий комедия», кейинчалик Дантенинг бошқа асарлари ҳам Фарбий Европанинг барча мамлакатларида нашр этила бошланган.

Италияда 1848 йилда юз берган инқилоб, шундан сўнг парчаланиб ташланган мамлакатнинг сиёсий бирлаштирилиши дантешуносликнинг равнакини таъминлаган. Машхур олим **Жозуэ Кардуччи**, адиб ва танқидчилар **Франческо де Санктис, Жованни Пасколи, Адольфо Бартоли, Алессандро Анкона, Исидоро дель Лунго, Франческо Овидио, Пио Райно, Франческо Торакка, Николо Дзингарелли** ва бошқалар буюк ватандошларининг ижодини тизимли ўрганишни йўлга қўйганлар.

Бу саъй-ҳаракатлар натижасида 1888 йилда Флоренцияда замонавий дантешуносликнинг энг машхур намояндаси **Микеле Барби** бошчилигида «**Societa Dantesca**» — «**Данте жамияти**» ташкил этилган. Кўп жихатдан ушбу жамият аъзоларининг фидойиликлари билан ниҳоят **1921 йилда — Данте вафотининг 600 йиллигига унинг тўла асарлари тўпламининг миллий нашри чоп этилган.**

Ўз вақтида Дантени қувғин қилган Флоренция кўп марта Равеннадан буюк шоирнинг хокини она шаҳрига қайтаришни сўраган, лекин бунга ижозат олмаган.

XIX асрнинг охиридагина Флоренцияда Санта Кроче черкови олдида Дантенинг оқ мрамрдан ишланган ҳайкали қад кўтарган. Шу аср охири — XX аср бошларида Данте Алигьери номи қўйилган кўчада унинг оиласига қарашли уй харобалари таъмирланиб, «**Данте уйи**» барпо этилган.

*Италия Данте тимсолида қайта тугилди,  
у янги даврининг Гомеридир.  
Ж. де Сталь.*

## **ИККИНЧИ БОБ**

### **ДАНТЕ ДАВРИНИНГ ХУҚУҚИЙ ДУНЁҚАРАШИ**

- Рим ҳуқуқи – Данте давридаги ҳуқуқий таълимнинг асоси
- Рим ҳуқуқи рецепцияси – ҳуқуқий Уйғониш даврининг бошланиши
- Болонья ҳуқуқшунослик мактаби – Данте «alma mater»и
- Данте даври ҳуқуқий дунёқарашининг хусусиятлари

## РИМ ҲУҚУҚИ – ДАНТЕ ДАВРИДАГИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМНИНГ АСОСИ

**Рим ҳуқуқи нима? Рим ҳуқуқи<sup>1</sup>** – Қадимги Римда юзага келган ва Византия империяси кулагунга қадар ривожланган ҳуқуқий тизим ҳамда юридик фаннинг Рим ҳуқуқини ўрганиш билан шуғулланган мустақил тармоғидир. Рим ҳуқуқи кўплаб замонавий давлатлар ҳуқуқий тизимларига намуна, тимсол бўлди ҳамда роман-герман (континентал) ҳуқуқ оиласининг тарихий асоси ҳисобланади<sup>2</sup>.

Бизгача етиб келган суд ишлари бўйича хулосалардан Римнинг оддий ҳуқуқ шаклини топиш мумкин. Бизгача етиб келган Римнинг ёзма ҳуқуқи манбалари – Рим подшоларининг қонунлари. Улардан энг муҳимларидан бири – **Солон Қонунларининг кўплаб қоидаларини ўзида ифодалаган Ўн икки жадвал қонунлари тўплами** («*Leges duodecim tabularum*») милoddан аввалги V аср ўрталарига тегишлидир. Милoddан аввалги III асрга келиб **Рим ҳуқуқи диний нормалардан аниқ ажралиб чиққан эди.**

Милoddан аввалги 367 йилда Цивилий Цекс қонуни билан претор лавозими жорий этилди. Претор ҳар йили сайланар эди, ҳуқуқни қўллаш ва унинг принципларини тушунишга ўз муносабатларини билдирадиган претор эдиктлари ушбу лавозимга номзодларни ташкил этар эдилар. Претор заруриятга қараб, ҳуқуқ манбаларидаги нуқсонларни тўлдириши ва эски қонунларни даврга мувофиқ эмас деб эътироф этиши мумкин эди. **Претор ҳуқуқи Рим ҳуқуқининг ривожланишига катта ҳисса қўшди.**

**Юстиниан дигестлари Римда ҳуқуқнинг асосий ёзма манбаларига айланди.** Рим империяси даврида ҳуқуқнинг институционал консервативлиги фавқулодда пухта ишланган юридик техникани ривожлантириш ва ҳуқуқнинг тизимлаштирилган манбаларини тузиш имконини бериб, ҳуқуқ фанига катта таъсир кўрсатди. **Рим хусусий ҳуқуқи рецепцияси роман-герман ҳуқуқ оиласининг ривожланишида асосий роль ўйнади ва Европа ҳуқуқ фанининг мустақамланишига имконият яратди.**

---

<sup>1</sup> Батафсил қаранг: *Новицкий И.Б., Перетерский И.С. Римское частное право.* - М., 2001; *Покровский И.А. История римского права.* - М., 2004.

<sup>2</sup> Қаранг: *Саидов А.Х. Сравнительное правоведение.* - М., 2006.

Рим ҳуқуқий онги тенг ҳуқуқлилиқдан келиб чиқадиган адолатга ҳуқуқни амалга оширишнинг асосий принципи сифатида қарайди. Кенг тарқалган фикрга зид равишда **Кичик Цельцининг** адолат эмас, балки «**ҳуқуқ эзгулик ва тенглик санъати(фани)дир**» (aequus, а, ит – тенг) деб таржима қилинадиган «**Ius est ars boni et aequi**» ибора маълум. Рим ҳуқуқи суд ҳокимиятининг юксак ролини англашга асосланади. Ушбу муносабатни Рим ибораси «**Мен даъвога эга эканман – демак мен ҳуқуққа эгаман**» деб таърифлайди. Римнинг ҳуқуққа муносабатига хос бўлган фойда (utilitas) ҳуқуқнинг маъно ва мазмунини ташкил этади: «**Фойда – эзгулик ва адолатнинг онаси**».

Хусусий ҳуқуқ (**jus privatum**) ва оммавий ҳуқуқ (**jus publicum**) баёнининг бизга маълум бўлган дастлабки таърифи римлик ҳуқуқшунос **Ульпианга** тегишли бўлиб, унда шундай дейилади: «**Оммавий ҳуқуқ – бу Рим давлатининг мақомига тегишли ҳуқуқ, хусусий ҳуқуқ – алоҳида шахсларнинг манфаатларига тегишли ҳуқуқ**».

**Рим оммавий ҳуқуқи** Европада ҳуқуқий тизимларнинг шаклланиши учун **Рим хусусий ҳуқуқи** сингари аҳамиятга эга эмас эди. Византиянинг оммавий ҳуқуқи давлат шаклини акс эттириб ва уни мустаҳкамлаб, пировард натижада феодал давлатлар ҳуқуқлари белгиларига эга бўлди.

**Рим хусусий ҳуқуқи** хусусий мулкчилик муносабатларига асосланади. Европанинг ҳуқуқшунос олимлари томонидан Римнинг мулкка бўлган муносабати шахснинг эркинлиги ва уни хурмат қилишнинг муҳим белгиси сифатида қабул қилинди. **Рим хусусий ҳуқуқи ўзининг асосий институтлари ва принципларини минг йиллик тарихдан олиб ўтди ва пировардида замонавий хусусий ҳуқуқ учун негиз бўлди**. Бу кўп жihatдан Европа университетларида **Юстиниан кодекси (Corpus Juris Civilis)**ни ўрганиш билан боғлиқ эди. Рим хусусий ҳуқуқи ханузгача замонавий давлатлар ҳуқуқларининг фуқаролик-ҳуқуқий тармоқларини ўрганиш учун асос сифатида ҳамма жойда улкан аҳамиятга эгадир.

«**Corpus juris civilis**» – 529–534 йилларда Византия императори Буюк Юстиниан даврида тузилган Рим фуқаролик ҳуқуқи тўпламининг замонавий номидир. У «**Юстиниан тўплами**» ёки «**Юстиниан Кодификацияси**» номлари билан ҳам маълум.

Юстиниан тўплами дастлаб 3 қисмдан иборат бўлган. Булар:

**1. Институциялар** – бошловчи ҳуқуқшунослар учун дарслик сифатидаги 4 жилд;

**2. Дигестлар** – кодификаторларнинг интерполяциялари билан биргаликда классик Рим ҳуқуқшуносларининг асарларидан тузилган 50 жилд;

### **3. Юстиниан кодекси.**

Кейинчалик, кодекс тузилгандан сўнг эълон қилинган 168 та янги қонунни ўз ичига олган «Новеллалар» деб номланган тўртинчи қисм қўшилган.

«Corpus juris civilis» учун Рим ҳуқуқининг турли шохобчаларини бирлаштириш, айрим эски ҳуқуқий тушунчалар ва институтларга янги мазмун бахш этиш, шу тарзда унинг ҳаётийлигини сақлаб қолишга интилиш хосдир. **XII асрда тўплам «Corpus juris civilis»** деб номланди. У биринчи марта XVI асрда Дионис Готофред томонидан чоп этилган<sup>1</sup>.

**Юстиниан кодекси (Codex Iustiniani)** – Юстиниан қонунчилигининг ўзлаштирилган қисми бўлиб, Грегориан, Гермогениан ва Феодосия кодексларига кирган ҳамда Юстиниангача кучда бўлган, кейинчалик новеллалар билан тўлдирилган ва давр эҳтиёжларига мувофиқ шакли ўзгартирилган император конституцияларини мужассамлаштирган.

Кодекс 12 та китобдан, китоблар ўз навбатида унвонлардан иборат, унвонлар алоҳида император қарорларига (лот. *leges* ёки *constitutiones*), қарорлар моддаларга бўлинади.

**Юстиниан кодекси фақат Corpus juris civilis нашрларида сақланиб қолган, яъни асл нусхадагидек тўлиқ эмас.**

**Юстиниан I кодексининг асосий қисмини ташкил этадиган Дигестлар ёки Пандектлар 50 китобдан иборат<sup>2</sup>.** Дигестлар ёки Пандектлар милоднинг 96-533 йилларида классик, кеч классик ва классизмдан кейинги давр етакчи Рим ҳуқуқшуносларининг хусусий, жиноят ва халқаро ҳуқуқнинг турли масалалари бўйича мулоҳазалари(фикрлари)дан иборат. Айнан **Дигестлар Европада Рим ҳуқуқи рецепцияси бошланиши учун манба бўлиб хизмат қилди.**

---

<sup>1</sup> Қаранг: Покровский И.А. *История римского права.* – М., 2004.

<sup>2</sup> Қаранг: *Дигесты Юстиниана. В 8 т. / Отв.ред. Л.Л. Кофанов.* – М., 2002-2006.

**Ўрта асрларда Ғарбий Европада Рим ҳуқуқини фаол ўзлаштириш бошланади.** Ғарбий Рим империясининг вайроналарида ҳосил бўлган илк феодал монархияларда Рим ҳуқуқий маданияти ва қонунчилиги унсурлари сақланиб қолди. Галл-Рим аҳолиси учун Рим ҳуқуқининг махсус тўпламлари яратилди. Улардан VI аср бошида тузилган *lex Romana Wisigothorum* (*breuiarium Alaricianum*) кўпроқ машҳур бўлди. Ушбу тўпламлар II асргача Францияда ва Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларида феодал ҳуқуқ ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатди.

**Юстиниан институцияси** – VI асрда император Юстиниан I нинг буйруғи бўйича Византия империясида амалга оширилган «*Corpus iuris civilis*» Рим ҳуқуқининг ҳажман катта кодексларининг биринчи қисми. Матнга Гайнинг II асрда ёзилган «Институциялари» асос қилиб олинган, бироқ муаллифлар, шунингдек, Ульпиан, Марциан ва Флорентиннинг «Институциялари»дан ҳам фойдаланганлар. Китоб Трибониан ҳамда профессорлар Феофил ва Дорофей томонидан тузилган ва Императорга 533 йил 21 ноябрда тақдим этилган<sup>1</sup>.

Институциялар Рим ҳуқуқини ўрганадиган биринчи босқич талаблари учун дарсликлар эди, бироқ уларга (Гай дарслигидан фарқ қилган ҳолда) бевосита ҳуқуқий куч берилади. Уларни тўрт китобга бўлиш ва асосий тузилма Гайдан ўзлаштириб олинган. Китоблар унвонларга, ҳозирги нашрларида моддаларга бўлинади. Кодекслаштиришдан кейин тезликда Феофил «Институциялар»нинг юнунча талқинини ёзди. Лотин тилини билмаган талабалар унинг ёрдамида Рим ҳуқуқи асосларини ўзлаштириб олишлари мумкин эди.

Болоньялик ҳуқуқшунослар император Феодосий II ҳуқуқнинг Болонья мактабини таъсис этишини хоҳлар эдилар. Таъсис ёрлиғи 1257 йилда муҳим расмий ҳужжатлар тўпламига киритилди. Ушбу ёрлиқ Фиттинг таърифи бўйича, Ўрта асрларда жасад ўғирланганда виждон қийналмагани сингари тақводорона сохтакорликдан бошқа нарса эмас эди.

**К. фон Савиньи** ўзининг «**Ўрта асрларда Рим ҳуқуқи тарихи**» китобида Рим ҳуқуқи Ўрта асрларнинг барча даврлари-

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Институции Юстиниана / Пер. Д. Расснера. – М., 1998. С. 400; Покровский И.А. История римского права. – СПб., 1998. С. 234-235; Альбрехт М. фон. История римской литературы. В 3-х т. Т. 3. – М., 2005. С. 1658-1659; Культура Византии. В 3-х т. Т. 1 М., 1984. С. 362-364.*

да амалда бўлган ва қўлланилган, **Болонья мактабидан олдин Италиянинг бошқа шаҳарларида ҳуқуқшунослик мактаблари мавжуд бўлган** деб ёзади. **Савиньи Ирнерийга «Рим ҳуқуқшунослигини тиклаш» хизматини қўшиб қўйган. Ирнерий Болоньяда Рим ҳуқуқига илмий қайта ишлашга асос солди, шунинг учун Болонья юридик мактабининг ва шу билан бирга замонавий ҳуқуқшуносликнинг асосчиси ҳисобланади.**

Шуниси қизиқарлики, **Ирнерийнинг Рим ҳуқуқи билан шуғулланишига тарихда Папа Григорий VII нинг жўшқин тарафдорлиги билан машҳур бўлган маркграфиня Матильда** туртки берган. Болоньялик ҳуқуқшунос Одофреднинг ҳикоя қилишича, XIII асрда (1265), Ирнерийнинг ўқитувчилик фаолияти бошлангунига қадар Болоньяда санъат мактаби (факультети) – (**studium in artibus**) мавжуд бўлган ва дастлаб Ирнерийнинг ўзи «санъат»дан дарс берган, Равеннадан Болоньяга Юстиниан китоблари келтирилгандан кейин унга Рим ҳуқуқини ўрганиш имконияти яратилган.

Италияда Рим ҳуқуқи ўрганилишига асос солган Ирнерийнинг ҳаёти, туғилган вақти ва вафоти тўғрисида жуда кам нарса маълум. У Болоньяда туғилган ва шу шаҳарнинг фуқароси бўлган. Ирнерий 1050–1060 йилларда туғилган деб ҳисобланади. У 1100 йилда император Генрих IV томонидан бир иш бўйича судья этиб юборилганлиги ҳамда 1113 йилдаги хужжатда маркграфиня Матильда ҳузуридаги суд мажлиси аъзоси сифатида эсланади. Ирнерий дастлаб диалектика ва риторикадан дарс берган. У риторикадан дарс берганлиги муносабати билан маълум даражада ҳуқуқ билан шуғулланган бўлиши мумкин деб тахмин қилинади.

Одофреднинг конун китоблари Равеннадан Болоньяга келтирилганлиги ва ушбу воқеа Ирнерий фаолиятига туртки бўлганлиги тўғрисидаги ҳикоясида ҳақиқат учқуни бордек туюлади. Балки, Юстиниан қонунчилигининг айрим алоҳида қисмларини Ирнерий фақат Равеннадан келтирилган китоблардан топган. Хужжатларга кўра, илгари Тусция судларида (яъни, маркграфиня Матильда тасарруфидаги ҳудудларда) кейинчалик болоньялик ҳуқуқшунослар билан алмаштирилган равенналик ҳуқуқшунослар иш кўрганлиги муҳим аҳамиятга эга. Бу, афтидан, Матильда Григорий VII га душман оқимларининг марказий нуктасига айланган шаҳар ҳуқуқшунослари билан бирон иш олиб бо-



ришни истамаганлиги, айниқса Равенна ҳуқуқшунослик мактабидан Григорий VII га қарши ўткир памфлет чиққанлигидан бошлаб, устига-устак Равенна архиепископи маркграфиня эгалик қилган жойларни шафқатсизларча талон-торож қилган император Генрих IV ни Рим кафедраси тахтига кўтариш мақсадида аксилпапа сифатида танланганлигидан кейин бирон иш олиб боришни истамаганлиги билан изоҳланган.

Шу пайтгача Рим томонидан қўллаб-қувватлаб келинган юридик мактаб Генрихнинг Италияга ҳарбий юришлари вақтида (1081–1084) таркаб кетганидан сўнг маркграфиня, афтидан, илгари қонуннинг турдош соҳаларидан муваффақият билан дарс бериб келган ёш қобилиятли инсонни Рим ҳуқуқини ўрганишга бағишлашга рағбатлантирган. Ирнерий, ўз томонидан, тасарруфдаги худудидан кўплаб тингловчилар келадиган қудратли ҳукмдорнинг ҳомийлигини қадрламаслиги мумкин эмасди.

Маркграфиня вафот этганидан кейин, Ирнерий император Генрих V хизматига киради. У император судьяси сифатида турли суд мажлисларида қатнашган ҳамда императорнинг ҳар хил топшириқларини бажариш мақсадида иш кўрган. Ирнерий таклифни XI асрнинг саксонинчи йиллари ўрталарида олган. Шу сабабли 1888 йилда Болонья университетининг саккиз юз йиллик санаси байрам қилинган, ҳолбуки, аслини олганда, Ирнерий маърузалари билан университет эмас, ўз вазифаси сифатида Юстиниан қонун китобларини аниқ ўрганишни белгилаб олган ҳуқуқшунослик мактаби фаолиятини бошлаган.

Ўзларини Рим классик ҳуқуқшуносларининг ворислари деб мағрурланган олдинги йўналиш ҳуқуқшунослари амалиётда учраб турадиган турли жумбоқлар хусусидаги саволларга жавобларида қонуншунос оҳангида гапиришга мойил эдилар ва Юстиниан қонунчилигидан қатъий чекиниш ҳолларида ўзларини бирон тарзда оқлаш ўрнига ҳуқуқшунослар давраси Юстиниан қонунларини тўлиқ қўллаш имконини бермайди дейиш билан кифояланганлар.

Шундай қилиб, XI асрда Рим асосида, бироқ ўша давр ғоялари ва вазиятларига татбиқ қилишда Рим ҳуқуқидан жиддий чекинган янги Ўрта асрлар ҳуқуқи юзага келди. Аммо ушбу жараён Ирнерий ва унинг ворислари томонидан узиб қўйилди. Ирнерий Юстиниан ҳуқуқидан четга чиқишда фақат ҳеч бир оқлаб бўлмайдиган хатоларни ва манбалар билан етарлича танишмас-

лик натижасини (амалда ҳам бу четга чиқишлар шу сабабли бўлган) кўрган. Ирнерий ва унинг ворислари вазифаси Юстиниан ҳуқуқининг барча қисмларини ялпи ва асосли тарзда ўрганиш йўли билан унинг ҳақиқий, тўлиқ мазмунини аниқлашдан иборат бўлган.

Тез орада фақат Болоньяда Рим ҳуқуқи билан асосли ва тўлиқ танишиш мумкинлигига ишонч пайдо бўлди. Император Фридрих I нинг сиёсати ушбу йўналишга қулайлик туғдирган, чунки Папа билан доимий низоларда ва мустақилликка интилувчи судхўр шаҳарларга қарши курашда у яхшиси мавжуд ҳуқуқ ҳарфига таянмоқ ва Юстиниан қонунларига, уларнинг дастлабки, ҳақиқий маъносига ҳавола қилишни афзал билган. Ғарбнинг барча мамлакатларидан, асосан Германиядан ўқувчилар оммаси Болоньяда Рим ҳуқуқи билимларини ягона соф манбадан олишга интилган.

Болонья ҳуқуқшунослик мактабининг муваффақиятларига шаҳарнинг табиий қулай шароитлари — ҳавонинг нисбатан совуқлиги ва қишда шуғулланиш учун қулайлиги, иссиқ ёз кунларида салқинлик келтирадиган тоғларнинг яқинлиги, унумдор тупроқ, узум ва сабзавотнинг мўллиги ҳам сабаб бўлган. Ирнерий даврида ҳам, унинг яқин ворислари даврида ҳам Болоньяда мактаб иши ўша пайтда Италияда амал қилинган асосларга таянган. Бу агар истеъдодли ва ихтисослиги соҳасида билимларга эга бўлса, ўзига ўқувчилар оммасини жалб қилиши ва меҳнатларидан икки томон ўртасида келишилган ҳақ шаклида даромад топиши, ўзи тимсолида бошқа қобилиятли ўқитувчиларни ҳам ўқитувчилик фаолиятига давъат қилиши мумкин бўлган профессорнинг хусусий иши ҳисобланган. Болонья ҳам, Италиянинг бошқа шаҳар-республикалари ҳам ўзларининг сиёсий обрўси учун олий мактабнинг муҳимлигини баҳолай олганлар, фақат олий мактаблар ташкил этишгагина эмас, балки бошқа шаҳарлик ўқитувчилар ва ўқувчиларга манфаатли шартларни таклиф қилиб, уларни ўзларига оғдириб олишга интилганлар.

Буларнинг барчаси нима учун Болоньяда билимнинг бошқа соҳалари ҳисобига айнан ҳуқуқшунослик мактаби равнақ топганлигини изоҳлаш имконини беради. Бунга Болонья ва Италиянинг бошқа шаҳар-республикалари ўз мақомларини ишлаб чиқиш, шаҳар лавозимларини тўлдириш, ташқи алоқалар олиб бориш учун ҳуқуқшуносларга эҳтиёж сезганлигини қўшимча қилиш

зарур. Ҳам Болоньяда, ҳам Италиянинг бошқа университетларида католик ҳуқуқ истисно этилганда билимларнинг бошқа соҳалари у ёки бу даражада ривожланмади. XII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб католик ҳуқуққа диншунослик эмас, балки Рим ҳуқуқига параллел юриспруденция соҳаси сифатида қарала бошланди. Болонья университети, Ўрта асрлардаги Европанинг бошқа университетлари ҳам юриспруденциянинг Рим ва католик ҳуқуқидан бошқа шохобчаларини, фанларини ҳам билмаган.

XIII асрнинг биринчи ярмида кичик жамоалар ёки майда иттифоқлар иккита катта **universitates**га – ультрамонтанлар университети ва цитрамонтанлар университетига сингиб кетди (италияликлар нуктаи назаридан: ультрамонтанлар – бу Альп тоғларидан келгиндилар, цитрамонтанлар – Болоньяга келиш учун Альпдан ўтишлари шарт бўлмаган, Италиянинг бошқа шаҳарларидан келганлар эканлиги шубҳасиз).

Ҳар икки университет қисман иттифоқларга парчаланган (уларни «музофатлар» ёки «қироллик» деб аташган). Жумладан, ультрамонтанлар университети 1265 йилда ўн учта музофат иттифоқлари (галллар пикардийликлар, бургундлар, Пуату, Тур ва Ле-мансдан келганлар, норманлар, каталонияликлар, венгрлар, поляклар, германлар, испанлар, провансалликлар, инглизлар ва гасконликлар)дан иборат бўлган. Цитрамонтан университети янада кўпроқ «қиролликлар»дан (18 тагача) иборат бўлган. Ҳар икки – ультрамонтан ва цитрамонтан университетларининг ўзаро ҳамкорлигига кейинчалик бир бутун Болонья университети ҳаёти асосланган. Бироқ ҳар икки университетда ҳуқуқшунослар ҳукмронлик қилган, ҳолбуки, Болоньяда тиббиёт ва эркин санъатлардан (*trivium* ва *quadrigivium*) сабоқ олаётганлар кам эмаслиги ҳамда улар ҳуқуқшунослардан **фақат ҳуқуқшунос ректор этиб сайланиши мумкинлигининг** ўзидан азият чекишлари сабабли тиббиётчилар «артистлар» билан парчаланишни амалга оширганлар ва алоҳида ректор бошчилигида янги университет ташкил этганлар. Ҳуқуқшунослар бунга ҳалақит беришга интилганлар ва ҳатто шаҳарда янги университет ташкил этишни тақиқлашга далолатчилик қилганлар (бундай тақиқлаш ҳақиқатан ҳам 1295 йилда юз берган). Бироқ 1316 йилда юридик университетнинг шаҳар билан ярашиш битимига асосан махсус ректорли махсус университет расман эътироф этилган. XIV асрнинг иккинчи ярмида (1362 йилда) Папа Иннокентий VI томонидан уни-

верситетга диншунослик мактаби қўшилган, бироқ у Париж намунасига кўра, яъни ҳокимият магистрлар қўлига жамланган ҳолда ташкил этилган.

Болонья университети (яъни, икки – ультрамонтан ва цитрамонтан юридик университетлари ҳамда артистлар билан тиббиётчилар университети) кучоғига келгиндиларни олган: профессорлар келгинди бўлсаларгина, яъни табиатан болоньялик фуқаролар бўлмасалар ва ўз профессорлик фаолияти давомида Болонья фуқаролиги ҳуқуқини олмаган бўлсалар, иттифоқ каторидан жой олишлари мумкин бўлган. Бироқ профессорлар илмий даража олиш синовиғача бевосита мактаб ёки ўқув ишлари бошқарувчилари бўлмасликлари мумкин бўлмаганлиги сабабли ректорлар ўқувчиларга тўла тобе бўлмасликларидан муҳофаза сифатида ўқувчилар университетига қарама-қарши равишда ўзларидан ҳайъат ташкил этганлар. Ҳуқуқшунослар, нотариус санъати, тиббиётчилар, артистларнинг профессорлар ҳайъати мана шундай юзага келди. Ушбу ҳайъатлар бошқа университетларда, жумладан, қисман Италия университетларидаги (уларда фақат камбағал ўқувчилар учун) ҳайъатлар ривожланиши нуктаи назаридан ётоқхоналар тарзида бўлган.

1219 йилда Папа Гонория III декрет чиқарган вақтдан бошлаб Болонья университети Болонья кафедрал капитули архидьяконига нисбатан муайян муносабатларга қўйилган. Папанинг декретидан агар илгари илмий даража беришдан олдин синовлар ўтказилган бўлса ҳам, улар етарлича тартибга солинмаганлиги хулосасини чиқариш мумкин бўлган. Папанинг билдиришича, Болоньяда тайёргарликка эга бўлмаган одамлар ўқитувчилик қилишига йўл қўйилиши ҳоллари юз берган, бунинг оқибатида ўқитувчилар обрўсига ҳам путур етган, ўқишни хоҳлаган ўқувчилар ҳам зарар кўрган. Папа шунинг учун ҳам мактабнинг шаъни ва ўқувчиларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда келажакда профессорларга **лиценция** (яъни, ўқитишга рухсат бериш – **licentia docendi**) архидьякон томонидан олдиндан синчиклаб синовдан ўтказиш асосида берилиши ҳақида кўрсатма берган. Университет таркибига диншунослик мактаби қўшилган XIV асрда эса, диншуносликка ана шундай дастлабки синов асосида лиценция бериш ваколати Болонья епископига берилган, шу сабабли ана шу вақтдан бошлаб ҳуқуқшунослар билан като-

ликлар, тиббиётчилар ва артистлар лицензияни архидьякондан, диншунослар эса, епископдан олишлари мумкин бўлган.

Болонья университетида бу даврга келиб канцлер деб аталадиган, кафедрал капитул аъзоси бўлган шахс Париж университетида лицензия беришидан иборат тартиб қўлланилганлигига шубҳаланмаса ҳам бўлган. Парижнинг таъсирини «канцлер» номи лицензия берадиган мансабдор шахсни англатишидан ҳам билса бўлади, ҳолбуки аслида ушбу ҳуқуқ кафедрал канцлерига эмас, балки кафедрал капитулнинг бошқа аъзосига (архидьякон, схоластик), ҳатто епископнинг ўзига юкланган. Бироқ Италиянинг бошқа университетларида бўлгани каби Болонья университетида ҳам руҳоний раҳбар канцлер деб аталса ҳам, илмий даражаларга синовларни амалга оширишни назорат қилувчи ташқи ҳокимият сифатида қолган. Неаполь университети истисно этилганда Италия университетлари лицензия бериш ҳуқуқига эга бўлган канцлер бошқа муносабатларда ҳам университет ҳокимияти сифатида намоён бўлаётганлардан фарқли равишда шахар ҳукуматига бўйсунувчи шахар университетларига тааллуқли бўлган.

## РИМ ХУКУҚИ РЕЦЕПЦИЯСИ – ХУКУҚИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИНИНГ БОШЛАНИШИ

Бизда **хуқуқ** сўзи уйғотадиган тасаввур жуда ноаниқ. Барча Европа тилларида у келиб чиқиши бўйича «**адолат**» сўзи билан боғлиқ. Унинг лотинча – «**ius**», французча – «**le droit**», немисча – «**das Recht**», инглизча – «**the right**», ёки русча «**право**» номларини олмайлик, ҳамма вақт адолатли ўзакка эга бўлган сифатни топамиз: **justus, droit, richtig, right** ёки хатто ҳақиқатсизлик, адолатсизликка зид сифатида **ҳақиқат, адолат** маъносига эга бўлган отга дуч келамиз. Бироқ ушбу – **хуқуқ** сўзи ҳамма жойда **мажбурият** сўзига зид равишда ишлатиб келинади, шу маънода у **имтиёз** сўзининг синонимига айланади.

Мазмуннинг ноаниқлиги «**хуқуқ**» сўзи ўз тарихида маъносини жиддий ўзгартирганлиги билан изоҳланади.

Зеро, **хуқуқ инсоний жамият фарзанди**. Одамлар яшайдиган оролда ёлғиз киши уни ўраб олган ҳайвонлар орасида на хуқуққа, на мажбуриятларга эга бўлади ва уларга нисбатан адолат ҳисси уйғонмайди. Ливингстон хикояларидан бирида: ўғирликда қўлда тушган негр «Айтчи, ўғрилик қилиш яхшими?» деган таънали саволга ўйлаб туриб, тўла ишонч билан: «Агар мен бошқалардан ўғирласаму, қўлга тушмасам яхши, агар бошқалар менинг нарсамни ўғирласа-ю, қўлга тушмаса ёмон», деб жавоб берган. Шунга ўхшаш ҳайвонлар орасидаги оролга тушиб қолган ёлғиз одам ҳеч бир иккиланмасдан: «Агар мен ҳайвонларни тутиб олсам ва есам яхши, агар улар мени ушлаб олсалару еб қўйсалар ёмон» деб жавоб берган бўлур эди.

Демак, бизнинг адолат ва хуқуқ тўғрисидаги тушунчамиз инсон қавми доирасида ва хатто, умуман уларнинг ҳаммаси эмас, балки фақат биз сиёсий ривожланиши бўйича ўзимизга тенг деб эътироф этадиганлар билан чекланган. Марказий Африкада антропофагонлар жамиятига тушиб қолган бирорта ҳам европалик ўзини улар билан тенг хуқуқли деб ҳисобламайди, балки мутлақо адолатли деб ҳисоблаган ҳолда ўзини алоҳида гуруҳга таснифлайди. Ўзига алоҳида феодал хуқуқни яратган феодал барон ва ўзи учун алоҳида, дунёвий касбларга тааллуқли бўлмаган черков хуқуқини ишлаб чиққан Ўрта асрлардаги такводор буни адолатли деб ҳисоблаган. Фақат анча кейин маданиятли мамлакатнинг бутун аҳолиси ўзини тенг хуқуқли деб ҳисоблаган, у

ёки бу касблар ёхуд шахсларнинг алоҳида ҳуқуқлари эса имтиёзлар деб атала бошланган (гарчи, улар турмушида ушбу икки мутлақо турлича тушунчани аралаштириб юборган «ҳуқуқ» номи сақланиб қолган бўлса ҳам).

Бундан шу нарса равшанки, бирламчи ҳуқуқ имтиёз эмас, балки адолат сифатида одамларнинг маълум доирасида қўлланилиши билан ўзини чеклаб, бу одамларнинг бир хиллиги тасаввуридан келиб чиққан. Айни пайтда мазкур доирага кирадиган ҳамма эркаклар ва аёллар ҳамда вояга етгунига қадар алоҳида ота-она ҳуқуқи қўлланилган болалар учун қулайлик маъносида улар ўрта-сидаги муносабатларни тартибга солган.

Бироқ одатий ҳуқуқлар деб аталадиган ушбу бирламчи ҳуқуқлар мазкур жойнинг урф-одатларидан келиб чиққан ҳолда ҳеч қачон шу ерда яшовчилар ўртасидаги эркин шартнома натижаси бўлмаган. Балки, физиологиядаги барча шартли рефлекслар сингари кўплаб авлодларнинг ҳаёти давомида ҳаётнинг доимий сабоқлари тарзидаги маънавий шартли рефлекс сифатида ишлаб чиқилган.

Ҳар қандай ибтидоий одам, шу жумладан, бизнинг аждодларимиз яхши ва ёмон ҳақида мулоҳаза юритиб, ўша негр каби: «Агар мен бошқалардан ўғирласаму қўлга тушмасам яхши, агар бошқалар менинг нарсамни ўғирласа-ю, қўлга тушмаса, ёмон», деган бўлар эдилар... Бироқ бир ўғрини, кейин бошқасини ушлаб олишган, уларнинг ўғирлик қилган қўлларини чопиб ташлаганлар ва ўғирлик ҳақидаги тасаввурни унинг учун жазо муқаррар эканлиги билан боғлай бошлаганлар. «Агар менинг қўлимни чопиб ташласалар, яхши бўлмайди», – тўлиқ ишонч билан мулоҳаза юритади ибтидоий одам. Ушбу «яхши эмас», деган тасаввур унда «яхши» ўғирлик тўғрисидаги тасаввур билан боғланар экан, ушбу икки тасаввурнинг кураши натижасида шартли ижтимоий рефлекс ва ўғирлик содир этишдан қўрқув пайдо бўлган ҳамда ўша ушбу қилмишнинг ўзи ёмонлиги тўғрисидаги тушунча келиб чиққан.

Бизнинг маънавий инстинктларимиз инсоният тафаккури «ўзгага ўзинга раво кўрмаганни раво кўрмагил», деган иборани ишлаб чиққунга қадар шартли ижтимоий рефлекслар сингари туғма эмас, балки тадрижий ривожланган. Сўнгра эса, Везувий-Синайда «ўн қоида» – қадимги Италиядаги ягона **Рим ҳуқуқи** пайдо бўлган. Одамларнинг маънавий хулқ-атвор ўшанда бирин-

чи марта барча нарсани кўрадиган ва эшитадиган ва ундан ҳеч бир нарса қочиб қутула олмайдиган ва ҳеч бир нарса жазосиз қолмайдиган Тангрининг бевосита назорати остига қўйилган.

Шу тарзда адолат ҳам, имтиёз ҳам дастлаб Тангри номидан ишлаб чиқиладиган бошланган, бироқ тезда Тангри ўз қонун-қоидаларининг ҳар бир бузилишида буни жазолашга унча ҳам шошилмаслиги маълум бўлган. Вафотдан кейинги тақдирлаш тўғрисида ва «нариги дунё»даги жазо ва маҳшар тўғрисида таълимот ишлаб чиқишга тўғри келди. Бироқ бу ҳам олисда бўлганлиги учун ўз ҳаётида «бир кун бўлса-да, менинг куним» деган қоидага амал қилганларни тийиб тура олмаган, бундан ташқари, бу барча ҳадикларни христиан черкови «тавба қиладиган гуноҳкорлар»ни кечирадиган «меҳрибон Тангри» тўғрисидаги таълимоти билан йўқ қилган.

Дунёвий жазони белгиламасликнинг иложи бўлмай қолди ва инсонни тўлиқ қайта ўзгартиришгача, яъни, унга барча адолатсиз қилмишлардан инстинктив нафратланиш сингдирилмаганига қадар (унинг гоҳ у, гоҳ бошқа қавмдошларини, баъзан унинг ўзини жазолаш йўли билан) шу хол давом этади.

Деярли барча замонавий қонунлар аллақачонлар римликлар томонидан Италияда ишлаб чиқилганлиги, милоднинг VI асрида эса византияликлар томонидан тўпланганлиги ва сўнгра бу қонунлар беш юз йил Унутурилиш Дарёсига чўкиб, унинг тўлқинлари томонидан Уйғониш Даври қирғоқларига чиқариб ташланганлиги тўғрисидаги тасаввур «хуқуқ»нинг табиий тадрижий ривожланишига нақадар мувофиқ?

Бу ҳақда **А. Вормс** ўзининг «**Ўрта асрларда Болонья университети ва Рим ҳуқуқи**»<sup>1</sup> мақоласида қуйидагиларни ёзади: «Шундай ривоят сақланиб қолган», – ёзади А. Вормс, – Ирнерий биринчи бўлиб қисмлардан Рим ҳуқуқининг Юстиниан тўпламлари тўлиқ матнини тўплашга муваффақ бўлган».

XI аср охирида Болоньяда «гlossаторлар», яъни талқинчилар мактаби юзага келди. Ушбу мактабнинг асосчиси Ирнерий дастлаб риторика ўқитувчиси бўлган, бироқ маркграфиния Матильда Тосканскийнинг ташаббуси билан 1088 йил атрофида Болоньяда «Рим ҳуқуқи»дан дарс бера бошлади.

---

<sup>1</sup> «Книга для чтения по истории средних веков», составленная кружком преподавателей, под редакцией П.Г. Виноградова. 1903 г.



Демак, бу ўринда биз яна ўша Ўрта асрларнинг тубсиз ғорига дуч келамиз. Ирнерий XII аср бошида 500 йил давомида йўқотилган Юстиниан кодексини тиклаганлиги ҳақидаги ривоят сақланиб қолган дейишади.

Ирнерий ворисларидан бирининг сўзларига қараганда у мантик («logicus fuit») билимдони ва ўтқир ақл эгаси («vir subtilis») бўлган. У судья ва ўқитувчи сифатида тез орада нуфузли мавкени эгаллаган. Ирнерий қанча вақт дарс берганлигини билмаган ҳолда, — эхтимолки, 1125 йилгача, — «давлат ҳокимиятининг чекланмаганлиги тўғрисидаги Рим таълимоти»га таяниб, 1158 йилда Ронкаль сеймида кайзер Фридрих I нинг Рим императорларининг қонуний вориси сифатидаги ҳуқуқини ҳимоя қилган тўрт нафар глассатор унинг шогирдлари бўлган-бўлмаганлиги масаласини ҳал қилиб бўлмайди. Ўқитувчилар орасида Рим ҳуқуқи кўллаб-қувватланганлигини қадрлаб, янги Рим (яъни, австриялик) императорлар ушбу мактабга алоҳида ҳомийлик кўрсатганлар ва бу билан унинг тез ривожланишига кўмаклашганлар. Машҳур ҳуқуқ ўқитувчилари бир юз эллик йил мобайнида ушбу мактабда тез-тез бир-бирларини алмаштириб туганлар. Улардан ҳуқуқшунос **Ацо XIII** аср бошида энг шухрат қозонгани бўлган. У дарс берган бир неча йил мобайнида Болоньяга бутун Европадан ҳар йили 10 минг тингловчи тўпланган. Ацонинг талқини «Рим ҳуқуқи» деб аталадиган ҳуқуқни кўллаган судларда умумэтироф этилган ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Унинг шогирди **Аккурсий** (1260 йилда вафот этган) билан глассаторлар сафи ниҳоясига етган. **Аккурсий** ўтмишдошлари фаолиятига яқун ясагандек, ўз талқинларининг тўлиқ тўпланини тузган ва ушбу тўпландан («**glossa ordinaria**») кейинги барча ҳуқуқшунослар деярли истисносиз фойдаланганлар<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, **замонавий «Рим ҳуқуқи»ни «Болонья ҳуқуқи» деб аташ тўғрироқ бўлар эди.** Тадрижий нуктаи назардан уларнинг барчаси — апокрифдир, бунинг устига глассаторлар Рим императорлари қонунларига ҳеч тортинмай уруғ қасдини оқлаш тўғрисидаги Ўрта асрлар қарорларини қўшиб қўйганлар.

Кейинги даврлардаги италиялик бир рассом Кичик Сципион-

---

<sup>1</sup> *Glossa* (русча «голос» шундан келиб чиққан) Ўрта асрлардаги латин тили бўйича умуман ҳар қандай хорижий сўзни англатади.

ни Карфагеннинг готик минораларига қарши қаратилган тўп ёнида харбий кийимда тасвирлагани каби глоссаторларнинг фикрлари ҳам кўз ўнгимизда баъзан қадимги Римнинг эмас, балки Ўрта асрлар Италияси турмушини гавдалантиради. Бироқ ахлоқий қарорларга мантиқий (черков томонидан эмас) нуфуз бахш этган ушбу апокрифик ҳали мустақил фикрлаш лаёқати уйғонмаган замондошлар учун марокли бўлган.

Болоньяда қадимги Рим ҳуқуқи номи билан пайдо бўлган дунёвий ҳуқуқ тўғрисидаги таълимот тез орада бутун Ғарбий Европани қамраб олган.

XII асрда айрим болоньялик глоссаторлар ҳуқуқни алоҳида Тангриларнинг ва императорнинг амрлари сифатида эмас, балки билимларнинг мустақил тармоғи, фан сифатида ўқитганлар ва шу сабабли Болоньяда мактабга асос солингандан бошлаб унга нафақат Италиядан, балки Альп тоғининг ортидан, роман ва славян худудларидан ўқувчилар оқиб кела бошлаганлар. Бу ерда хорижликлар ниҳоят қатъий устунликни қўлга киритганлар. Уларнинг таъсири остида даставвал шаҳар мактаби бўлган Болонья ҳуқуқшунослик мактаби барча халқлар учун умумий бўлган мактаб – «**Studium Generale**»га айланган.

Ғарчи, янги фаннинг дунёвий хусусияти Инжилга у қадар мос тушмаса ҳам ўша пайтда олий мактабнинг Папа ҳокимияти томонидан қўллаб-қувватланиши жиддий аҳамиятга эга бўлган. Папага ўқитувчилар ва ораларида узоқ вақт клириклар устунлик қилган тингловчилар ўртасида юзага келадиган низоларни ҳал этиш учун мурожаат қилишган. Университет ҳузурида камбағал талабалар учун қатор ётоқхоналарга (collegia ёки bursae, русча «бурса» худди шундан келиб чиққан) асос солинган, тингловчиларнинг бадаллари билан етарли таъминланмаган ўқитувчиларга эса, кўпинча бенефиция, яъни черков мол-мулкидан даромадлар берилган.

Университетни тамомлаган талабаларга бериладиган олий даража – «доктор», яъни, олим унвони бўлган. У техникада «уста» унвонига мувофиқ келган ва қаерда бўлмасин, мустақил дарс бериш ҳуқуқини берган, кейинчалик қатор университетлар пайдо бўлгандан сўнг бундай имконият кўп жихатдан улар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилишига кўмаклашган. Европанинг энг яхши университетлари янада кўпроқ тингловчиларни, улар фуқаролигига эътибор бермай, жалб эта бошлаган. Ҳатто баъзан

кўп йиллар мобайнида турли мамлакатлардаги бир неча университетларга машғулотларда қатнашиш учун бориш одат тусига кирган. 15 та ва ундан ортиқ университетда машғулотларда қатнашган сайёр талабалар тўғрисида маълумотлар сақланиб қолган.

Ҳали мактаб билан мустақкам алоқада бўлган Ўрта асрлар фани миллий айирмачилик нима эканлигини билмаса ҳам, биз Рим ҳуқуқи мисолида янги билиш ва тадқиқот усуллари, матбуот мавжуд эмаслигига қарамай, бутун Европа бўйлаб хайрон қоларли тарзда тез тарқалган.

Болоньяда тингловчилар уюшмалари алоҳида нуфузга эга бўлган. Ушбу уюшмалар таркибига узоқ вақт Болонья мактаби дастлаб фақат ҳуқуқшунослик мактаби бўлганлиги сабабли қатор имтиёзлардан фойдаланган талаба-ҳуқуқшуносларгина кирган.

Бироқ университет ичида ҳам шаҳар жамоаси тарихида кузатиш мумкин бўлган жараён такрорланган: Ўрта асрлар охирига бориб ҳокимият касаба уюшмаларига, яъни ўша пайтда шундай деб номланган цехлар, гильдияларга ўтган.

Ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг жамоавий ҳуқуқлари университетларнинг раванқ топиши ва маданий таъсирининг асоси ҳисобланган. Улар пайдо бўлгунча ҳам машҳур олим дарс берган мактабда кўп сонли ўқувчилар тўпланган. Бироқ бундай ўқитувчи алмашгач ёки ноқулай ташқи муҳит пайдо бўлганда, кўпчилик ўқувчилар кетиб қолишган, мактаб эса, қисқа вақт раванқ топганидан кейин унутиб юборилган. Глоссаторлар асос солган, ўзининг алоҳида ҳаёти, ўқитувчилар ва тингловчиларнинг авлодларини изчил боғловчи алоҳида одатлар ва анъаналарга эга бўлган мактаб мустақил уюшмага айланмаганида, уни ҳам шундай қисмат қутган. Ўшандагина кўп асрлар мобайнида илмий ишларнинг ворислиги ва мактабнинг Ўрта асрларнинг ғала-ғовури ва курашлари муҳитида узлуксиз мавжуд бўлиши таъминланган. Италиянинг университет шаҳарлари бир неча марта бир босқинчидан иккинчисига ўтган ва кўпинча вайронага айлантирилган, бироқ улардаги университетлар деярли узлуксиз ривожланган.

Болонья ва Парижда айна бир вақтда ва бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда пайдо бўлган олий мактабнинг бундай ташкил этилиши давр эҳтиёжларига шу қадар мос бўлганки, дарҳол тақлид қилувчиларни пайдо қилган. XIV аср охиригача Фарбий Ев-

ропанинг турли мамлакатларида 50 га яқин университет пайдо бўлган ва уларнинг барчаси дастлабки икки университетдан нусха олиниб ташкил этилган.

Шундай қилиб, **Болонья университети Рим ҳуқуқини қайта яратган. Университет Рим ҳуқуқини Европа давлатларида татбиқ этиши керак бўлган шахсларни ҳам тарбиялаган.**

Ушбу шахслар эндиликда глоссаторлар мактабидан чиқмаган эди. Глоссаторларни XIII аср охирига келиб, **глоссаторлардан кейингилар** ёки «**шархловчилар**» алмаштирган. Уларнинг шогирдлари ўз ватанларида Рим ҳуқуқининг фаол тарафдорлари ҳисобланган француз «легистлари» ва немис «ҳуқуқшунослари» бўлган. Шархловчиларнинг тарихий аҳамияти ана шундай фаол, амалий роль билан чекланган.

Улардан энг яхшилари **Бартол** (1357 йилда вафот этган) ва **Бальдо** (1400 йил) амалиётчи ҳуқуқшунослар сифатида чексиз ҳурматга эга бўлганлар. Уларга нафақат хусусий ҳуқуқ соҳасида, балки кўпинча халқаро муносабатлар ва ҳатто черков масалаларида низоларни ҳал этиш учун мурожаат қилишган. Уларнинг жамоатчилик фикрига таъсири шунчалик кучли эдики, гарчи ҳеч ким уларга суд ҳокимиятини бермаган бўлса-да, қарорларига бўйсунушга тўғри келган. Фақат шундан кейин, **Рим ҳуқуқи таҳаллуси остидаги Болонья ҳуқуқи**, уни қабул қилиш ва имконият даражасида тўлиқ қўллашга ҳаракат қилинган **амалдаги ҳуқуқ нуфузини олган** янги давр бошланди. Судлар, ҳатто давлат кўрсатма бермаган ҳолларда ҳам, Болонья ҳуқуқига кўр-кўрона итоат эта бошлаганлар.

«Рим ҳуқуқи»да тарбияланган кўп сонли ҳуқуқшунослар («легистлар» – Франция ва Англияда ҳуқуқшунос олимларни шундай аташган) ўз эхтиросларида одатий ҳуқуқдаги ҳар қандай бўшлиқ «Рим ҳуқуқи» билан тўлдирилиши керак, деб ҳисоблашган. Ҳуқуқшуносларнинг фақат бир қисмигина *ratio scripta* – энг оқилона ҳуқуқ эканлиги, лекин уни амалда қўллашга эҳтиёж сезилганда алоҳида руҳсат берилган тақдирда қўллаш аҳамиятига эга, деб эътироф этганлар. Бироқ ҳар икки тараф амалда фақат «Болонья тўпламлари»нинг бой хазинасидан кенг фойдаланган.

Дастлабки маҳаллий ҳуқуққа тўлдириш киритганлар унга урф-одатлар ва қироллик фармонлари билан бирга, Рим ҳуқуқи ва унга яқин католик ҳуқуқдан шунчаки кўчирмалар киритиш би-

лан чекланганлар. Энг қадимги тўпламларнинг муаллифлари, масалан, 1272 йил атрофида хусусий шахс томонидан тузилган «Etablissements de St. Louis» тўплами муаллифи шу тарзда иш кўрган.

Айниқса, «Coutumes de Beauvoisis» (1283 йил) тўпламида мажбурият ҳуқуқи соҳасида, жумладан, шартномалар тузиш ва ижро этиш масаласида Болонья ҳуқуқининг кўплаб тушунчалари ўзлаштириб олинган.

Қадимги француз кутюмлари (одатлари) шартномалар тузишнинг тантанали шаклини, яъни маълум вазиятда муайян сўзлар айтилишини ва ҳар қандай ҳолатда шартнома ижро этилиши кераклигини талаб қилган. Бироқ Бомануар Болонья ҳуқуқи асосларига амал қила бошлаган ва ўз тўпламида шундай деган:

«Мажбурлаш ва кўрқитиш билан тузилган битимларни бажармаслик мумкин. Фақат мажбурлаш ва кўрқитиш ҳар хил бўлади. «Мен бу ишни мажбуран бажардим», дейилар экан, мажбур қилиш нимадан иборат эканлигини кўрсатиш ҳамда қарши томон буни инкор қилса, исбот қилиш зарур. Шундан кейин мажбурлаш битимни бекор қилиш мумкин бўлган даражада бўлганлигини кўриб чиқиш керак. Кўрқитиш билан шартнома тузилганда ҳам шундай йўл тутиш зарур».

Одат ҳуқуқининг бошқа қарорлари ҳам, масалан, мерос тартиби Болонья ҳуқуқи қарашлари таъсирида шаклини ўзгартира бошлаган. Ўрта асрлар урф-одатлари меросни (айниқса, кўчмас мулкни) бўлишда қизларга қараганда ўғилларга (салик қонуни деб аталадиган қонун) ва баъзан кичик ўғилларга қараганда катта ўғилга устунлик берган. Болонья тўпламларида эса, барча болаларнинг жинсидан қатъи назар, меросда тенг иштироқи кўрсатилган.

Болонья қоидаларининг бошқа, улар билан узвий боғлиқ қарорлар билан биргаликда қўлланилиши, ушбу қоидалар умум-француз ҳуқуқига асос қилиб олингунга қадар, Фарбий Европада доимий равишда кенгайиб борган.

Германияда Рим ҳуқуқи мамлакатнинг ижтимоий ва хусусий турмушига Франциядагига қараганда кечроқ сезиларли таъсир кўрсата бошлаган. Германия империяси афсонавий Рим империясининг давоми эканлигига ишонч императорларни ўз ҳуқуқларини асослаш ва кенгайтириш учун ўз Рим ҳуқуқидан фойдаланишга мажбур қилган.

Бу Фридрих III томонидан 1484 йилги фармонда аниқ ифода-  
лаб берилган:

«Бизнинг ирбодамиз ва энг қатъий савъ-ҳаракатларимиз шун-  
га қаратилганки, аждодларимизнинг чексиз доно қонунлари ва  
фармонлари, Рим импетарорларининг муқаддас хотираси фука-  
ролармиз томонидан тобора кўпроқ ўзлаштириб олиниси зарур,  
чунки бу қонун ва фармонлар изчил қўлланилган тақдирдагина,  
давлатимиз мустаҳкамланиши ва ўсишига ишончимиз комил.  
Фақат ушбу ҳуқуққа таянган қудратли қироллик ҳокимияти  
фуқароларнинг тизгинсиз эҳтиросларини жиловлаши ва давлат-  
нинг келажagini таъминлаши мумкин».

Шундай қилиб, Болония юридик мактаби Рим ҳуқуқини ре-  
цепция қилиш йўли билан Европада юридик Уйғонишга асос солди.

## БОЛОНЬЯ ХУҚУҚШУНОСЛИК МАКТАБИ — ДАНТЕ «ALMA MATER»И

Ўрта асрларда Болонья университетини **Mater Studiorum** деб аташган. Бу латин тилидан таржима қилинганда «**таълим, фаннинг онаси**» деган маънони англатган. Ҳақиқатан ҳам, бу — Европада энг қадимги олий таълим муассасаси моҳият эътибори билан Европа олий таълимининг бешиги бўлган. Айнан шу жойда **universitas** — ўша пайтдаги барча соҳалардаги билимларни ёйишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг эркин ҳамжамияти тушунчаси пайдо бўлган.

Европанинг қолган барча университетлари кейинчалик айнан Болонья университетидан намуна ва нусха олиб ташкил этилган. Рим ҳуқуқи рецепциясида, яъни уни барча Европа халқларининг қонунчилиги асосига айлантиришда улкан роль ўйнаган машҳур **Болонья глоссаторларнинг** («глоссо» — дафтар хошиясида қайдлар қилиш) **ҳуқуқшунослик мактаби** пайдо бўлиши Италия университети билан боғлиқдир. XII-XIV асрлар мобайнида Болонья университети етакчи умумевропа ҳуқуқшунослик таълим марказига айланган.

**Торквато Тассо ва Карло Гольдони, Парацельс, Эразм Роттердамский, Ульрих фон Гуттен ва Альбрехт Дюрер** — университет билан боғлиқ бўлган ушбу даҳо мутафаккирларнинг унча тўлиқ бўлмаган рўйхати университетнинг Европа цивилизациясига қўшган улушини баҳолаш имкониятини беради. **Николай Коперник** айнан Болоньяда ўқиган вақтида унинг миясига Ер Қуёш атрофида айланади, деган «бидъат ғоя» келганлигини қўшимча қилиш кифоя. Буюк поляк астрономи кейинчалик ёдга олганидек, у ушбу ғояни фақат текширган ва ривожлантирган.

Европадаги биринчи университет айнан Болоньяда мутлақо тасодифан пайдо бўлган. Шаҳарга асос солган этрусклар уни **Felsina** деб номлашган. Кейинчалик шаҳарни галлар босиб олганлар ва бу ерда яшай бошлаганлар. Римликлар бу жойни **Bononia (bono — яхши сўздан)** деб қайта номлаганлар. Кейинчалик, ҳақиқатан ҳам, шаҳарда ишлар яхши томонга юришиб кетган. Рим империяси ҳалокатга учрагандан кейин шаҳар эркин коммунага айланган ва ўзини Болонья деб қайта номлаган, тезда Папа тахти паноҳида қудратли савдо ва хунармандчи-

лик марказига айланган. Савдо ва ҳунармандчиликнинг раванк топиши эса, шубҳасиз, фан ва санъатнинг ривожланишига кўмаклашган.

**433 йилдаёқ** Болоньяда **олий ҳуқуқшунослик мактаби**га асос солинишини **Византия императори Феодосей II** нинг номи билан боғлайдиган ривоят мавжуд. Бироқ бу XIII асрда университетни очиш шарафи императорга тегишли бўлишини хоҳлаган болониялик ҳуқуқшунослар тарқатган афсонадан бошқа нарса эмас. Шубҳасиз, ҳали X асрдаёқ оммавий бўлган эркин санъатлар мактаби Болоньяда мавжуд бўлган. Ушбу мактабда ўқувчилар риторика курсига кўшимча машғулотлар шаклида **Рим ҳуқуқини** ўрганишган.

**Болонья университети – Европадаги энг қадимги ўқув юртларидан бири, Ўрта асрларда эса, ҳуқуқни ўрганишнинг асосий маркази.** У XI аср охиридан бошлаб мавжуд бўлган, Рим ҳуқуқи ўрганилган ҳуқуқшунослик мактаби негизда ташкил этилган. **Юстиниан дигестларининг** XI аср охирида топилган қўлёзмаси Болоньяга **Ирнерий** даврида ёки ундан ҳам олдинроқ, унинг ўтмишдоши бўлган (у тўғрисида ишончли маълумотлар сақланиб қолмаган) ярим афсонавий магистр Пепо даврида келиб қолган, деб тахмин қилишган.

Тоскано маркграфлари ҳузуридаги собиқ судья ва Германия императори Генрих V қошидаги маслаҳатчи Ирнерий Болоньяда Рим ҳуқуқидан биринчи марта дарс бера бошлаган, яъни ўқитишни ва «**глоссация қилишни**» (юридик матнларни диалектик ёки схоластиканинг мантикий усули билан шархлаш) бошлаган.

Болонья мактаби бу ерда **Ирнерий** (баъзан уни Вернерий, Варнерий, Гарнерий деб ҳам атайдилар) ўқитувчилик қилган XI аср охирида, айниқса машҳур бўлган. Ирнерий Рим ҳуқуқини мустақил равишда, ўқитувчининг ёрдамисиз ўрганган ва таниқли қонунчи (легист) сифатида ном қозонган.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ирнерий махсус ҳуқуқшунослик мактабини Тосканонинг ва Ломбардия бир қисмининг собиқ маркграфиняси Матильданинг илтимосига кўра очган. Папанинг Муқаддас Рим империяси императорлари билан курашдаги тарафдори ҳисобланган графиня ўз судларига Папа тахтида анъанавий душманлиги билан ажралиб турадиган равенналик легистларни таклиф қилишга қарши бўлган. Бироқ у Болоньяда Рим Папасига бетараф бўлган ҳуқуқшуносларни тайёр-



лайдиган ўз ҳуқуқ мактаби бўлишини хоҳлаган. Шундай қилиб, 1088 йилда Ирнерий маърузалар ўқий бошлаган. Айнан шу йил университетга асос солинган сана ҳисобланган.

Ирнерийнинг шогирдлари кўпайган ва тез орада Болонья ҳуқуқ профессорлари Равенна олимларидан сезиларли устунлик қила бошлаганлар, Европада машҳур бўлганлар. Бу ўқитишнинг ўша вақтлардаги илғор усули ҳамда ўша пайтлар Ломбардиянинг кироли бўлган ва Рим ҳуқуқи билан шуғулланишни рағбатлантиришдан жуда манфаатдор бўлган, обрўсидан ҳамма вақт сиёсий курашда фойдаланиш мумкин бўлган Германия императори **Фридрих I Барбарос**нинг хомийлиги туфайли юз берган.

Ронкальеда болоньялик профессорлар ҳозир бўлган ҳамда император ва Италия шаҳарлари ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинган 1158 йилдаги сеймдан кейин, Фридрих I Болоньяга ҳуқуқни ўрганиш учун келганларга қуйидаги имтиёзлар берилишига тантанали вазиятда розилик берган: **биринчидан**, унинг ҳимояси остида бутун мамлакат бўйлаб эркин саёҳат қилиш; **иккинчидан**, Болоньяда фақат профессорлар ёки епископнинг суди билан судланиш. Буларнинг барчаси махсус хартия шаклида расмийлаштирилган. Хартия Европада биринчи бўлиб университет уставига айланган.

**Рим ҳуқуқини доимий ўқитиш амалиёти Болоньяда 1140 йилда ўрнатилган** ва бу Ирнерийнинг шогирдлари ҳисобланган **Булгар, Мартин Госиа, Гуго (Уго) ва Якобдан** иборат «**4 ўқитувчи**» (**quattuor doctores**) деб аталадиган ўқитувчилар фаолияти билан боғлиқ бўлган. Бутун Ўрта асрлар мобайнида ўзгаришсиз қолган ўқитиш усули ўша пайтда шаклланган. Ўқитиш курси **маърузалардан (lectura)** ва **мунозаралардан (disputationes)** иборат бўлган. Ўқитиладиган фанлар – кейинчалик Юстиниан Кодексига – **Corpus Juris Civilis** кирган Рим ва католик ҳуқуқ тўпламлари бўлган. Кодекснинг матнлари қисмларга бўлиб, овоз чиқариб ўқилган ва шарҳланган, ўхшаш ва зид жойлар қайд этилган, қарама-қаршиликлар ҳал қилинган. Далилларни Юстиниан тўпламлари матнидан ўзлаштириб олиш ёки бундай ишларнинг ҳуқуқшунослар томонидан ҳал қилинишига доир мисоллар келтириш мумкин бўлган.

Асосан суд амалиётидан олинган чигал ишлар, қизиқарли ва мураккаб ҳодисалар мунозара мавзуси бўлган. Ўқитувчи чигал ишларнинг моҳиятини баён қилган, талабалар – мунозара қат-

нашчилари эса у ёки бу қарорнинг «тарафдори ва қаршиси» («pro et contra») эканликларининг далилини келтиришган, сўнгра ўқитувчи далилларни шарҳлаган ва баҳолаган ҳамда қарор чиқарган. Назария, ўқитиш ва амалиёт ўқитувчи ҳуқуқшунослар хисобланган болоньялик ҳуқуқшунослар (легистлар) ва (канончилар) билан узлуксиз боғлиқ бўлган. Жумладан, «4 ўқитувчи» Ронкальедаги Рейхстагда император Фридрих Барбароссининг маслаҳатчилари сифатида қатнашишга улгурганлар (1158).

Болонья ҳуқуқшунослик мактабининг юқори нуфузи ҳамда шаҳар жойлашган жой, унинг соғлом иқлими, саноати ва савдосининг ривожланганлиги, эркесварликнинг эркин муҳити XIII асрдан бошлаб донишмандликнинг Фельзин қасрига (этруска Felsina) Италиянинг барча томонларидан ва ҳатто Европадан талабаларни, шу жумладан тождор зотларнинг болаларини жалб эта бошлаган. Ўша пайтдаёқ университетни ўн мингдан ортиқ одам битириб чиққан.

Болонья университети жаҳондаги биринчи халқаро ўқув юртига айланган. Тўғри, италиялик ва хорижий талабалар ҳар хил бўлимларда, яъни маҳаллий фуқаролар **Cismontanes**да («тоғ олдида яшовчилар»), хорижликлар эса – **Ultramontanes**да («тоғ ортида яшовчилар») ўқиган. Иккинчи бўлинмада ҳар хил 18 миллат вакиллари учун гуруҳлар бўлган. Французлар у пайтлар ҳали ягона миллат сифатида шаклланмаганлиги қизиқарлидир. Университетда нормандлар, бургундлар, бретонликлар ва гасконияликлар ўқиган. Талабалар ҳар хил ҳунармандлар ва бадий цехлар намунаси бўйича корпорация тузишни орқага сурмаганлар. Олий ўқув юртига хотин-қизлар фақат маърузаларни тингловчи сифатида эмас, балки ўқитувчилар (лектрислар) сифатида қабул қилинганликлари ажабланарлидир.

Болоньялик ҳуқуқшунослар ҳам шаҳар коммунасига, ҳам ҳуқуқий шахсларга ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат берганлар. Ҳакамлар ролини бажариш, маъмурлар ва хусусий шахслар учун **маслаҳатлар («consilia»)** бериш XIV асрдан бошлаб ҳуқуқшуносларнинг салмоқли даромад келтирадиган қўшимча фаолиятини ташкил этган. Амалда барчаси диндорлар бўлган канончилар черков лавозимларини эгаллаган (ва тегишлича черков юрисдикциясига бўйсунган).

Талабалар ва ўқитувчилар ташкилоти XII аср охиригача ўзида бир ўқитувчи атрофига («dominus», «doctor legum», «magister

decretorum», «professor») бир неча талабанинг («socii») эркин бирлашишидан («societas») иборат бўлган. Ўқитувчи уларни муайян ҳақ эвазига ўқитиш мажбуриятини олган. Ушбу қоида 1158 йилда «4 ўқитувчи»нинг илтимоси билан чиқарилган император Фридрих I нинг «**Authentica «Habita»**» имтиёзларида мустаҳкамланган. Хорижий талабаларни маҳаллий аҳолининг сиқиштирмаслигидан химоя қилиш учун хорижий талабалар император химояси остига олинган, уларга мулкый ва суд мустақиллиги берилган. Улар ўз профессорлари («dominus») ёки Болонья епископининг юрисдикцияси остида бўлганлар.

XII асрнинг иккинчи ярмида Болоньянинг шаҳар коммунаси аста-секин ўқитувчилар устидан ўз назоратини кучайтириб, улар орқали талабаларни ҳам самаралироқ назорат қилиши мумкин бўлган. Болонья фуқаролари ҳисобланмаган барча ўқитувчилар коммунага содиқлик учун қасамёд қилганлар, Болоньядан ташқари ҳеч бир шаҳарда ҳуқуқни ўқитмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олганлар. XIII аср бошида мана шу сабабли ўқитувчилар билан бир қанча тўқнашувлар юз берган, натижада ўқитувчиларнинг айримлари ўз талабалари билан биргаликда Виченца, Ареццо, Падуйяга кўчиб ўтганлар, бу жойларда тез орада университетлар юзага келган.

Болонья университети ташкил топган кундан бошлаб икки хусусиятга эга бўлган. **Биринчи хусусият** шундан иборатки, бу профессорларнинг улар маърузаларида қатнашадиган ўқувчилар бўйсунуши керак бўлган уюшмасигина (**universitas magistrorum**) бўлиб қолмай, балки профессорлар бўйсунадиган раҳбарларни мустақил сайлайдиган талабалар бирлашмаси (**universitas scholarium**) ҳам мавжуд эди. Ультрамонтанлар ва цизмонтанлар ўзларининг алоҳида мажлисларида ҳар йили ректорни ва улар билан биргаликда бошқарувни ва университет юрисдикциясини амалга оширувчи ҳар хил миллатлар вакилларидан иборат кенгашни тайинлашган.

Профессорларни (**doctores legentes**) талабалар муайян вақтга тайинлаган. Профессорлар ўқувчилардан ҳақ олишган ҳамда Болоньядан бошқа ҳеч жойда ўқитмаслик мажбуриятини ҳам олишган. Ўқитувчилар университетга қарамлиги ва талабаларнинг машғулотларига раҳбарлик қилишда эркин бўлганликлари учун фақат ўзларининг шахсий фазилатлари ва педагогик

иктидори билан обрў козонишлари ва тингловчиларга таъсир кўрсатишлари мумкин бўлган.

Болонья университетининг **иккинчи хусусияти** шунда эдики, у азалдан фақат диншуносликка йўналтирилган Париж университетига юридик жиҳатдан (**universitas legum**) қарама-қарши бўлган. **Университетга ҳамда XII асрдан бошлаб университет дастурига киритилган католик ҳуқуққа асос солган Рим ҳуқуқини ўрганиш устуворлигича қолган.** Энг машхур профессорлар тиббиёт ва эркин санъатлардан ҳам дарс берганлар, бироқ тингловчилар барибир бўлажак ҳуқуқшунослар ҳисобланган.

Болонья университетининг соф юридик хусусияти шундан иборат эдики, у Сорбоннага ўхшаб Папанинг олий бошқарувига бўйсунмаганлиги сабабли Рим ҳуқуқини ўқитиш учун Ватиканнинг рухсати талаб қилинмаган, айти чонда диншунослик машғулотлари учун Папанинг рухсати зарур бўлган. Бироқ XIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб университетга раҳнамолик қилган ва 1253 йилда унинг имтиёзли мақомини тасдиқлаган Папа тахти черковнинг вакили (Болонья архиепископи) Римнинг номидан имтиҳонларда ва дипломларни беришда назоратчи бўлишига эришган.

**Болоньяда Камальдуллар ордени монахи Грациан асосчиси бўлган католик ҳуқуқни ўрганиш мактаби шакланган.** XII асрнинг 40-йилларида «**Зиддиятли қонунларни келиштириш**» («**Concordantia discordantium canonum**») католик ҳуқуқининг шарҳланган тўплами пайдо бўлишини Грацианнинг номи билан боғлаганлар. Тўплам унинг номини олган ва «**Грациан декрети**» («**Decretum Gratiani**») сифатида машхур бўлган, у деярли бирданига глоссиация қилинган (1150 йилгача) ва Болоньяда католик ҳуқуқни ўқитишда фойдаланила бошланган. Католик ҳуқуқ диншуносликликдан ажралиб чиққан ва университетларда мустақил фанга айланган. Бу Рим ҳуқуқи рецепциясининг тобора ўсиб бораётган жараёни билан боғлиқ бўлган.

Илк давр (XII асрнинг иккинчи ярми – XIII аср боши)нинг энг машхур болоньялик канончилари: **Паукапалеа, Орландо Бандинелли** (бўлажак Папа Александр III), **Стефан Турнейский, Алан Английский, Гугуччо**, «Грациан декрети» бошқа муаллифлари қаторидаги асосий, католик ҳуқуқшунос ҳисоблан-

ган одатий глосснинг («*glossa ordinaria*») тузувчиси **Иоанн Немецкий**. Ушбу даврда Папанинг декретлари тўплами устида **Бернард Павийский, Рикард Английский, Танкред, Дамасий** ишлаганлар.

**Рогерий, Иоанн Бассиан, Плацентин ва Пилий XII** аср охирида Болоньяда ишлаган Рим ҳуқуқининг энг таниқли олимлари (легистлар) бўлган.

Университетлар даставвал хорижий талабалар бирлашмалари бўлган, бу Болонья коммунасининг унинг фаолиятига аралашмасликни ва университет мухторияти сақланиб қолишини ҳамда ўқитувчилардан мустақилликни кафолатлаган. Университет ректор тимсолида мажбуриятлари виждонан бажарилмаган тақдирда, ўқитувчиларга нисбатан жарима жазоларини қўллаши мумкин бўлган. Бундан ташқари, университет ўз аъзоларига ҳаётларининг ва мол-мулкининг хавфсизлигини кафолатлаган. Талабаларнинг юртдошлик – «миллати бўйича» («*nationes*») илк бирлашмалари таркиб топган тартибнинг асосига айланган.

Ҳуқуқшунос-цитрамонтанлар университети 22 «миллатни», ультрамонтанлар университети – 24 «миллатни» бирлаштирган. Университетларнинг ҳар бирига, қоидага кўра, навбати билан ҳар бир «миллатдан» ва барча «миллатлар» вакиллари муайян муддатга сайланганлардан иборат бўлган маслаҳатчилар ҳайъати («*collegium consiliarium*») томонидан сайланган руҳоний шахс – ректор бошчилик қилган. «Миллатлар» вакиллари орқали университет бирлашмалари орасида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкин бўлган. Ректорга университет бошлиғи сифатида унинг барча аъзолари бўйсунган, бундан ташқари, у Болонья коммунаси олдида университетнинг вакили ҳисобланган.

Болоньянинг университет ташкилоти 1217 йилда папа Гонорий III томонидан таъсис этилган ва 1220 йилда тасдиқланган. 1252 йилда ҳуқуқшунослар устави биринчи марта Болоньянинг сақланиб қолган уставларидан энг қадимгиси бўлган ёзма мақом билан мустаҳкамланган. Янги мақомлар 1317 йилда қабул қилинган (1347 йилда қайта кўриб чиқилган), сўнгра 1432–1498 йилларда уларга ўзгартиришлар киритилган. Мақомларда ректор ва университетлар бошқаруви аъзоларининг ваколатлари, ўқув жараёни тартиби, ўқиш учун бадал йиғиш, ўқитувчиларнинг мажбуриятлари белгилаб қўйилган, шунингдек ўқув бинолари,

ўқитиш ҳуқуқини олиш тартиби ва ушбу ҳуқуқни олиш учун имтиҳон ўтказиш масалалари белгилаб қўйилган.

1252 йилги мақом бўйича католик ёки Рим ҳуқуқи курси бўйича машғулотлар 8 октябрдан кечикмай бошланиши ва кейинги йилнинг август ойи охирида тамом бўлиши керак бўлган. Пасхада икки ҳафта таътил (feriae) берилган. Кейинчалик қуйидагича тартиб ўрнатилган: Рим ҳуқуқини ўрганувчилар учун – эрталаб Digestum vetus (Codex Justiniani) бўйича, католик ҳуқуқни ўрганувчилар учун – «Грациан декрети» маъруза ўқилган, тушдан кейин Рим ҳуқуқини ўрганувчилар учун Infortiatum, Дигест қисми бўйича («Digestum novum»), католик ҳуқуқни ўрганувчилар учун – декретал ҳуқуқ тўпламлари бўйича қўшимча маърузалар («extraordinaria») ўқилган. Курс икки қисмга бўлинган бўлиб, 12-24 маъруза туркумлар ҳолда навбатма-навбат ўқилган ва шарҳланган. Бу вақтда ўқитувчи матннинг белгиланган қисмини муайян жойгача баён қилиши керак бўлган («punctum»). Кейинчалик ҳатто ўқитувчиларнинг жадвалга амал қилишини кузатиб борадиган махсус амалдорлар («punctatores») пайдо бўлган. Агар ўқитувчилар улгура олмаса, уларга пул жарималари солинган. Матнни чуқур ўрганиш учун у ёки бу ҳуқуқий тўпламдаги муайян ўринларни талқин этишга бағишланган айрим масалалар бўйича махсус маърузалар («repetitiones») ўқилган. Бунда савол бериш ва эътироз билдириш мумкин бўлган.

Ўқитувчилар бирлашмаси, «докторлар ҳайъати» («collegia doctorum») талабалар университетларидан олдин пайдо бўлган. Ўқитувчилар учта ҳайъатга бирлашган. Улар Рим ҳуқуқи ўқитувчилари («Collegium doctorum legum»), католик ҳуқуқ ўқитувчилари («Collegium doctorum decretorum») ва тиббиёт ҳамда **«бошқа эркин санъатлар»** ўқитувчиларидан таркиб топган.

Ҳуқуқшунослар ҳайъатидан бўлган ўқитувчилар «корпорация қилинган ўқитувчилар» («doctores corporati») ҳисобланганлар. Улар асосий маърузаларни ўқиш, доктор унвонига имтиҳонлар олиш ҳуқуқига эга бўлганлар (1219 йилдан бошлаб, Гонорий III нинг қарорига мувофиқ, ушбу имтиҳон натижалари бўйича Болонья архидиақони ўқитиш ҳуқуқини берган («licentia docendi»). Ҳайъатнинг ваколатига ўқитиш ҳуқуқини олиш истагини билдирганлардан имтиҳон олиш ҳуқуқи кирган, фақат ҳайъат аъзоси доктор даражасини олишга номзодни тақдим этиши мумкин бўлган. Докторлар ҳайъати ҳам ўзининг мақомларига (1397 ва

1460 йилларда тасдиқланган) эга бўлган. Унга мувофиқ фақат Болонья фукарolari хайъат аъзолари бўлиши мумкин эди. Хайъат аъзолари Рим ҳуқуқи ўқитувчиларидан 16, католик ҳуқуқ ўқитувчиларидан 12 нафари билан чегараланган. 1300 йил атрофида хайъатларга аъзоликни мерос қолдиришни мустаҳкамлашга уришиб кўрилган. Болоньядаги хайъатлар аъзолари ҳисобланмаган бошқа ўқитувчилар доцентлар (лотинча «docens» – ўқиётган) деб аталган.

1291 йилда Папа Николай IV Болонья архидиакони томонидан ўқитишга бериладиган рухсатноманинг исталган жойда ҳақиқийлигини («licentia ubique docendi») тасдиқлаган. Ушбу рухсатнома архидиакон томонидан, имтихондан ўтгандан сўнг ва докторлар хайъатига қабул қилингунгача берилган. Докторларнинг хайъатга аъзоликлари чекланганлиги муносабати билан уларнинг «licentia»га ажралиши ва «collegium»га киритиш рўй берган. «licentia»ни топшириш маросими Рим, католик ёки ҳар иккала ҳуқуқларда доктор даражасини тантанали бериш («doctor legum») билан бирга кечган, бироқ бу докторлар хайъатига киритилишни англатмаган.

Папа Гонорий III университетда илоҳиётни мунтазам ўқитишни жорий этишга интиланган, бироқ курс доимо ўқитилмаган, шунга қарамай, XV асрда Болонья диншуносларидан Рим Папаси Николай V сингари илоҳиётчи етишиб чиққан. 1360 йилда папа Иннокентий VI Болонья епископларининг докторларни тасдиқлаш ва илоҳиётни ўқитишга рухсатнома бериш ҳуқуқини мустаҳкамлаган.

Глоссаторлар мактабининг раванқ топиши XIII асрнинг биринчи ярми – ўртасига тўғри келган. Дигест, Кодекс ва Юстиниан новеллалари, Гай институцияларидан ташқари лен ҳуқуқи («Liber feudorum») ҳам ўрганган. XIII асрда Болоньяда Рим ҳуқуқи соҳасидаги етакчи мутахассислар Юстиниан кодекси ва Гай институцияларига «Сумма» муаллифи **Аццо, Аккурсий, Уголино, Одофред** бўлган.

Болонья классик ҳуқуқи ривожланиши даврида (XIII асрнинг иккинчи ярми – XIV аср ўртаси) **Синибальдо деи Фьески** (бўлғуси Папа Иннокентий IV), **Энрико Сузанский**, кардинал **Остийский, Иоанн Андреа**, «Liber Extra»га глосс тузувчи пармлик **Бернард**, фускарарийлик, католик ҳуқуқ билан шуғулланувчи **Эгидий, Гвидо Баизио** (бошқача айтганда, Архидиа-

кон), XV асрнинг йирик классик ҳуқуқшуноси **Никколо деи Тудески** Болоньяда қисқа муддат ўқитган.

Болонья ўқув юрти талабаларининг асосий қисмини шаҳардаги бой оилаларнинг гердайган ва безори болалари ташкил этган. Бўлажак конуншунослар майхоналарда тўполон кўтарганлар, шаҳарликлар билан муштлашганлар ва кўпинча турмуш қурган аёлларга тегажқлик қилганлар. Болонья аҳолиси университет шаҳарга шухрат эмас, ташвиш келтиради, деб шикоят қилган. Маъмурлар, черков ҳамда кўплаб профессорлар талабаларга берилган ҳуқуқлардан норози бўлганлар.

Юқорида қайд этилганидек, талабалар нафақат ректорни сайлаб, ўзларининг кенгашларини (*consilii*) ташкил этиб ва талабалар бирдамлигининг қасаба уюшмаси йиғилишлари сингари йиғилишларини ўтказибгина қолмай, балки, профессорларни ўзлари ёллар ва улар ишига ҳақ тўлар эдилар. Бироқ уйдан ушбу мақсадлар учун юборилган пулларни улар кўпинча ютқазиб ёки ичиб қўйишар эди, сўнгра эса, ҳақ тўлашдан бош тортардилар, шу сабабли профессорлар уларни баъзан иш ташлаш билан қўрқитар эдилар. Ўқитувчилар қабул қилиш ва диплом бериш жараёнига таъсир кўрсата олмас эдилар, шу сабабли уларга қулоқ солилмаган.

Университетга талабаларни қабул қилишни энг яхши талабалар ўтказганлар. Маърузалар мажбурий ва мажбурий бўлмаганларга бўлинган. Бешинчи курсдан кейин талабаларнинг ўзлари кафедрага чиқиб дарс ўтиши мумкин бўлган. Университет битирувчисига ягона мажбурият: ўқишни тамомлагандан кейин шаҳар шухрати учун ишлаб бериш ва бирмунча вақт мобайнида бу ерни тарк этмаслик юкланган.

Имтиҳонларга муносабат жуда эркин бўлган, кичик курсларда назорат умуман бўлмаган. Баъзан маърузада қатнашсанг, демек, сен талаба эдинг. Фақат юқори босқичларда номзод *Licentiate* даражасини олар экан, имтиҳон топшириши, *Doctorate* даражасини олишда эса, қабул комиссияси (*conventus*) ҳузурида очик тест синовидан ўтиши шарт бўлган. Агар лавозимлар, шу жумладан, судья лавозими у вақтларда деярли расман сотиб олинганлиги ҳисобга олинса, талабалар ҳам тиришиб ўқийвермаганлиги ойдинлашади.

Шу сабабли таълим даражаси тушиб кетган, бундан Муқаддас тахт ташвишга тушиб қолган. 1219 йилда Ватикан универси-



тетни тозалашга киришган ва Болонья архиепископининг розигисиз ҳеч ким доктор унвонини олмаслиги тўғрисида кўрсатма берган. Ўқиб, диплом олмаслик, демак лавозимни эгаллаш ҳуқуқига эга бўлмаслик шармандалик ҳисобланган. Бу талабаларга таъсир кўрсатган. 70 йилдан кейин университет энг яхши ўқув юртларидан бирига айланган ва 1292 йилда Николай IV **черков томонидан имзоланган доктор дипломига эга бўлган Болонья университетининг битирувчиси Италияда олий илмий унвонга эга бўлиши тўғрисида қарор қабул қилган.**

Болонья университетиде ҳуқуқ мактаби энг ривожланган даврда ҳуқуқшунослик билан биргаликда фалсафа, лотин ва юнон адабиёти, сўнгра эса, тиббиёт сингари бошқа фанлар ҳам равнак топа бошлаган. XII асрда дарс берган файласуф профессорлардан **Альберигони**, айни вақтда физикани ҳам ўқитган флорентийлик **Лотни**, монах **Монето** номларини келтириш мумкин. Болонья университети филологлари орасида келиб чиқиши инглиз бўлган, шеър ва наср ёзган **Gaufrido di Vinisaufr**, лотин тилининг билимдони **Бонкомпаньо** ҳам бўлган. Инсонпарварлар даврига асос солган юнон тилини ўрганишга бу ерда Италиянинг бошқа университетларига караганда эртароқ аҳамият берилди ва XV асрдан бошлаб у Болоньяда мустаҳкам қарор топди. Болонья ўз файласуфлари орасида **Эразм Роттердамский** бўлганлигидан фархланиши мумкин. **Люцином ди Луцци** томонидан биринчи марта инсон танаси ва ҳайвонлар ўлиги анатомиясини ўқитиш усули жорий этилганлиги туфайли Болонья тиббиётни ривожлантиришда салмоқли қадам ташлаган. Болонья университетининг аёл профессорлари тиббиёт, табиий фанлар билан шуғулланиб, айниқса шухрат қозонганлар. Улар орасида ўз отаси Жиованни Букки вафотидан кейин амалий тиббиёт ва ахлоқий фалсафа кафедрасини эгаллаган **Доротеи Букки** (XIV-XV асрлар), Болоньянинг XVIII аср ўқитувчиларидан, экспериментал физика ва фалсафа кафедрасини бошқарган, болоньялик аёлларнинг фахри бўлган **Лаура Басси** номларини ҳам келтириш керак. Бу машҳур олима шарафига ўрнатилган ҳайкал университет музейи ва кутубхонасига олиб борадиган зинапояни безаб туради. Шу билан бирга университетда **Гаэтана Агнези** аналитик геометриядан дарс берган, **Анна Моранди** анатомияга доир ишлари билан машҳур бўлган, яна бир ўқитувчи – **Ма-**

рия далле Донне хатто Наполеон I нинг хурматини қозона олган.

Болонья ҳуқуқшунослик мактаби профессорларининг маънавий ва ахлоқий обрўси уларнинг маърузалари ва асарларининг муваффақиятини таъминлабгина қолмасдан, балки, уларнинг бу шаҳардаги ва унинг ташқарисидаги юксак нуфузига ҳам таъсир кўрсатган. Улар, гарчи Болоньяда туғилмаган бўлсалар ҳам, солиқлардан ва ҳарбий хизматдан озод қилинганлар, ушбу шаҳар фуқароларининг барча ҳуқуқларига эга бўлганлар. Уларга эркин санъатлар мактаблари профессорларига берилган ва рицарлар ҳисобланган **magister**дан фарқ қилган ҳолда **dominus'a** унвони берилган. Уларнинг кўпчилиги, масалан, Болоньяда Азо, Гуголин ва Аккурсий, Пизада Бургундиони, Генуяда Бальдинни, Беневенгеда Рофруа судьялар, шаҳарларнинг ҳукмдорлари ёки вакиллар сифатида жамоат ишларида фаол қатнашганлар.

Бироқ кўпинча Болонья ўзининг шуҳрати университет туфайли эканлигини унутиб қўйган ҳамда XII ва XIII асрлар мобайнида кўпинча университетдаги ҳуқуқ ва имтиёزلарни йўқ қилиш, машғулотларга хавф соладиган муросасиз баҳсларга киришган. Италияни бир-бирига муҳолифат икки қисмга ажратган гвельфлар ва гибеллинлар кураши Болоньяда, айниқса, шиддатли кечган ва университет бундан четда қолиши мумкин бўлмаган. Бироқ ушбу низолар ва партиявий ихтилофларга қарамай, Болонья ҳуқуқ мактаби узок вақт гуллаб-яшнаган, XIII аср биринчи ярмида ўз раънақининг юқори чўққисига эришган. Шу вақтдан бошлаб глоссаторларнинг олдинги тизимидаги йўналиши аста-секин ўзгара бошлаган. Профессорлар ўз талқинларига матнларни фақат Рим ҳуқуқининг асл манбаларидан олиш ўрнига ўтмишдошлари бўлган глоссаларни талқин қилишга киришиб кетганлар. Мактабда судларда бўлгани сингари Аккурсийнинг «**glossa magistralis**»си **Corpus juris** ўрнини эгаллади.

Турли вазиятлар Болонья ҳуқуқ профессорлари эгаллаб турган юқори нуфузлари пасайишига таъсир кўрсатган. Улар жамоат ишларида қатнашиб, партиявий ихтилофларга аралашиб кетганлар ва шу сабабдан обрўларига путур етказганлар. XIII аср охирига бориб шаҳар оммавий маърузалар учун бир нечта кафедраларга асос солган ва ушбу кафедраларни эгаллаган профессорларга талабалар берадиган пул ўрнига муайян ҳақ тайинлаган. Натижада кўпчилик профессорлар шаҳардан маош олади-

ган бўлганлар. Улар шу тарзда ўқитувчиларнинг шахсий қоби-  
лиятлари ва фаннинг манфаатлари билан ҳисоблашмасдан, про-  
фессорлар томонидан дарс берилишини тартибга солишга даъво  
қилаётган шахар муниципалитетига қарам бўлиб қолганлар.  
XIV асрда яна бир чора Болонья ҳуқуқ мактабига халокатли зар-  
ба берган: шахарда ҳокимиятни тобора ўз қўлига олаётган сиё-  
сий партия ўқитувчилик қилиш ҳуқуқини фақат Болонья фуқа-  
роларига ва бунинг устига фақат жуда озчиликни ташкил этган  
машхур оилаларнинг аъзоларига бериш истагини билдирган.  
Болонья университети шундай қилиб Рим ҳуқуқини ўрганишда-  
ги устунлигини аста-секин йўқота бошлаган, чунки ўша вақдаги  
энг машхур ўқитувчилар бу фанни ўқитишда биринчиликни бир-  
биридан тортиб олишга интилаётган Пиза, Перуза, Падуя ва  
Павияга жўнаб кетганлар.

Болонья ҳуқуқ мактабининг қулаши XIV аср мобайнида **Бар-  
тол** тимсолида дунёда XIV ва XV асрлар мобайнида ҳукмронлик  
қилган **шарҳловчилар мактаби** пайдо бўлишига олиб келган.  
Бироқ XVI асрда бу тарихий мактаб глоссаторлар ишини ўз қўлига  
олган, уни Уйғониш даври инсонпарварларининг янгиланган асар-  
лари билан бойитилган тарих ва филология берган барча восита-  
лар ёрдамида кенгайтирган ва тўлдирган.

Болонья ҳуқуқ мактаби фаолият кўрсатган даврида нафақат  
Италияга, балки, бутун Ғарбий Европага улкан таъсир кўрсат-  
ган. Ўз ҳуқуқ профессорларининг обрўси туфайли Болонья Рим  
ҳуқуқининг маркази деб қаралган. Умумий фикрга кўра, фақат  
шу ерда Рим қонунлари ва черков қоидаларига доир чуқур билим  
эгаллаш мумкин бўлган. Шу сабабдан Европанинг барча бурчак-  
ларидаги ёшлар ҳуқуқ фанини профессорларининг ўзидан эши-  
тиш учун шу ерга интилган. Болонья университетининг собиқ  
тингловчилари ватанларига қайтиб бориб, глоссаторлар усулла-  
ри ва қонунларини тарғиб қилганлар. Улар – Францияда **Пьер  
де Блуа**, **Жак де Ревиньи**, **Гильом Дюран**; Англияда – **Ва-  
кариус**, **Ричард Английский**, **Франциск Аккурсий**; Испа-  
нияда – **Пон де Ларида** эдилар.

Италияда ўқитувчиларнинг кўп сонли гуруҳи маъруза ва асар-  
лари билан Болоньяда олган билимларини ёйганлар. Айни пайт-  
да юқорида қайд қилинган мамлакатлардаги кўпчилик ҳуқуқшу-  
нослик факультетлари уларнинг профессорлари томонидан Бо-  
лонья ҳуқуқ мактабидан нусха олиниб яратилган. Италияда –

Падуан (1222), Виченцск (1203) ва бошқалар; Арагонияда – Перпиньян (1343); Францияда XII аср охирида Плацентин томонидан асос солинган Монпельедаги университет шулар жумласига кирган.

XII аср охиридан бошлаб Болонья глоссаторлари ва уларнинг шогирдлари саъй-ҳаракатлари туфайли Фарбда ўша пайтдаги олимларнинг қарашига кўра ялпи ҳуқуқ деб аталиши керак бўлган, яъни **ratio scripta** – Рим ҳуқуқи рецепцияси тобора кенгайиб борган. У барча христиан халқларининг умумий қонунчилигига хизмат қилиши керак эди. Ўша вақтларда Европада ҳамма жойда Болонья мактаби томонидан асос солинган католик ҳуқуқни ўрганиш ривожланган. Агар XII асрда Болонья ҳуқуқ мактаби дунёда Рим ҳуқуқини ўрганишни бошлаб берди, деб айтиш мумкин бўлма-са-да, аслида бу олдинги асрларда ҳам тўхтамаган эди, шунга қарамай, у ўзининг усули ва доктринаси туфайли ҳуқуқ фани янгилинишига улкан ҳисса қўшган. Бу Европа жамияти қонунчилиги, унинг таркиб топиши ва ғояларига ҳам ўзига улкан таъсир кўрсатган. Ана шу ғоялар бутун Ўрта асрлар мобайнида ҳамда охириги даврларгача ҳис этилган. Шу боисдан Болонья университетининг 800 йиллигини (1088–1888 йиллар) байрам қилиш бутун Европа олимлари томонидан қўллаб-қувватланиб, яққол халқаро хусусият касб этган. Унинг 1859 йилдан эътиборан бошланган, янги Папанинг кучли таъсиридан озод бўлган дунёвий даври эски университетни кам эслатади. Университетда 4 та факультет ва юридик факультетдан мустақил бўлган муҳандислик мактаби, педагогика, семинарий, сиёсий фанлар мактаби сингари бир қанча институтлар бор. Ректор 1888 йилда 200 га яқин профессорлар орасидан тайинланади. Улар орасида Италия адабиёти кафедрасига бошчилик қилган ва ушбу курс билан биргаликда роман адабиётларининг қиёсий тарихидан маъруза ўқийдиган машҳур итальян шоири Кардуччи, аёл ўқитувчилар – славян тиллари профессорлари Жузеппина Каттани ва Мальвина Огоновская бор эди.

Университетнинг эркинлиги XIV асрда тугаган. Бу вақтга келиб, олдинги имтиёзлар олиб қўйилган. XVI – XIX асрларда университетнинг шухрати аста-секин сўнган, чунки кўпчилик йирик шаҳарларнинг ўз ўқув юртлари пайдо бўлган. Бундан ташқари, Болонья университети урушлардан, айниқса, Наполеон босқинларидан кўп зарар кўрган. Наполеон босқинида мебель ва

хатто бинонинг бир қисми вайрон қилинган. Университет бутун Италиянинг ёрдами билан тикланган. 1859 йилда у Муқаддас тахтга бўйсунушидан чиққан ва яна дунёвий университетга айланган. Бироқ аввалги шон-шухрат ҳозиргача тикланмаган. Тўғри, ҳозир ҳам талабалар Болоньяга дунёнинг турли бурчакларидан келишади, шу билан бирга улар ҳозирги 50 минг Болонья талабаларининг кўпчилик қисмини ташкил этади. Бироқ, аслида бу анъанага кўра шундай. Чунки ҳозир университет жаҳоннинг энг яхши ўн университети қаторида эмас. Бироқ у ҳамон Италиянинг биринчи университетларидан. Бундан ташқари, олий таълим муассасаси барча қитъаларда бошқа ўқув юртлари билан алоқаларни қўллаб-қувватлайди ҳамда талабалар ва фан айирбошлаш бўйича Европа дастурларида қатнашади (Socrates, Leonardo, Tempus).

Университетда одатдаги ҳуқуқшунослик, математика, архитектура ва санъат факультетларидан ташқари эндиликда кишлоқ хўжалиги, маданият, педагогика, иқтисодиёт, хорижий тиллар ва хорижий адабиётлар, техника, кимё, фалсафа, физика, табиатшунослик, тиббиёт, фармакология, сиёсатшунослик, психология, статистика ва ветеринария иши бўлимлари мавжуд.

## ДАНТЕ ДАВРИ ХУҚУҚИЙ ДУНЁҚАРАШИНING ХУСУСИЯТЛАРИ

Данте даври Европа юридик дунёқарашининг қуйидаги хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

- художўйлик;
- марказий муаммо: черков ва давлат ҳокимияти нисбати;
- монархизм;
- ижтимоий масалаларга бепарқлик;
- илоҳиёт қонунининг устуворлиги;
- давлат суверенитети тўғрисида тасаввурнинг йўқлиги;
- инсон – гуноҳкор, қалб ва табиат дуализми;
- антик маданият билан алоқа;
- обрўга ишонч;
- исбот қилишнинг мантикий (схоластик) усуллари;
- диний бағрикенгликнинг мавжуд эмаслиги.

**Қуйидагилар Данте даврида ҳуқуқ тўғрисидаги асосий тасаввурлар эди:**

**биринчидан**, илоҳиёт ҳуқуқи;

**иккинчидан**, табиий ҳуқуқ;

**учинчидан**, инсон ҳуқуқи (черков ҳуқуқи, қироллик ҳуқуқи, урф-одатлар).

**Данте даврида қуйидагилар ҳуқуқий тафаккурнинг асосий йўналишлари эди:**

**биринчидан**, Рим ҳуқуқи мактаби (глоссаторлар), (Ирнерий, Аккурсий);

**иккинчидан**, одат ҳуқуқ мактаби (Бонамуар Репков);

**учинчидан**, католик ҳуқуқ мактаби (Грациан).

Доминиканлик монах, илоҳиётчи олим, Аристотель сингари инсон табиатан «муомалали ва сиёсий ҳайвон» деб ҳисоблаган **Фома Аквинский** (1225-1274) – Ўрта асрлар диний-ҳуқуқий тафаккурининг буюк вакили бўлган. Унинг қарашларига кўра, инсон ўз эҳтиёжларини кондириш учун давлатни яратади, чунки ёлғиз ўзи эҳтиёжларини бошқара олмайди. Давлатчиликдан мақсад – умумий бахт-саодат, муносиб, оқилона ҳаёт учун шарт-шароитларни таъминлаш.

Унинг фикрича, монархия – бошқарувнинг энг яхши шакли. Ҳокимиятнинг моҳияти – бу ҳукмронлик қилиш ва бўйсунтиш

муносабатларининг тартибга солиниши. Ушбу тартиб Тангри томонидан буюрилган.

Фома Аквинскийнинг **асосий асарлари** – «Хукмдорларнинг бошқаруви тўғрисида» ва «Диншунослик йиғиндиси».

**Фома Аквинскийнинг чизмали дунёқараши қуйидагича:**

Тангри

Фаришталар

Черков

Давлат

Табақалар

Жамият

Ҳайвонот дунёси

Жонлантирилмаган табиат

Фома Аквинский Аристотелдан қуйидаги ғояларни ўзлаштириб олган:

**биринчидан**, инсон – сиёсий мавжудот;

**иккинчидан**, тенгсизлик ва хусусий мулкчиликни асослаш;

**учинчидан**, адолат тўғрисидаги таълимот;

**тўртинчидан**, бошқарув шакллари тўғрисидаги таълимот: тўғри, нотўғри.

**Бошқарув шакли Фома Аквинскийда қуйидагича кўринишда:**

**Тўғри:**

Сиёсат

Аристократия

Монархия – энг яхши

**Нотўғри**

Демократия

Олигархия

Тирания

**Марсилий Падуанский (1275 й. атрофида – 1343 й. атрофида)** – итальян сиёсий мутафаккири, Париж университети ректори бўлган. У Аристотелнинг издоши бўлган ва Папанинг дунёвий ҳокимиятга даъво қилишига қарши чиққан. 1327 йилда М. Падуанский черковдан четлатилган. У дунёнинг барча кул-

фатлари ва бахтсизликлари учун жавобгарликни черковга юклаган. Черков давлатдан ажратилиши ва дунёвий сиёсий ҳокимиятга бўйсунлиши керак, деб ҳисоблаган. Унинг фикрига кўра, халқ — ҳар қандай ҳокимиятнинг ҳақиқий манбаси.

М. Падуанский — Реформация ва давлатнинг демократик концепцияси ўтмишдоши. Унинг **асосий асари** — «Дунёнинг ҳимоячиси».

**Қуйидагилар М. Падуанский сиёсий-ҳуқуқий таълимотининг асосий бандлари ҳисобланади:**

**биринчидан**, дунёнинг барча кулфатлари ва бахтсизлиги учун черковнинг жавобгарлиги;

**иккинчидан**, давлатнинг черковдан ажратилиши;

**учинчидан**, дунёвий ҳокимиятнинг руҳонийлар ҳокимиятидан устунлиги;

**тўртинчидан**, ҳар қандай ҳокимиятнинг ҳақиқий манбаи — халқ;

**бешинчидан**, давлат ҳокимияти қонунлар чиқариш орқали иш кўради;

**олтинчидан**, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ҳокимият ва ижро этувчи ҳокимиятга бўлиниши.



*«Энг етук ва энг мукаммал, Ўрта асрлар  
христиан католицизмнинг том маънодаги  
бадий эпоси, буюк мазмун ва буюк поэма –  
бу «Илоҳий комедия»дир».*

**Георг Вильгельм Гегель**

## **УЧИНЧИ БОБ**

### **ДАНТЕ ИЖОДИ – ИЛК УЙҒОНИШ ДАВРИНИНГ ИНЪИКОСИ**

- XIII асрда Италия маданияти ва шеърияти
- «Янги ҳаёт» («Vita Nuova): муҳаббатнинг назмий тарихи
- «Базм» («Convivio») ва «Халқ тили тўғрисида» («De Vulgari eloquentia»)ги асарлар: илм нони, ҳаммага зиё сочувчи янги қуёш
- «Монархия» («De Monarchia»): давлат – миллат бирлигининг таянчи
- «Илоҳий комедия» («Divina Commedia»): Уйғониш даврининг шеърий қомуси

### ХІІІ АСРДА ИТАЛИЯ МАДАНИЯТИ ВА ШЕЪРИЯТИ

Тарихчи олимларнинг умумэътирофига кўра, Ғарбий Европада Ўрта асрлар V асрдан бошланиб, XVI – XVII асрларгача давом этган деб ҳисобланади. «**Ўрта асрлар**» тушунчаси «**Италия инсонпарварлари**» томонидан XIV асрда бу даврга баҳо сифатида киритилган. Бу давр ҳақида «Ўрта асрлар сиртмоқлари», «Ўрта асрлар зулмати», «Ўрта асрлар даҳшати» таърифларини ишлатишга одатланиб қолинган. Ана шу «Ўрта асрлар зулмати»дан сўнг Уйғониш («Ренессанс») даврининг «ёруғ» кунлари келган деган тасаввур аслини олганда ҳақиқатдан йироқ. Фан аллақачон **Ўрта асрларнинг маданияти бирон бошқа даврдагидан паст даражада бўлмаганлигини исботлаган.**

**Ўрта аср маданияти инсониятнинг маънавий руҳ идеали тўғрисидаги улуғ орзусини ифода этган.** Инсон тўғрисидаги диний ақидалар ҳам ана шу орзулар руҳи билан суғорилган. Бу орзу олимларни ҳаёт моҳияти тўғрисида илмий излашнишларга, ижодкорларни эса, инсон қалбининг маънавий баркамолликка интилишини очиб беришга ундаган.

Данте етук олимлик салоҳияти ва буюк ижодкорлик истеъдоди билан Ўрта асрларнинг ана шу серқирра маданиятини ўзида мужассамлаштирган ва уни асарларида бутун ранг-баранглиги, мураккаблиги билан ифода эта олган буюк адибдир.

Бу даврда гвельфлар билан гибеллинлар ўртасидаги сиёсий кураш Флоренция маданияти тарихида чуқур из қолдирган<sup>1</sup>. Данте ана шу жўшқин кураш муҳитида улғайган. Икки сиёсий оқим ўртасидаги кескин рақобат энг юқори чўққисига чиққан пайтда императорлик тахтида **Фридрих II Гогенштауфен**<sup>2</sup> ўтирган. Аввалги энг номдор императорлар ҳам унга тенг келолмаган.

---

<sup>1</sup> Антонети П. *Повседневная жизнь Флоренции во времена Данте* / Пер. с франц. и предисловие В.Д. Балакина. – М., 2004. С.223-269.

<sup>2</sup> **Гогенштауфенлар** – герман императорлари сулоласи (1138-1254), 1194 йилдан Жанубий Италия ва Сицилияга ҳукмронлик қилганлар / Қаранг: Вейфер Р. Данте. Роман. – М.: Армада, 1998. С.370; **Фридрих II Гогенштауфен** – Неаполь ва Сицилия Қироли, Папа тахтининг душмани, эпикурчи бўлган / Қаранг: Данте Алигьери. Илоҳий комедия. Дўзах / русчадан Абдулла Орипов таржимаси. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 238-б.

Замондошлари Фридрихга бир табиий офатга муносабатда бўлгандек қараганлар, у қаерда бўлмасин – Швабиядами, Рейндами, Ломбардиядами – хамманинг нигоҳи унга қаратилган. Бировлар Императорга халоскор сифатида умид билан кўз тиккан бўлсалар, бошқалар кўрқинчдан титрашган. Рухан у ҳақиқий итальян ҳисобланган. Императорда вулконий ҳиссиёт билан биргаликда улкан собитқадамлик, мураккаб ижтимоий ва сиёсий масалаларни ҳал қилишда зукколилик, белгиланган вазифага эришишда ўта қатъият мужжасамлашган.

Ҳақиқатан ҳам фақат XIII асрадагина эмас, кейинги даврларда ҳам қизиқиш доираси шу қадар беқиёс бўлган бирор ҳукмдорни топиш қийин. Фридрих олти тилни билган, математика, астрономия, табиий фанлар ва фалсафа билан яхши таниш бўлган. Унинг саройида **Арасту, Абу Али ибн Сино** асарлари сақланган, арабшунос таржимони, Европа маданиятига араб рақамлари ва алгебрани олиб келган буюк математик **Леонардо Фибоначчи** (бошқача номланиши **Леонард Пизанский**) хизмат қилган. Император саройидаги араб **ибн Собин, яҳудийлар Ёқуб бен Абрагам Мари** ва **Егуда Коген бен Соломон** Шарқнинг бой илмий дунёсини энди шакллана бошланган Европа фани билан боғловчи халқа вазифасини ташкил этган. Бевосита Фридрихнинг хизматлари туфайли Фарб фани учун аввал номаълум бўлган янги манбалар очилган. Император Неаполь университетига асос солган, Салерьедаги тиббиёт мактабига ҳомийлик қилган, Италиядаги қироллигида кўплаб мактаблар ташкил этган.

**Фридрих Папанинг муросасиз душмани ҳисобланган.** Бирор вақт папаликка Фридрих давридагидек хавф туғилмаган. Император Италияда ўтиш даврида тарқоқ бўлган Папага қарши барча кучларни тўплаш ва жипслаштиришга муваффақ бўлган. Шу боис Флоренция учун гибеллинларнинг галабаси даврида черков мухолифатчилари сўз ва ҳаракат эркинлигига эга бўлганликлари ниҳоятда муҳимдир.

Шаҳар маданияти кескин курашлар муҳитида шаклланиб, феодал дунёси қарашлари ўрнини эгаллаётган янги мафкура ни ҳаётга сингдира бошланган. Феодал тузуми асосларини оқлаш ва мухофаза қилишга даъват этилган дунёқараш католик черкови томонидан сингдирилган. Унинг туб моҳияти – тарки дунёчи-

лик, амалий хулосаси – инсоннинг черковга маънавий бўйсунishi тўғрисидаги ақида ҳисобланган<sup>1</sup>.

Савдо-сотик авж олиши натижасида инсон крепостнойлик қарамлигидан халос бўлган. Янги мафкура дунёвий ҳаётнинг қонунийлигини эълон қилган, инсоннинг маънавий эркинлиги ҳуқуқини тасдиқлаган. Амалда бу черковга маънавий қулликка қарши курашни билдирган. Бу биринчи босқич бўлган. Иккинчи босқичда эса, шаҳар маданияти ҳаётнинг барча соҳаларида диний мезонларни амалда бартараф этган. Шаҳар маданияти бу босқичда ўзининг Ўрта асрларга хос хусусиятларини йўқота бориб, эркинрок, кенг кўламлирок, ҳаммабопроқ – Уйғониш давр маданиятига айланиб борган.

**«Бу машхур қаҳрамонлар – император Фридрих ва унинг ўғли Манфред омадлари чопис турганда инсонга муносиб ишларга бош-қош бўлар ва қўполликдан нафратланар эдилар. Шунинг учун маънавияти юксак ва нозик дидлилар бундай муносиб давлат раҳбарлари улуглигини ҳисобга олишга интилганлар. Ўша даврларда томирларида лотин қони оққанлар доирасида мавжуд энг эътиборли анъаналар, биринчи навбатда, бу буюк тахт эгалари саройида урфга кирган. Уларнинг пойтахти Сицилия бўлганлиги учун ўтмишдошларимиз битикларини халқ тилида ёзганлар. Ҳамма нарсани сицилияча деб аташ одат бўлган»<sup>2</sup>.**

Данте ўзининг лотин тилида битилган **«Халқ тили тўғрисида» («De vulgari eloquentia libri duo»)**ги трактатида Италия шеърини сарчашмаларини шундай тасвирлаган. Бу ниҳоятда муҳим қайддир. Ҳозир маълум бўлишича, **Италиядаги биринчи шеърят мактабларини «сицилияча» деб аташ шарт бўлган экан.** Аммо Италия шеърини асосчилари Сицилия лаҳжасида сўзлашмаганлар. Сицилия мактабига тааллуқли кўпгина шоирлар ҳам аслида сицилиялик бўлмаган.

Шуни ёдда тутиш керакки, **Италия дунёвий шеърятнинг бадий аҳамиятга даъвогар биринчи намуналари XII ва XIII асрлар чегарасида пайдо бўлган**<sup>3</sup>. Яъни, Европа фарби-

---

<sup>1</sup> Антонети П. Повседневная жизнь Флоренции во времена Данте / Пер. с франц. и предисловие В.Д.Балакина.-М., 2004. С.184.

<sup>2</sup> Қаранг: Данте. О народном красноречии // [http:// ru. wikipedia. org.](http://ru.wikipedia.org)

<sup>3</sup> Антонети П. Повседневная жизнь Флоренции во времена Данте / Пер. с франц. и предисловие В.Д.Балакина.-М., 2004. С.254.

дагига қараганда, камида бир ярим асрга кечикиб яратила бошланган. Бу пайтгача Италияда шеърий санъат усулларидан беҳабар, ўз ёзувига эга бўлмаган чекка ўлкалар лаҳжасида гапирадиган цирк артистларининг шеърлари маълум бўлган, холос. Биринчи шеърий мактабларнинг шогирдлари ўз тиллари ва ўз санъатини цирк артистларининг оғзаки «ижоди»дан тубдан фарк-лашган.

**Данте «Халқ тили тўғрисида»ги трактатида янги шеърий тили тўғрисида жуда батафсил фикр юритган. Бу халқ тили – «вульгар» («volgare»), лекин алоҳида сайқал топган тил бўлган. Данте уни «маърифат тили» – «illustree» ёки «сарой тили» «aulicum», «curialem» – юксак халқ тили деб атаган.** Тосканоликлар, айниқса флоренцияликлар уларнинг лаҳжаси ҳақиқий юксак халқ тили эканлигига ишонишади, деб қайд қилган Данте. Бу фикрга фақат қўйи тоифа кимсаларгина эмас, «ҳеч қачон юксак тилда асар битмаган» ареццолик **Гвиттоне**, луккилик **Бонажунтой**, пизалик **Галло**, сиеналик **Мино Мокато**, флоренциялик **Брунетто Латини** ҳам қўшилганлар.

Аммо улар ҳақ бўлмаганлар. Тоскано лаҳжаси уни бадий тилга яқинлаштиришга ҳаракат қилишгандагина юксак бўла олган. **Гвидо Кавальканти**, **Лапо Жанни**, **Чино да Пистойя** ва «унинг дўсти» тили худди шундай бўлган. **Ўзини «дўст» тахаллуси билан тилга олган Данте ўзи ва «Янги ёқимли усул» деб ном олган адабий оқимдаги маслакдошлари томонидан муомалага киритилган «volgare» тили келиб чиқиши тўғрисида сўз олиб борган.** Бу тилда Тоскано лаҳжасида бўлган ҳамма яхши хусусият бошқа лаҳжалардаги энг яхши хусусиятлар билан мужассамлашган. Бу тилга провансал ва лотин тилларининг услубий таъсири ва тузилиши орқали сайқал берилган.

**Янги шеърий Фридрих II саройида дунёга келган.** Бу тасодиф бўлмаган, албатта. Чунки Палермодаги Император саройи фақат олим ва файласуфлар билангина эмас, шунингдек цирк артистлари ва бошқа кўнгилочар томошалар кўрсатувчилар билан гавжум бўлган. Саройда мушоиралар ўтказилган, қўшиқлар куйларга уланиб кетган. Фридрихга мусиқа ов ва ишратбозлик каби ниҳоятда ёққан. Шу сабабли биринчи шеърий асарлар ушбу саройда пайдо бўлганлигига ажабланмаса бўлади. **«Янги**

## ёқимли усул» асосчилари кўп нарсани провансаллардан ўрганганлар.

Провансаль шоирлари XII асрдаёқ мунтазам равишда Италияга келиб туришган. Шахар аслзодалари ва бадавлат оилалар доираси улар тилини яхши билишган. **Трубадурлар**<sup>1</sup> XIII асрда анча кўпайган. Уларни иззат-икром билан кутиб олишган, бунга жавобан шоирлар ўз шеърларида баронлар ҳамда улар хонимларининг гўзаллигини мадҳ этишган.

Италияликлар ҳам провансалча шеър ёзишган, ҳатто бу услубда катта маҳоратга эга бўлишган. Натижада мактабларда латин тилидан сабоқ олган маърифатли кишилар провансаль лирикасининг мукамаллиги, янада кўпроқ уларда ўз ифодасини топган дунёқараш таъсирида итальян тилига провансал шеърӣ оҳанглари кирита бошланганлар. Императорнинг ўзи, унинг ўғиллари, мулозимлари мушоираларда итальян шеърларини ўқиб мусобақалашибган. Италия шеърятининг биринчи равнақи уларнинг номлари билан боғлиқ.

Кўп ўтмай шогирдлар устозларини ортда қолдира бошлаган. Провансаль шеърятдаги ҳаёт синовидан ўтган ҳамма нафис жиҳатлар ўзлаштирилган. Айни пайтда итальян тили тузилишида ўз ўрнини топа олмаганлари улоқтириб ташланган. Провансаль лирикаси билан бир қаторда янги жанрлар – Италия халқ лирикаси сарчашмаларига бориб тақаладиган **баллада** ҳамда ажойиб тақдирини кутаётган **сонетлар** пайдо бўлган.

**Юксак «volgare» Италия шеърятининг тилига айланган.** Унда Тоскано лаҳжасининг таъсири ҳам ёрқин ифодасини топган. Чунки Тоскано шеърӣ ижодиётда етакчилик қилган, **Флоренция эса, Италия шеърятини марказига айланган.**

Италия шеърятда Флоренциянинг улуши қандай бўлганлигига Папанинг кутубхонасида сақланаётган XIII аср иккинчи ярмига тааллуқли қўлёзмалар гувоҳлик беради. Бу қўлёзмаларда 999 та шеър – **машҳур Ватикан кодекси**<sup>2</sup> жамланган. Уларнинг 453 таси флоренциялик муаллифларнинг қаламига мансуб.

---

<sup>1</sup> *Трубадурлар* (провансалча «*trobador*» – «шеър тўқимоқ» сўзидан) – XI-XIII асрларда Франция жануби – Провансалдаги шоир-оқинлар, қўшиқлар муаллифлари.

<sup>2</sup> Қаранг: *Дживелегов А.К. Данте Алигьери. Жизнь и творчество* // [http:// az. lib. ru](http://az.lib.ru).

Ўзига хос бу «Анталогия»да 205 та муаллифи кўрсатилмаган шеър борлиги ҳисобга олинадиган бўлса, флоренциялик ижодкорларнинг сони бундан ҳам кўп бўлганлигини тахмин қилиш мумкин.

Данте ижодида италян Уйғониш даврининг иқтисодий, сиёсий, диний, маънавий, гоъвий қарама-қаршиликлари ва зиддиятлари ўзининг яққол ифодасини топган. Мисол тариқасида мамлакатни яхлит бир давлат шаклида бирлаштириш учун икки оқим – гвельфлар ва гибелленлар ўртасида сиёсат кураши ёки бадиий адабиётдаги лотин ва италян тили ўртасидаги ихтилофларни кўрсатиш мумкин. Марказий ва Шимолий Италия шаҳарлари лотин аверроизми, Болонья ва Тоскано эса, италян тилидаги шеърият марказига айланган эди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, италян адабий шеъриятига Шарқ шеърияти, араб лирикаси катта таъсир кўрсатган. Хусусан, провансаль шеърияти Шарқ шеърияти, айниқса, Ибн Синонинг «Рисолаи фи-л-ишқ» асари, яъни «Ишқ рисоласи» билан яқиндан боғлиқ бўлган. Ибн Синонинг адабий фалсафий ишқ таълимоти таъсири остида Данте ўзининг ишқ назариясини ишлаб чиққан. Дантенинг Беатричега бўлган соф, илоҳий муҳаббатининг маъно ва мазмунини чуқурроқ англашга Ибн Синонинг «Ишқ рисоласи» ёрдам берди. Шоирнинг Беатричега бўлган муҳаббати Данте ижодининг барча босқичларида энг олий инсоний идеаллар тимсоли сифатида талқин қилинган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Данте Беатричени ҳаммаси бўлиб беш марта кўрган холос, унга уйланишни хаёлига ҳам келтирмаган, у буни шаккоклик деб билган. «Ҳақиқатан, Дантенинг Беатричега бўлган муҳаббати Ибн Синонинг «Рисола фи-л-ишқ»ида берилган «Илоҳий руҳга эга бўлган шахслар ишқи» тасвирининг айнан ўзидир»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Қадимий давр ва ўрта асрлар маданият алоқалари – Т.: «Ўзбекистон», 1997. 354-б.

## «ЯНГИ ҲАЁТ» («VITA NUOVA»): МУҲАББАТНИНГ НАЗМИЙ ТАРИХИ

«Фалак заминни яшил либосга буркаб, борлиққа кувонч бахш этадиган кунларда шахримизда эркаклар ҳам, аёллар ҳам ўзлари истиқомат қиладиган жойларда алоҳида-алоҳида байрам ўтказиш одати бўлган. Жумладан, ҳамшаҳарлари ўртасида жуда нуфузли ҳисобланган Фолько Портинари бошқалар каби бир кун кўшниларини 1 май байрами муносабати билан ўз хонадонига тўплади. Улар орасида Алигьери, у билан бирга эса одатда ота-оналар бирор жойга кўнгилочарликка ёш болаларини ҳам ўзлари билан олиб бориш расмига кўра, ҳали 9 ёшга тўлмаган Данте ҳам бор эди. У байрамга келган жуда кўп бошқа болалар – ўз тенгдошлари ҳамда қизлар билан бироз тамадди қилгандан сўнг ўйинқароқликка берилишди. Болалар орасида Фольконинг Биче (Данте ҳамиша унинг исмини тўла – Беатриче деб атаган) исмли 8 яшар қизи ҳам бор эди. У жуда хушрўй ва нозик, хушмуомала, ёшига нисбатан анча жиддий қиёфада, лекин камтар эди. Ниҳоятда кўркем чехраси унга гўзаллик билан бирга шундай жозибадорлик бахш этардики, кўплар уни хурлиқо деб аташарди. У Данте кўзига мен тасвирлаётгандан ҳам соҳибжамолроқ кўринган бўлиши эҳтимол. Қизалоқ биринчи нигоҳидаёқ қалбга муҳаббат чўғини ташлай оларди. Данте ҳали болакай бўлса ҳам, Биченинг беқиёс латофатини дилига ўта чуқур ҳис билан муҳрлади ва бутун умри давомида уни шундайлигича сақлаб қолди»<sup>1</sup>.

Машҳур «Декамерон»нинг муаллифи Ж. Боккаччо жажжигина Бичени шундай тасвирлаган. У қаламга олган лавҳани Данте ўзининг «Янги ҳаёт» асарида бошқачароқ баён этган. «Кўпчилик уни Беатриче деб аташни билмасдан шундай атар эди, орзуимдаги бу хоним кўз олдимда илк бор намоен бўлганидан бери тўққиз йил ўтди, – деб ёзган эди Данте. – У ўзининг тўққизинчи ёши бошида менга на-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Дживелегов А.К. Данте Алигьери. Жизнь и творчество // [http:// az. lib. ru](http://az.lib.ru).



моён бўлди, мен эса уни тўққиз ёшим ниҳоясида кўрдим. У камтарона, ammo ўзига муносиб, навнихол ёшига мос белбоғли ва безакли қизил рангдаги либосда эди... Ўша ондан Амор<sup>1</sup> қалбимни забт этган ва қалбим тўлалигича унга топширилган. У менинг устимдан шу қадар ҳукмрон эдики, мени барча истакларини бажаришга мажбур қиларди. Амор менга кўп бор бу ҳур қизалоқ дийдорига етишишга буйруқ берар ва болалигимда мен ҳамиша уни излаб юрганман. Қизалоқнинг ғоят нафис ва мақтовга лойиқ одатларини кузатар эканман, унинг тўғрисида шоир Гомер лутфи билан: «У бу ўткинчи дунё эркагининг эмас, балки Тангрининг қизига ўхшайди» деб айтиш мумкин»<sup>2</sup>.

Алигъери оиласининг уйи Сан Мартино майдонидаги черков яқинида бўлган. Уларнинг уйини Портинари оиласи хонадонидан кичиккина тор кўча ажратиб турган. Болалар учрашиб туриши қийин кечмаган ва бу учрашувларда бирор нарса ахлоққа зид келмаган.

Данте 18 ёшга тўлганида таълим олишни тугаллаган, шоир бўлишга улгурганди. У қандай шоир бўлганлигини «Янги ҳаёт» асарида шундай ҳикоя қилиб берган: «Ўша ҳурлиқо қизни кўрганамга деярли тўққиз йил бўлди. Шу муддат сўнгидан оппоқ қордек либосдаги бу гўзал хоним билан ўзидан каттароқ ёшдаги икки бошқа хонимга ҳамроҳ бўлган ҳолида учрашиб қолдим. У мен турган кўчадан ўтар экан, нигоҳини қалбим ҳаяжон бўҳронида бўлган менга қаратди ва ўта назокат билан хиёл бош эгди. Бу мен учун лаззатнинг олий чўққиси бўлди. Бундай тотли бош эгилиши шарафига муяссар бўлган куннинг тўққизинчи соати эди ва у айтган сўзларни илғаб олгунга қадар шу қадар нозик туйғуларга чулганган эдимки, гўёки маст ҳолда одамлардан четлашдим. Хилват жойга келиб, бу малика ҳақида ўй сура бошладим»<sup>3</sup>.

Шу жойда Данте уйкуга фарқ бўлган ва сеҳрли туш кўрган,

---

<sup>1</sup> Амор – муҳаббат маъбудаси.

<sup>2</sup> Данте. Новая жизнь / Қаранг: Данте. Малые произведения. – М.: Наука, 1968.

<sup>3</sup> Данте. Новая жизнь / Қаранг: Данте. Малые произведения. – М.: Наука, 1968.

уйғониб ўйга чўмган. **«Кўрган тушим ҳақида ўйлар эканман, — хикоясини давом эттиради Данте, — бу ҳақда ўша кунларда шонли трубадурларнинг кўпларига хикоя қилиб бергим келди. Мен мустақил равишда қофиядош сўзлар билан суҳбатлашиш санъатини эгаллаганлигим сабабли сонет ёзишга ва шеърий сатрлар орқали Аморга садоқатли барча кимсаларни кутлашга қарор қилдим ҳамда улардан кўрган тушимни талқин этиб беришларини сўрадим. Кўрган тушларимни қоғозга тушира бошладим. Шу тарзда навбатдаги сонетни битишга киришдим...»<sup>1</sup>.**

Бу ўринда яна **Ж. Боккачч**нинг гувоҳлиги талаб этилади:

**«Йиллар ўтиши билан муҳаббат алангаси унинг юрагини шу қадар куйдирар эдики, бирор нарса унга на қувонч, на қониқиш, на таскин берарди. У фақат маҳбубасига талпинарди. Шу сабабли барча юмушларини йиғиштириб кўйиб, ҳаяжонда севгилисини учратишга умид қиладиган жойга йўл оларди. Гўё маҳбубасининг чехраси ва нигоҳидан унга бахт ва қувонч ёниладигандек, ҳиссиётга бериларди. Эҳ, севишганларнинг ноқил тасаввурлари! Улардан бошқа яна ким гулханга шох ташланса, аланга пасайишини хаёлига келтиради?»<sup>2</sup>.**

Ушбу сатрларга хиёл фаразлар пардаси тутилган бўлса-да, шоирнинг «Янги ҳаёт»даги ўз эътирофларига зид келмайди. **Ўзи Беатриче ким бўлган?** Ж.Боккаччо уни Фолько Портинарининг қизи деб бадий эрка берилмаганми? Яқин-яқингача бу ҳақда жўшқин баҳс-мунозаралар давом этарди. Эндиликда эса, ҳамма нарса равшан, ҳамма нарса текшириб чиқилган, бирор нарса шубҳа уйғотмайди.

Данте вафотидан 35 йил ўтгач — 1360 йил атрофида **унинг ўғли вероналик судья Пьетро Алигьери** отасининг поэма-сига лотинча шарҳлар тайёрлаган. У «Илоҳий комедия»нинг «Дўзах» иккинчи кўшиғига изоҳларда куйидагиларни қайд қилган: **«Бу ерда илк бор Беатриче тилга олинганлиги, кейинроқ, «Жаннат»нинг учинчи кўшиғида у ҳақда батафсил сўз бориши сабабли шуни билдириб кўйиш ло-**

<sup>1</sup> Данте. Новая жизнь / Қаранг: Данте. Малые произведения. — М.: Наука, 1968.

<sup>2</sup> Қаранг: Дживелегов А.К. Данте Алигьери. Жизнь и творчество // [http:// az. lib. ru](http://az.lib.ru).

зимки, ўта мафтункор ва ниҳоятда гўзал бўлган Беатриче исмли хоним ҳақиқатан ҳам муаллиф билан бир шаҳар – Флоренцияда яшаган, фуқаро Портинари оиласидан бўлган. Данте Беатричега кўнгил қўйган ва маҳбубасини мадҳ этувчи шеърлар битган. У вафот этгандан сўнг эса, маҳбубасининг номини шон-шўҳратга буркаш учун ўзининг ушбу поэмасида уни рамзий тарзда тилга олган»<sup>1</sup>.

Пьетро Алигьери томонидан битилган бу изоҳлар матни аслият эканлигига бирор шубҳа туғдирмайди. Флоренция архивларидаги изланишлар Беатриче ва унинг оиласи тўғрисида ҳамма нарсани аниқлаш имконини берган.

Беатриченинг отаси **Фолько Портинарининг** 1288 йил 15 январда ўз қўли билан ёзган васиятномаси топилган. Унда Фолько ўзининг барча фарзандларини номма-ном тилга олган. Улар 5 ўғил: Манетто, Риковео, Пижелло, Герардо, Якопо, 6 қиз: турмушга чиқмаган Вана, Фиа, Маргарита, Касториа ҳамда турмуш курган – Барданинг рафиқаси мадонна Биче ва Фольконьерининг турмуш ўртоғи мадонна Равиньяна эди. Фолько, қабри тошидаги қайдга кўра, 1389 йил 31 декабрда вафот этган.

Портинарилар сулоласи аввал бошдан дворянлар ва гибеллинлар бўлган. Улар Флоренцияда савдо-сотик билан шуғуллашиб, бойиб кетишган, шу тариқа пополанлар ва гвельфларга айланган. Бундай ҳолат бошқа дворянлар оилаларида ҳам учраб турган. Фолько шу қадар нуфузли фуқаро бўлганки, кардинал Латино томонидан тузилган аралаш ҳайъатнинг 14 аъзоси сафидан ўрин олган ва биринчи йил Приорлигига сайланган. Портинари келиб чиқиши феодал бўлган гвельф бўлган. У оиласининг гибеллин аъналарини ёддан кўтармасдан, уларга бепарқ бўлмаган, кейинроқ «Оқ гвельфлар» сафига қўшилган. Чунки бу пайтда у **Вьери де Черкининг**<sup>2</sup> яқин дўсти ва савдо-сотик ишларида шерик бўлган.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Дживелегов А.К. Данте Алигьери. Жизнь и творчество* // [http:// az. lib. ru](http://az.lib.ru).

<sup>2</sup> **Вьери де Черки** – «Оқ гвельфлар» оқимининг етакчиси, келиб чиқиши бўйича оддий фуқаро бўлган. Кейинчалик бойиб кетган, Флоренцияда энг бадавлатлардан ҳисобланган, шоҳона ҳаёт кечирган. Шундай бўлса ҳам оддий фуқаролар тарафдори бўлган. Қаранг: *Вейфер Р. Данте. – М.: Армада, 1998. С.368.*

Фолько ўша даврдаги одатларга кўра фарзандларининг никоҳлари орқали бошқа сиёсий гуруҳлар аъзолари билан қариндошлик алоқаларини ўрнатишга интиланган. Унинг икки кизи шу мақсадни кўзлаб узатилган. Биче бой банкирлар оиласидан, келиб чиқиши феодал зодагонларидан бўлса ҳам, муросасиз гвельф ҳисобланган Симоне деи Бардига турмушга чиққан. Кейинчалик Бардилар оиласи «Қора гвельфлар» сафига қўшилганлар. Фольконинг яна бир кизи Равиньяна кейинчалик «Оқ гвельфлар» дохийсига айланган соф пополан Бандино Фальконьери билан оила қурган.

Беатриче тўғрисида Данте ёзиб қолдирганлардан ташқари кўп нарса маълум эмас. Фақат у 1288 йилда оилали бўлганлиги аниқ. Аммо Беатриченинг қайси йили турмушга чиққани номаълум. Эҳтимол, кўпгина сиёсий никоҳлар каби бунисига ҳам бўлажак келин ва куёв болалик пайтида келишиб қўйилгандир. **Дантенинг гувоҳлик беришича, Беатриче 1290 йил 19 июнда вафот этган.** У Дантедан атиги бир неча ой ёш бўлган, бу вақтда 25 ёш атрофида бўлиши керак.

Беатриче 1283 йилда Данте билан ногаҳон рўпара келиб қолганида қордек оппоқ либосида унга эгилиб таъзим қилганида Алигьери биринчи сонетини ёзишга улгурган шоир эди. **Беатриче вафот этган 1290 йилда Данте «Янги ёқимли услуб» дохийси ҳисобланиб, ҳаётдан кўз юмган маҳбубаси хотирасига қатор шеърлар битган. Кейинчалик Данте Беатричегга бағишланган, унинг хотирасига муносиб деб топган барча шеърларини тўплаб, назмий сатрларга изоҳлар илова қилган тўпламини тайёрлаган. Шу тариқа 1292 йилда назм ва насрдаги «Vita nuova» – «Янги ҳаёт» дунёга келган.**

**«Янги ҳаёт» 24 сонет, 5 канцон ва 1 баллададан иборат.** Ҳар бир шеърга изоҳлар хотиралар занжиридек чамбарчас. Бу асар Данте муҳаббатининг шеърый тарихи, янги адабиётда ҳам қувонч, ҳам қайғудаги қалбнинг биринчи изҳори бўлган.

«Янги ҳаёт»даги дастлабки шеърлар фалсафий мушоҳадаларга тўла. Данте янги мактабга қўшилиб, унинг икки даҳоси: **Гвидо Гвинецеллидан**<sup>1</sup> сермушоҳадалиқ, **Гвидо Кавальканти-**

---

<sup>1</sup> *Гвидо Гвинецелли (1240-1276) – Дантенинг устози. Данте «Илоҳий комедия»да уни «отам» деб атаган. Қаранг: Вейфер Р. Данте. – М.: Армада, 1998. С.368.*

дан<sup>1</sup> тасаввур нафислигини ва хиссиёт чуқурлиги сабоқларини олган. Аммо, аста-секин у ўз шеъриятига устозлари асарларида учрамайдиган хиссиёт ҳақиқатини, хаёлий эмас, ҳақиқий кечин-маларни бадий ифода этишни, сўз маҳоратини, сиймолар бетакрорлигини сингдира бошлаган.

**«Янги ҳаёт»даги Беатриче Портинари икки қиёфада намоён бўлган: ҳам адиб билан бир вақтда яшаган аёл, ҳам шеърӣ маҳбуба.** Бу икки қиёфа ўртасида бирор чегара ўрнатиш қийин. Данте вафот этган маҳбубасидан қайғуда бўлган пайтда тўпламини тузар экан, бирор қувонч учқуни сезилган шеърларини чиқариб ташлаган. Шунга қарамасдан Беатриче бадий сиймо сифатида шеърларда тирик аёлдек – гоҳ латофатли, гоҳ ғазабда, гоҳ истехзоли, гоҳ изтироб чекаётган ҳолда намоён бўлади.

Дантенинг фақат ўз ижодида эмас, балки бутун адабиёт тарихида алоҳида ўрин тутадиган мазкур биринчи етук асари қайси жанрда битилганлигини аниқлаш жуда мушкул. **«Янги ҳаёт» – бу ҳам ажойиб лирик шеърлар, ҳам Фарбий Европа адабиётида адабийлаштирилган илк таржимаи ҳол, ҳам дастлабки психологик романдир.**

«Янги ҳаёт» тили ҳам эътиборга сазовор: у назм ва насрда битилган. Данте ҳар бир сонетга батафсил талқин берган, кўпдан-кўп рамзий сатрларнинг ҳақиқий маъносини тушунтирган. Баъзан бу ўта соддалаштиришдек туюлади, лекин Данте учун шу каби асарларни тушуниш, айниқса қабул қилиш осон бўлмаган. Зеро, адиб ўз замондошлари учун одамлар асрлар давомида қалбларининг тубида сақлаган, ташқарига чиқишга изн берилмаган хис-туйғулар, қувонч ва ташвишларни баён этган.

«Янги ҳаёт»дан севги туйғуси қизил ип бўлиб ўтади, бу хис том маънода навқирон шоирнинг флоренциялик Беатриче исмли ажойиб қиз, ниҳоятда лобар малика ҳақидаги орзуларидан тўқилган! Шуни таъкидлаш жоизки, Данте ўша давр анъаналарига кўра, ўз қалбининг маҳбубаси ҳаёсини химоя қилиб, унинг ҳақиқий исмини бизга ошкор этмаган.

Шоирнинг Беатриче қаршисида тиз чўкишида биз Ўрта аср-

---

<sup>1</sup> *Гвидо Кавальканти (1259 йил атрофида – 1300) – файласуф ва шоир, Дантенинг энг яқин дўстларидан бири. Қаранг: Вейфер Р. Данте. – М.: Армада, 1998. С.366.*

лар анъаналари: албатта турмуш қурган, севгисини қозониш мумкин бўлмаган маҳбубага (олисдан мафтун бўлишган, бундай муносабат ҳар қандай яқинликни истисно қилган) садоқат билан хизмат қилиш акс-садоларини яққол ҳис этамиз. Лекин илгарилари бу ҳар бир рицарь учун оддийгина «мажбурий таомил» бўлса, Данте нигоҳимиз олдида мутлақо бошқа манзарани гавдалантиради: шоирнинг муҳаббати – том маънодаги самимий қувонч ва изтироблар уммони, унинг ўй-хаёллари танҳо ёр билан банд, севгилисининг номи – тилида ва дилида.

Данте, умуман олганда, бирор жихати, бошқалардан фавқулодда хислатлари билан ажралиб турмайдиган бу қиз номини абадийлаштириб, шон-шуҳратга бурқаб, мадҳ этиб қолмасдан, **Беатриче** ҳақида «**Ҳали ҳеч қачон бирон аёл тўғрисида бирон марта айтилмаган**» илоҳий сатрларини битган. У ўзининг «Янги ҳаёт»даги сўнгги сонетида ана шундай ваъда берган. Данте бу ваъдасининг устидан чиққан: у «Илоҳий комедия»ни ёзган.

## **«БАЗМ» («CONVIVIO») ВА «ХАЛҚ ТИЛИ ТЎҒРИСИДА»ГИ («DE VULGARI ELOQUENTIA») АСАРЛАР: ИЛМ НОНИ, ҲАММАГА ЗИЁ СОЧУВЧИ ЯНГИ ҚУЁШ**

**«Базм» — халқ тилидаги фалсафий наср намунаси ҳисобланган биринчи асардир.** Бу асар Дантенинг ҳам фалсафавий канцонлари, ҳам тил тўғрисидаги трактати билан узвий боғлиқдир. «Базм» Данте томонидан ўзига хос қомусдек режалаштирилган. Ундаги ҳар бир канцонга алоҳида трактат шаклидаги насрий матн илова қилиниши кўзда тутилган. Канцонларга кириш қисми олинмаган ҳолда ҳаммаси бўлиб, 14 та изоҳ бўлиши мўлжалланган. Лекин Данте томонидан тўртта: кириш ва учта канцонга изоҳлар ёзилган. Уларнинг ҳажми 10 босма табоқ атрофида эканлиги ҳисобга олинмаган бўлса, Данте ниҳоятда улкан ишга қўл урганлиги аён бўлади.

Данте Веронани тарк этиб, яна дарбадарликда, бошпанасиз қолганида Беатриче вафотидан кейин бўлганидек, унда фалсафада таскин топиш зарурати туғилган. Лекин шоирнинг нияти фақат бу билан чегараланмаган. У ўз ҳамюртлари: уни қувғин қилган «Қора гвельфлар»га ҳам, ўзи ташлаб кетган «Оқ гвельфлар»га ҳам улар қандай инсондан жудо бўлаётганликларини ифода қилмоқчи бўлган. Мазкур асар уни барча италияликлар, шу жумладан, флоренцияликлар кўз ўнгида кадр-қимматини ошириши мумкинлиги ҳақидаги фикр унинг қалбига юпанч ва қониқш ҳиссини берган.

Дантенинг ниятича, канцонларга фалсафий изоҳлар ҳақиқий «базм» бўлиши керак эди. Бу «базм»га у илм-фанга дахлдор бўлмаган кимсаларни таклиф этган. Шоир асосан мурожаат этаётган ўқувчилар кимлар эди? Данте бунда олимларни назарда тутмаган. Бу ҳолда у асарини лотин тилида битар эди. Хорижликларга ҳам лотин тили ёрдам бермас эди. Чунки улар канцон моҳиятини англаб етишмас эди. Италияликларда эса, унинг фикрларини уқиб олиш учун қалб саховати етишмасди. Бундай фазилат «баронлар ва рицарларга ҳамда кўпгина бошқа нуфузли инсонлар — эркаклар ва хонимлар»га хос бўлган. Ана шу инсонлар учун асарни итальянча тилда битиши керак бўлган.

Данте шаҳарликлар тўғрисида ҳеч нарса демаган. Аммо у шаҳарликларни, шу жумладан флоренцияликларни ўз трактати

ўқувчилари қаторида кўрмаганми? Шоир асарида улар тўғрисида ҳеч нарса демаса-да, хамшаҳарлари ҳамиша унинг кўз ўнгида, энг эзгу ўйларида бўлган. Бу ўйлар муаллифни укубатга солган ва уни қувғин қилган хамшаҳарлари асарда ўзлари тўғрисида бирор сатр топа олмасдан, афсус-надоматлар чекишларини истаган.

Данте бу асари билан ўз шеърий салоҳияти ва фалсафий тафаккури сарчашмалари боқий эканлигини, у энг юксак мартабадаги аслзодаларга ҳам айтадиган сўзи борлиги, ғоялари фаррошларга тушунарли бўлса ҳам шаҳарликлар унинг ўй-фикрларининг мағзини чақишга қодир эмасликларини англамоқчи бўлган.

**«Янги ҳаёт» италянча ёзилган.** Унда лотинчани билмайдиган хонимга, у вафот этгандан сўнг эса, лотинчани тушунмайдиган жамиятга қаратилган шеърларга қисқа изоҳлар берилган. Шеърлар севги ҳақида, дил изҳорини эса, ҳеч ким лотин тилида билдирмаган, бу кулгули туюлган бўларди.

«Базм»нинг йўриғи бошқача. Ундаги канцонларга изоҳлар шу қадар батафсилки, ўқувчи мураккаб мушоҳадалар мағзини чақар экан, улар ҳар бир трактат муқаддимасидаги шеърлар билан боғлиқ эканлигини ёдидан чиқаришга улгурган. Дантегача бу мавзуларга қўл урганлар лотин тилида ёзишган. Данте томонидан мазкур асарни ёзишда «volgare» нима учун танлаганини изоҳлаш керак бўлган ва бу изоҳга биринчи трактат муқаддимасининг деярли ҳаммаси бағишланган.

Данте италянча тил лотинчадан фарқли ўлароқ аксарият фуқароларнинг тили эканлигини алоҳида уқтиради: **«Якқол кўриниб турибдики, лотин тили фақат айримларгагина фойда келтириши мумкин, италян тили эса кўпларга хизмат қилади... Бу мингларни тўйдирадиган жавдари нондир, менда бу нонларга тўла ҳали кўп саватлар бор... Бу янги нур, эскиси уфққа бош кўйганда кўтариладиган янги қуёшдир. У қоронғуликдагилар ва пана жойдагиларга шуъла сочади. Чунки, уфққа бош кўйган эски қуёшнинг бу кимсаларга ёруғи етиб бормади»<sup>1</sup>.**

Дантенинг хулосаси аниқ: **жавдар нон — барча фуқаро-**

---

<sup>1</sup> Данте. Пир / Қаранг: Данте. Малые произведения. — М.: Наука, 1968.



лар баҳам кўриши мумкин бўлган илм нонидир, янги қуёш — она тил, умумхалқ маданиятининг қуролидир, оддий халққа зиёси етиб бора олмайдиган эски қуёш эса — лотин тилидир.

Данте адабиётнинг келажаги лотин тили билан эмас, итальян тили билан боғлиқлигини тушуниб етган ва ўзи энг муҳим, энг аҳамиятли деб ҳисоблаган асарларини итальянча тилда ёзишга қарор қилган. Дантенинг ўз асарларини итальян тилида ёзишга жазм этганлиги, ҳеч муболағасиз, инқилобий воқеа бўлган.

«Базм»даги трактатнинг биринчиси — муқаддимасида Данте бу асарнинг мақсади, мазмуни ва нима учун у лотинча эмас, итальянча ёзилганлигига изоҳ берган. **Иккинчи трактат** астрономия масалаларига бағишланган, унда шоир коинотнинг тўққиз қавати тўғрисида сўз юритган ва рухнинг боқийлигини асослаган. **Учинчи трактат**да муҳаббат назарияси ҳақида гап борган. Шоирнинг маҳбубаси фалсафа бўлгани учун у ушбу фанга, бу фанни севадиганларга, у нақадар катта бахт ато этишига ҳамду санолар бағишлаган.

Трактатларнинг энг муҳими — **тўртинчиси**дир. У ҳажми жиҳатидан аввалги иккитасига баробардир. Бу қисмда Данте Император Фридрих II томонидан берилган таърифга: «**Олийжаноблик — бу азалдан эга бўлган бойликнинг нафис турмуш кечиришга омухтасидир**»<sup>1</sup> қатъиян қарши чиқиб, аввалдан эгалик қилинган ёки янги бойлик инсонга олийжаноблик фазилати ато этмаслигини таъкидлаган. Инсонни насаб олийжаноб қила олмаслиги, аксинча, инсон олийжаноблиги туфайли насабга фазилат беришини кўрсатган. Данте: «**Шундай қилиб, олийжаноблик барча нарсаларга нисбатан улар табиятининг мукамаллигини англатади**»<sup>2</sup> деб уқтирган.

Данте ана шу ҳулосасини тасдиқлаш учун антик ва ўз даври классиклари асарларидан иқтибослар келтирган. Шунингдек, у умуман империя ва ҳусусан, Рим империяси ҳусусида ўз мулоҳазаларини баён этган. Авваллари у Рим империяси онгли зарурат туфайли эмас, куч билан тузилган деган қарашда бўлган. «**Базм**»-

<sup>1</sup> Қаранг: Дживелегов А.К. Данте Алигьери. Жизнь и творчество // [http:// az. lib. ru](http://az.lib.ru).

<sup>2</sup> Данте. Пир / Қаранг: Данте. Малые произведения. — М.: Наука, 1968.

да Данте Аристотелнинг «Сиёсат»ига таянган ҳолда ўз нуқтаи назарининг асосларини изоҳлаган. Шоирнинг фикрича, империя ҳокимиятининг туб моҳияти инсон цивилизацияси заруратидир. Бундай тузум якка-ю ягона мақсад: бахтли ҳаётни қарор топтириш учун ташкил этилган. Биринчи Рим классик империяси, шунинг учун кучга эмас, балки онгга, яъни, илоҳий онгга асосланган. Демак, унинг қонунийлигига бирор шубҳа туғилмаслиги керак. Худди шунингдек, Рим халқининг инсоният устидан ҳукмрон бўлиш ҳуқуқига бирор шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Бундай ғоя Данте фикрича, Рим империясининг вориси бўлган Италияга ягона миллат сифатида қараши инъикосидир. Лекин, ҳали олдинда Италияни ижтимоий-сиёсий инқирозлар кутарди. Данте ҳали бундан беҳабар бўлса-да, тасаввуридаги муҳолифатчиларга ўз ғояси тўғрилигини исботлаш учун қаҳрли сўзлар битган.

Умуман олганда, «Базм»га дунё ва асосан инсоннинг юксак ахлоқий фазилатларига садоқат руҳи сингдирилган. Асарда Ўрта аср жамияти қораланган ва бу жамиятнинг асоси бўлган бойликка нафрат билан қарашга даъват этилган. **«Ким катта бойликка эга бўлса, унда инсон кадр-қимматини ерга урадиган хасислик пайдо бўлади. Бир одам кўлида бойликнинг тўпланиши кўпчилик учун укубат ва камбағаллик қисматини келтиради. Бойлик ёвузлик манбаидир. У пок қалбни таҳқирлайди. Инсонни саҳийликдан бебаҳра қилади. Донишманд бойликни ёқтирмайди ва уни йўқотса, ташвишланмайди»<sup>1</sup>.**

Бойликнинг табиати тўғрисидаги фикрлар ўша пайтлардаёқ Дантега тинчлик бермаган ва у ҳаётининг охиригача ўз даври зиддиятларини, бу тугунни қандай ечиш йўлини тополмасдан, азоб тортган. Унинг хавфсизлик моҳияти ва ижтимоий аҳамияти тўғрисидаги таълимотига «Илоҳий комедия»да яқун ясалган.

Данте юқорида қайд қилинганидек, бойликнинг бир тўда кимсалар кўлида тўпланиши аксарият кўпчиликни камбағаллашиши ва оч-ночорликка дучор қилишини уқтирган. Энди эса, у «мингла» учун ёзиш зарур эканлигини исботлашга интилган. **Данте**

---

<sup>1</sup> Данте. Пир / Каранг: Данте. Малые произведения. — М.: Наука, 1968.

**итальян тили ўз Ватанида ҳукмрон мавқега эга бўлишига астойдил ҳаракат қилган.**

Тўғри, Данте даврида ҳали иш юритиш, суд баённомалари, нотариус хужжатлари, қонунлар, расмий ва дипломатик ёзишмалар лотин тилида олиб борилган. Лекин итальян тили аста-секин ўзига йўл очиб борган.

Жованни Виллани 1300 йилда ворисларга ибрат кўрсатиб, ўз асарларини итальянча тилда ёза бошлаган. Йил сайин бадий адабиётда итальян тили ўз ўрнини топа бошлади. **Данте она тилининг аҳамиятини чуқур англаган дастлабки адиблардан бўлган.** У буни биринчи бўлиб тушунибгина қолмасдан, **итальян бадий тили асосларини яратган.**

Бунинг исботи учун биргина мисол кифоя. Бундан 600 йил аввал битилган асарларни ўқишга ҳаракат қилиб кўринг. Бу китобларда – улар ўзбек, немис, француз, инглиз, рус тилларида бўлсин – нима ёзилганлигини тушуниб етишишингиз учун жилд-жилд луғатлар, қўлланмалар, ғоят мураккаб лингвистика изохлари талаб этилади.

Дантенинг тили эса, ҳеч бир изоҳсиз ҳамма учун тушунарлидир. Фақат **Дантенинг даҳолиги туфайлигина у томонидан яратилган тил мана олти асрдан бери халқ тили сифатида яшаб келмоқда.** Бу унинг Италия маданияти олдидаги энг буюк хизматларидан биридир.

«Базм»да итальян тили ҳимоя қилинган бўлса, лотинча ёзилган ва унчалик кўп тарқалмаган **«Халқ тили тўғрисида»**ги трактатда бошқа мақсадлар кўзланган. У ёзилиш вақти, асосий ғоявий мазмуни бўйича «Базм»га узвий боғлиқ бўлса ҳам, моҳият жиҳатидан мутлақо ўзгачадир. **Мазкур асар тилшунослик бўйича Европадаги ҳақиқий биринчи илмий тадқиқот ҳисобланган.** Уни фақат мутахассисларгина баҳолаши мумкин эди.

Трактат «Базм» каби ёзиб тугатилмаган. «Халқ тили тўғрисида» асарининг биринчи китобида тилнинг келиб чиқиши, Европа тиллари тўғрисида сўз боради. Жумладан, Европа тиллари француз, провансал ва итальян тилларига бўлиниши қайд этилган. Табиийки, **Дантенинг асосий диққат-эътибори итальян тилига қаратилган.**

Муаллиф итальян тилининг табиатини чуқур таҳлил этиш мақсадида ўзига маълум бўлган барча лаҳжаларга тўхталган.

Маълумки, шоир бутун мамлакатни кезиб чикқан ва юртининг турли гўшаларидаги лахжалар билан чукур танишган.

Мазкур тадқиқот натижаси Дантега Италияда мавжуд барча лахжалардан бирортасини бадий тил сифатида эътироф этиш мумкин эмас, деган хулоса чиқариши учун асос бўлган. Чунки, у барча лахжаларда, шу жумладан, Тоскано, хусусан, Флоренция лахжасида у ёки бу номукамалликларни аниқлаган. Данте, шундай экан, қайси тилни бадий тил – юқори «volgare» деб ҳисоблаш керак, деган саволни ўртага қўйган ва бунга жавобан ҳамма учун тушунарли бўлган бу «volgare» Гвидо Гвинецелли, Гвидо Кавальканти, Чино да Пистойя ва «унинг дўсти» (яъни, Дантенинг ўзи) тили бўлиши керак, деб ҳисоблаган.

Бунинг исботи сифатида бадий тилнинг маданий аҳамияти тўғрисида ғоят эҳтирос билан: **«Юксак халқ тили лоқайдлар иродасини уйғотиш, иродалиларни руҳлантириш даражасида қалбларни жўшқинлаштириши энг олий ҳокимият эмасми? Ахир, бу тилга эга бўлганлар шон-шухратлари билан қироллар, маркизлар, графлар, дворянларни енгмайдими? Бундай нарсаларни исбот қилишнинг зарурати йўқ»**<sup>1</sup> деб таъкидлаган.

Трактатнинг иккинчи китоби шеърят ва назмий жанрлар таҳлилига бағишланган. Данте фақат канцонлар назариясини баён қилишга улгурган, холос. Бундан сўнг китобда сонет, баллада ва лириканинг бошқа шакллари тўғрисидаги боблар бўлиши режалаштирилган. Аммо муаллиф уларни ёзиб тугата олмаган. Лекин бу масалалар у ёки бу тарзда «Илоҳий комедия» қўшиқларида тилга олинган.

**Осип Мандельштам «Дантенинг ижоди, энг аввало, унинг давридаги итальян тилини яхлит ҳолда, тизим сифатида халқаро майдонга чиқарди»**<sup>2</sup>, деганда жуда ҳақ эди. Данте туфайлигина роман тилларининг энг қадимийларидан бири ҳисобланган итальян тили халқаро даражада биринчи ўринларга кўтарилган.

---

<sup>1</sup> Данте. Пир / Қаранг: Данте. Малые произведения. – М.: Наука, 1968.

<sup>2</sup> Мандельштам О. Э. Разговор о Данте. См: Мандельштам О. Сочинения. В 2-х т. Т. 2. Проза / Сост. и подгот. текста С. Аверинцева и П. Нерлера; Коммент. П. Нерлера. – М.: Художественная литература, 1999.

*«Унинг барча буюк италияликлардан ҳам буюкроқлиги шундаки, у Ватанини ҳаммадан кўпроқ севарди ва Ватанига хизмат қилишга даъват этилганидан гурурланарди».*  
**Ж. Мадзини<sup>1</sup>.**

## **«МОНАРХИЯ» («ДЕ MONARCHIA»): ДАВЛАТ – МИЛЛАТ БИРЛИГИНИНГ ТАЯНЧИ**

Данте «Монархия» китобининг асосий мақсади – Рим халқи Император ҳокимиятини шакллантирганлиги сабабли Рим халқининг иродаси бу ҳокимиятнинг манбаи эканлигини исботлашдан иборатдир. Бу Ўрта асрларда ниҳоятда долзарб вазифа ҳисобланган. Данте даҳоси туфайли мазкур масала оламшумул фалсафий-сиёсий муаммо кўламини олган.

Ушбу мавзу Данте учун янгилик бўлмаган. У «**Базм**» асарида Император ҳокимияти ҳуқуқлари тўғрисида умумий масалаларга тўхталган. Лекин бу трактатда ҳали долзарблик яққол сезилмаган. Шоир «**Халқ тили тўғрисида**»ги трактатда ҳам Италиянинг ягона мамлакат, итальян тили – ягона миллий тил эканлигини қайта-қайта уқтирган. Италияда Генрих VII нинг пайдо бўлиши Император ҳокимияти тўғрисидаги масалада ғоят долзарблик касб этган.

Гап шундаки, 1313 йил 1 августда Император Генрих VII жанубга – Пиза томон юришни бошлашини эълон қилганида унинг биринчи мақсади Римни эгаллаш бўлган. Бу билан у Папа

---

<sup>1</sup> *Жузеппе Мадзини (1805-1872) – Италиянинг XIX аср тарихидаги энг ёрқин, энг зиддиятли сиймо. Маълумоти бўйича ҳуқуқшунос бўлган Ж. Мадзини Италия сиёсий таълимотида либерал-демократик йўналишига асос солган. У ўзини улуғ мақсад – Италияни бирлаштиришга бахшида қилган, шу сабабли италияликлар ҳақли равишда Ж. Мадзинини том маънода «миллат отаси» ҳисоблашади. Ж. Мадзини учун ижтимоий-сиёсий тузумнинг идеали – «пок, гуноҳсиз ва тинч инқилоб» натижасида ўрнатиладиган республика бўлган. У орзу қилган республика – умумий сайлов ҳуқуқи асосида сайланган парламент ва ҳукуматга эга давлат, «миллат томонидан ваколат берилган» ва унинг назорати остидаги амалдорлар бўлиши керак эди. Бундай давлатда мустақил ҳокимият миллат тасарруфида бўлиши, табақа имтиёзлари йўқотилиши назарда тутилган. Бу эса мамлакатда эркинлик ва тенгликни, сиёсий тенгликни, фуқаролик тенглигини, ҳуқуқий тенгликни таъминлайди, айни пайтда «турли табақаларга парчалаб юборилган халқни буюк миллий бирликка жипслаштириш» имконини беради.*

хукмронлигига раҳна солиб, энг оғир жазо – ўзининг черковдан бадарға қилиниши мумкинлигини ҳам писанд қилмасдан, режасини амалга оширишга киришган.

Бундан аввал – 1312 йилнинг декабрида баронлар зулмидан сабр косаси тўлган халқ исён кўтарган. Римда бўлган баронларнинг харбий отрядлари тор-мор қилинган, уларнинг ўзи шаҳардан қочишга мажбур бўлишган. Халқ Римдаги ҳокимиятни императорга топширишга қарор қилган. Халқ вакиллари чиқарган мурожаатда Римдаги исён Император манфаатига қаратилганлиги баён этилган. Рим халқи Генрих VII ни шаҳарга келиб, Император ҳокимиятини қўлга олишга даъват этган.

Генрих VII 1313 йил март ойида баронлар халқ ҳокимиятига барҳам берганликларидан хабардор бўлган. Бундан ташқари, у Римга қўшин билан бостириб келган тақдирда, Папа қўлидан аввал олган императорлик ҳокимиятини йўқотиши мумкинлигини ҳам яхши англаган. Аммо Генрих VII императорлик ҳокимияти унга Рим халқи томонидан инъом этиладиган бўлса, Папанинг уни черковдан бадарға қилиши бирор аҳамиятга эга бўлмаслигини ҳам тушунган. У тўғри мулоҳаза юритган. Бироқ Генрих VII га иккинчи бор Римга зафар билан кириб бориш насиб этмаган.

Дантенинг асарида ҳам Император ҳокимияти билан Папа ҳокимияти ўртасида асрлар давомидаги баҳс-мунозара ҳақида гап боради. Шу жиҳатдан **«Монархия» Марсилий Падуанский<sup>1</sup>-нинг «Тинчлик ҳимоячиси» («Defensor pads»)<sup>2</sup>** китоби

---

<sup>1</sup> *Марсилий Падуанский (1280-1342) – итальян сийёсий мутафаккири, «Тинчлик ҳимоячиси» рисоласининг (1324) муаллифи. У бу асарида Урта асрларда биринчилардан бўлиб давлатнинг жамият келишуви натижасида пайдо бўлиши мумкинлиги гоёясини илғари сурган. М. Падуанский Папанинг дунёвий ҳокимиятга ҳукмронлик қилиш даъвосига қарши чиқиб, дунёвий ҳокимият диний ҳокимиятдан юқори туришини билдирган. У давлатнинг энг яхши шакли – қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият ваколатлари тақсимланган монархия, энг яхши ҳукмрон – ҳуқуқлари табақа хусусиятига эга муассаса томонидан чегараланган, халқ томонидан сайландиган ва халқ томонидан лавозимидан четлаштириладиган давлат раҳбари деб ҳисоблаган. Марсилий Падуанскийнинг фикрига кўра, давлат эндиликда империя эмас, балки коммуналарга ёки унинг давридаги синьорияларга уюшган миллатдир. У Папани дадил танқид қилгани ҳамда Император Людовик IV ни унинг Папа Иоанн XXII билан курашида қўллаб-қувватлагани учун 1327 йилда черковдан бадарға қилинган.*

<sup>2</sup> Каранг: *Дживелегов А.К. Данте Алигьери. Жизнь и творчество // http:// az. lib. ru.*

каторида мазкур муаммога бағишланган энг яхши асарлар қаторидан ўрин олган.

«Монархия»нинг **биринчи қисмида** масаланинг илмий моҳияти баён этилган. Унда сиёсий муаммолар билан шуғулланидиган фан (ҳозирги замон тили билан айтганда, «сиёсатшунослик» фани) бевосита ҳаёт билан боғлиқ эканлиги таъкидланган. Данте ҳар бир жамоа ўзига хос одамлар уюшмаси бўлиб, уни бошқариш талаб этилишини асослаган. Оиладан бошлаб йирик давлат иттифокларигача бундай бирлик ва бошқарув ҳаётини заруратдир.

Монархия ҳокимиятининг табиий моҳияти ҳам шундан иборатдир. Монархия халқ тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун заруратдир, Муқаддас Рим империяси каби жаҳон монархиясининг мавжуд бўлиши эса, олий саодат ҳисобланган. Лекин, **монарх якка ҳоким эмас, балки халқ хизматкори бўлиши керак бўлган. У эркинликни ҳимоя қилиш, одил судловни амалга ошириш учун қонунлар яратиш учун ҳокимият тепасига қўйилган.**

Китобнинг **иккинчи қисмида** Данте бу мулоҳазаларини ўз даври воқелиги билан боғлаган. У «**Рим халқи Император ҳокимиятини ўзлаштиришга ҳақлими?**», деган саволни ўртага ташлаган. Аслида мазкур муаммо назарий жиҳатдан унинг «**Базм**» трактатида ҳал этилган. Бироқ «**Монархия**»да анча чуқурроқ далиллар келтирилган. Мазкур асар ёзилаётган пайтда Генрих VII халқ унга Римда императорлик тожини инъом этишини орзиқиб кутаётган пайт эди. «**Аmmo Рим халқи императорлик ҳокимиятини кимгадир инъом этиш ҳуқуқига эгами? Иккинчи томондан, бу ҳокимиятни Рим халқи қўлидан олган кимса ўзини Римнинг вориси деб ҳисоблашга ҳақлими?**»

Данте учун бу масала равшан эди. У Вергилийнинг: «**Римлик, ёдингда тут, тақдир сени халқларга бош бўлишга даъват этган**» деган башоратини яхши тушунарди.

Ҳаёт ҳақиқатан ҳам римликлар «муқаддас халқ» эканлигини кўрсатди. Бу халқ инсониятга, одамларга яхши қонунларни, яхши бошқарувни ва бахт-саодатни ато этиш учун уларни ўзига тобе қилган. Демак Рим халқи жаҳонга ҳокимлик қилиш ҳуқуқини ўз зиммасига олган экан, у бу ҳокимиятни хоҳлаган кимсага инъом

отиши мумкин. Генрих VII учун Дантенинг ана шу хулосаси керак эди.

Китобнинг **учинчи қисми**да Папа ҳокимияти ҳам, Император ҳокимияти ҳам Тангри томонидан инъом этилиши ва улар ўз ҳокимиятларини бошқаришда мустақил эканликлари хусусида гап боради. Бунда Папа билан муносабатлар ҳисобга олинган ҳолда **Император ҳокимиятининг манбаси ким – Тангри-ми ёки унинг ердаги ноибими, деган саволга жавоб изланган.**

Ўша даврдаги черков ақидаларига кўра Император ўз ҳокимиятини Папа қўлидан олади, деб белгилаб қўйилган. Аммо Дантенинг уқтиришича, ҳокимиятнинг манбаи ягона – Тангри. Иккала ҳокимият – черков ҳам, дунёвий ҳокимият ҳам ўзаро келишув билан иш кўриши, уларнинг вакиллари бир-бирларига ҳурмат билан муносабатда бўлишлари шарт. Фақат шу тақдирдагина, дунёда тинчлик, тотувлик, фаровонлик, яъни, мукамаллик қарор топади. Аммо Папа ва Император ҳокимиятлари ўртасидаги зиддиятлар бу уйғунликка раҳна солган.

Трактат мазмуни қисқача ана шундан иборат. Асарда кўтарилган Генрих VII билан боғлиқ мавзу Дантенинг диққат марказидаги империя муаммоларини четга суриб қўймаган. Генрих – ўткинчи воқелик, империя эса, боқий – энг муҳим масаладир. У Италиянинг бугунги куни ва келажаги билан худди ўтмиши каби узвий боғлиқдир. Фақат империягина Италиянинг миллий бирлигини қарор топтириши мумкин. Маданий ҳаётда тилдек, сиёсий ҳаётда ҳам ягона императорлик ҳокимияти ана шу бирликни мустаҳкамлаш таянчи бўлиши керак. Данте империя ғояси миллий тарқоқликка барҳам бериб, Ватанида соғлом сиёсий тартиб ўрнатишга хизмат қилиши керак, деб тушунган.

«Монархия» Генрих VII Рим худудига бостириб киргач, черковдан бадарға қилиниши эълон қилинган 12 июнь ва албатта, бу Император вафот этган 24 августдан аввал битилган. Асарнинг ана шу пайтда пайдо бўлиши ижтимоий-сиёсий фикрга таъсир кўрсатиши ҳамда Генрихга у императорлик ҳокимиятини Рим халқи қўлидан олганлигини исботлаш учун жуда зарурлиги билан изоҳланган.

Китоб Император ҳокимияти муаммолари билан чекланиб қолмаган. Яхши маълумки, Данте – эркин коммунада тарбия топган, Данте – пополан, Данте – Папага қарши фаол курашув-



чи. Асарда муаллифнинг ана шу дунёқараши, инсонпарварлиги, ҳурлик – энг олий неъмат эканлиги тўғрисидаги фуқаролик нуқтаи назари баралла янграган. Айни пайтда **«Монархия»да оқил жамиятга зид бўлган қусурлар қораланган, давлатнинг миллат бирлигининг таянчи, Император эса, халқ ҳукмрони эмас, балки хизматчиси эканлиги алоҳида уқтирилган.**

## **«ИЛОҲИЙ КОМЕДИЯ» («DIVINA COMMEDIA»): УЙҒОНИШ ДАВРИНИНГ ШЕЪРИЙ ҚОМУСИ**

XII аср охирига келиб, Италия адабиёти эркин ривожланиш йўлига чиқиб олган, умрини ўтаб бўлаётган феодал тузуми аксадоларини, тобора кучга тўлаётган буржуа оҳангларини, Рим даври хотиралари ҳамда Альп тоғларидан ошиб ўтган провансаль шеърлари, янги диний кайфиятларни аралаш-қуралаш муҷассамлаштирган ҳолда олға талпинаётган бўлган. Бу янги — **илк Уйғониш даври адабиёти бошида Данте турган.**

Буюк даҳо ўзигача битилган ҳамма нарсани ўзлаштириб, уларни Италия адабиётини ниҳоятда бойитган тугал намуналар сифатида ватанига тақдим этган. **Данте, энг аввало, Италия адабиётига асосий қуроли: назм ва насрда юксак мукамалликка етказилган она тилини ҳади этган.**

Шундай бўлса ҳам «Илоҳий комедия» — Данте даҳосининг энг олий чўққисдир. Тадқиқотчилар кўп марта таъкидлаб ўтишганидек, Данте бу шоҳ асарисиз ҳам адабиётда буюк шоир сифатида муносиб ўрин эгаллаши шубҳасиз эди<sup>1</sup>. Аммо Данте «Илоҳий комедия»сиз жаҳон адабиётда ҳам янги саҳифа очган адиб номини олмаган бўлар эди. Дантешунослардан бири жуда ўринли таъкидлаганидек, Дантенинг «Илоҳий комедия»сида «соқов ўнлаб юз йилликлардан кейин илк бор тилга кирган»<sup>2</sup>.

Дантенинг ўзи нима учун асарига «Комедия» номини берганлигини изоҳлаган. Унинг ҳисоблашича, «Комедия»нинг «Трагедия»дан фарқи шундан иборатки, «Трагедия» муқаддимаси — китобхонни таажжублантириш билан бошланиб, воқеалар вазминлик билан давом этса, ниҳояси — қайғули ва даҳшатли кечади. «Комедия»да эса воқеалар ғамгин бошланиб, асар қувончли ҳиссиётлар билан якунланади. Бу жанрларда бошқа фарқлар ҳам бор: «Трагедия»нинг тили баландпарвоз ва тантанавор, «Комедия»ники эса, халқчил ва соддадир. Шунинг учун Данте асарини «Дўзах» билан бошлаб, «Жаннат» билан тугаллаган.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Дживелегов А.К. Данте Алигьери. Жизнь и творчество* // [http:// az. lib. ru.](http://az.lib.ru)

<sup>2</sup> Қаранг: *Дживелегов А.К. Данте Алигьери. Жизнь и творчество* // [http:// az. lib. ru.](http://az.lib.ru)

Олима **Фозила Сулаймонованинг** қайд этишича, **Ўрта асрларда** миллий тилда ёзилган ва яхшилик билан тугалланган ҳар қандай асар, жанридан қатъи назар, комедия деб аталган. Кейинчалик **Ж. Боккаччо Данте асарининг** моҳияти жиҳатидан унга «илоҳий» сифатини қўшган. Шундан бери у «**Илоҳий комедия**» деб аталади<sup>1</sup>.

Бу асарида Данте гўё инсоният тарихидаги икки давр чегарасида қад ростлаб туради: аввалги асрлар якунини таҳлил этиб, янги истиқбол йўлига шуъла сочади. Асарда шоир ҳаётида энг муқаддас ва унутилмас воқеалар: Беатричега муҳаббат, илмий ва фалсафий машғулотлар, сиёсий-ҳуқуқий қарашлар, қувғиннинг уқубатлари ва аянчли ўйлари, қувонч ва ташвишлари юксак бадий ифодасини топган. Данте бошидан кечирган эҳтирослар шахсий кечинмалардан ижтимоий кечинмаларга, Италия воқелигидан жаҳон воқелигига, ўткинчиликдан боқийликка айланган. Шунинг учун буюк рус шоири **А.С.Пушкин «Данте томонидан «Илоҳий комедия»ни яратиш режасининг ўзи даҳолик эди»<sup>2</sup>**, деб ёзган.

Тадқиқотчилар ҳозиргача «Илоҳий комедия»нинг «**Дўзах**», «**Аъроф**» ва «**Жаннат**» қисмлари қачон ёзилганлиги тўғрисида баҳс-мунозара олиб борадилар. Бугунги кунда «**Жаннат**» шоир ҳаётининг сўнгги йилларида, у Верона ва Равеннада яшаган вақтда яратилганлиги аниқланган. Асарнинг бошқа қисмлари тўғрисида бундай аниқ фикр билдириш қийин.

**Данте «Дўзах»га қўл урган пайтида қувғин қилинганлиги билан боғлиқ воқеалар таассуроти остида бўлган.** Ҳатто Беатриче ҳам бу қисм бошида йўл-йўлакай тилга олинган ва кейинроқ 2-3 мартаба, турли воқеалар билан боғлиқ равишда тасвирланган, холос. Ўша даврда Дантенинг ўй-хаёлини гвельфлар ва гибеллинлар ўртасидаги кураш қамраб олган. Аммо бу сиёсий кураш биргина Флоренция ёки умумиталия микёсини эмас, балки, бутун империя уфқларини қамраб олиш даражасида тасвирланган. Данте дўзахда дуч келган кимсалар ҳам ана шундай улуғворлик касб этганлар. Улар Филлипо Арженти, Чакко, Теггьяйо Альдобранди, Якопо Рустикуччи, Моска Ламберти ва бош-

<sup>1</sup> Қаранг: Сулаймонова Ф. *Шарқ ва Ғарб*. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 370-б.

<sup>2</sup> Қаранг: Первушина Е.А., Макогина Е.И. *Кто расскажет школьникам о Данте – физик или лирик* // <http://spintongues.msk.ru>.

қалардир. Уларнинг ҳаммаси флоренцияликлар, чунки Дантени флоренцияликлар қизиктирган.

Фикримизча, «Илоҳий комедия»нинг «**Дўзах**» қисми шоир томонидан тахминан 1307 йилда режаланган ва уни ёзиш учун 2 ёки 3 йил сарфланган. «Дўзах» тугатилиши билан «**Аъроф**»га қўл уриши ўртасида Данте илмий фаолият билан шуғулланган. Бу унга фан, айниқса, фалсафанинг янги қирраларини чуқурроқ идрок этиш учун зарур бўлган. Янада муҳими, шоир «Аъроф» устида иш бошлаганда ҳамма мавзуларни четга суриб қўйган, император Генрих VII билан боғлиқ масалалар ниҳоятда долзарблик касб этган. Бундан «Аъроф»нинг ғоявий мазмуни Дантенинг илмий машғулотлари натижаларини ҳамда Италияда Император пайдо бўлиши билан боғлиқ воқеаларни қамраб олганлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

Шу билан бирга, **Дантенинг «Илоҳий комедия»сини Беатриче образисиз тасаввур этиш қийин**. Чунки бу асар унинг хотирасига бағишлов сифатида режаланган. Бу ҳақда шоирнинг «**Янги ҳаёт**» асари ниҳоясида сўз борган. «Дўзах»да Беатричени мадҳ этувчи мисралар кўп бўлмаса-да, «Илоҳия комедия»да у марказий ўринни эгаллаган. Чунки «Аъроф»да диний эътиқоди туфайли жаннатдан ўрин олиши мумкин бўлмаган Вергилий ўрнини Беатриче эгаллаши керак эди. Мазкур учта: сиёсий, илмий-фалсафий ва Беатриче билан боғлиқ диний-рамзий мавзулар Данте «Илоҳий комедия»нинг иккинчи қисмини ёзишга 1311 йилдан эрта бўлмаган ва 1313 йилдан кеч бўлмаган вақтда киришиб, 1317 йилгача тугалланган бўлиши керак, деган тахминни асослаш имконини беради.

**«Илоҳий комедия»нинг дастлабки икки қисми «Жаннат» ҳали ниҳоясига етказилмаган вақтда эълон қилинган**. Бу сўнгги — учинчи қисм шоир вафотидан ҳиёл эрта тугалланган, лекин унинг вафотигача эълон қилинмаган.

**«Илоҳий комедия»нинг ҳар бир қисми — «Дўзах», «Аъроф», «Жаннат» кантика — «cantica» деб аталган. Ҳар бир кантика бир — «юлдуз» — «stelle» сўзи билан тугалланган**. Шунингдек, ҳар бир қисм ҳажм жиҳатидан деярли бир хил — 33 қўшиқдан иборат, яъни, **«Илоҳий комедия» кириш қўшиғи билан 100 қўшиқни ўзида мужассамлаштирган**. Асардаги шеърини мисралар ҳам ҳисоблаб чиқилган — улар **14 233 та**.

**Шеърлар терцина – учликлар шаклида ёзилган.** Унда биринчи мисра учинчисига, иккинчиси навбатдаги учликнинг биринчи ва учинчи мисрасига қофиядош ва ҳоказо.

**Данте 3, 9 ва 10 рақамларини илоҳий рамзий маъно билан чулғаган.** Асар тузилиши худди шундан далолат беради. Данте илк бор Беатричени учратган қўшиқ – «Аъроф»нинг 30-қўшиғи. Агар у асар бошидан ҳисобланса, 64-қўшиқ бўлади:  $6+4=10$ . Унгача 63 та қўшиқ бор:  $6+3=9$ . Бундан сўнг яна 36 та қўшиқ бор:  $3+6=9$ . Қўшиқда 145 мисра бор:  $1+4+5=10$ .

«Илоҳий комедия»да Беатриче шоирга фақат бир мартагина Данте деб мурожаат этган қўшиқ эллик бешинчиси:  $5+5=10$ . Унгача 54 та қўшиқ бор:  $5+4=9$ . Бундан сўнг 90 та қўшиқ бор. Бунинг жамланмаси ҳам 9:  $9+0=9$ . Беатриче илк бор ўзини «**Қара, бу – менман. Бу мен, бу мен – Беатричеман**» деб таништирган қўшиқ етмиш учинчиси:  $7+3=10$  ва ҳоказолар.

Данте нима учун «Илоҳий комедия» тузилишини бундай мураккаб шаклга солганлиги тўғрисида узоқ вақтдан бери баҳс-мунозаралар тўхтамаяпти. Бироқ, энг асосийси, бу сеҳрли рақамлар эмаслиги шубҳасиздир.

«Илоҳий комедия»нинг мазмуни унчалик мураккаб эмас, асосан христиан дини ақидаларидан келиб чиққан. Дантенинг «Илоҳий комедия»си Ўрта аср адабиётида кенг тарқалган нариги дунёни ҳаёлан тасаввур этиш, башорат қилиш жанрида битилган. Шоир бу асарини ёзишда антик манбаларга суянганлиги сезилиб туради. Жумладан, бунга мисол тариқасида **Гомернинг «Одиссея»**сида, антик **Рим шоири Вергилийнинг Эней ўликлар дунёси** – Тартарга тушиб, отаси ва дўстларининг руҳи билан учрашувлари баён этилган асарларни келтириш мумкин. Лекин шоир кўпчиликка яхши маълум бўлган ақидаларни ўз дунёқараши, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ҳуқуқий қарашлари билан мислсиз бойитган. Унинг даҳоси шундан иборатки, «Илоҳий комедия»да «Дўзах», «Аъроф» ва «Жаннат» шунчалик теран ва шоирона тасвирлаб берилганки, жаҳон адабиётининг бирон намунаси бу асарга тенг кела олмайди.

Данте ҳомийси Делла Скалага ёзган мактубида «Илоҳий комедия» тўрт маънони билдиришини баён этган:

**биринчиси** – айнан маъноси – инсонларнинг нариги дунёдаги тақдири;

**иккинчиси** – мажозий маъноси – бу дунёда қилган ишига яраша нариги дунёда жазо олиши ёки роҳат топиши;

**учинчиси** – ахлоқий маъноси – инсонни ёмон йўлдан қайтариш ва эзгуликка йўналтириш;

**тўртинчиси** – пинҳона маъноси – бу асарни яратишга илҳомлантирган Беатричега бўлган муҳаббатнинг илоҳий кучини мадҳ этишдир<sup>1</sup>.

«Илоҳий комедия» Дантенинг қоронғу ва зулмат ўрмонда тун бўйи адашиб, тонгга яқин бу ердан бир амаллаб чиқиб олиши ва юксак тепаликка кўтарилиши билан бошланган. «Дўзах»нинг ана шу биринчи кўшиғи учлигида:

**Ердаги умримнинг ярмини юриб,  
Зулмат водийсида адашиб қолдим.  
Боксам, бир ўрмонга кетибман кириб<sup>2</sup>,**

дейилган.

**Данте замондошлари учун инсоннинг Ердаги умри – етмиш йил эканлиги яхши маълум бўлган.** Демак, бу умр йўлининг ярмидан ўтган шахснинг ёши ўттиз бешда. Айни пайтда ушбу сатрларда ҳаётнинг ўртаси, маркази тушунчаси ниҳоятда муҳимдир. Бу асар моҳиятининг айни маъзи. Ана шу унутилмас ёшда Данте билан қандай ҳол рўй берган? У ўрмонда, зулмат водийсида адашиб қолган.

**«Илоҳий комедия»нинг туб маъносини англаш учун буюк шоир битган ҳар бир сатр, ҳар бир сўз маъзини чақа билиш даркор.** Афсуски, италян тили билан таниш бўлмаган оддий китобхон учун бундай, ҳеч бир муболағасиз, илмий тадқиқот даражасидаги таҳлилни амалга ошириш осон эмас. Шунинг учун, масалан, таниқли шоир **Осип Мандельштам** «Илоҳий комедия»ни аслият ҳолида мутолаа қилиш учун мустақил равишда италян тилини ўрганган<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Дживелегов А.К. Данте Алигьери. Жизнь и творчество // [http:// az. lib. ru](http://az.lib.ru).

<sup>2</sup> Данте Алигьери. Илоҳий комедия, Дўзах / Русчадан Абдулла Орипов таржимаси. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 9-б.

<sup>3</sup> Мандельштам О.Э. Разговор о Данте. См: Мандельштам О. Сочинения. В 2-х т. Т. 2. Проза / Сост. и подгот. текста С. Аверинцева и П. Нерлера; Коммент. П. Нерлера. – М.: Художественная литература, 1999.

Дантенинг ўзи унинг асарларида бир неча даражадаги маъно-мазмун яширинганлигини эътироф этган. Бу даражанинг биринчиси – энг оддийси – «Илоҳий комедия»да бир шахс, яъни Данте билан рўй бераётган воқеалардир. Маъно-мазмуннинг иккинчи даражасини муаллиф сиёсий-ҳуқуқий моҳият сифатида назарда тутган. Бундан шу ўрмонда шоир эмас, балки Италия адашиб қолганлиги ва у зулмат водийсидан чиқишга талпинаётганлиги англанади. Бу ўринда **Дантенинг бир инсон қалбини уруши орқали бутун дунё руҳий ҳолати ҳақида хулоса чиқара олишдек беқиёс салоҳиятга эга бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.**

Боши берк кўчага кириб қолган Италия ҳам ёруғликка, та-раққиёт йўлига чиқиб олиш учун, худди шоир «гуноҳлари»дан покланишга эришишидек, тўғри йўлни танлай олиши керак. Зулматда тўғри йўл топишга қийналиб турган бир пайтда Дантенинг рўпарасида **Вергилий** пайдо бўлади. У асарда фақат буюк антик давр шоири сифатидагина эмас, айни вақтда кўҳна Рим империяси қудрати ва донолиги рамзи ҳамдир. Вергилий Дантени даъват этади:

**Менинг сўзларимни энди тинглаб тур:  
Рухларнинг абадий маскани сари  
Сени бошлаб кетай, менинг билан юр<sup>1</sup>.**

Бу «абадий маскан»ни идрок этиш учун Дантенинг коинот тўғрисидаги тасаввурларига изоҳ бериш талаб этилади. У **Птолемей**нинг коинот тузилиши тўғрисидаги таълимотига таянган. Бу таълимотга мувофиқ Ер коинот марказидир. Унинг атрофида эса Ой, Меркурий, Венера, Қуёш ва бошқа сайёралар жойлашган. Ернинг шимолий, энг ёмон қисмида чуқур жарликнинг туби курраи замин маркази томонга туташ бўлган. Бу – дўзах. **Дўзах – дунёдаги барча ёвузликларнинг макони, шунинг учун ҳам гуноҳкорлар қилмишлари учун дўзахга тушганлар.** Уларга дўзахдан қутилиш учун бирор умид қолдирилмаган.

Ернинг жанубий, энг яхши қисмида Аъроф жойлашган.

---

<sup>1</sup> Данте Алигъери. *Илоҳий комедия, Дўзах* / Русчадан Абдулла Орипов таржимаси. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 13-б.

**Аъроф инсонни гуноҳлардан халос этадиган макон. Аърофда нур шуълалари пайдо бўлади.** Бу ерда ҳам гуноҳкорлар тўпланган, лекин уларга кутқарилиш – гуноҳларидан покланиш умиди ато этилган. **Аъроф чўққисида эса, Ердаги жаннат жойлашган. Унинг юқорисида Осмондаги жаннат мавжуд.**

Дантенинг қахрамонига Дўзах, Аъроф ва Жаннатдан ўтиш қисмати ёзилган. Шунинг учун ҳам «Илоҳий комедия» шундай номланган уч қисмдан иборат.

Вергилий Дантенинг улкан саёҳати асосий босқичларини дарҳол белгилаб берган.

**Оташгоҳ томукда кўрарсан бироқ,  
Бир қавмки, бўлса-да азобдан овоз.  
Жаннат фароғатин кутади муштоқ.**

**Яна юксакроқни айласанг мурод,  
Диловар руҳ сени олгайдир кутиб.  
Иккинги кетарсиз, этармиз хайрбод<sup>1</sup>.**

Демак, Дўзах ва Аърофда Дантега Вергилий ҳамроҳлик қилади, Жаннатда эса уни Беатриче кутиб туради.

Ўрмонда шоирнинг йўлини ваҳший ҳайвонлар – қоплон, арслон ва кашқирлар тўсади. **Данте бу ўринда ҳам ваҳший ҳайвонларга рамзийлик белгисини берган. Яъни, қоплон – алдамчилик, сотқинлик ва маишатпарастлик, арслон – гурур, зулм ва тирания, кашқир – хасислик, таъмагирлик ва худбинлик тимсолларидир. Уларнинг ҳаммаси инсонга, унинг камол топишига қарши турган қора кучлардир.**

Данте Вергилий ҳамроҳлигида дўзахда даҳшатли зилзилани бошидан кечиради, турли динларга эътиқод қиладиганлар, шу жумладан, Шарқ донишмандларини кўради. «Дўзах»нинг тўртинчи қўшиғида Данте антик давр буюк шоирлари – **Гомер, Вергилий, Гораций, Овидий** ва **Лукандан** сўнг бу сафга олтинчи бўлиб қўшилади:

---

<sup>1</sup> Данте Алигьери. *Илоҳий комедия, Дўзах / Русчадан Абдулла Орипов таржимаси.* – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 13-б.



**«Бок, — деди шавкатли устод олиб тин, —  
Ҳаммадан олдинда, қўлида шамшир,  
Рухсори улуғвор, қадами сокин**

**Гомер келар эди, шоирларга пир,  
Ортида Гораций — шаддод қаламкаш.  
Ундан сўнг Овидий ва Лукан шоир...**

**Уларнинг сафига кирганим замон  
Шарафим ошарди менинг тобора,  
Сафда мен олтинчи зот эдим, шодон<sup>1</sup>.**

Данте Вергилий бошчилигида дўзахнинг тўққиз қавати, бу ердаги жазоланаётган гуноҳкорлар, уларнинг қилмишлари билан танишади. Жаҳаннамнинг тўққизинчи қаватида эса, жаннатдан қувилган Иблис музда абадий тўнғиган ҳолатда азоб-уқубатда ётади. Шоирлар унинг юнглиридан зинапоя сифатида фойдаланиб, ёруғ дунёга, океан ўртасида жойлашган Аъроф тоғи олдида кўтариладилар.

**Мавҳум ва билгисиз йўлдан шахт айлаб —  
Чароғон дунёга келдик икковлон.  
Энди интилардик юксакка қараб,**

**Устозга эргашиб борардим ҳамон.  
Кетдик шуълаларга тушгунча то кўз,  
Чашмим ёритгунча нурафшон осмон.**

**Ва яна намоён бўлганди юлдуз<sup>2</sup>.**

**«Илоҳий комедия»нинг биринчи қисми — «Дўзах»** ҳаёт зиддиятларини жуда моҳирона акс эттирилиши, асар қаҳрамонларининг ҳаётийлиги, воқеаларнинг мантиқий акс эттирилиши

---

<sup>1</sup> Данте Алигьери. *Илоҳий комедия, Дўзах / Русчадан Абдулла Орипов таржимаси.* — Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 32-33-б.

<sup>2</sup> Данте Алигьери. *Илоҳий комедия, Дўзах / Русчадан Абдулла Орипов таржимаси.* — Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 233-234-б.

нуқтаи назаридан «**Аъроф**» ва «**Жаннат**»дан ажралиб туради. Унда тасвирланган воқеалар Италиядаги ўша даврлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётни акс эттирган. Хусусан, «Дўзах»нинг ўн тўртинчи кўшиғида Данте антик давр ривоятини келтиради. Яъни, тахтини фарзандлари эгаллаши мумкинлигидан хавфсираган **Сатурн** туғилган фарзандларини тириклайин ея бошлаган. **Зевс** туғилганда эса, уни сақлаб қолиш учун Сатурннинг хотини **Рея** бола йиғлаганда отаси унинг овозини эшитиб қолмаслиги учун хизматкорларига шовқин-сурон кўтаришни буюрган.

Данте бу ҳамда христианларнинг муқаддас китоби – «**Таврот**»дан олинган ривоятларни ўзаро уйғунлаштириб, ўз ривоятини баён этган: ўтмиш ривоятларида Ида тоғида нигоҳи Римга қадалган «**Улуғ қария**» ҳақида ҳикоя қилинган. Эмишки, унинг боши тилладан, кўкраги ва кўллари кумуш, қовурғалари мис, оёқларининг бир қисми темир, бир қисми лойдан бўлган. «Дўзах»даги ўн тўртинчи кўшиқда бу «**Крит қарияси**»нинг бўйнидан то пастигача дарз кетганлиги, бу ёриқлардан тўкилган кўз ёшларидан дўзах дарёлари ҳосил бўлганлиги тасвирланган. Дўзахнинг энг тубида эса бу дарёлар муз кўлига айланади. Қиссадан хисса: «Крит қарияси»нинг бир оёғи лойдан эканлиги инсоният тарихида даврлар ва подшоликлар алмашиб турганлигини англатган. Бу ўринда «Крит қарияси» антик даврдан бошлаб, инсоният тарихининг мажозий ифодаси бўлганлигини эслатиш жоиз. **Инқирозга юз тутган одамзотнинг қисмат йўли дўзах тубига – Азозилга келиб тақалиши каромат қилинган.**

**«Крит қарияси» сиймоси – бир вақтлар инсоният бешиги ҳисобланмиш Италия олтин асри даврига ишорадир.** Данте асарида унинг даврида бу юртда темир аср ҳукмронлиги англатилади. Қария жароҳатлари битиб, кўз ёш тўкиши тўхташи учун яна олтин аср – Римнинг янги, умумжаҳон империяси даркор. Шунинг учун ҳам Крит Рим харобаларига ғамгин боққан:

**Тоғлар орасида бор машхур Ида;  
Бир чоғлар ям-яшил яшнаган маскан,  
Ҳозир-чи, хароба бўлгандир жуда.**

**Рея гўдакларин унга бермишкан,  
Излаган у жойдан бош пана, уя,  
Гўдаклар йиғисин шовқин-ла босган.**

**Тоғнинг устида-чи, улуғ қария;  
Елкасин ўгирган Дамиате томон,  
Рим сариға эса боққандир қия.**

**Тилла бош нур сочиб турар нурафшон;  
Кўкраги, қўллари – қўйилган нуқра.  
Белигача эса мис эрур, шоён.**

**Белидан пастда эса темир бир сира,  
Унинг оёқ кафти-чи хокитуроб лой,  
Ўнг таянчи шу, лойдир – шокира.**

**Вужуди дарз кетган бошдан токи пой.  
Сизиб ётар ундан кўз ёши тубан, –  
Ва уни ютади пастда – гор – сарой<sup>1</sup>.**

**«Илоҳий комедия»да Данте замондошларининг мукамал ва ҳаққоний сиймолари ғоят жозибали акс этган.** Улардан бири пок севгиси учун мудхиш дўзах азобларига дучор этилган **Гвидо да Полентанинг** навнихол кизи **Франческа да Риминидир.** Франческа Дантенинг узоқ қариндошларидан бири бўлган. У бадбашара Жанжотто Малатестага зўрлаб турмушга узатилган. Рашкчи эр рафиқасининг севгилиси Паоло билан биргаликда китоб мутолаа қилишаётган пайтда эҳтиросга берилишиб, ўпишаётган пайтларида кўриб қолиб, ҳар иккисини бўғозлайди. Ҳолбуки, Паоло бу қотилнинг тутинган укаси бўлган. Бу қилмиши учун **Франческа дўзахга тушган бўлса ҳам, Ердаги ҳаётда севгилисига бўса ҳадя этаётган бетимсол муҳаббат рамзи сифатида тасвирланган.** Шу маънода «Дўзах»нинг бешинчи қўшиғи эркин ва жўшқин эҳтирос мадҳидек янграйди:

**Муҳаббат дилларни ёққувчи зўр ўт,  
Гўзал бир вужудга мафтун эди бу,  
Вужудки, сўнгги дам бўлди хор, нобуд.**

---

<sup>1</sup> Данте Алигьери. *Илоҳий комедия. Дўзах / Русчадан Абдулла Орипов таржимаси.* – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 98-б.

**Ишқ бу – фақат ишқни чорловчи туйғу,  
Мен ҳам кўнгил бердим унга шу асно,  
Инон ихтиёрим топширдим, ёху<sup>1</sup>.**

Ёки оташин ватанпарвар, Италиянинг йирик сиёсий ва ҳарбий арбоби, Флоренция фуқароси **Фарината дельи Убертига** бағишланган сатрларни ёдга олайлик. У дўзахда оловга чўлганган бўлса-да, коматини роз тутиб туради, «дўзахни гўё истехзо-си билан ёритади». Унинг учун «**Қавмининг чорасиз ҳоли дўзах азобидан баттар ғам**»дир. Фарината жонажон шаҳри учун жонини фидо қилишга тайёр:

**Флоренциянинг аммо кулини кўкка,  
Совурмоқчи бўлган чоғида ганим  
Бир ўзим чиққанман майдонга тикка<sup>2</sup>.**

Данте ўз асарида замондошларининг гуноҳлари сифатида ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги оғир хатоларини келтирган. Масалан, Рим Папаси Николай III дўзахнинг саккизинчи қаватида «оёғи осмондан шалвираб ётган» ҳолда тасвирланган:

**Ҳар бир чуқурчада банди нокас  
Оёғи осмондан ётар шалвираб,  
Вужудлари бўлса, тошга банд – пайваст ...**

**«Бонифаций, – деди бечора дарҳол, –  
Сенмисан? Келдингми муддатдан бурун,  
Рўйхат лақиллатмиш бизларни, алҳол.**

**Жонга тегдими ё мансаб, мулк, жунун,  
Сен эмасми, ахир мансаб бор жойда  
Фирибга алмашган черковни бутун?»<sup>3</sup>**

---

<sup>1</sup> Данте Алигьери. Илоҳий комедия. Дўзах / Русчадан Абдулла Орипов таржимаси. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 41-б.

<sup>2</sup> Данте Алигьери. Илоҳий комедия, Дўзах / Русчадан Абдулла Орипов таржимаси. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 72-б.

<sup>3</sup> Данте Алигьери. Илоҳий комедия, Дўзах / Русчадан Абдулла Орипов таржимаси. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 125-127-б.

Дантешуносларнинг ҳисоблаб чиқишларича, «Дўзах»да тилга олинган **79 нафар аниқ тарихий шахсларнинг 32 нафари флоренцияликлардир**. Биргина шу мисолнинг ўзи буюк шоирнинг буюк Ватанига буюк муҳаббатидан далолат беради.

**Дантенинг дўзахи рамзга, кўпгина бошқа бадиий асарлар манбасига айланган.** Турли адабиётларда «Дантенинг дўзахи», «Дантенинг доиралари», «Дўзах доиралари» сўзларига дуч келасиз. Жумладан, **А.И. Солженициннинг «Биринчи доирада»** асари бевосита Дантенинг дўзах тасвирлари билан боғлиқ. Бу романни мутолаа қилар экансиз, унга ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз.

Агар Данте дўзахга халқ ҳаётига беписанд манфаатпарастлар ва хиёнатчилар, фуқаролар осойишталигига раҳна солган, ўзаро низоларни кучайтирган аслзодаларни жойлаштирган бўлса, «Аъроф»да бошқа тоифа вакилларга дуч келинади. «Аъроф»нинг **биринчи доирасида** мутаккаббирлар, **иккинчисида** – ҳасадчилар, **учинчисида** – жаҳлдорлар, **тўртинчисида** – маъюслар, **бешинчисида** – хасис ва исрофгарлар, **олтинчисида** – еб тўймаслар, **еттинчисида** – дунёвий муҳаббатга берилганлар жойлашган. Кўриниб турибдики, «Аъроф»дан гуноҳи нисбатан енгил бўлганлар ўрин эгаллаган. Уларга белгиланган жазо ҳам нисбатан енгилроқ: мағрурлар оғир юк кўтаришга маҳкум этилган, нафси ёмонлар эса, очлик билан жазоланган. Данте тарихий ривоятлар ва адабий асарлардаги қаҳрамонларни ҳам «Аъроф»га жойлаштирган.

Лекин «Ердаги жаннат» – саккизинчи ва тўққизинчи қаватларга чиқиш учун аввал «Аъроф»да етти қаватдан ўтиш – етти гуноҳни ювиш талаб этилган:

**Қилич учи билан – эканки жоиз –  
Пешонамга чизди Р<sup>1</sup>ни етти бор.  
Ва деди: «Ювиб кир, қолмасин то из»<sup>2</sup>.**

---

<sup>1</sup> Етти Р – латинча «*reccatum*» – «гуноҳ» сўзининг биринчи ҳарфи – Аъроф тоғига кўтарилиш баробарида улардан софланиш лозим бўлган етти ашаддий гуноҳни англатади.

<sup>2</sup> Данте Алигьери. Илоҳий комедия. Аъроф / Абдулла Орипов таржимаси – Т., 2007. 55-б.

«Илоҳий комедия»нинг «Аъроф» қисмида ҳам Данте парчала-  
ниб кетган, ўнлаб ҳукмдорлар, Рим Паласи зулми остида эзилиб  
ётган Ватанини унута олмайди, халқига ачинади, золимларга қаза-  
би келади:

**Италия, муте, хасратли маъво,  
Бўронда бошвоқсиз қолган кемасан.  
Элга паноҳ эмас, гўшасан расво!<sup>1</sup>**

Данте ва унга йўлбошчилик қилган Вергилий Аърофда қалин  
аланга деворидан ўтиб покланишади, сўнг саккизинчи қаватга  
чиқиб, хордиқ чиқарадилар. Шундан сўнг улар Аърофда мусаф-  
фо бўлган бошқа руҳлар билан биргаликда «Ердаги жаннат»га  
кўтариладилар. Вергилий Дантега сўнгги маслаҳатларини бера-  
ди ва у руҳи поклик оламининг шоҳи ва пири бўлганлигини уқти-  
ради. Тўққизинчи қават Италиянинг энг гўзал боғлари, гулзор  
ва майсазорлари, роҳат-фароғатдаги уйғун ҳаётнинг ифодаси си-  
фатида тасвирланган.

Дантенинг қаршисида Беатриче пайдо бўлиши билан Верги-  
лий ғойиб бўлади. Шоирнинг маҳбубаси Дантега бутун умри  
давомида уни ёмон йўлдан қайтаришга уринганлиги, аммо бу  
саъй-ҳаракатлари самара бермаганлиги сабабли унга дўзах азоб-  
ларини кўрсатиш орқали тўғри йўлга солмоқчи эканлигини бил-  
диради. Беатриче унга биринчи бўлиб тирик инсон қадами етма-  
ган жойларни кўриш муяссар бўлганлигини ҳам айтади. «Аъроф»-  
нинг пировардида шоир маҳбубаси билан осмонга нур тезлигида  
парвоз қилганлиги тасвирланган.

Данте вафотидан сўнг уни қалби «Аъроф»дан жой олишига  
умид қилган. У ўзини осмондаги жаннатга муносиб кўрмаган.  
Бирок, айни пайтда, у Ердаги гуноҳлари ботқоқида батамом бо-  
тиб қолишни истамаган. Шу ўринда **М. Бульгаковнинг «Уста  
ва Маргарита»** асарида Уста вафотидан сўнг нурафшон дунё-  
дан ўрин олишга даъво қила олмаса ҳам қалби таскин топишига  
сазovor бўлиши кераклиги уқтирилганлиги ҳам Данте ижодига  
мурожаатдек қабул қилинади.

«Илоҳий комедия»нинг «**Жаннат**» қисмида кўпроқ назарий

---

<sup>1</sup> Данте Алигьери. Илоҳий комедия. Аъроф / Абдулла Орипов таржи-  
маси – Т., 2007. 37-б.

ва диний мулоҳазалар хақида гап боради. Беатриче Дантега жаннат ҳам тўққиз қаватдан иборат эканлиги, энг олий қудрат ана шу сўнгги доирада эканлигини хикоя қилиб беради. Яъни, бу қаватларнинг биринчиси **Ой**, иккинчиси – **Меркурий**, учинчиси – **Венера**, тўртинчиси – **Куюш**, бешинчиси – **Марс**, олтинчиси – **Юпитер**, еттинчиси – **Сатурн**, саккизинчиси – **Турғун юлдузлар**, тўққизинчиси – **Арши аъло**.

Асарда тасвирланишича бу тўққизинчи доира – Эмпирейда фаришталар коинотни ҳаракатга келтирадилар. Беатриче Дантени авлиё Бернадга топшириб, Биби Марям тахти олдида Момо Ҳаво олдидан жой олади. Дантенинг «**Янги ҳаёт**» асарида тасвирланган **муҳаббат маъбудаси – Амор** куёш ва ўзга нур манбаларини ҳаракатга келтириши, умуман, у инсоний ахлоқ меъёрларини сақлаб туришга хизмат қилиши ифода этилган. Яъни, Амор фақат илоҳий қудрат рамзи бўлибгина қолмасдан, умумбашарият сир-асро-рини ҳам мужассамлаштирган. Шу сабабли ҳам таниқли дантешунос олим И.Н.Голенишев – Кутузов «**Данте антик муаллифларнинг анъанасини тиклаб, коинот сирларини кашф этган. Жаҳон адабиёти ривожланишининг янги йўлларини кўрсатиб берган. Данте «Илоҳий комедия»сининг инқилобий моҳияти ҳам худди шундадир**»<sup>1</sup>, деб кўрсатган.

Данте ўз асари устида иш бошлар экан, хақиқий воқеликни ифода этиш чинакам ижодкор вазифаси эканлигини тушуниб етган. Тўғри, у дарҳол бу хулосага келмаган. «Дўзах»нинг ўн биринчи кўшиғида муаллиф табиат Тангри томонидан яратилганлиги нуқтаи назарини ифода этган:

**Санъат табиатга доим эргашар,  
Шогирди мисоли борар изма-из.  
У ҳам илоҳийдир асли бир қадар.**

**«Инжил» авроқидан уққансан шаксиз;  
Ҳар икки жиҳатга Тангри таоло  
Яшаш ва яшнашни буюрган ҳаргиз<sup>2</sup>.**

---

<sup>1</sup> Голенишев – Кутузов И.Н. Данте и предвозрождение. Литература эпохи Возрождения. – М., 1967. С. 273.

<sup>2</sup> Данте Алигьери. Илоҳий комедия, Дўзах / Русчадан Абдулла Орипов таржимаси. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 78-б.

Ўрта аср эстетикаси санъатнинг илоҳий табиатига таянишни талаб этган. Данте янги эстетика шакли-шамойилларини яратишга киришар экан, санъат ва табиат ўртасидаги узвийликка эътиборини қаратган. Бу «Дўзах»нинг ўттиз иккинчи қўшиғида баралла жаранглаган:

**Оламнинг тубини – ботиниятни,  
Ҳазилмас тасвиру тасаввур этмак,  
Талаб этар бул иш олий санъатни.**

**Илҳом ўзи менга кўрсатсин кўмак,  
Кўллагандек Фивнинг бунёдкорини, –  
Насиб этсин аслини сўз билан битмак<sup>1</sup>.**

Демак, Дантенинг фикрича, санъатнинг вазифаси – шундай тасвирлай олиш керакки, китобхон бу тасвирни ҳақиқий манзарадек қабул қилсин. Данте дўзахни тасвирлар экан, табиат ва инсонлар тўғрисида сўзлайди. Бир қарашда ҳақиқатан ҳам шундай бўлиши керак: шоир табиатни, инсонларни тасвирлаши керак, аммо шуни ёддан чиқармаслик керакки, **Дантега қадар Европа адабиётида на шеърий манзарани тасвирлаш санъати, на шеърий сиймони тасвирлаш санъати мавжуд бўлмаган. Данте ўз асарига бу ҳар икки тасвирлаш санъатини олиб кирган.**

Шоир табиатга ўзи ҳар кун атрофида кўриб турган манзаралар сифатида қараган. «Дўзах» моҳият жиҳатидан мистик тусунча бўлса ҳам, Данте тасвирида бу қизил ва қора ранглар, олов ва зулмат манзараларидек намоён бўлган. «Жаннат»даги нурга чўмган борлиқ эса, шоир орзусидаги уйғун табиат кўринишларидир.

Данте инсон сиймосини яратишда янада қудратлироқ санъатини намоён қила олган. Эҳтирос у тасвирлаётган сиймоларга ўзгача жозоба ва ўзгача чирой бахш этган. Энг асосийси эса, асардаги қаҳрамонлар реал ҳаётдаги одамлар каби бутун фазилатлари ва қусурлари билан гавдаланган. Айни пайтда уларнинг

---

<sup>1</sup> Данте Алигьери. *Илоҳий комедия, Дўзах* / Русчадан Абдулла Орипов таржимаси. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 215-б.



қисмати ҳам фожиавийлиги ва бетакрорлиги билан ўқувчи қалбини ларзага солади.

Дантенинг шоирлик санъати мукамаллиги билан бугунги китобхонни ҳам ҳайратга солади. Шунинг учун замонамиз шоирлари ҳозир ҳам ўз қаламларини унинг асарларини мутолаа қилган ҳолда чархлайдилар. Данте ҳам ўтмишдош ижодкорларнинг ўзига сингдирган, лекин унинг асарлари, ижодий санъати ўша даврлардаги классикларникидан тубдан фарқ қилган. У инсоннинг илонга айланиши ҳамда илон ва инсон табиийлигини тасвирлар экан, устозларига қуйидагича мурожаат қилган:

**Сабелл, Насидийни ёзган серғурур  
Лукан ҳам жим қолсин, майли шу дафъа,  
Менинг битигимни тингласин бир қур.**

**Овидий куйлаган Аретуза, Кадма,  
Бири жилға бўлган, бириси — илон,  
Бўлса бўлаверсин, эмасман хафа:**

**Юзма-юз туришган гарчан икковлон,  
Чеврилтирмақ учун сийратин ва лек,  
Мажбур этолмаган мановларсимон<sup>1</sup>.**

Инсоният «Илоҳий комедия»нинг буюклиги олдида бош эгиб, бу даҳо ижодкор асари эканлигини тан олган. Данте ижодиёти тадқиқотчилардан бири «Илоҳий комедия»ни готик усулида барпо этилган улуғвор черков билан қиёслаган<sup>2</sup>. Бу бинода ҳамма нарса гўзал, юксак ва мукамал. Лекин, фикримизча, мазкур таърифга муайян изоҳ талаб этилади. Агар ушбу улуғвор бино лойиҳасини яратган меъмор, унинг деворларини тиклаган қўли гул уста, бу ерда сеҳрли оҳангларни янгратадиган мусиқачи, инсонларни эзгуликка руҳлантирувчи руҳоний ва Тангрига эътиқод қўйган одамлар бир шахс тимсолида мужассамланганда ана

---

<sup>1</sup> Данте Алигьери. *Илоҳий комедия, Дўзах / Русчадан Абдулла Орипов таржимаси.* — Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 170-171-б.

<sup>2</sup> Голенишев — Кутузов И.Н. *Данте и предвозрождение. Литература эпохи Возрождения.* — М., 1967.

шундай черковни, эхтимол, Дантенинг «Илохий комедияси» билан қиёслаш мумкин бўларди.

**Дантенинг «Илохий комедия» сани ҳеч муболағасиз Ўрта асрлар ва илк Уйғониш даврининг шеърий қомуси деб аташ мумкин.** У ҳақли равишда жаҳон адабиётининг энг буюк асарлари – Гомернинг поэмалари, Эсхилнинг трагедиялари, Шекспирнинг шоҳ пьесалари, Гётенинг «Фауст»и, Шарқдаги нодир асарлар – «Рамайна» ва «Шоҳнома», «Гўрўғли» ва «Ҳамса» қаторидан ўрин олган.

«Илохий комедия» бутун бир дунё ва бу дунё асл воқеликдир. Унда илк бор реалистик санъат ўзининг тўлақонли ифодасини топган.

«Илохий комедия»ни мутолаа қилиш ва мағзини чақиш ҳордиқ чиқариш, зерикиш чигалини ёзиш эмас, балки жуда оғир интеллектуал меҳнатдир. Тўғриси айтиладиган бўлсак, ҳозирги кунда ҳамма ҳам бадий асарни ўқишда бундай захматни зиммасига олишга тайёр эмас. Аммо меҳнат қанча оғир бўлса, унинг роҳати ҳам шунчалик тотли бўлади. **Дантенинг шоҳ асарини бир бор синчиклаб мутолаа қилган одам уни бутун умри давомида қайта-қайта ўқийверади ва ҳар гал унинг учун бу шоҳ асар уфқлари кўз ўнгида кенгайиб бораверади.**

Китобхон эса, ҳар сафар буюк ижодкорнинг улуғ кашфиётларини: инсонларни очкўзлик, ишратпарастлик, ўта мағрурлик фожиага етаклаши, ишонч, умид ва муҳаббат эса, бу қусурлардан халос қилиши мумкинлигини ўз қалбидан ўтказди.

## ТЎРТИНЧИ БОБ

### ДАНТЕНИНГ ФАЛСАФИЙ ВА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

- Ўрта асрларда Флоренциядаги сиёсий-ҳуқуқий вазият
- Дантенинг фалсафий қарашлари
- Дантенинг эркинлик, адолат ва қонун ҳақидаги қарашлари
- Данте давлатнинг пайдо бўлиши ва давлат бошқарув шакли тўғрисида
- Дантенинг умумжаҳон дунёвий монархия тўғрисидаги таълимоти
- Дантенинг ҳуқуқий қарашлари
- Данте ялпи тинчлик тўғрисида

## ЎРТА АСРЛАРДА ФЛОРЕНЦИЯДАГИ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВАЗИЯТ

Тарих манбаларида Ўрта асрда икки ҳукмрон куч – империя, яъни Қироллик ҳокимияти ва Папа ўртасидаги кураш тўғрисида ҳикоя қилувчи кўпгина воқеалар келтирилган. Бу муросасиз кураш моҳияти жўнгина изоҳланган: Папа ва империя бирор сиёсий чегарани тан олмайдиган, ўз таъсири домига кўпгина давлатларни камраб олган беқиёс куч ҳисобланган. Бунда сиёсий мақсад ким кимга бўйсунуши – дунёвий ҳокимият диний ҳокимиятгами ёки аксинча эканлигига қаратилган. Мазкур курашнинг энг кескин палласи XIII асрга тўғри келган<sup>1</sup>. Бу даврда ҳақиқий ҳукмрон ким эканлиги Император Генрих IV нинг Тосканодаги саройда Папа Григорий VII олдида ялангоёқ ҳолда кечирим сўраётган лавҳасидан англашинилиши ҳам мумкин.

Бироқ ижтимоий фанларда бундай тасаввур узоқ вақт мутлақ ҳақиқат сифатида талқин этилиши мумкин бўлмаган. Чунки тарихий ҳодисаларга бундай юзаки ёндашув ҳатто XIII аср доирасида ҳам асл воқеликни акс эттирмаган. Император Генрих IV билан Папа Григорий VII ўртасидаги қарама-қаршилик сиёсий саҳнага шаҳарлар – Италия коммуналарини ҳам олиб чиққан. Император бу пайтда уларга черковга қарамликдан халос этувчи эркин тухфа қила бошлаган. Бу билан ҳукмдор шаҳарликларни ўз томонига оғдириш, айна пайтда черковга қарши бўлган кучларни бирлаштириш каби сиёсий мақсадни кўзлаган. Синчков кузатувчилар бу воқеаларни таҳлил этар эканлар, **Ўрта аср сиёсий саҳнасида иккита эмас, учта – империя, Папа ва шаҳарлар тўқнаш келганликларига эътиборни қаратганлар.**

Аста-секин муҳолифат моҳияти сиёсат эмас, иқтисодиёт эканлиги ойдинлашган. Бу курашда устуворлик шаҳарлар кўлига ўта бошлаган, чунки улар, биринчи навбатда, Италияда халқаро савдо асосчиларига айлана бошлаган.

Шаҳарларда катта бойлик – капитал жамғарила бошланган. Италия савдогарларининг сармоялари муттасил ортиб борган ва улар нуфузли сиёсий кучга айланган. Империя ҳам, Папа ҳам ўз томонларига Италия коммуналарининг иқтисодий ва сиёсий ре-

---

<sup>1</sup> Антонети П. Повседневная жизнь Флоренции во времена Данте / Пер. с франц. и предисловие В.Д. Балакина. – М., 2004. С.108.

сурсларини жалб этмасдан кураш олиб боришга кодир бўлмаганлар.

Айни пайтда коммуналар ўртасида ҳам ички ижтимоий-сиёсий кураш кучайиб борган. Гвельфлар ва гибеллинлар каби сиёсий оқимлар ўртасидаги кураш бунинг ёрқин ифодаси бўлган.

Солномачи Дино Компаньининг қисқагина битигида 1215 йилда Буондельмонти ва Уберти оилалари ўртасида бошланган ўзаро қасос олиш кураши оқибатида Флоренция аҳли гвельфлар ва гибеллинларга бўлинганлиги қайд этилган<sup>1</sup>. Бу ҳам ҳақиқатдан йироқдир. Чунки, дворянлар оилалари доирасидаги бу ўзаро кураш сиёсий моҳиятга эга бўлмаган. Шаҳарликларнинг тарафматараф бўлиб, сиёсий курашга киришганлари бошқа муҳим жиддий сабаблар билан изоҳланган.

Флоренциядаги дворянларнинг кўпчилиги Императорнинг эски тарафдорлари бўлган, шунинг учун улар гибеллинлар тарафини олганлар. Дворянларнинг сиқувида қолган **пополанлар (popolo)**<sup>2</sup> эса, гвельфлар партияси тарафдорларига айланганлар.

Аммо бу қарама-қаршиликнинг илдизлари янада чуқурроқдир. Жумладан, кўпгина дворянлар ҳам гвельфлар бўлган. Бундан ташқари, оддий фуқароларнинг гвельфлар томонидан гибеллинлар сафига ўтишлари ҳам одатий ҳол бўлган. Сиёсий қарама-қаршиликда асосий ролни капитал ўйнаган. Сармоядорлар фойда олиш мақсадида Император Фридрих Гоэнштауфен билан шерикчилик қилиш ҳаракатида бўлганлар. Императорга ҳам Папа билан кураш олиб бориш учун маблағ зарур бўлган. Бу маблағни у бой гибеллин оилаларидан олган.

Лекин эҳтиёткор оилалар Императорнинг олган қарзини фойда билан қайтаришига ишонқирашмаган. Шунинг учун уларнинг айримлари бутун Европадан черков фойдасига пул ундирадиган Папа билан иш кўришни ишончлироқ ҳисоблашган. Фридрих тахт тепасида бўлган пайтда Флоренция дворянлари иккиланиб турган: бу вақтда баъзан гибеллинларнинг, айрим вақтда гвельфларнинг қўли баланд келган. 1250 йилда Император Фридрих вафот этганидан сўнг унинг тахти ворисларнинг мавқеи жуда бўшашиб кетган. Натижада тарози палласи гвельфлар томон оққан.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Дживелегов А.К. Данте Алигьери. Жизнь и творчество* // [http:// az. lib. ru](http://az.lib.ru).

<sup>2</sup> **Пополанлар** – шаҳарликлар, ҳунармандлар, савдогарлар. Қаранг: *Вейфер Р. Данте. Роман.* – М.: Армада, 1998. 369-б.

Бу сиёсий оқим шаҳарликлар кенг оммасига таянган ҳолда биринчи жиддий конституциявий ислохотни амалга оширган. У асл моҳияти билан дворянларга қарши қаратилган эди. Уларга ўз кўрғонларида баландлиги 50 тирсакдан юқори бўлган минораларга эга бўлиш ман этилган. «Холбуки, 120 тирсакликлари ҳам бўлган», – деб қайд қилади солномачи **Жованни Виллани**.

Шаҳарда асосий роль ўйнаган ҳунармандлар цехлари катта ҳуқуққа эга бўлган. Бироқ давлат тузуми цехлардан мустақил бўлган (гибеллинларга ён босиш). Шаҳар аҳолиси «**Халқ капитани**» – «**Халқ доҳийси**» бошчилигида мавзеларга бўлинган (олти мавзе, ҳарбий тузилмага эга бўлган 12 цех – бу гибеллинлар исёнига қарши эҳтиёткорлик чораси). 12 оқсоқолдан иборат **Кенгаш** ҳам тузилган. Натижада шаҳардаги савдогарлар ва ҳунармандлар ўртасида тенг ҳуқуқлилик ўрнатиш сари биринчи қадам қўйилган.

Лекин янги тузум томонидан сиқувга олинган гибеллинлар ҳам бу ўзгаришларга тоқат қилиб туравермаган.

Флоренция савдогарлари ҳам Император ва Папага сармоя жамғариш учун қарз керак бўлиб қолганда гвельфлар ва гибеллинлар ўртасидаги низога жалб этилганлар. Қарз олиш учун облигациялар чиқарилган. Бу иш билан Флоренцияда кўп сонли йирик банклар машғул бўлганлар. Облигацияларни харид қилишга савдогарларнинг капиталларини жалб қилганлар. Сиёсий беқарорлик сармоялар кафолатланишига хизмат қилмаган, албатта. Табиийки, Император Фридрих ёки Манфреднинг Папа билан курашида қайси томоннинг қўли юқори келиши шаҳарни ларзага солиб турган.

Шунинг учун ҳам Данте «**Илоҳия комедия**»нинг «**Аъроф**» қисмида флоренцияликларга қарата шундай хитоб қилган:

**Гўзал қоидалар тузарсан бешак**  
**Октябрда олсанг режасин гар,**  
**Ноябрда бари унутилажак.**

**Қонуну тартибот, ақча, рутбалар**  
**Сал фурсат ўтмаёқ бўлғувси абас.**  
**Аъзои баданинг ҳатто ўзгарар<sup>1</sup>.**

---

<sup>1</sup> Данте Алигьери. *Илоҳий комедия. Аъроф* / Абдулла Орипов таржима-си. – Т., 2007. 41-б.

Илк бор «гвельфлар» ва «гибеллинлар» шиорлари Флоренцияда 1240 йилда жиддий акс-садо берган. Уберти оиласи бу пайтда ҳам гибеллинлар етакчиси бўлиб, флоренцияликларнинг мойиллиги ва сармоясини Император томонига оғдиришга ҳаракат қилган. Фридрих гибеллинларга катта ёрдам берган ҳолда давом этган кураш 8 йил давом этган. 1248 йилда гвельфлар ўзларини енгилган деб тан олишга мажбур бўлганлар ва қувғин қилинганлар. Шаҳардаги ҳокимият гибеллинлар қўлига ўтган.

Кувғинлик узоқ давом этмаган. Император Фридрих 1250 йилнинг декабрида вафот этган ва гвельфлар кучларини тўплаб, дарҳол Флоренцияга бостириб кирганлар. Улар кенг халқ оммасига таяниб, биринчи жиддий конституциявий ислохотни амалга оширганлар. Бу ислохот хўжалик уюшмаларини мустақамлаш зарурати билан қилинган. Аммо у дворянларга қарши қаратилган.

Бироқ янги сиёсий тузум томонидан сиқувга олинган гибеллинлар тақдирга тан бериб, қўл қовуштириб ўтирмаганлар. Фридрихнинг ўғли Манфред Флоренциянинг унинг учун ниҳоятда зарур бўлган беҳисоб молиявий маблағларини қўлга киритиш мақсадида гибеллинларни дастаклаб турган. 1260 йилда Манфред гибеллинларга ёрдам кўрсатиш учун 800 немис отлик аскарларидан иборат ҳарбий отрядни юборган. Гибеллинлар билан гвельфлар ўртасида шундай қонли жанг бўлганки, бу ердаги кичик дарё суви Дантенинг «Илохий комедия»сида тасвирланганидек, қизил рангга бўялган. Гвельфлар тор-мор қилинган ва Эмпонида Граф Жордано Флоренцияни таг-туби билан вайрон қилиш керакми, деган масалани ҳал қилиш учун Кенгаш чақирган. Ҳамма гвельфлар «уя»сини таг-туби билан қўприб ташлашни талаб қилган, фақат **Фарината**<sup>1</sup> бунга йўл қўймаган.

---

<sup>1</sup> **Фарината** – Италиянинг йирик сиёсий ва ҳарбий арбоби, сиёсий партиялар ўртасидаги курашларда фаол иштирок этган. 1264 йилда вафот этган. Қаранг: Данте Алигьери. *Илохий комедия*. Дўзах / русчадан Абдулла Орипов таржимаси. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 238-б.

**Флоренциянинг аммо кулини кўкка  
Совурмоқчи бўлган чоғида ганим  
Бир ўзим чиққанман майдонга тикка<sup>1</sup>,**

дейилади «Дўзах»нинг ўнинчи кўшиғида.

Гвельфлар яна қувғин бўлиб, ўзлари билан сармояларни ҳам олиб кетганлар. Ўзга юртларда улар черков билан биргаликда ҳамкорликда бойликларини кўпайтирганлар. Гвельфлар топган фойдаларининг бир қисмини Папа кафолати остида **Карл Анжуйский<sup>2</sup>** ҳарбий экспедициясини молиялаштириш учун сарфлаганлар. Бу экспедиция Беневент яқинида Император Манфред кўшинларини тор-мор қилган, хукмдор ҳам ҳалок бўлган. Шундан сўнг гибеллинлар Флоренцияни қўлда ушлаб тура олмаганлар. Улар шаҳардан узил-кесил қувилганлар. Гвельф Данте тантанали тарзда Фаринатага:

**Дарҳол дедим: «Гарчи бўлса-да таъқиб,  
Улар қайтиб келди ортига тағин, —  
Қавминг бу борада беиқбол ғариб»<sup>3</sup>,**

деб хитоб қилган.

Флоренция гибеллинизми сиёсий куч сифатида майдонни тарк этишга мажбур бўлган. Гибеллинлар кудратининг таянчи — бор мол-мулклари давлат фойдасига мусодара қилиниб, ким ошди савдосида сотиб юборилган. Уларнинг шаҳардаги қалъалари тағтуби билан бузиб ташланган.

Галабани қонунда мустаҳкамлаб қўйиш керак бўлган. Аввалги **Конституция (Primo popolo)** гибеллинлар томонидан бе-

---

<sup>1</sup> Данте Алигьери. Илоҳий комедия. Дўзах / Русчадан Абдулла Орипов таржимаси. — Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 72-б.

<sup>2</sup> **Карл Анжуйский** (1226 йил атрофида — 1285) — граф, Франция Қироли Людовик X нинг акаси. 1268 йилда Неаполь ва Сицилияни қўлга киритган. 1282 йилда Палермода французларга қарши исён кўтарилган, бунинг оқибатида Сицилия Қироли этиб Педро I Арагонский (1285 йилда вафот этган) сайланган. Карл Неаполь Қироли сифатида тахтда қолган. Қаранг: Вейфер Р. Данте. Роман. — М.: Армада, 1998. 369-б.

<sup>3</sup> Данте Алигьери. Илоҳий комедия. Дўзах / Русчадан Абдулла Орипов таржимаси. — Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 70-б.



кор қилинганлиги учун 1267 йилда **янги Конституция (Seconde popolo)** қабул қилинган. Унда аввалги Конституцияда бўлганидек, аҳоли қўйи қатламларининг роли яққол кўзга ташланмас эди. Гибеллинлар энди хавф солмас эди, амалда Флоренция тақдирини ҳал қиладиган Папа ҳам, Император Карл Анжуйский ҳам халқ мавқеи кучайишини хоҳламаганлар. Айни пайтда савдогарлар ва банк корчалонларининг сиёсий иттифоқи сифатида гвельф партияси биринчи марта ташкил этилган.

Лекин хунармандлар 1250 йилда қонун бўйича қўлга киритилган ҳуқуқларидан осонликча воз кечишни истамаганлар. Улар йирик буржуазияга қарши кураш бошлаганлар ва аста-секин мақсадларига эришганлар. 1279 йил Папа Николай III нинг жиёни кардинал Латино Манабланка Флоренцияга бир-бирига қарши бўлган томонларни яраштириш учун келган ва шаҳар маъмурларидан кенг ваколатлар олиб, коалициявий ҳукуматини тузган. Бу коалицияга 14 вакил – 8 нафар гвельф ва 6 нафар сулҳ тузган гибеллин кирган. Шу билан бирга, шаҳарда сайланадиган **Подеста<sup>1</sup>**, **«Халқ капитани»**, **Кенгаш** ҳамда 1000 нафар милиция бўлган. 1280 йилда дастлабки учта – темирчи, қассоб, косибларнинг цехлари мавжуд эди.

1282 йилда, Карл Анжуйский Сицилияни қўлдан бой бериш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш билан ўралашиб қолиб, Флоренцияни диққат-эътиборидан қочирган вақтда янги Конституция қабул қилинган. Бўлажак Синьория – ҳукмрон Приорларнинг цехлар барча аъзолари томонидан сайланадиган катта цехлар аъзоларидан иборат Ҳайъати ташкил этилган. **Янги Конституция Флоренция аҳолиси орзу қилган мақсадни – шаҳарнинг Қирол ва Пападан расман мустақиллигини ҳамда Флоренция давлат тузумининг цех ташкилоти билан боғлиқлигини эълон қилган.**

Шу муносабат билан яна иккита – дурадгорлар ва эски моллар билан савдо қилувчилар цехлари қонунлаштирилган. Яна 9 цех 1288-1289 йилларда ўз ташкилотларига ва ўз байроқларига эга бўлганлар. Шу тариха шаҳар корпорацияси таркиби: 7 та катта цех ва 14 та кичик цех ёки 7 та катта, 5 та ўрта ва 9 та

---

<sup>1</sup> *Подеста* – Флоренциянинг ижроия ҳокимияти бошлиғи, шаҳар маъмури. Подестага бутун шаҳар бўйсунган. Холисликни ва қонунийликни таъминлаш мақсадида бу лавозимга бошқа шаҳарлик таклиф қилинган. Қаранг: Вейфер Р. Данте. Роман. – М.: Армада, 1998. 369-б.

кичик цех қарор топган. Катта цехлар аъзолари «**семиз халқ**» («**popolo grasso**») – йирик савдогарлар, ўрта цех аъзолари – майда буржуазиянинг бадавлат фуқаролари, кичик цех аъзолари – кичик савдогарлар ва камбағалроқ хунармандлар бўлган.

Цехлар ташқарисида «**озғин халқ**» («**popolo minuto**») – инг камбағал хунармандлар, малакали ва малакасиз ишчилар, яъни иқтисодий мустақилликка эга бўлмаган кимсалар бўлган. Цех ташқарисидагилар сиёсий ҳуқуқларга эга бўлмаганлар. Бу тоифага «озғин халқ»дан ташқари дворянлар ҳам кирган.

Флоренцияда «**Primo popolo**»дан бошлаб қабул қилинган барча конституциялар дворянлар билан кураш мақсадини кўзлаган. Бу курашнинг узок давом этиши ва бунда кўрсатилган қатъият фақат сиёсий сабаблар билангина изоҳланмаган, албатта. Дворянлар мол-мулкининг негизи қишлоқда, улар қарамоғидаги ерларда ва деҳқонларда бўлган. Аммо гибеллинлар мол-мулки мусодара қилингандан сўнг уларнинг ерлари пополанлар қўлига ўта бошлаган.

Дворянларнинг қишлоқларда жуда кўп деҳқонларга ҳукмронлик қилишлари пополанларнинг ғазабини уйғотган. XIII асрда саноат жадал ривожлана бошлаган, корхоналарда ишчиларга талаб ниҳоятда юқори бўлган. Бу ишчи кучини фақат қишлоқдан олиш мумкин бўлган, дворянлар эса деҳқонларни шаҳарга юбормаган. Шу сабабли, қонун дворянларнинг шаҳар ҳудудидаги ерга эгалик қилиш ҳукмронлигини қўпоришга йўналтирилган. Бундан дворянлар деҳқонларга бошқа жойга бориб, меҳнат қилишлари учун эркинлик бериш мақсади кўзланган.

«**Primo popolo**» Конституциясида дворянлар халқ ҳуқуқига тажовуз қиладиган бўлсалар, уларга қарам бўлган барча деҳқонлар ҳур (эркин) фуқаролар деб эълон қилиниши хусусида махсус модда бўлган. «**Seconde popolo**» Конституцияси бу ҳуқуқни тасдиқлаган. 1280 йилларда Синьория дворянлар ерларига пополанлар ерларига нисбатан анча катта солиқ солган. 1289 йилнинг августида қабул қилинган қонунга мувофиқ Убальдини дворянлар сулоласига деҳқонларни сотиб олишни тақиқлаб қўйган. Қонундаги бу махсус норма кейин ҳаммага нисбатан қўлланила бошланган. Мазкур масалага тааллуқли қонунга мувофиқ дворянларга шаҳар ҳудудидан ерни деҳқонлар билан бирга сотиб олиш ман қилиниши билан бир қаторда шаҳар маъмуриятига деҳқонларга озодлик бериш мақсадида уларни сотиб олиш,

шунингдек дехқонларга ўзлари товон тўлаб, ўзларини озод қилиш ҳуқуқи берилган.

Аммо, дворянларга қақшатқич зарбани Флоренция Республикасининг Буюк хурлик хартияси деб ҳисобланган 1293 йил 18 январда қабул қилинган «Адолатни ўрнатиш» ёки «Эркинликнинг буюк хартияси» – «*Ordinamenti di giustizia*» Конституцияси берган<sup>1</sup>. «Адолатни ўрнатиш» ўша даврдаги Европанинг энг демократик Конституцияси ҳисобланган<sup>2</sup>.

Мазкур Конституциянинг ижодкори Флоренция Приори – ҳукумат аъзоси **Жано делла Белла** ҳисобланган. У қонун орқали зодагонлар ҳуқуқларини чеклаш, амалда уларни шаҳар коммунасини бошқаришдан четлаштиришга ҳаракат қилган. Айни пайтда Конституция хунармандларга жуда катта ҳуқуқлар берган.

«Адолатни ўрнатиш»да, энг аввало, тенг ҳуқуқли фуқаролик таркиби белгилаб қўйилган. Бу барча – сони 21 та бўлган цехлар аъзоларидир. Приорлар ҳайъатига савдо, саноат, хунармандчилик билан амалда доимий шуғулланиб келган, ҳамда дворянлик унвонига эга бўлмаган цех аъзоларинигина сайлаш мумкин бўлган. Яъни, дворянлар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларидан маҳрум этилган. Қонун бу билан чекланиб қолмасдан, дворянларни умуман барча ҳуқуқлардан маҳрум этган. Уларни арзимас жиноятлар учун ҳам оғир жазолар кутган. Дворян оилаларнинг барча аъзоларига жамоавий масъулият юкланган: улар бирининг айби учун барча оила аъзолари жавобгар бўлган. Кейинроқ эса, бундан ҳам қатъийроқ чоралар белгиланган.

«Адолатни ўрнатиш»даги нормаларни мустаҳкамлаш мақсадида Приорлар ҳайъатига янги аъзо – «**байроқдор**» ёки «**Адолат гонфалонъери**» («*Il Gonfaloniere di giustizia*») <sup>3</sup> кири-

---

<sup>1</sup> Қаранг. *Salvemini. Magnati e popolani in Firenze. Firenze, 1899, Appendice XII. P. 384-432, Установления гравнудия, 18 января 1293 г. Пер. Л.М. Баткина // Христоматия памятников феодального государства и права стран Европы. – М., 1961.*

<sup>2</sup> Вейфер Р. Данте. Роман. – М.: Армада, 1998. 374-б.

<sup>3</sup> «Адолат гонфалонъери» – 1293 йилда киритилган лавозим. У Флоренция Республикаси Ҳукуматида бошчилик қилган, қуроли отрядлар ҳам унга бўйсунган. Қаранг: Вейфер Р. Данте. Роман. – М.: Армада, 1998. 368-б.

тилган. У Приорлар хайъати мажлисларида раислик қилган. «Байроқдор»га шаҳар фуқаролари манфаатларини муҳофаза қилиш учун ташкил этилган шаҳар милицияси бўйсунган. Хайъат аъзолари ҳар икки ойда алмаштирилган.

Айни пайтда шаҳар Кенгашларининг таркиби ҳам белгилаб қўйилган. Улар бешта бўлган. «**Халқ кенгаши**» ёки «**Капитан кенгаши**», унинг хузурида «**Кичик кенгаш**» ёки «**Кредец**» бўлган. «Катта кенгаш» аъзолари 150 киши, «Кичик кенгаш»ники эса — 36 кишидан иборат бўлган. Бу Кенгашларда дворянлар иштирок этмаганлар. Мазкур Кенгашларнинг асосий вазифаси мансабдор шахсларни сайлашдан иборат бўлган.

Бундан ташқари, дворянлар ҳам иштирок этадиган «**Коммуна кенгаши**» (300 аъзо) ва унинг хузурида «**Кичик кенгаш**» (90 аъзо) бўлган. Бу Кенгашлар мажлисларида Коммуна даромадларини бошқариш, қуйи лавозимларга тайинлаш, шунингдек дипломатия масалаларини ҳал этиш кўриб чиқилган. Ва ниҳоят, «**Юзлар кенгаши**» авф этиш бўйича барча ишларни кўриб чиқиш билан бир қаторда, энг мураккаб масалалар, асосан, уруш ва тинчлик масалалари билан шуғулланган.

«Адолатни ўрнатиш» қабул қилингандан кейинги икки йил давомида кичик цехлар шу қадар катта ҳуқуққа эга бўлганларки, «семиз халқ» ташвишга тушиб қолган. Дворянлар томонидан қилинган жиноятлар учун таъқиб террорга айланиб кетган. Одатдаги энг оғир ҳисобланмаган жазолардан бири дворянлар уйлари билан йўқ қилишдан иборат бўлган. Кўпгина дворянлар савдогарлар корхоналарида пайчилар бўлганликлари ва савдогарлардан қарздорлиги сабабли, улар мол-мулкларини шафқатсиз йўқ қилиш савдогарлар манфаатларига ҳам таъсир этмай қолмаган. Натижада савдогарлар 1295 йилда дворянлар билан тил бириктиришиб, «**Адолатни ўрнатиш**» **Конституциясига** ўзгартиришлар киритишга муваффақ бўлганлар. Бу қўшимчалар амалда дворянларнинг аввалги ҳуқуқларини тиклаган<sup>1</sup>.

Фарб Уйғониш заминидан ҳам ислом Шарқидаги каби турли қарашлар ўртасидаги қурашларда кашф этилган ғоялар инсон кадр-қиммати шарафи бўлди.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Баткин Л.М. *Флорентийские гранды и поправки 6 июля 1295 г. К «Установлением правосудия».*

Фарб уйғонишини бошида турган Дантенинг фалсафий ва сиёсий-ҳуқуқий дунёқараши у яшаган давр XIII асрнинг маънавий-маданий ва диний ҳуқуқий муҳитини белгилаб берган уч мафкуравий оқим ўртасидаги кураш шароитида шаклланган Дантенинг фалсафий ва сиёсий-ҳуқуқий қарашлари насроний дини заминида шаклланган бўлиб, **Аврений Августин** (354-430 йиллар), **Абу Вали ибн Рушд** (вафоти 1198 йил), **Акбиналик Томас** (1228-1274 йиллар) номлари билан бевосита боғлиқ. Бу унинг диний фалсафий оқим вакиллари, авваламбор, ишқий муаммоси, унинг иродаси, ақлий ва руҳий имкониятлари масалалари атрафида кескин, баъзан омонсиз баҳс юритганлар<sup>1</sup>.

Томизм, аввертизм ва августинизм тарафдорлари ўртасидаги ғоявий кураш Уйғониш даври мутафаккирлари маънавий ижоди хусусиятларини белгилаб берган буткул янги гуманизмнинг дунёга келишига катта таъсир кўрсатган<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Саидов У. *Шарқ ва Фарб: маданиятлар туташган манзиллар.* – Т., 2009. 34-б.

<sup>2</sup> *Уша жойда*, 35-б.

## ДАНТЕНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

«Бунинг учун мен қанча имкониятим бўлса, шунча ўқимокдаман...»

Бу сўзлар «**Янги ҳаёт**»нинг ниҳоясида келтирилган. Яъни, Данте Беатриче вафотидан бир йил ўтгандан сўнг яна билимини бойитишга киришган. Унинг ўқиши қандай бошланганлиги ва қандай давом этганлиги ҳақида шоир «**Базм**»да ҳикоя қилади: «**Қалбимнинг илк қувончи йўқотилгач, шу қадар қайғуда эдимки, менга ҳеч қандай таскинлар кор этмасди. Шундай бўлса ҳам бироз вақт ўтгач, тиниқлаша бошлаган ақлим бир сафар гамгин кимса ўзини юпатган нарсага (зеро, унга ўзини-ўзи ҳам, бошқаларнинг ҳам юпатишлари таъсир қилмаётганди) интила бошлади. Мен кўпларга ҳам маълум бўлмаган Боэций<sup>1</sup>нинг китобини мутоалаа қилишга киришдим. Бу китобда у (муаллиф) ўз қайғусига таскин қидирган. Туллий<sup>2</sup> томонидан дўстлик ҳақида яна бир китоб ёзилганлигини эшитиб, уни ҳам ўқишга киришдим. Мен ўзимга юпанч излар эканман, фақат кўз ёшларимга малҳамгина эмас, ёзув-**

---

<sup>1</sup> *Боэций Анаций Мавелий Торкват Северин (Boethius, 475-526) – Рим ёзувчиси, файласуфи, олими. Ўрта асрларда беш китобдан иборат бўлган, назм ва насрдаги «Фалсафадан таскин топиш» асари Фарбий Европанинг деярли барча тилларига таржима қилинганда Европада жуда машҳур бўлган ва Европа адабиётига кучли таъсир кўрсатган. Боэцийнинг 39 та шеърий парчалар киритилган насрдаги бу асари маҳбуснинг унга таскин бераётган Фалсафа хоним билан мулоқоти тарзида битилган. Боэций Ўрта асрлар фани ва схоластика фалсафасининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Уни сўнгги римлик ва шу билан бир қаторда биринчи схоластик деб аташган. Қаранг: Боэций. «Утешение философией» и другие трактаты / Сост. и отв. ред. Г.Г. Майоров. 2-е изд. – М.: Наука, 1996 С.355.*

<sup>2</sup> *Цицерон Марк Туллий (Marcus Tullius Cicero – милоддан аввалги 106-143) – Рим давлат арбоби, Республика идеали тарафдори, буюк нотик ва ёзувчи, юнон фалсафасини оммалаштирувчи. Цицероннинг адабий мероси унинг омма олдидagi нутқлари, нотиклик санъати бўйича асарлари, фалсафий трактатлар, шеърий асарлар ва мактубларидан иборат. У донолик ва маънавий камолотга интилиш сифатидаги ҳақиқий фалсафа кундалик ҳаёт негизи – дўстликни бойитади, ҳар фандай ҳаётнинг муқаррар уқубатлари: қарилик, азоб, яқинларнинг ўлими, ўз вафотини кутишни юмшатади ва маъно билан тўлдиради деб ҳисобларди («Қарилик ҳақида», «Дўстлик ҳақида»). Қаранг: Цицерон. О старости, О дружбе, Об обязанностях. – М., 1993; Грималь П. Цицерон. – М., 1996.*

чиларнинг сўзларини, илм ва китобларни топдим. Уларни ўрганар эканман, бу ёзувчилар, бу илмлар ва бу китобларнинг асоси бўлган фалсафа энг юксак фан эканлиги тўғрисидаги хулосага келдим. Ҳис-туйғуларим фалсафадан ҳайратга тушар ва мени ўзи томон талпинтирар эди. Буни тўлиқ англаб етгач, фалсафа тўғри талқин этиладиган жойларга, яъни монахлар мактаблари ва файласуфлар мунозараларига қатнай бошладим. Шу тариқа қисқа вақт ичида, эҳтимол ўттиз ойда, мен фалсафанинг шу қадар жозибадорлигини ҳис эта бошладимки, унга бўлган муҳаббат бошқа ҳар қандай фикрни қувар ва барбод этарди»<sup>1</sup>.

Ўттиз ой – машғулотларга киришилгандан кейин ўтган вақт, Беатриче вафот этган вақтдан ҳисобланса – 38 ой. Бу Данте томонидан ҳисоб-китоб қилинган Венера сайёрасининг айланиши билан боғлиқ. У бу вақтини нимага сарфлади? Шоир авваллари ҳам ўзи мойиллик сезган тасаввурлар дунёсига фарқ бўлган, лекин энди у тизимли билим олишни истаган. Устозлари билан суҳбатлар бу билимни бермаган. Данте ўз таълимидаги кемтикларни ҳис этган ва бунга ҳар сафар бир ишни бошлаётганида бўлганидек, жуда эҳтирос билан киришган.

Флоренцияда қўним топган **эркин фалсафа мактаблари** орасида энг нуфузлиси доминиканликлар томонидан Санта Мариа Новелла черковида очилгани ҳисобланган. Бу машҳур мактаб раҳбари **Ремижо де Жиролами** номи билан боғлиқ бўлган. Келиб чиқиши флоренциялик бўлган бу монах олим Ўрта аср фалсафасининг ёрқин намояндаси **Фома Аквинский**нинг севимли шогирди ҳисобланган. Фома Аквинскийнинг Карл Анжуйский буйруғи билан заҳарланган деган миш-мишлар юрган. Бу унинг таълимотига қизиқишни кучайтирган.

Ремижо Жиролами битган бир қатор фалсафий асарларида ўз устози ғояларини тарғиб этган. У бетакрор нотик ҳисобланган, тингловчилари орасида қироллар ва аслзодалар бўлган, соатлаб юзлаб кишилар диққат-эътиборини ўзига тортиб турган.

**Данте Санта Мариа Новелладаги мактабда Ўрта аср мутафаккирлари Августин, Петро Ломбарда, Петро Дамиани, Буюк Альберт** каби схластика фалсафаси клас-

---

<sup>1</sup> Данте. *Малые произведения*. – М.: Наука, 1968.

**сикларининг асарларини ўрганиш имкониятига эга бўлган.** Дантенинг ўзи эътироф этишича, файласуфлар мунозараларида **Брунетто Латини**<sup>1</sup>га тенги топилмаган.

Брунеттонинг қизиқиш йўналишлари унинг французча ва италянча қомуслари орқали маълумдир. У коммуна тузуми ҳаётга кўпгина янгиликларни олиб киришини яхши тушунган, черков ақидаларига қарши бўлган. Шаҳар маданиятининг эҳтиросли тарафдори ҳисобланган. У Ремижо Жиролами билан баҳсларда фалсафани дунёвий ишлар хизматига йўналтириш, шаҳар маданиятининг хизматчисига айлантириш, инсонга юзлаштириш ва ундаги назарий совуқлик ва диний муросасизликни йўқотишга эътибор қаратган. Брунетто Латини далилларининг кўплари Дантега маъқул тушган. Шунинг учун ҳам кейинроқ Канграндга ёзган мактубида унинг «Илоҳий комедия»сидаги **фалсафа ахлоқдир, зеро шеърят ўз олдига амалий вазифалар қўяди**, деб қайд этган.

Дантенинг фалсафий ва сиёсий-ҳуқуқий қарашлари, айниқса, унинг «**Монархия**» асарида ёрқин намоён бўлган. Бу асарида у замондошлари учун фақат назарий эмас, балки кўпроқ амалий аҳамиятга эга «**Ижтимоий тинчлик ва бахт-фароғатга эришиш учун нима зарур?**» деган саволга жавоб излаган. Кичик давлатчаларга парчаланган ва ўзаро урушлар гирдобидаги Италия учун мазкур масала ўта долзарб бўлганлиги шубҳасиздир.

«Монархия»да Данте ўз фалсафий-ҳуқуқий қарашларининг учта асосий қондасини баён қилган:

**биринчиси, инсонга Ердаги бахт-фароғат учун империя зарур;**

**иккинчиси, Императорга ҳокимият бевосита Тангри томонидан берилади;**

**учинчиси, Рим халқи империя ҳукмронлигини ўз қўлига ҳақли равишда олган.**

---

<sup>1</sup> *Брунетто Латини (1220-1295) – италиялик ёзувчи ва сиёсий аристократ. «Хазиналар китоби» («Li Livres dou tresor»), «Нутқ санъати», «Кичик хазина» каби асарларнинг муаллифи. 1287 йилдан бошлаб Флоренцияда яшай бошлаган ва бу ерда Данте билан танишган. Данте Брунетто Латинини «Дўзах»нинг 15-қўшиғида тилга олган.*



## ДАНТЕНИНГ ЭРКИНЛИК, АДОЛАТ ВА ҚОНУН ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

### Данте давлатнинг пайдо бўлиши ва давлат бошқарув шакли тўғрисида

Дантенинг фикрича, **давлатнинг пайдо бўлиши Одам Ато билан боғлиқ**. Инсон ҳиссий эҳтиросларнинг, айниқса, улардан энг хавфлиси бўлган очкўзлик қулига айланиши эҳтимол тутиладиган бўлса, уни бу вайронкор кучлардан муҳофаза этадиган ижтимоий тузилма ҳам яратилиши керак.

Бу, умуман, Ўрта аср ҳуқуқий дунёқарашига ҳамоҳанг фикрлар, лекин Данте томонидан мазкур тушунчага жиддий аниқликлар киритилган. Инсон қусурларга эга бўлса ҳам, у табиатан ижтимоий-сиёсий мавжудот бўлиб, ҳамиша бошқалар билан мулоқот қилиш ва биргаликда турмуш кечиришга интилиб келган. Данте ўзининг «Монархия» асарида давлатнинг келиб чиқишини қуйидагича изоҳлаган: «**Ёлғиз киши оилавий ҳаётга интилгани каби ёлғиз хонадон ҳам қўшнилар бўлишига эҳтиёж сезади, акс ҳолда кўп нарса бахт-саодатга тўсқинлик қилган бўлур эди... Шаҳарга ҳам ҳунармандчилик равнақ топиши ва ўзини ҳимоя қила олиши учун қўшни шаҳарлар билан алоқа ўрнатиши ва дўстлик зарурдир; шунинг учун давлат ташкил этилган**»<sup>1</sup>.

**Аристотель ва Фома Аквинский** каби Данте ҳам давлатнинг ташкил топишини табиий жараён деб ҳисоблаган. Давлат бахт-саодатли турмуш кечиришнинг шакли бўлиши мумкин. Аммо одамлардаги очкўзлик фақат унинг ўзига эмас, давлатга ҳам катта зарар етказди. Бунинг оқибатида адолатга путур етади, давлат ўз манфаатини кўзлаб, бошқа мамлакатлар, шунингдек ўз фуқаролари билан курашга киришади. Дантенинг мулоҳаза юритишича, **жамият ва давлатни бирлаштирадиган учинчи куч керакдир**.

Аммо икки томонни яраштирадиган учинчи кучга ким даъвогарлик қилиши мумкин? Дантенинг ҳисоблашича, бу фақат монархиянинг қўлидан келади. Лекин бу ўринда шоирнинг «**Монархия**» трактатида ўша даврда Европа давлатларидаги мутлақ ҳукмдорлар ҳақида эмас, балки идел монарх хусусида гап бори-

<sup>1</sup> Данте Алигьери. Монархия. — М., 1999. С.42.

шини ёдда тутиш керак бўлган. Дантенинг Императори (монархи)нинг чексиз ҳокимияти эркинлик, адолат, ҳуқуқ устуворлиги, Тангрининг ҳукмронликни амалга ошириш учун ижозати, дунё тузилиши табиатига асосланган.

### **Дантенинг умумжаҳон дунёвий монархия тўғрисидаги таълимоти**

Данте Библияга асосланган ҳолда «**Ҳар қандай салтанат ўзини-ўзи парчалар экан, заифлашиб кетади**», деб кўрсатган. Умумжаҳон дунёвий монархиясида эркинлик, адолат ва қонун устувор бўлиши учун Данте таълимотига биноан қуйидаги принципларга риоя этиш керак:

**биринчидан**, айрим қиролликлар «бир ҳукмдор ёки бошқарув орқали, яъни монарх ёки монархия орқали тартибга солиниши керак»;

**иккинчидан**, ҳар қандай мустақил ҳукмдорлар ўртасида ихтилоф чиқиши мумкин. Шунинг учун ҳам мустақил, тенг ҳуқуққа эга ҳокимиятлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш ваколатига эга бўлган Олий ҳакам – Император бўлиши керак;

**учинчидан**, агар адолат олий кучга эга бўлса, дунёвий ишлар рисоладагидек йўлга қўйилади: «**Жаҳонда адолат олий ирода ва ҳокимиятга эга бўлган монарх ҳукмдорлик қилган тақдирдагина, олий кучга эга бўлади**»;

**тўртинчидан**, инсоният мутлақо эркин бўлган тақдирдагина, яхши ҳаёт кечиради. Инсон, фақат мутлақ монарх ҳокимияти остидагина эркин бўлиши мумкин. Чунки, ана шу ҳолдагина, у кимлардир учун эмас, фақат ўзи учун яшайди;

**бешинчидан**, монарх ҳамма нарса тўғрисида тўғри хулоса чиқара олиши ва адолатга риоя этиши зарур. Бу фазилатларга, шунингдек қонун чиқарувчилар ва қонунни ижро этувчилар ҳам эга бўлишлари даркор;

**олтинчидан**, муайян халқлар, қиролликлар ва шаҳарликлар ҳаётини тартибга солувчи, уларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи қонунларнинг ўзи етарли эмас, шунинг учун «қонун руҳи»ни ҳисобга олиш, шунингдек бу маҳаллий қонунларни «умумий қоидалар» даражасига кўтариш керак. Алоҳида ҳукмдорлар бу умумий қоидаларни монархдан олишлари лозим;

**еттинчидан**, инсониятнинг бирлиги ўзаро тотувлигидадир.

Бундай бирликка эса, якка хукмдорнинг олий иродаси орқали эришиш мумкин.

Моҳият жиҳатидан монархнинг ваколатлари ҳар қандай ҳокимиятаникага қараганда ҳам чегараланган. Бундай Император эҳтирослардан юқорида туради, унинг хусусий манфаати йўқ, ҳамма нарса унга тегишли, демак, у алоҳида бирор нарсага эга бўлишга интилмайди.

Дантенинг империяга оид ҳуқуқий қарашларига биноан **империя ҳокимиятни амалга оширадиганлардан, яъни Императордан устувордир. Шу сабабли Император империяни қисмларга бўлиши, ўз ҳокимиятини чегаралаши ва уни мерос сифатида ворисларига қолдириши мумкин эмас.**

Дантенинг фикрича, **умумжаҳон дунёвий монархияси ни барпо этиш учун Рим империяси ўзига хос модель вазифасини ўташи мумкин.** Яъни, Римда Август монарх бўлган даврда мукамал монархия равнақ топган, инсоният эса ялли тинч-тотувликда бахтли яшаган. Бу ҳақда барча тарихчилар, машҳур шоирлар гувоҳлик берган.

Данте ўзининг бу сиёсий-ҳуқуқий идеалини асослаш учун фақат тарихни гувоҳликка чақирибгина қолмасдан, қуйидаги ҳуқуқий далилларни ҳам келтирган:

**биринчидан,** римликлар учун юксак маънавий фазилатлар, энг аввало, ватанпарварлик ва фидойилик хос бўлган;

**иккинчидан,** Рим халқи ҳокимият манбаси ҳисобланган, у императорга ўз ваколотларини берган;

**учинчидан,** Императорнинг ҳокимияти ҳуқуқ устуворлигига асосланган. Бу умумжаҳон дунёвий империясига ҳам хос бўлиши керак эди.

Папа ҳокимияти тарафдорлари Пётр (черков) бир йўла «икки қилич»га (яъни, дунёвий ва диний ҳокимиятга) эга ва у биринчи «қилич»ини Императорга ўзига бўйсунувчи хукмдор сифатида тақдим этади, деб таъкидлаб келишган. Умуман, бу «**икки қилич**» назарияси илк бор **Папа Геласий I (492-496 йиллар) томонидан олға сурилган.** Кейинчалик Иннокентий III (1198-1216 йиллар) черков устуворлиги принципини асослаб, Пётр (черков) «икки қилич»га эгаллигини асослашга ҳаракат қилган. XII-XIII асрларда эса, Папа қарорларини талқин этувчилар бу қарорларга амал этмайдиганлар энг оғир гуноҳ қилишларини

ълон қилиб, қатлга дучор бўлишлари муқаррарлигини асослашга ҳаракат қилишган. Дунёвий ҳокимият эса, Папага бўйсунити зарурлигини уқтиришган.

Данте бу сиёсий даъволарни фош этар экан, ўз фикрига икки далил келтирган:

**биринчидан**, у муқаддас диний китобларда икки ҳокимият тўғрисида бирор кўрсатма мавжуд эмаслигини исботлаган;

**иккинчидан**, у бу масалада ҳуқуқий далил ҳам келтирган: **«Император ўрнатилган ҳуқуқ тартиботини ўзгартириши мумкин эмас, чунки у ўз ҳокимиятини империя қўлидан олган»<sup>1</sup>.**

Аmmo биринчи христиан Императори Константин Италиянинг катта қисмига ҳукмронликни черковга ҳадя этиб, ҳуқуққа зид иш қилган. Данте Константиннинг бу хатоси дунёвий манфаатларнинг черков ҳаётига суқулиб киришида ҳал қилувчи роль ўйнаганлигини кўрсатган.

Данте ўзининг «Монархия» асарида Императорнинг идеал принципларга тобелигини айтади: **«фуқаролар консуллар учун, халқ подшо учун эмас, аксинча – консуллар фуқаролар учун, подшо халқ учун мавжуддир»<sup>2</sup>.** Император олий ҳакам ва қонун чиқарувчи сифатида баҳслашаётган томонларнинг ҳуқуқлари тенглиги сабабли (суверен давлатлар ўртасидаги баҳслар ҳам худди шундайдир) ҳал қилиб бўлмайдиган низоларга аралашиши шарт, унинг вазифаси эса, ҳамма тўғрисида ва давлат ҳақида ғамхўрлик қилишдир. Агар қонунлар ва ҳокимият умумий манфаат учун қўлланилмаса, улар ўзининг ҳуқуқий хусусиятини йўқотади, чунки бу билан қонун табиатига қусур етади<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Данте Алигьери. Монархия. – М., 1999. С.44.

<sup>2</sup> Данте Алигьери. Монархия. – М., 1999. С.44.

<sup>3</sup> Данте Алигьери. Монархия. – М., 1999. С.44.

## ДАНТЕНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

Дантенинг ҳуқуқий қарашлари ҳажм жиҳатидан унчалик катта бўлмаса ҳам, ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. У антик ва Ўрта асрлар ҳуқуқшунослигини синтез қилган. Кўҳна давр файласуфлари қатори у ҳам ҳуқуқ ва қонунни бир-биридан фарқлаган. Бунда қонуннинг инсоният умумий бахт-саодатига хизмат қилишга мувофиқлиги ана шу фарқлаш мезони бўлган: **«Агар қонунлар бу қонун остида бўлганлар бахт-саодатига қаратилмаган бўлса, улар номигагина қонун ҳисобланади, амалда эса, қонун бўла олмайди. Зеро, қонунлар одамларнинг умумий фойдаси учун уларни бир-бири билан боғлаши керак».**

**Буюк Данте, шунингдек ҳуқуқ жамият ҳаётини тартибга соладиган энг зарур восита бўлиши кераклигини алоҳида уқтирган.**

Шу билан бирга, Данте таъкидлашича, **ҳуқуқий тартибот адолат билан узвий боғлиқдир.**

Фақат адолат ва ҳуқуқий тартиботгина эмас, шунингдек эркинлик ҳам императорлик гамхўрлигини талаб қиладиган масаладир. Дантенинг таърифига кўра: **Эркинлик – «Тангри томонидан инсонга ато этилган буюк неъматдир, зеро, у орқали биз ҳаётлигимиз пайтида инсон сифатида роҳат-фароғатга эга бўламиз, у орқали биз нариги дунёда ҳам маъбудалар сингари роҳат-фароғатда яшаймиз»<sup>1</sup>.**

Данте бундан монарх ҳокимиятидаги инсонлар энг хур кишилар деган, хулоса чиқарган. Чунки **эркинлик одамларнинг кимлардир учун эмас, ўзлари учун яшашларидир.** Аммо эркинликни одамлар, халқ олдидаги бурчини бажаришдан бошқа манфаатлари бўлмаган монархгина таъминлай олиши мумкин. Фақат монархгина халқни ўзига тобе қиладиган давлатнинг айниган тизимидан ҳимоя қила олиши мумкин.

Дантенинг фикрига кўра, фақат демократия, олигархия ва тираниягина эмас, **монархия ҳам, агар у умумжаҳон дунёвий империяси хусусиятига эга бўлмаса, ҳокимиятни эгаллаб олиш тузилмасидир.** У ҳуқуқ устувор бўлмаган сиёсий ҳокимият қандайлигини жуда яхши билган. Флоренция Рес-

---

<sup>1</sup> Данте Алигьери. Монархия. – М., 1999. С. 42.

публикаси демократиянинг ҳамма салбий имкониятларини ўзида намоён этган. Унинг кўз олдига бошқа мисоллар: тирания, олигархия ва «хаста» давлатчиликнинг бошқа шакллари гавдаланган.

Буюк ижодкор учун ҳокимиятнинг соғлом шакли – Император тимсолида жамоа ва шахсий манфаатларининг уйғунлигидир. Данте буни жуда ажойиб изоҳлаган: **унинг фикрича, монарх ёнида файласуф бўлиши керак. Файласуфсиз ҳукмдор хавфли бўлганидек, ҳукмдор қўллаб-қувватлашисиз файласуф ҳам ожиздир. Улар биргаликда «жуда фойдалидирлар ва ниҳоятда катта кучга эгадирлар»<sup>1</sup>.**

Инсонлар олдига икки мақсад – нариги дунёдаги ва бу дунёдаги бахт-саодатга эришиш мақсади турар экан, одамларга раҳбарлик ҳам икки тарафлама амалга оширилиши лозим. Яъни, олий мартабали дин арбоби Тангридан келган ваҳийга амал қилган ҳолда одамларни нариги дунёдаги роҳат-фароғатга, Император эса уларни ердаги мақсадга бошлаши лозим. Бунда монарх учун нима дастуруламал бўлиши зарур? Афтидан, **бу ҳаёт табиати-га мос тушадиган донолик даражаси – фалсафадир. Шунинг учун ҳам фалсафа монархнинг руҳий таянчи бўлиши даркор**, акс ҳолда адолатсизлик ва тираниянинг хавфи жуда ортиб кетади.

Бурч ҳисси ҳуқуқшунос Дантени сиёсий ишларда иштирок этишга, Генрих VII га маслаҳатлар беришга, дипломатия ишларига аралашушга мажбур қилган, бироқ XIII аср воқелиги бу буюк маслаҳатчига муносиб бўлган монархга унинг дуч келишига имкон бермаган.

**Шундай қилиб Дантенинг хулосасига кўра, монархнинг асосий вазифаси – эркинликни ҳимоя қилиш, империя сиёсий тузилмалари ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш ва тинчлик ўрнатишдан иборатдир. Фақат тинчлик қарор топган жамиятдагина:**

**биринчидан – адолат;**

**иккинчидан – қонунийлик;**

**учинчидан – ҳақиқат ўз ўрнини топа олиши мумкин.**

Данте бу ижтимоий-ҳуқуқий принципларни ҳамма нарсадан

---

<sup>1</sup> Данте Алигьери. Монархия. – М., 1999. С.170-187. Таққосланг: «Базм», IV. 4.

устун кўйган. Лекин инсон фақат ўз шахсий манфаатларини кўзлаб иш кўришдан воз кечган тақдирдагина, тинчлик барқарор бўлиши мумкин.

**Дантенинг фикрича, монархия ана шундай сохта шахсий ўзига хосликка барҳам бера оладиган идеал тузумдир. Чунки фақат шундай тузумда инсон ўз эркини йўқотмаган ҳолда умумий идеалга эриша олади<sup>1</sup>.**

---

<sup>1</sup> Данте Алигьери. Монархия. – М., 1999. С.141-154.

## ДАНТЕ ЯЛПИ ТИНЧЛИК ТЎҒРИСИДА

Данте ҳақиқий тинчлик куйчисидир, унинг «**Монархия**» асари эса, эҳтимол, Европанинг сиёсий-ҳуқуқий тафаккури хабардор бўлган ялпи тинчлик тўғрисидаги биринчи асардир. Шуниси эътиборга молики, немис классик фалсафасининг буюк намояндаси Иммануил Кантнинг тинчлик тўғрисидаги трактатида бутун умид Данте тинчлик йўлидаги асосий тўсиқ ҳисоблаган манфаатга қаратилган. Кантнинг фикрига кўра, одамлар тинчлик фойдали эканлигини тушуниб етсаларгина, тинч-тотув яшай бошлайдилар<sup>1</sup>.

Данте эса, мақсадсиз манфаат парокандаликка бошлайди ва фақат Император шахси шахсий манфаатдорликнинг бошбошдоқлик кучига ўз иродасини қарши қўя олади, деб ҳисоблаган. Тинчлик муаммоларига бағишланган Данте ва Кант асарларида ана шу мақсадга эришиш йўллари хусусидаги фарқ маданиятнинг икки тури ўртасидаги зиддиятдан далолат беради.

Данте тинчлик ва давлат тўғрисидаги таълимотини, шунингдек соф фалсафий-ҳуқуқий далиллар билан ҳам асослаган. У «**Монархия**» асарининг бошида таниқли араб файласуфи **Ибн Рушд**нинг ақл салоҳияти ғоясидан фойдаланиб, **инсон уни ҳайвонлардан ҳам, фаришталардан ҳам ажратиб турадиган алоҳида ақлга эга, деб кўрсатган**<sup>2</sup>.

Ибн Рушд бош қози ва муфтийнинг ўғли бўлган. У ўз даврининг йирик алломаларидан таълим олган, машхур сўфий мутафаккир Ибн Арабий ва таниқли олимлар Ибн Туфайл ва Ибн Зухр билан дўстона муносабатларда бўлган.

Ибн Рушд Арастунинг қатор асарларини сурия тилидан таржима қилган ва уларга шарҳлар ёзган. Ибн Рушднинг лотин тилига таржима қилинган кўпгина асарлари сақланиб қолган. У, шунингдек тиббиётга бағишланган ва лотин тилига таржима

---

<sup>1</sup> Қаранг: Саидов А.Х. *Философско-правовое наследие И. Канта и современная юриспруденция*. 2-е изд. Ташкент, 2008.

<sup>2</sup> *Ибн Рушд* (1126, Кордова, Испания – 1198, 12 декабрь, Марокаш, Марокко – тўлиқ исми: Абул Валид Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Рушд) – машхур араб файласуфи. Европда лотинчалаштирилган *Аверроес* исми билан машхур.



килингган «Куллиёт» асарининг муаллифидир. Ибн Рушднинг кўпгина асарлари, шунингдек иврит тилига ўгирилган. Бундан ташқари, Ибн Рушд куёшдаги доғларни кузатиб борган астроном сифатида ҳам шуҳрат қозонган<sup>1</sup>.

Аммо Данте Ибн Рушддан фарқли равишда инсоният ягона ақлга эга бўлган ягона боқий рух эмас, балки, беҳисоб шахсий боқий рухлар жамланмасидир, деб ҳисоблаган. Яъни, унинг христиан қарашларига мойиллиги акс этган. Данте Ибн Рушд фикрларини ривожлантириб, инсон ўз табиатига содиқ бўлиши учун ақл салоҳиятини тобора такомиллаштириб, олий даражага етишга интилиши керак, деган хулосага келган. Бунинг асосий шартлари эса, ер юзида тинчликдир, чунки бусиз ақлий салоҳиятни ривожлантириб ҳам бўлмайди, бу қудратли салоҳиятдан самарали фойдаланишнинг ҳам имконияти қолмайди.

Данте учун **тинчлик ва адолат биргина ижтимоий категориялар бўлибгина қолмасдан**, айни пайтда табиий ва диний тушунчалар ҳамдир. Дунё эзгу ниятлар мужассамлиги сифатида ташкил топган, табиатнинг узоқни кўра билиши инсоннинг узоқни кўра билишидан қолишмайди, шунинг учун табиий жараёнлар ва тарихий воқеалар ўз ички тартиби бўйича бир-бирига гўёки мос тушади.

Данте: **«... Табиат томонидан ўрнатилган тартибни ҳуқуқ билан сақлаш керак<sup>2</sup>»**, – деб ҳисоблаган. **Акс ҳолда кишилиқ жамияти дунё тузилишидан узилиб қолади**. Бошқа томондан эса, ижтимоий қонунлар табиий қонунлар кучи ва заруратига эгадир. Данте бу ҳақда флоренцияликларга мактубида эҳтирос билан ёзган: **«...ижтимоий қонунлар фақат вақт тўхтаб қолсагина амал этишини тўхтатади»**; **«узоқ вақт давомида умумий ҳокимият писанд этиб келинмаган бўлса ҳам, у ҳеч қачон ўлмайди ва у қанчалик заиф**

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Ибн Рушд. Опровержение (фрагменты) // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока X – XIV вв. – М., 1961; Ефремова Н.В. О единстве философии и религии согласно Ибн Рушду // Вера и знание в контексте диалога культур. Сравнительная философия. М., 2008; Сагадаев А.В. Ибн Рушд (Аверроэс). М., 1973; E. Renan. Averroes at Laverroisme / Paris, 1860; Leaman O. Averrois and his philosophy. Routledge, 1998; Baffioni C. Averrois and the Aristotelian Heritage. Guidi Editori, 2004.*

<sup>2</sup> Данте Алигьери. *Монархия*. – М., 1999. С. 74.

**бўлмасин, ҳеч қачон енгилмайди... Буни Тангри ҳам, табиат ҳам хоҳламайди»<sup>1</sup>.**

Дантенин*г* ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ҳуқуқий қарашлари ўзи инсон бахт-саодатининг асоси деб ҳисоблаган ялпи тинчлик тўғрисидаги таълимоти билан боғлиқдир. Унинг фикрича, **жаҳон сиёсати инсоният ҳокимияти остидадир ва у тафаккур нуқтаи назаридан ўрганилиши керак.**

Буюк италян шоири бутун жаҳонда тинчлик ўрнатишни мадх этар экан, бутун умидини **инсоният** билан боғлаган. Ҳозирги даврдаги китобхонлар учун бу эътироф у қадар эътиборга молик бўлмаган, табиий бир ҳол сифатида қабул қилинади. Лекин Ўрта асрларнинг билимдони ҳисобланган Э. Жильсон ана шу таърифга алоҳида эътибор берган. **У Данте умуман инсоният тўғрисида сўз очган биринчи одам эканлигини уқтирган**<sup>2</sup>. Бунда Данте христианлар учун одатий бўлган, динга эътиқод қўйганларнинг умумжаҳон жамоаси – черков рамзидан фойдаланган.

**«Умумжаҳон ҳуқуқий давлати» ва «Инсоният»** каби янги ижтимоий тушунчалар пайдо бўлиши сиёсий-ҳуқуқий тафаккур тараққиётида янги боскич бошланганидан далолат берган. Шошқалоклик қилиб, бу масалада Янги давр ниҳолларини кўриш адолатдан бўлмайди: мазкур тушунчалар XV – XVIII асрлар ҳуқуқий фалсафасининг асоси бўлмаган. Фақат XVIII аср тарихчилиги бошқа сабабларга кўра ана шундай тушунчаларга эътибор қаратган.

Дантенин*г* инсон хусусияти тўғрисидаги тушунчасида ҳам фақат унга хос бўлган янги қирралар кўзга ташланади: **«Барча мавжудотлар орасида фақат инсонгина ўликлик ва тирлик ўртасидаги оралик ҳолатни эгаллаган, шунинг учун ҳам файласуфлар уни икки ярим шар ўртасидаги уфққа жуда тўғри ўхшатишади»<sup>3</sup>.**

Инсон ўз табиатига кўра икки дунёга – Ердаги ва нариги дунёга тааллуқлидир. Данте бу масалада ҳам инсоннинг Ердаги нисбий мустақиллиги ҳамда унинг Тангри режаларини амалга ошириш учун муҳимлигига урғу берган.

<sup>1</sup> Данте Алигьери. *Малые произведения*. – М., 1968. С.371.

<sup>2</sup> Каранг.: *Gilson and Philosophy*. Gloucester, 1968, P. 165-166.

<sup>3</sup> Данте Алигьери. *Монархия*. – М., 1999. С. 134-135.

**Шоир учун инсон кўкка кўтарилиш чизигидаги нукта эмас, ҳақиқатан ҳам «уфқ»дир.** У ўз табиатини ўзгартириши ҳамда уни Ерда Тангри режаларини рўёбга чиқариш учун ишлатиши керак.

**Умумжаҳон монархи мақомига аниқлик киритишда Дантенинг Рим тўғрисидаги таълимоти алоҳида аҳамиятга эгадир.** Ўрта асрлардаги кўпгина ижтимоий лойиҳаларда Муқаддас Рим империяси кўҳна Рим буюклигининг вориси сифатида у ёки бу ҳолда ўз ифодасини топган. Бу собиқ Рим давлати амалда парчаланиб кетганидан кейин ҳам расман мавжуд бўлганлиги билан изоҳланган. Рим Ғарб христианлигининг диний марказига айланганидан сўнг антик даврларда Римнинг дунёни бошқаришга даъват этилганлиги тўғрисидаги ривоят Ўрта асрларда яна тилга олина бошланган.

Данте Римнинг ердаги ва осмондаги подшоликни боғловчи алоҳида ролини мадҳ этган. У сақланиб қолган ворисликдан фахрланса ҳам, маркази Рим бўлган умумжаҳон давлатини Италия миллатининг ҳукмронлиги сифатида тасаввур этмаганлиги шубҳасиздир.

**Данте Рим империясини идеал адолатли ҳокимият сифатида кўрган.** Бунда у мазкур дунёвий умумжаҳон империясининг сиёсий тузилмасига мустақил шаҳарлар ва подшоликларнинг тенг ҳуқуқлилиқ асосидаги иттифоқи сифатида қаранган. Ана шундай умумжаҳон давлатда **Император қонуннинг олий посбони бўлиб, иттифокдаги мустақил шаҳар ва подшоликларнинг ички ишларига аралашмаслиги керак бўлган.**

**Данте ҳокимият муаммосига ҳам янгича ёндашган.** У дин арбобларининг сиёсий ҳокимиятни ўзларининг руҳий нуфузига бўйсундиришга интилишларидаги хавfli зиддиятни кўра билган. Иккинчи томондан эса, унинг муҳолифатчилари даъво қилганларидек, Данте Папа Император ҳокимиятига тобе бўлишини асло хоҳламаган. Унинг учун бунинг оқибатлари аянчли бўлиши аниқ-равшан бўлган. Аммо руҳ ҳукмронлиги ҳам ҳокимият моҳиятига раҳна солиши аниқ эди. Руҳ орқали бошқариш куч ёки ирода билан бошқариш каби амалга оширилмайди. Агар у сиёсий кучга айланса, ё ўзи Ер юзидаги сиёсат воситасига айланади ёки ўзи дунёвий жамиятда бошқарадиган эркин ирода субъектини йўқ қилади.

**Буюк шоир фақатгина дунёвий ҳокимият мустақиллигини ҳимоя қилиб қолмасдан, черковнинг руҳий нуфузи поклигини ҳам сақлашга ҳаракат қилган.** Зеро, Тангри ўзининг динга эътиқод қилувчилар билан муносабатини қонун кучига таяниб эмас, балки, диннинг одамларга эркинликни ҳада этадиган нозик эътиқод асосига қўйган. **Дантенинг фикрича, диний ва сиёсий ҳокимиятни аниқ чегаралаш суиистеъ-молликлардан муҳофаза этади.**

Сиёсатчи ҳокимияти саъй-ҳаракатлар учун ҳуқуқий асос, уни ҳимоя қилиш учун эса, куч беради. Лекин у руҳий ва ахлоқий кадриятларни танлаш учун буйруқ бера олмайди. Агар «**Монархия**»да кўтарилган муаммолар шу тарзда талқин этиладиган бўлса, бу ҳозирги давр зиддиятларидан унчалик ҳам узоқлашиб кетмаганлигини кўрамиз. ХХI аср тарихининг ҳам руҳсиз эркинлик ёки ғоявий қулликдан иборат зиддиятни ҳал этиш учун боши қотган. Эҳтимол, Данте бундай боши берк кўчани тасаввур этган ҳолда тоталитаризм ва либерализм инқирозини аввалдан башорат қилар экан, «икки қилич» ҳокимиятини қатъий фарқлай олган.

XIII аср – утопия орзулари даври ва Дантенинг ҳуқуқ фалсафасига шу нуқтаи назардан қараш лозим. Лекин Данте муҳолифатчилари билан олиб борган баҳс-мунозаралар мавзусининг ўзи тезда аҳамиятини йўқотган. Чунки Янги давр қуёши кўтарила бошлаган вақтда Папа ҳам, хаёлан тасаввур этилган Император ҳам сиёсий роль ўйнай олмаган.

Дантенинг утопияси бундан анча кенгрок аҳамият касб этган ва ўзининг ноёблигини намоён қилган. У Августин ва Фома Аквинскийларнинг теократик таълимотларидан кескин фарқ қилган. Данте таълимоти давлатнинг миллий мустақиллиги принциплари учун курашган ва жаҳон империясини тан олмаган Франция ҳуқуқшуносларининг назарияларига қарши турган.

Шундай қилиб, Дантенинг сиёсий-ҳуқуқий фалсафасида қуйидаги масалалар алоҳида ўрин эгаллаган:

**биринчидан**, инсонпарварлик, инсоннинг Ерда бахт-саодатда яшаш ҳуқуқи;

**иккинчидан**, тинчлик – олий кадриятдир;

**учинчидан**, сиёсий-ҳуқуқий идеал – умумжаҳон дунёвий монархиясидир;

**тўртинчидан**, давлат бошлиғи – олий ҳакам, дунёвий шахс;

**бешинчидан**, эркинлик, адолат, қонун устуворлиги принциплари.

Черков «**Монархия**»га «Илоҳий комедия»га қараганда анча шафқатсиз муносабатда бўлган. «Монархия» 1329 йилда қораланган, 1554 йилда эса, ман этилган китоблар рўйхатига киритилган. Черков учун етарли даражада ақида ҳисобланмаган, Франция Қиролининг ҳуқуқшунослари учун янгилик деб ҳисобланмаган бу назария маданий жараён чеккасига суриб қўйилган. Фақат бугунги кун чўққисидан турибгина унда гап фақат монарх тўғрисида бормаганлигини тўлиқ англай олиш мумкин.

Данте тасвирлаган монарх Ўрта асрлардаги ҳақиқий ҳукмронларга ўхшаш эмас. У **Никколо Макиавелли** асаридаги монархга эса, бунданга ўхшаш эмас<sup>1</sup>. Аммо Дантенинг «Монархия»си Ўрта асрлар ва Уйғониш даври ижтимоий тафаккурлари ўртасида муайян мутаносибликни белгилабгина қолмасдан, ўша вақтлардан 700 йил ўтгандан сўнг зарурат туғилган руҳий тажрибани мустаҳкамлаб қўйган.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Макиавелли Н. О государе.

*Агар сен қалбан билимдон бўлсанг,  
қуйидаги фикрни англагин – бугун  
Ғарб ва Шарқ чамбарчас боғланишган.*  
**Й.В. Гёте**

## **БЕШИНЧИ БОБ**

### **ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЎЗБЕК ДАНТЕШУНОСЛИГИ**

- Буюкликнинг қўш қаноти
- Ўзбекона «Илоҳий комедия» – адабий жасорат
- Тошкент ва Равеннадаги дантехонликлар

## БУЮКЛИКНИНГ ҚУШ ҚАНОТИ

Шарқ Уйғониши заминида ҳам, Ғарб Ренессанси заминида ҳам улуг бир кашфиёт – инсон кадр-қимматининг, шахс сифатидаги моҳияти қайта тикланиши туради, десак хато бўлмас. Шарқда бу улугвор кашфиёт Форобий, Беруний, Ибн Сино, Рудакий, Мирзо Бедил, Алишер Навоийлар номи билан боғланган бўлса, Ғарбда Данте Алигьери, Леонардо да Винчи, Пико делла Мирандола, Кампанелла, Томас Мор, Шекспир, Сервантес каби сиймолар ижодида акс этди. Улар янги, гуманистик нуқтаи назардан Инсон ва унинг салоҳиятига баҳо бериб, Инсон мартабасини юқори мақомга кўтардилар<sup>1</sup>. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг инсон, шахс борасидаги фалсафий ва сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ўртасида ажиб бир уйғунликни кузатиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, Уйғониш даврида инсон табиат ичра ва табиат инсон ичра кашф этилган<sup>2</sup>.

«Илоҳий комедия» «Дўзах» қисмининг тўртинчи кўшиғида Данте Вергилий ҳамроҳлигида қадимги дунё донишмандлари ва қахрамонлари билан учрашганлиги тасвирланган. Улар орасида **«янги ғояларни тарғиб этган»** шарқлик мутафаккирлар **Ибн Сино** ва **Ибн Рушд** номлари ҳам тилга олинган:

**Ҳисобдон Эвклид, Батлимус, Гален,  
Гиппократ, ибн Сино, ибн Рушд пайдо –  
Янги ғояларни тарғиб этган чин<sup>3</sup>.**

Дантенинг биргина «Илоҳий комедия»си эмас, бошқа асарларида ҳам Шарқ илм-фани, маданияти ва адабий анъаналарига муурожаатлар яққол кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам буюк немис адиби **Йоҳанн Волфганг Гёте** **«Данте бизга буюк бўлиб кўринади, ammo унинг ортида неча асрларнинг маданияти ётибди»<sup>4</sup>** деб кўрсатган.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Саидов У. Шарқ ва Ғарб: мутафаккирлар туташган манзиллар. Т., 2009. 27-б.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 28-б.

<sup>3</sup> Данте Алигьери. Илоҳий комедия. Дўзах / Русчадан Абдулла Орипов таржимаси. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 34-б.

<sup>4</sup> Эккерман П.А. Разговоры с Гёте в последние годы жизни. – М. – Л.: Академия, 1934. С 318.

Ҳақиқатан ҳам, фикримизча, **Дантени илм-фан ва фалсафада, адабиётда буюклик чўққисига кўтарган кўш қанот Шарқ маънавияти, руҳиятининг Ғарб маданияти анъаналари билан уйғунлашишидир.**

Маълумки, Шарқда X – XV асрлар давомида жуда катта маданий юксалиш, яъни Шарқ Уйғониши кузатилган. **Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий** каби буюк алломалар, қомусий билим соҳибларининг асарлари Европага кенг тарқалган ва ушбу китъада Уйғониш даври илм-фани ва маданияти юксалишига жуда катта таъсир кўрсатган.

Европаликлар Дамашқ, Қоҳира, Искандария каби шаҳарлардаги илм масканларида таҳсил олганлар. Узоқ вақт мобайнида Араб халифалиги таркибига кирган Испаниянинг кўпгина провинцияларида Шарқ илм-фани ва маданиятининг таъсири, айниса, кучли бўлган. Испан қироллари араб тилини мукамал билганлар, бу юрт зиёлилари шарқона таълим олганлар, Шарқ урф-одатларига амал қилганлар.

Йирик шарқшунос мутахассис Адам Мецнинг аниқлашича, Шарқ мамлакатларида илм-фан ва маданият ғоят тараққий этганлигини улар кутубхоналарида тўпланган китоблар сонидан ҳам билиш мумкин. Бу юртларда давлат кутубхоналаридан ташқари шахсий кутубхоналарда ҳам жуда кўп адабиётлар тўпланган. Хусусан, Қурдоба ҳокими Ал-Ҳаким кутубхонасидан ўрин олган адабиётлар рўйхатининг ўзи 44 жилдни ташкил этган. Халифа Ал-Азиз шахсий кутубхонасида 120 минг жилд китоб сақланган.

Айни пайтда IX асрда Франциянинг Констанца шаҳри кутубхонасида 356 жилд, XI-XII асрларда Бенедиктбеуренд шаҳридаги кутубхонада 100 дона, Бамберддаги соборда 96 дона китоб бўлган, холос. Улар ҳам асосан диний адабиётлардан иборат бўлган<sup>1</sup>.

Гётенинг устози **Г. Гердер** ҳам Шарқ маданиятининг Европага таъсирига юқори баҳо берган: «**Ўша пайтда, жаҳолат чангалидаги Европанинг кўпгина қисмида араблар (Г. Гердер мусулмон Шарқида яратилган маданиятни араблар маданияти деб ҳисоблаган, ҳолбуки Шарқ илм-фани ва мада-**

---

<sup>1</sup> Мец А. Мусульманский Ренессанс. – М.: Наука, 1966. С. 146.



ниятини равнақ топтиришга Марказий Осиё алломалари ҳам улкан ҳисса қўшганлар – А.С.) илм чироғини ёқдилар... Европалик бирорта халқ ёзувни ўзи кашф этган эмас: испанлар ёзуви ҳам, Шимолий Орами ёзуви ҳам Осиёдан олинган; Шимолий, Фарбий ва Шарқий Европа маданияти юнон-рим-араб уруғидан униб чиққандир»<sup>1</sup>.

XII асрда Фарбда Шарқда яратилган илмий адабиётларни лотин тилига таржима қилиш кенг авж олган. Кейинчалик бу асарлар испан, француз ва бошқа тилларга ўгирилган. Жумладан, Италиядаги Болонья шаҳри ҳам ўша давр таржимачилигининг йирик марказларидан бири бўлган. Бу ерда алоҳида таржима мактаблари ҳам шаклланган. Уларда араб тилида битилган китобларни Европа тилларига афдариш кўп йиллар давомида олиб борилган.

Натижада фарбликлар шарқликлардан нафақат ёзувни, балки аниқ фанлар, ҳарбий санъат, денгизда сузиш, деҳқончилик қилиш, чорвачилик илмларини ҳам эгаллаганлар. Европаликлар тасвирий санъат ва меъморчилик, шеъроятда ҳам шарқликларга шогирд ҳисобланишган. Бунинг исботи сифатида яна Г.Гердердан иқтибос келтириш керак бўлади: «Шарқликлар алгебрани дунёга келтирдилар, инсон кўлига табиат сирларини очмоққа калит тутқаздилар... физиканинг барча бўлимларини ана шу калит ёрдамида очдилар ва бу калит асарлар давомида қўлланиб келинмоқда»<sup>2</sup>.

Антик давр файласуфлари асарларининг Европада тарқалишида ҳам Шарқ алломаларининг хизматлари улугдир. Бу жараён ҳақида йирик дантешунос олим И.Н.Голенишев-Кутузов шундай деб ёзган: «X – XII асрларда Яқин Шарқ Фарбий Европада фақат Аристотель, Птолемей, Гален асарларига шарҳларнигина эмас, балки араб ва араб-Европа олимларининг аслиятдаги илмий асарларини ҳам берди. Бағдодда Аббосийлар саройида, Қурдовада Уммавийлар ва Алмовийлар саройларида VII – XII асрларда Ўрта Осиёдан чиққан ажойиб мусулмон математиклари ва

---

<sup>1</sup> Гердер Г. Идеи к философии истории человечества. – М.: Наука, 1977. С. 773.

<sup>2</sup> Гердер Г. Идеи к философии истории человечество – М.: Наука, 1977. С. 476.

мутафаккирларининг мактаблари равнақ топди. Шундай қилиб, Самарқанддан то Толедогача маданият тараққиёти бир йўналишда борди. То XII асргача Европа юнон-араб маданиятининг узок, чет ўлкаси бўлган»<sup>1</sup>.

Юнон файласуфларининг китоблари аввал арабчага, кейин эса, Ғарб тилларига таржима қилинган. Данте ўзининг шоҳ асаарида қайд этган **Ибн Сино, Ибн Рушд ҳамда Форобий Аристотелнинг Шарқдаги издошлари ҳисобланган.**

**Ўрта асрларда Европада шакллана бошлаган фалсафа бевосита Абу Али ибн Сино ва Ибн Рушд номлари билан боғлиқ бўлган.** Абу Али ибн Синонинг тиббиётга бағишланган асарлари Европада мислсиз шуҳрат қозонганлиги сабабли унинг фалсафий китоблари ҳам бу қитъада кенг оммалашган. Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино ва Ибн Рушдлар буюк юнон файласуфи Аристотел асарларининг аслиятдаги нусхалари таржимасини амалга оширганлар, уларга илмий шарҳлар ёзганлар. Бу таржималар Италияда ҳам кенг тарқалган.

Европада Уйғониш даврининг буюк намояндалари **Леонардо да Винчи, Микеланжело, Везалий** ва бошқалар Абу Али ибн Сино асарларини мутолаа қилиб, унинг асарларидан иқтибослар келтирибгина қолмасдан, ўз таълимотларида Шарқнинг бу буюк мутафаккири ғояларига суянганлар.

Марказий Осиё файласуфлари **Ўрта асрларда Европада ҳукм сурган диний хурофотлар, ақидаларнинг моҳиятини очиб берганлар, одамларда янги дунёқараш шаклланишига улкан ҳисса қўшганлар.** Буюк немис файласуфи **Гегель** уларнинг Аристотель фалсафасини Европага тарқатишдаги улкан хизматларини эътироф этган: **«Ғарб христианлари орасида фан инқирозга учрагач, Аристотель юлдузи Шарқ халқлари орасида янги шуъла сочиб, порлади. Кейинчалик улар Ғарбни Аристотель фалсафаси билан ёритдилар... Фан ва билимлар, айниқса фалсафа Ғарбга араблардан ўтган»<sup>2</sup>.**

Шарқ маданиятининг Ғарбга таъсирини чуқур таҳлил этган таниқли профессор **Нажмиддин Комиловнинг** хулоса чиқари-

---

<sup>1</sup> *Голенишев Кутузов И.Н. Творчество Данте и мировая литература. — М.: Наука, 1971. С. 60.*

<sup>2</sup> *Гегель. Философия истории. — М. — Л., 1935. С. 174, 339.*

шича, Европа халқлари XI–XV асрларда Шарқ халқлари орқали:

**биринчидан**, антик дунё илм-фани, қадимги Шарқ маданияти ютуқларини;

**иккинчидан**, Ўрта Осиё, Эрон ва Арабистонда етишиб чиққан буюк мутафаккирлар таълимоти, кашфиёти, илмий тажрибалари ҳосиласини;

**учинчидан**, Шарқ халқлари адабиётида олға сурилган ғоялар, қўлланилган усул, услуб ва оҳангларни ўзлаштириб олди. Бир сўз билан айтганда, **Ғарб маданий ҳаётда Шарқнинг меросхўри бўлиб майдонга чиқди**<sup>1</sup>.

Тадқиқотчилар Данте юнон тилини билмаганлигини, у антик давр асарларини арабчадан таржима қилинган китоблардан ўқиб ўрганганлигини таъкидлашган. **Аҳмад Фарғонийнинг «Китоб ал-ҳаракат ас самовий ва жавомъе илм ан-нужум» («Само ҳаракатлари ва юлдузлар илмининг жамъи китоби»)** астрономик тадқиқотлари Ўрта асрларда Европада ғоят машхур бўлган. Бу алломанинг **«Асосий астрономик унсурлар»** рисоласи ҳам Ғарб олимлари томонидан ниҳоятда юқори баҳоланган.

Данте ўзининг **«Базм»** асарида Аҳмад Фарғонийнинг бу илмий ишларидан иқтибослар келтирган, унинг маълумотлари кўпгина бошқа астрономларникига қараганда тўғри эканлигини айтади. Шоир «Базм» асарида Зухро билан ер ўртасидаги энг қисқа масофа ер радиусининг 167 баробарига тенг, деб келтирган рақамлар Аҳмад Фарғоний келтирган ҳисобнинг айнан ўзидир<sup>2</sup>. Ёки: Базм»да **«Зухро уни ҳаракатга келтирувчиларнинг саҳовати туфайли бизнинг руҳимизга ва бошқа хислатларимизга ҳокимлик қилади»** деб қайд қилинганлиги Аҳмад Фарғонийнинг сайёраларнинг ҳаракати инсон иқтидори ва фаолияти билан боғлиқлиги хусусидаги таълимотининг инъикосидир.

Аҳмад Фарғонийнинг асарида **«Аторуд куёшга яқин бўлганидан нурга кўпроқ кўмилади. Шу боисдан уни кўриш қийин»**<sup>3</sup>, деб қайд қилинган бўлса, бу фикр Дантенинг **«Базм»** и-

<sup>1</sup> Комилов Н. Тафаккур карвонлари. – Т.: Манавият, 1999. 63-б.

<sup>2</sup> Голенишев Кутузов И.Н. Творчество Данте и мировая литература. – М.: Наука, 1971. С. 151.

<sup>3</sup> Аҳмад Фарғоний. Китоб ал-ҳаракат, Қоҳира нашри. 19-б.

да «Аторуднинг иккинчи хислати шуки, у бошқа юлдузлардан кўра қуёш нурига кўпроқ чўмилади», тарзида келтирилган.

Шунингдек, Аҳмад Фарғоний асарларида келтирилган сайёраларнинг ҳаракати, юлдузлар миқдорига оид маълумотлар «Базм»да ҳам ўз аксини топган. «Базм»да: «**Хушсаодат Беатриче ўзини таништиргунча Зухро икки марта юз кўрса тишга улгуради**». Аҳмад Фарғонийнинг «**Китоб ал-ҳаракат**»ида: «**Зухро ўз доираси атрофини 1168 кеча-кундузда ёки уч йилу икки ойда айланиб чиқади**».

«Илоҳий комедия»да тасвирланган сайёра ва юлдузлар, уларнинг ҳаракати ва хусусиятлари, масофа ўлчовлари Аҳмад Фарғоний асарларидан олинган.

**Данте Абу Али ибн Сино ва Ибн Рушдни ўзининг устозлари деб билган, улар таълимотини ўрганган, «Базм» асарида уларга тафаккур байрами тўридан жой ажратган.** XII асрда Қурдобада яшаган Ибн Рушд (Европада у лотинчаштирилган **Аверроэс** исми билан ниҳоятда машхур бўлган,) Абу Али ибн Синонинг энг истеъдодли шогирдларидан ҳисобланган, устози фалсафасининг дунёвий йўналишларни янада чуқурлаштириш билан бир қаторда уларнинг курашчанлик руҳини кучайтирган. XIII аср ўрталарига келиб Ибн Рушднинг асарлари Европадаги барча тилларга таржима қилинган. Ҳозирги вақтда ҳам Европа кутубхоналарида Ибн Рушднинг Михаил Скотт томонидан таржима қилинган икки мингдан ортиқ қўлёзмалари сақланмоқда. Фарб файласуфлари томонидан гоёт юқори баҳоланган Ибн Рушднинг оламнинг моддийлиги ва абадийлиги тўғрисидаги таълимоти бу фанда **аверроизм оқими**га асос солган.

Ўрта асрларда Италия сиёсий ва маънавий ҳаётига Шарқ таъсири, хусусан, Ибн Рушд таълимоти, яъни аверроизм таъсири катта бўлган. Болонх Падза шаҳарлари, айниқса, университетлари итальян аверроизм марказига айланган.

Агар Данте Шарқ фани, олимлари, Ибн Рушдга юқори баҳо берган бўлса, итальян Уйғониш даврининг йирик шоири Петрарка Рим папасининг фаол тарафдори бўлиб, Ибн Рушд таълимотига мутлақ қарши чиққан. Петрарка аверроизмга қарши 1370 йилда «Ўзим ҳақимда ва кўплаб авомлар ҳақида» номли махсус рисола ҳам ёзган. Шунга қарамай, Италияда аверроизм фалсафий-ғоявий ва сиёсий оқим сифатида кенг тарқалган ва катта таъсирга эга бўлган.

И.Н. Голенишев-Кутузовнинг эътироф этишича, «**Базм**»да баён этилган объектив идеализм араб фалсафасига, биринчи навбатда **Ибн Сино билан Ибн Рушд таълимотига асосланади**»<sup>1</sup>. Ибн Сино ўзининг «**Донишнома**» асарида қайд этишича, «**Бутун дунё — бир жисмдир**», бу олам — ягона вужудни Ақли кулл бошқаради.

Ана шу фикр Дантенинг «Илохий комедия»сида ўз ифодасини топган: «**Осмон жисмлари ягона, қудратли шуъланинг ҳар хил даражада товланиб туришидир**, — дейди Беатриче асарнинг «Жаннат» қисмида, — **марказдан бирин-кетин узатилган нур жисмларни ҳаракатга келтиради. Рух инсон танасига ёйилгани каби ақли ҳам нур шаклида олам жисмларига таралиб, эзгулик, файз тарқатади**».

Шарқ маданиятининг Фарбга таъсири «**1001 кеча**», бошқаривоятларнинг Европада қизиқарли саргузаштлар тўғрисида насрий асарлар жуда оммалашишида ҳам яққол сезилади. Айни пайтда Европа лирикасининг энг таъсирчан оқими — **трубадурлар шеърияти**, кўпгина тадқиқотчилар хулосаларига кўра, **Шарқ адабиётига ўзига хос тақлиддир**. Фарблик шоирлар ўз асарларида биргина Шарқ шеъриятининг шакллари, оҳанглари, тасвирий воситаларидангина эмас, севгига садоқат, фидойи севги ғояларини ҳам ўзлаштирганлар.

Бу ўринда француз адабиётшуноси ва шоири **Анри Делюнинг** хулосаси диққатга сазовордир: «**Ўрта Осиёнинг шеърий анъаналари араб шарқи, кейинчалик араб-андалуз ва галиция-португал шеърияти орқали Фарбий Европа цивилизациясининг бешиги бўлган Провансга етиб келди, уни трубадурлар ривожлантирди, бойитди ва кейинчалик ғазал Католония, Сицилия, Бургундия ва ундан кейин Германия, Бавария, Австриядаги шоирлар ижодида намоён бўлди... Италиядаги «Янги ёқимли усул» ғазал асосида шаклланди. Данте шеъриятининг Европа шеъриятига таъсири кўп асрлар давом этган буюк Тосканопровансаль шеъриятини айтмайсизми**»<sup>2</sup>.

Машхур олима **Фозила Сулаймонова** жуда асосли равиш-

---

<sup>1</sup> И.Н.Голенишев-Кутузов. *Творчество Данте и мировая литература*. — М.: Наука, 1971. С. 33.

<sup>2</sup> Привалов И. *Узбекские газели до Прованса, Богемии // «Литературная газета», 1991 г. 12 июня, № 23.*

да: «Прованс шоирлари трубадур ёки трувер деб аталадилар. Улар асарларининг асосий мазмунини маҳбубанинг гўзаллиги, олий инсоний хусусиятлари, лекин ошиққа нисбатан шафқатсизлиги, ошиқ шоирнинг дардаламлари, садоқати, дўстлик ғоялари ташкил этади... Кузатишлар натижасида Прованс рицар муҳаббати, ишқий шеърияти Ибн Синонинг «Рисола фи-л-ишқ» таъсири остида шаклланган, деган хулосага келдим<sup>1</sup>», деб кўрсатган.

Данте ўз асарларида муҳаббатни мадҳ қилар экан, Ибн Синонинг руҳ таълимотига таянади. Буюк Шарқ мутафаккири ўзининг «Рисола фи-л-ишқ» асарида ишқнинг икки тури – ёшлар ва гўзаллар ишқи ҳамда илохий ишқ мавжудлигини таъкидлаган. Бу Шарқ ва Ғарб адабиётида ишқий шеърият учун ўзига хос таълимотга, маҳбуба гўзаллиги ва латофатини мадҳ этиш – асосий мавзуга айланган. Хусусан, немис олими Г. Лейнинг гувоҳлик беришича, «Ишқ тушунчаси Ибн Синонинг «Рисола фи-л-ишқ» таъсирида шаклланган. Ишқни руҳий ва жисмоний турларга ажратиш ҳам Ибн Сино таъсири остида бошланган»<sup>2</sup>.

Инсон руҳи, олимнинг таъкидлашича, муҳаббат воситаси билан камол топади, инсон ўсиш жараёнида балоғатга етади. Мутафаккир инсонни камолотга етиштирувчи бирдан-бир куч муҳаббат деб ҳисоблаган. **Муҳаббат инсон руҳини эзгуликка етаклайди. Ибн Сино таърифида эзгулик – Мутлақ ҳақиқат, Ақли кулл, коинот, табиат ва инсон ҳақидаги билим, маънавий етуклик, инсоний бурч, руҳий покликдир.**

«Илохий комедия» асарида ҳам инсон, унинг бахт-саодати, камоли учун кураш тасвирланган. «Аъроф»нинг ўн еттинчи қўшиғида шундай дейилган:

**Бундан маълум бўлдики, ишқ –  
Таҳсинга сазовор самаралару  
Жазога мустаҳиқ гуноҳлар сарчашмасидир.**

Ана шу сатрлар буюк Алишер Навоийнинг «Фавойид ул-кибар»даги қуйидаги мисраларига ҳамоҳанг:

<sup>1</sup> Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 8-б.

<sup>2</sup> Лей Г. Очерки истории. – М.: Наука, 1959. С.322.

**Чин бағридин сўрдум, айтур: андин ўт тушти манга  
Ким, кўнгулга шуъла солди ишқ барқи офати.**

**Кўнгулма қилсам ғазаб, айтурки, кўздиндур гунаҳ,  
Кўрмайин ул тушмади бизга бу ишнинг тўҳмати.**

**Данте Шарқ мутафаккирлари таълимоти асосида муҳаббатни ахлоқ доирасидаги тушунча деб талқин этган.** Шу билан бир қаторда, «Илоҳий комедия»да муҳаббат олий ҳимматлилик, олийжаноблик манбаи эканлиги, у инсонни гўзаллик, эзгулик сарчашмаларидан баҳраманд қилиши жозибали ифодаланган. Шунинг учун ҳам бу асарнинг «Жаннат» қисмидан шоир аввал муҳаббат дарёсида чўмилади, кейин ишқ нури уни ўз оғушига олади. Ана шу олий сурур «Жаннат»нинг йигирма еттинчи қўшиғида ниҳоятда тантанавор акс этган:

**О, қувонч! Эй, ифодалаб бўлмас сурур,  
Эй, ҳамма ерда зоҳир Ишқ,  
беминнат фароғат бўлган ҳаёт,  
О, саҳоват ила сақланган ишқ ганжинаси!**

Бу ўринда профессор **Нажмиддин Комилов** жуда асосли таъкидлаб ўтганидек, «**Муҳаббатга умумжаҳоний мазмундаги ягона куч деб қараш Шарқ файласуфлари орасида Ибн Синода, Ғарбда эса, Данте ижодидагина мавжуддир**»<sup>1</sup>.

Шарқшунос олим **Э.Блошэ**нинг фикрича, Дантенинг «Илоҳий комедия»си мазмуни зардуштийлик билан боғлиқдир. Унинг ёзишича, асардаги «**нариги дунё**»га саёҳат зардуштийликдаги тақводор **Вираф** тушларининг акс-садосидир. **Шоир бунини Ислом ақидалари орқали қабул қилган бўлиши керак**»<sup>2</sup>.

Шарқ халқлари ўртасида жуда машҳур «**Меърожнома**»да **Муҳаммад пайғамбарнинг** (с.а.в.) осмону фалакка кўтарилиб, дўзаху жаннатни айланиб чиққанлиги, гуноҳкорларнинг чекаёт-

---

<sup>1</sup> *Комилов Н. Тафаккур карвонлари. – Т.: Маънавият, 1999. 109-б.*

<sup>2</sup> *Арабская средневековая культура и литература (статьи зарубежных ученых). – М.: Наука, 1978. С.204.*

ган азоблари, пок инсонларнинг жаннат неъматларидан баҳраманд бўлишлари тасвирлари «Илоҳий комедия»га жуда ўхшаш.

Данте, ҳеч шубҳасиз, Ғарб адабиётининг буюк намояндасидир. У ўз асарларида Ватани, умуман, христиан адабиёти анъаналарига содиқ қолган. Даҳо ижоди билан уларни янада бойитган. Шу билан бирга, улуг шоирнинг Шарқ фалсафаси ва адабиётидан ижодий фойдаланганлиги асарлари мазмуни ва мундарижасига катта ижобий таъсир кўрсатган. Дантенинг ижодидаги Ибн Синога мурожаатининг мантиқий давомини **Умар Хайём** ва **Шекспир**<sup>1</sup>, **Румий** ва **Гегель**, **Ҳофиз** ва **Гёте** ижодларидаги ўзаро алоқадорликда ҳам яққол кўриш мумкин.

---

<sup>1</sup> Комилов Н. Тафаккур карвонлари. – Т.: Маънавият, 1999. 198-201-б.



## ЎЗБЕКОНА «ИЛОҲИЙ КОМЕДИЯ» – АДАБИЙ ЖАСОРАТ

Маълумки, охирги бир неча ўн йилликлар давомида «**шарқшунослик**» деган атама, ана шу атаманинг мазмун-моҳияти тилимизда, онг ва шууримизга чуқур ўрнашиб, муқимлашиб қолган. **Шарқшунослик** – фанимизда шаклланган муайян мустақил илмий йўналиш бўлиб, унинг замирида **Шарқнинг тарихи ва маданияти, адабиёти ва маънавияти, санъати ва тили ҳамда бошқа муҳим жиҳатларини ўрганиш, тадқиқ этиш тушунчаси мужассамлашган**. Шарқшунослик нафақат ўзимизда, балки Фарбда ҳам бир неча юз йилликлар мобайнида муттасил ривожланиб келмоқда.

Ҳўш, «**фарбшунослик**» соҳаси-чи? Бу тушунча нимани ифодалайди, фанимизда бундай атаманинг ўзи борми? Умуман, бу сўзни кундалик тилимизда қанчалик кўп ишлатамиз? Бу саволларга ижобий жавоб топиш мушкул бўлгани учун улар янада қайсар ва мураккаб туюлади кишига. Айтмоқчимизки, Шарқни ўрганишга нисбатан **Фарб тарихи ва маданияти, адабиёти ва санъатини ўрганиш жараёни бизда ҳали тўла шаклланиб улгурмаган**. Истисно тариқасида Фарб тилларини ўрганиш соҳасини кўрсатиш жоизки, мустақиллик йилларида бу йўналишнинг аҳамияти янада ошгани, кўлами эса, кескин кенгайгани диққатга сазовордир.

Шундай қилиб, **юртимизда Фарб тарихи, маданияти, адабиёти ва санъатини ўрганиш жараёни суст кечаётган бир паллада Абдулла Орипов томонидан Европа маданияти ва шеърятининг энг ёрқин намояндаларидан бири Алигъери Данте қаламига мансуб «Илоҳий комедия»нинг «Дўзах» достонини ўзбек тилига таржима қилишга қўл урилди**. Бу дoston илк марта 1975 йилда Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан алоҳида китоб шаклида нашр этилиб, ўзбек китобхонлари ҳукмига ҳавола қилинди<sup>1</sup>. Бу нодир китоб мухлислар ўртасида шундай қўлма-қўл бўлиб кетдики, унинг нусхаларини кутубхоналардан ҳам қидириб топиш амри маҳолга айланди.

---

<sup>1</sup> Данте Алигъери. *Илоҳий комедия. Дўзах* / Русчадан Абдулла Орипов таржимаси. – Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.

«Илоҳий комедия» асарининг таржимаси мавзусига қайтиб шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, ана шу буюк адабий-фалсафий асарни ўзбекчалаштирган атоқли шоиримиз **Абдулла Орипов ўзбек китобхони ва умуман, маданият ва санъатимиз учун Фарб адабиётининг ўзига хос кашшофи бўлиб қолди.**

Маълумки, «Илоҳий комедия» сиймосида, аввало, башарият аҳли «Дўзах», «Аъроф», «Жаннат» қандай қурилгани, «Дўзах»да қандай гуноҳлар учун қанақа жазо олиниши, «Аъроф» ва «Жаннат»га кимлар кириши ва «Жаннат»нинг роҳати қандай эканлиги ҳақида кенг маълумот олиш имкониятига эга бўлди. Данте даҳоси у ёки бу кўринишда деярли барча динлар учун хос бўлган нариги дунёни шунчалик аниқ тасвирлаб бердики, ҳатто Шарқ афсоналари, антик дунё мифлари ҳам унга тенг келолмайди. Айни чоғда, Данте мазкур асарида асосий муаммо сифатида инсон ғоясини биринчи ўринга қўяди ва Уйғониш даврида бу муаммо **«гуманизм»** номи остида оламшумул ҳаракатнинг мафкурасига айланди.

Яқинда АҚШ матбуоти томонидан тарқатилган хабарда айтилишича, буюк даҳо Алигъери Дантенинг 1307–1321 йиллар оралигида ёзилган **«Илоҳий комедия»** асари охири минг йил ичида Фарбда яратилган энг сара ўнта китобнинг биринчиси сифатида эътироф этилган. Ўтган минг йилликнинг ана шу ўнта китоби қаторида, шунингдек, **Фома Аквинский**нинг **«Теология кўлами»** (1463 й.), **Томас Мор**нинг **«Утопия»** (1616 й.), **Иммануэл Кант**нинг **«Соф онг танқиди»** (1781 й.), **Фридрих Ницше**нинг **«Зардўшт шундай дейди»** (1883-1885 й.), **Зигмунд Фрейд**нинг **«Тушлар таъбири»** (1900 й.) каби машҳур асарлари ҳам юқори ўринларни эгаллаган.

Табиийки, «Илоҳий комедия»ни таржима қилиш осон иш эмас эди. Асарнинг қурилиши жуда мураккаб бўлиб, унда Дантенинг рақамлар сеҳрига алоҳида урғу берганлиги ёрқин кўзга ташланиб туради. Аввало, асар юзта қўшиқдан иборат учта дostonни ўз ичига камраб олади. Биринчи дostonда 34 та, иккинчи ва учинчи дostonлар таркибида эса, 33 тадан қўшиқлар мавжуд. Қўшиқларнинг ҳар бир банди уч сатрдан иборат ва бу учликлар ҳам ўзаро қофияланиб, ҳам мазмунан занжирдай боғланиб келаверади. Бу тартиб қўшиқнинг бошидан охиригача давом этади.

Абдулла Орипов юксак маҳорат соҳиби бўлгани туфайли «Илоҳий комедия»нинг ўзбекча матнида асарнинг ана шу мукам-

мал шаклини тўқис сақлаган, сатрларни, ҳаттоки сўзларни аниқ ҳисоб-китоб асосида ишлатган. Шунингдек, асарнинг бадиий шираси, таъсирчан шеърӣ образлар силсиласи, ранго-ранг бўёқлари, лирик ташбих ва тамсиллар, таъриф ҳамда тасвирлар тўлалигича тикланган. Бу ҳақда профессор **Нажмиддин Комилов**нинг қуйидаги фикрлари, айниқса, ўринлидир: **«А.Орипов мана шу муаззам ва мураккаб бадиий обиданинг биринчи қисмини салобат ва салоҳият билан ижодий қайта яратиб, адабиётимиз хазинасига хазина қўшди, ўзи ҳам ижодий камолотга кўтарилди»<sup>1</sup>.**

Таржимоннинг эътироф этишича, Дантенинг «Илоҳий комедия»сида дўзах дарвозасига **«Эй банда, бу ерга умидларингни ташлаб кир»<sup>2</sup>** деб ёзиб қўйилганлиги қайд этилади. Абдулла Ориповнинг фикрича, бу айнан таржимонга тегишлидир. Яъни, таржимон ҳам бу ишга жаҳаннамий меҳнатни бўйнига олиб киришмоғи шарт. У «Илоҳий комедия»нинг биринчи китоби – «Дўзах»ни жуда катта қийинчилик, айни пайтда жуда катта мароқ билан таржима қилишга киришган. Таржимадан озми-кўпми сабоқ олган. Ана шу ижодий жараён натижасида **Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл»<sup>3</sup> драматик достони** ҳам яратилган.

«Илоҳий комедия»нинг яна бир бадиий нозик жиҳати – унинг муаллиф танлаган ички мусиқаси ҳам ўзига хос салобати ва юксак жаранги билан ўзбекча матнда бешикаст сақлаб қолинган. Буни нафақат адабиётшунос олимларимиз, балки Дантенинг ватандошлари ҳам тасдиқлайдилар. Абдулла Орипов ўзининг 1984 йилги Италия сафари таассуротларига бағишланган **«Дантенинг безовта руҳи»** номли мақоласида: **«Мен уларга (италияликларга – А.С.) «Дўзах»нинг бошланиш қисмидан ўзбекча парча ўқиб бердим. Залдагиларнинг баъзилари италян тилида жўр бўлишди»**, деб ёзади.

Дарҳақиқат, «Дўзах»нинг бошланиш қисмидаги:

**Мени қон қақшатган водийдан ошиб,  
Тоғнинг унгурига етдим ва шу он  
Юксак тепаликка бордим ёндашиб.**

<sup>1</sup> Комилов Н. Тафаккур карвонлари. – Т.: Маънавият, 1999. 120-б.

<sup>2</sup> Данте А. Илоҳий комедия / Русчадан Абдулла Орипов таржимаси – Т., 2007.

<sup>3</sup> Орипов А. Жаннатга йўл // Орипов А.

**Бокдим, сайёралар бўлди намоён.  
Уларнинг раҳнамо нури басма-бас  
Порларди тоғларнинг кифтида шоён.**

**Гўё тун қўрқуви бўлганди абас,  
Даҳшатлардан ҳоли руҳим ҳам, биллоҳ,  
Олганди анчайин енгил ҳуш нафас<sup>1</sup>.**

Сатрларни ўқир эканмиз, бу гўзал асар италияликларга ҳам, ўзбекларга ҳам бирдек кадрли адабий обидага айланганини яна бир карра ҳис этдик.

Бугунги кунда хорижий мутахассислар ва олимларимиз Данте Шаркнинг буюк алломалари Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Ибн Рушд асарлари, Ислом маърифатидан баҳраманд бўлганлигини, Шарк халқларининг илму ҳунаридан завқланганлигини таъкидлашмоқда. Аммо, биз узоқ йиллар мобайнида бундан беҳабар эдик. Ҳаттоки, буюк файласуф **В. Гегелнинг «Нур Шаркдан»** деган холис эътирофидан ҳам кўп йилларгача мутлақо хабаримиз йўқ эди.

Шу маънода, шубҳасизки, ХХ асрнинг иккинчи ярмида Абдулла Орипов томонидан «Илоҳий комедия» ўзбек тилига ўгирилишига қадар, бундай асар мавжудлиги-ю, унинг атоқли муаллифи ҳақида ҳам биримиз нимадир билсак, бошқа биримиз ҳеч нарса билмас эдик.

Албатта, **Абдулла Орипов нима учун айнан «Илоҳий комедия»дек мураккаб асар таржимасига қўл урди**, деган савол туғилиши ҳам табиий. Ажаб эмаски, шоир буюк аждодларимиз ижодидан баҳраманд бўлган италиялик шеърят даҳоси билан ўзининг маънавий дунёси ўртасида қандайдир рухий ўхшашликни, адабий яқинликни туйган бўлса.

Абдулла Орипов бир шеърида:

**.. Уйқашга ўхшайди исмимиз биров.  
Бир замон оллоҳдан сенинг волиданг  
Тиланиб олибди, мен-чи, садақа,**

---

<sup>1</sup> Данте Алигьери. *Илоҳий комедия. Дўзах / Русчадан Абдулла Орипов таржимаси.* – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 9-б.

дер экан, ўзини «**Отелло — у Буюк араб**»га қиёслайди, лирик қахрамони билан ўрталарида исмдошликдан тортиб, дарддошлик ва ҳоказо жиҳатларда ажиб бир ўхшашликларни кашф этади.

Худди шундай, бизнинг фикримизча, икки даҳо шоирлар — жаҳон адабиётининг энг нодир намуналаридан бири бўлган «Илоҳий комедия»дек буюк асарни яратган Алигъери Данте билан унинг бу машҳур асарини катта жасорату юксак маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилган Абдулла Ориповни бир-бирларига қиёслаш, икки улуғ ижодкор мансуб бўлган замон ва макон ўртасидаги ҳар қандай фарқлардан қатъи назар, уларнинг шахси, ҳаёт йўли, ижодиёти, ижтимоий-сиёсий фаолияти ўртасидаги ўхшаш жиҳатларни ўзаро таққослаб кўриш айтиш муддаодир.

Назаримда, аслида ҳам Алигъери Данте билан Абдулла Ориповнинг ижод ва ҳаёт йўлида ўзига хос, кутилмаган даражада ғаройиб, айтиш мумкин, ўта табиий ўхшашликлар мавжуд. Биринчи навбатда, улар ўртасидаги энг асосий яқинлик — иккала шоир ҳам фавқуллоҳда ноёб истеъдод соҳиблари экани билан боғлиқки, Худо берган ана шу илоҳий неъмат кучи туфайли уларнинг даҳо шеърини ёши, жинси, дини, миллати, маслаги, касби-коридан қатъи назар, миллионлаб мухлисларнинг доимий эътиборида ва эъзозидадир.

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари «**На-сойимул муҳаббат**» асарида руҳий камолотга етган улуғ инсонлар, албатта, нажиб хислатларга эга бўлишлари мумкинлигини ёзади. Алишер Навоий ана шундай руҳий комил инсонларнинг хислатларини санар экан, жумладан, сирли тушлар кўриш, руҳнинг жисмдан ажралиб, сайр этиши ва қайтиб келиб жисмга кириши каби кароматгўйликлар ҳақида ҳам тўхталган. Агар Алигъери Данте ва Абдулла Орипов шеърининг синчковлик билан ўргансангиз, уларнинг назмий асарларида ғаройиб тушлар кўриш ҳолатлари ифодаланган мисраларга бот-бот дуч келасиз.

«Илоҳий комедия» эса, «**руҳнинг жисмдан ажралиб сайр этиши ва қайтиб келиб жисмга кириши**» хислати билан боғлиқ таассуротларнинг шеърини ҳосиласи эканлиги дунё олимлари томонидан аллақачон эътироф этилган. «Илоҳий комедия» ва унинг муаллифи билан Шарқ маданияти ўртасида уйғунлик мавжудлигини кўргандек бўлади.

Демак, ҳар икки шоир ҳам ҳаёлий сайр воситасида асар ёзиш хислатига эга. Алигъери Данте ижодий лабораториясига хос бу

ноёб хусусият олимлар томонидан муайян даражада ўрганилган бўлса, Абдулла Ориповнинг хаёлий сайр воситасида яратган асарлари, жумладан, «Илоҳий комедия»нинг ўзбек тилидаги таржимаси, «Жаннатга йўл» драматик достони, таассуфки, биз юқорида тилга олган сифатлар бўйича хозирга қадар теран тадқиқ этилмаган.

Алигъери Дантенинг ҳам, Абдулла Ориповнинг ҳам ижодиётида севги, муҳаббат, ошиқлик, ҳақсеварлик, маърифатга шайдоликнинг олий кўриниши бўлган илоҳий туйғулар фавқулудда эхтиросли, самимий ва табиий оҳангларда куйланиши билан ҳар икки шоир мухлисларини ўзига бирдек мафтун этади. Айниқса, Алигъери Дантенинг ўз маъшуқаси Беатричега бағишлаб ёзган «**Янги ҳаёт**» асари билан Абдулла Ориповнинг асосан ёшлик йилларида битилган лирик шеърларини ўзида жамлаган «**Юзма-юз**»<sup>1</sup> тўпламини оташин муҳаббат девонлари, деб аташ мумкин.

Ҳар иккала шоир ҳам фалсафа, ахлоқ, илоҳиёт, тарих, мантиқ ва турли халқлар адабиётини пухта ўзлаштирганликлари баробарида, ўзларининг ана шу қомусий билимларидан ижодий асарларининг руҳий қамровини оширишда ҳамда ҳаётийлигини таъминлашда унумли фойдаланадилар.

Алигъери Данте билан Абдулла Ориповнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятида ҳам ўзаро уйқашлик яққол кўзга ташланади. Алигъери Данте ўз Ватани – Италиянинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этган, хусусан, 1300 йилда она шаҳри Флоренциянинг раҳбарлик лавозимига сайланган, яъни ҳукумат таркибида бевосита фаолият кўрсатган. Ўз навбатида, Абдулла Орипов узоқ йиллардан буён давлат ва жамоат ишларида фаол қатнашган. У Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси матнининг муаллифи, 1991 йил Парламент аъзолари сафида давлат мустақиллиги учун овоз берган.

Алигъери Данте билан Абдулла Ориповнинг халқаро муносабатлар жабҳасидаги фаолиятида ҳам ажабланарли яқинлик бор. Алигъери Данте ўз даврида Элчилик мақомига эга бўлган. У мамлакатининг Элчиси сифатида хорижий давлатлар вакиллари билан турли масалаларга доир дипломатик музокараларда иштирок этган. Абдулла Орипов эса, Ўзбекистон Республикаси Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги раҳбари сифатида Бу-

---

<sup>1</sup> Орипов А. Юзма-юз.

тунжахон Мулк Ташкилоти (ВОИС)нинг Женева шаҳрида ўтказилган халқаро анжуманларида мунтазам қатнашиб, Ўзбекистон вакили сифатида муаллифларимиз ҳуқуқларининг муҳофазаси бўйича халқаро доирада музокаралар олиб борган.

Яна бир мисол. XX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек шоири Абдулла Орипов «Илоҳий комедия»нинг ўзбек тилидаги таржимасини яратиб, Машриқ билан Мағриб ўртасида адабий кўприк солган бўлса, эътибор ва эътирофга лойиқ жиҳати шундаки, бундан 700 йил илгари яшаб, ижод қилган флоренциялик Алигъери Данте ҳам, юқорида айтиб ўтганимиздек, Шарқ ва Ғарб маданий уйғунлиги йўлидан борган. Хусусан, Данте яшаган даврда Италияда шаклланган янги шеърий мактаби «Янги ёкимли услуб» деб номланган ҳамда олимларимиз ва хорижий мутахассислар бу шеърий оқимнинг келиб чиқишини бевосита Испаниядаги араб шеърияти таъсири билан боғлайдилар.

Ва ниҳоят, Италия шеъриятида латин тили ҳукмрон бўлган шароитда Данте она тили – италян тилида ижод қилган бўлса, Абдулла Орипов ҳам собиқ эски тузум томонидан миллий тилларга кучли зуғум ўтказилган бир шароитда ўз овозининг «икки дарё оралиғида» қолиб кетиш хавфини енгиб, она тилида куйлашдан асло чекинмаган.

Абдулла Орипов суҳбатларидан бирида: «Данте «Илоҳий комедия»да ҳаётни шундай тадқиқ этганки, уни таржима қилаётганда унинг шоир эканлиги эсимдан чиқиб кетиб, мен билан фикрдош эканига суянганман», – деган эди<sup>1</sup>.

Бу фикр замирида чуқур маъно бор. Зеро, ҳаётни бадиий тадқиқ этишдаги услубий яқинлик таржима муваффақиятини белгилашдан ташқари, умуман, ўзбек адиби ижодий тақдирига кучли таъсир кўрсатган. Шу даврдан бошлаб Абдулла Орипов шеъриятида матнга ботиний маънони жо этиш маҳорати ошган.

Шу билан бирга, замонавий дунё муаммоларини «нариги дунё» ходисалари орқали акс эттириш усули Абдулла Ориповнинг «**Жаннатга йўл**» драматик достонини яратишига тўртки бўлган дейиш ҳам мумкин. Шуниси эътиборлики, «Жаннатга йўл» ёзилган даврда адабиётга мафкуравий талаб ғоят кучайган эди. Лекин шоир ўзини бу мутеликдан анча озод ва эркин тута олган.

---

<sup>1</sup> Н.Каримов, С.Мамажонов, Б.Назаров, У.Норматов, О.Шарофиддинов. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1999. 462-б.

Натижада Дантенинг бадий маҳорати Абдулла Ориповга бошқа шакл ва усулларда баён этиш имконияти бўлмаган дардларни, давр ва тузумга муносабатдаги бир қанча кескин ижтимоий муаммоларни шеърӣ талқин қилиш имконини берган. Шунингдек, «Жаннатга йўл» достонида шоир умуминсоний маънавий қадриятларни куйлаш замирида ўз даври ва халқининг миллий ғояларини ҳам тараннум этган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дин қатағон бўлиб турган замонда дўзаху жаннатга бағишланган дараматик дoston яратишнинг ўзи катта жасорат бўлган. Абдулла Орипов бу асарида инсонпарварлик ғояларини илгари сурган. Инсонга яхшилик қилиш, фақирнинг оғирини енгиллатиш, адолатсизликка қарши фидойиларча курашиш натижасида қўлга киритилган савобларгина дўзах ёки жаннатга йўл очиб берадиган Тарозибон талабларига жавоб бериши мумкин. Шоир, айниқса, савоб тасодифий ишнинг натижаси бўлмаслиги кераклиги, у виждоний вазифанинг амалга ошиши тарзида доимий рўй берган тақдирдагина, ўз моҳиятини ифода этишига урғу берган.

«Жаннатга йўл» достонида талқин этилишича, ер юзида иймонсизлик, инсофсизлик, бебурдлик ва виждонсизликдан ёмонроқ нарса йўқ. Чунки, барча қабоҳатлар ана шулардан келиб чиқади. Бу асар бош қаҳрамони – Йигитнинг сўзларида ўз ифодасини топган:

**Мен дўзахдан минг маротаба даҳшатли бўлган,  
Ҳодисалар ва кунларни кўрганман аввал.  
Мен шайтондан минг маротаба даҳшатли бўлган  
Олчоқларни кўриб, чидаб турганман аввал.  
Лекин, айтинг, қаёқда у олий ҳақиқат?  
Кетаётиб фақат шуни билмоқ истайман.<sup>1</sup>**

Йигит ҳаёт чоғида ҳеч кимга ёмонлик қилмаган бўлса-да, унинг гуноҳлари оз эмас. Дostonда тасвирланишича, у шоир, илоҳий дил эгаси бўла туриб, одамларнинг дардига малҳам бўла олмаган. Само шуълалари, гул, оҳуга шеър битиш билан вақт ўтказган. Бирок, Йигит гуноҳларининг сабаблари ҳам бор. «Мени таламаган нокас қолмаган», – дейди Йигит «у дунёдаги» Чол билан

---

<sup>1</sup> Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Биринчи жилд. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. 337-338-б.



сухбатда. Абдулла Орипов Йигитнинг шу ва шу сингари фикрлари замирига ўзининг ва халқининг чуқур дардларини, ижтимоий муаммоларини сингдиришга интилган.

Мустабид тузум даврида «Жаннатга йўл» достонининг нашр этилиши ҳам осон бўлмаган. Бунда атоқли ношир Ислом Шоғуломовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш зарур. Бевосита унинг ташаббуси ҳамда бутун масъулиятни зиммасига олиши туфайлигина «Жаннатга йўл» «Муштум» кутубхонаси муҳри билан алоҳида китобча ҳолида нашр этилган. Кейинчалик истеъдодли режиссёр Ҳамид Қахрамонов «Жаннатга йўл»ни Ўш давлат театрида сахналаштирган<sup>1</sup>.

«Жаннатга йўл» рус тилига ҳам таржима қилинган ва нашр этилган. Абдулла Орипов «Илоҳий комедия»нинг «Дўзах» қисмидан кейин «Аъроф»нинг тўққизта қўшиғини ҳам таржима қилган<sup>2</sup>. Адабиёт ихлосмандларининг Данте шоҳ асарининг қолган қисмлари таржимаси қачон тугатилиши тўғрисидаги саволига Абдулла Ориповнинг ўзи шундай деган:

**«Дантенинг «Илоҳий комедия»сини бир киришгандаёқ таржима қилиб тугатиш мумкин бўлмаган иш. Бу, ўйлайманки, виждонан ишлайдиган таржимонга ҳеч қачон тўғри келмайди. Мумкин эмас. Дантенинг «Илоҳий комедия»сидек буюк, мухтасар асарни бир ўтириб, кетма-кет ишлаб, бошдан-оёқ таржима қилиб чиқиб кетиш учун одам боласи эмас, балки қандайдир бир бошқа мавжудот бўлиши керак. Бунга ҳеч кимнинг кучи етмайди. Бунинг учун маълум бир танаффус бўлмаса – бу эзиб ташлайди одамни. Шунинг учун ҳам менинг дўстларимдан бири Ўлжас Сулаймонов: «Қизиқ, Абдуллажон, Данте таржимонларидан бирортаси ҳам таржимадан тирик чиқмаган, мен ҳисоблаб чиққанман», деган эди. Ирим қилган эмасману мен жуда ўйлаб қолганман шунда. Масалан, мана, Озарбайжонлик таржинмон Али оға Қурчайли таржима қилган. У ҳам дунёдан ўтиб кетди. Қозоклардан Маҳмаджон Мацатоев – у ҳам дунёдан ўтиб кетди... Буларни шу таржима ўлдириб юборди демайман.**

<sup>1</sup> Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Тўртинчи жилд. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. 145-б.

<sup>2</sup> Данте Алигьери. Илоҳий комедия. Аъроф / Русчадан Абдулла Орипов таржимаси. – Т., 2008.

Лекин бунинг тагида бошқа бир маъно борки, бу асарнинг улуғлигини, оғирлигини рўйирост, дилдан, қалбдан ҳис қилиш керак. Бу асар ўзига шунчаки енгил муносабатда бўлишни кўтармайди. Унга киши ўзини тамомила бағишлаши, унинг ичига кириб кетиши керак. «Дўзах»ни таржима қилган кезларим тушларимда қўлимда кетмон билан одамларниг суякларини қазиб юрардим. Бундай туш кўриш, кетмон билан қабрларни кавлаб, каллалар, суяклар билан гаплашиб чиқиш кимга ёқади дейсиз»<sup>1</sup>.

Абдулла Орипов таржима жараёнида Данте буткул борлиги, ҳаёти, фикри, тафаккурига сингиб кетганлигини айтади. «Мен ҳозир Дантенинг феъли қандай бўлган, нимани яхши кўрган, нимани ёмон кўрган – шуларни бир даражада тасаввур қила оламан, – деб қайд этади таржимон. – Агар ҳозир бир мўъжиза бўлса-ю, у киши билан гаплашишга тўғри келиб қолса, худди у кишининг укасидай ёки бир фарзандидай қийналмасдан, бемалол гаплашиб кетган бўлар эдим. У кишининг характерларини биламан, нимани яхши кўриши, нимани ёқтирмаслиги, кайфиятлари қанақа бўлишини, бир кунда неча ҳолатга тушишларини, ўтмишга, тарихга, келажакка, замондошларга муносабатларини ёки бугунги воқеа-ҳодисаларга қандай мурожаат қилишларини, муносабат билдиришларини тасаввур қиламан. У менга қадрдон, таниш одамимга айланган»<sup>2</sup>

Таржимон билан Дантенинг таваллуд саналари ўртасидаги фарқ 676 йилни ташкил этса, туғилган жойлари орасидаги масофа ҳам юзлаб чақиримдан иборатдир. Макон ва замондан қатъи назар, **умуминсоний фалсафа ва қадриятлар башарийдир** – айнан ана шу мезонлар бу икки буюк инсонни боғлаб турувчи камардир.

---

<sup>1</sup> Абдулла Орипов. *Адолат кўзгуси*. – Т.: Адолат, 2005. 137-б.

<sup>2</sup> Абдулла Орипов. *Адолат кўзгуси*. – Т.: Адолат, 2005. 138-б.

## ТОШКЕНТ ВА РАВЕННАДАГИ ДАНТЕХОНЛИКЛАР

Бутун коинотнинг фуқароси Данте дафн этилган Италиянинг Равенна шаҳрида ҳар йили анъанавий «**Дантехонлик байрами**» халқаро фестивали ўтказиб келинади. 2008 йилнинг сентябрь ойида буюк италян шоири хотирасига бағишланган 14-халқаро фестивалга Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ҳамда адабиёт ихлосманди, Данте асарларини Ўзбекистонда тарғибот қилишга катта улуш қўшаётган профессор, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент филиали ректори Қаландар Абдурахмонов расман тақлиф қилиндилар.

Абдулла Орипов байрамга Дантенинг «Илоҳий комедия»си таржимони сифатида ташриф буюрган бўлса, Россия иқтисодиёт академияси Тошкент филиали Италиянинг Болонья университети билан имзоланган маданий ва илмий ҳамкорлик дастури иштирокчиси ҳисобланади. Мазкур ҳамкорлик дастури доирасида бу икки таълим муассасаси ўртасида ўзаро профессор-ўқитувчилар, талабалар ҳамда ўқув технологиялари ва таълим тажрибаси алмашинуви йўлга қўйилган.

**Болонья университети Европада энг қадимий таълим масканларидан саналади. У салкам тўққиз асрлик тарихга эга.** Яъни у Данте ҳаётлик пайтида ҳам фаолият олиб борган. **Данте айнан Болонья университетида ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича таълим олган.** Ана шу ўзаро ҳамкорлик доирасида Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент филиалида Данте ижодига бағишланган анжуманлар ўтказиб туриш анъанага айланган.

Россия иқтисодиёт академияси Тошкент филиали раҳбари, профессор Қаландар Абдурахмонов маданиятни ривожлантиришга қўшаётган улкан ҳиссаси, ижод аҳлини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш ва халқаро маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлашдаги катта хизматлари учун Россия Федерацияси Президентининг Фармони билан «Пушкин» номидаги олтин медаль билан тақдирланган.

Бу ўринда энг аввало, 2008 йилнинг февраль ойида Россия иқтисодиёт академияси Тошкент филиали ташаббуси билан Уйғониш даврининг буюк шоири Дантенинг «Илоҳий комедия» аса-

рининг Абдулла Орипов томонидан қайта кўриб чиқилган янги варианты чоп этилгани ва кенг жамоатчилик иштирокида тақдироти ўтказилганлигини қайд қилиш лозим<sup>1</sup>.

«**Данте ва Ўзбекистон**» мавзусидаги бу анжуманда таниқли олимлар, дипломатик корпус ҳамда мамлакатимиздаги Италия, Россия элчихоналари вакиллари иштирок этдилар. Анжуманда профессор Нажмиддин Комилов Дантенинг фалсафий қарашлари, Данте ва Алишер Навоий ижодининг ўзаро ҳамоханлиги ҳақида маъруза қилди. «Илоҳия комедия» таржимони Абдулла Орипов бу шоҳ асарни она тилимизга ўгириш, умуман, Данте ижодининг умумбашарий аҳамияти ҳақида гапириб берди. Талабалар томонидан «Илохий комедия» асаридан парчалар ўзбек, итальян, рус, инглиз ва француз тилларида ўқилди, асардан театрлаштирилган лавҳалар намойиш қилинди.

Ўзбекистонда дантехонлик байрамининг уюштирилиши Италия давлати расмий доиралари, илм-фан, санъат ва адабиёт намояндалари, жамоатчилик вакиллари томонидан юксак баҳолалиб келинмоқда. Жумладан, Болонья университетининг ректори **Уго Консаларренинг Данте ижодиётининг Ўзбекистондаги мухлисларига йўллаган қутловида қуйидаги сатрлар битилган: «Биз учун Данте Алигьерининг «Илохий комедия»си бўйича дантехонликнинг илк бор айнан Ўзбекистонда — бой маданий меросга эга, Абу Али ибн Сино, Форобий, Беруний каби жаҳон фан ва маданияти намояндалари, улур мутафаккирлар, алломалар ватанида ўтказилиши кўнгилга фавқулудда ҳуш ёқувчи хабар бўлди.**

**Шоҳ асарлари билан жаҳон адабиёти тарихидан муносиб ўрин олган Алишер Навоий каби Данте Алигьери ҳам монументал эпик асари — «Илохий комедия»нинг муаллифи сифатида умумжаҳон адабиётидан ўзбек тилига таржима қилиниши ҳамда «Илохий комедия» кенг доирадаги ўзбек китобхонларига тақдим этилиши Италия жамоатчилигининг бир вакили сифатида менинг қалбимни чексиз ифтихорга чулғайди»<sup>2</sup>.**

Италияда 2008 йил сентябрь ойидаги 14-анъанавий халқаро

---

<sup>1</sup> Дантехонлик анжумани // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2008. 8 февраль.

<sup>2</sup> Дантехонлик анжумани // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2008. 8 февраль.

фестиваль «**Данте Ўзбекистонда**» шиори остида ўтказилди. Равенна шаҳри кўчалари бу галги дантехонлик байрами Ўзбекистонга бағишланганлигидан хабар берувчи шиорлар билан безатилди. Бу тадбирга бағишланиб кўплаб босма нашрлар, хусусан, «Илоҳий комедия»нинг ўзбек тилидаги таржимаси китоб ҳолида ҳам чоп этилди.

Халқаро фестивалда Дантенинг ижодий меросини ўрганувчи италиялик, америкалик ва бошқа хорижий давлатлардан келган ёзувчилар, шоирлар, филолог олимлар ва ижодкорлар қатнашдилар.

Фестиваль очилишидан аввал ўзбекистонлик вакилларни Равенна шаҳри мэри доктор Кассана қабул қилиб, мамлакатимиз маданияти, маънавияти, адабиётининг бой тарихи, Шарқда Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарсозлигининг Фарбдаги Рим меъморчилик маданияти билан ҳамоҳанг эканлиги, Ўзбекистон делегациясини нафақат Равенна шаҳри, балки, бутун Италия шарафлаётганлигини, бу фестивал ҳар иккала мамлакат маданий алоқаларининг ўзаро ривожланишига ижобий таъсир кўрсатишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Фестиваль дастури Италиянинг буюк шоири Дантенинг «Илоҳий комедия» асари ўзбек тилига таржимасининг тақдимоти билан бошланди. **Америка Қўшма Штатларининг Жеймс Мэдисон номидаги университети профессори Алесандро Жентейли** ўз нутқида «Илоҳий комедия»нинг ўзбек тилига таржима қилиниши халқимизнинг юксак маънавият ва маданияти тимсоли эканлиги ҳақида гапирди. У «**Мен гарчи ўзбек тилини тушунмасамда, таржима билан танишиб чиқиб, бу тилнинг ниҳоятда бой жилосини, таржимоннинг маҳоратини ҳис этдим**» дейди.

**Равенна шаҳар Маданий алоқалар марказининг директори Вальтер делла Моника** Ўзбекистонда дантехонлик байрами ўтказилаётганлиги, Данте ижоди ёшлар томонидан кенг миқёсда ўрганилаётганидан хабардор эканлигини қайд этди. «**Бу бежиз эмас, — деди у, — Ўзбекистон бой маданий меросга эга, у Абу Али ибн Сино, Форобий, Беруний каби жаҳон фан ва маданиятининг буюк намояндалари, улуғ мутафаккирлар, алломалар ватанидир. Ўзбекистон халқи мағрурланса бўладиган шоҳ асарлари билан жаҳон адабиёти тарихидан муносиб ўрин олган. Алишер Навоий**

каби Данте Алигьери ҳам монументал эпик асар — «Илоҳий комедия»нинг муаллифи сифатида умумжаҳон адабиётидан ўрин олган. Бу дostonнинг машҳур ўзбек шоири Абдулла Орипов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниши ҳамда «Илоҳий комедия» кенг доирадаги ўзбек китобхонларига тақдим этилишидан Италия жамоатчилигининг бир вакили сифатида менинг қалбим чексиз ифтихорга тўлди».

Эмелия Романья минтақаси маданият вазири **А. Сорентино** ҳам «Илоҳий комедия»ни ўз она тилига таржима қилган халқ юксак ҳурматга сазовор эканлигига урғу берди. Вазир ўзбек халқининг миллий маданияти ва адабиёти юксаклигини, Ўзбекистоннинг жаҳон маданияти билан интеграцияси мамлакат раҳбари Ислom Каримовнинг оқилона сиёсати ва юксак эътиборидан далолат беришини таъкидлади.

Фестиваль дастурига кўра орган садолари остида «Илоҳий комедия»нинг «Дўзах» қисмидан тўртинчи кўшиқ итальян тилида янгради. Шундан сўнг бевосита шу кўшиқ Абдулла Орипов томонидан ўзбек тилида ўқиб берилди.

Фестивалнинг Ўзбекистонга бағишланган тадбирлари Равенна шаҳри телевидениеси ва радиоси орқали тўғридан-тўғри тўлиқ намойиш этилди ва эшиттирилди. Тадбир ўтказилган бино (Данте даврида қурилган тарихий Собор)да қоида бўйича қарсақлар чалиниши тақиқланган бўлишига қарамасдан, фестиваль қатнашчилари Ўзбекистон давлатига, унинг халқи ва раҳбарига бўлган юксак эҳтиромини яшира олмадилар ва ғайриқонуний ҳолда бўлса ҳам улар тинимсиз қарсақлар билан олқишладилар<sup>1</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда Данте ижоди анча вақтдан бери ўрганиб келинмоқда. Бу йўналишда таниқли адабиётшунослар **Фозила Сулаймонова** ва **Нажмиддин Комилов**ларнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш керак. Фозила Сулаймонова 1997 йилда чоп этилган «**Шарқ ва Ғарб**» монографиясида, жумладан, Шарқ маданияти ва Данте ҳақида жуда қимматли маълумотларни келтирган<sup>2</sup>.

Профессор Нажмиддин Комиловнинг 1983 йилда нашр этил-

---

<sup>1</sup> Абдуллаев М. *Ўтган даҳоларнинг номин этиб ёд* // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2008 йил 19 сентябрь.

<sup>2</sup> Сулаймонова Ф. *Шарқ ва Ғарб*.

ган «**Ибн Сино ва Данте**» китоби адабиётшунослик соҳасида ўзига хос кашфиёт бўлди<sup>1</sup>. У миллий адабиётшунослигимизда биринчи бўлиб Дантенинг «Илоҳий комедия»сини Аҳмад Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд асарлари билан ҳар томонлама қиёсий ўрганиб чикди. Энг эътиборлиси, мазкур тадқиқотда Данте ижодиёти гоё ва мазмунлари, шакл ва усулларининг шарқий манбалари залворли далиллар асосида исботлаб берилди.

Нажмиддин Комиловнинг 1999 йилда нашр этилган «**Тафаккур карвонлари**» китобининг алоҳида бир боби Данте ижоди ва унинг Шарқий манбаларига бағишланган<sup>2</sup>. Олим Шарқнинг улкан маданияти умумбашарий цивилизациясига улкан ҳисса қўшганлигини Данте асарлари мисолида тадқиқ этган. Айниқса, «Илоҳий комедия»га шарқона руҳ ва анъаналар моҳирона сингдириб юборилганлиги ҳар томонлама таҳлил этилган. Жумладан, Данте асарларида Аҳмад Фарғоний илмий асарларидан иқтибослар келтирилганлиги, буюк италиялик шоир фалсафий мулаҳазаларда Ибн Сино қарашларига таянганлиги ва жуда кўп бошқа далиллар келтирилган. Н. Комиловнинг ҳаққоний равишда хулоса чиқаришича, шарқликлар Европанинг кўпгина қисмида илм чироғини ёққанлар, **Данте асарлари ҳам Машриқ ва Мағриб қони билан суғорилган.**

---

<sup>1</sup> Комилов Н. *Ибн Сино ва Данте*.

<sup>2</sup> Комилов Н. *Тафаккур карвонлари*.

*Ўрта асрларнинг барча билимлари,  
барча ривоятлари, барча эҳтирослари  
Дантенинг ранго-ранг терцетларида  
мужассамлашган, акс этган.*  
**А.С. Пушкин**

**ОЛТИНЧИ БОБ**  
**ДАНТЕ ҲИКМАТЛАРИ**

- Афоризм – қатрада олам мужассам
- Ҳикматлар хазинаси



## АФОРИЗМ – ҚАТРАДА ОЛАМ МУЖАССАМ

«Афоризм» сўзи юнонча «афорисмос» («матал») сўзидан келиб чиққан. Афоризм – бу ниҳоятда қисқа, лўнда шаклда ифода этилган фикрdir. Илк бор бу атама Гиппократнинг тиббиёт трактати сарлавҳасига олиб чиқилган.

**Афоризм – бир сатрга мужассамлашган доноликdir.** Зеро, ҳақиқий донолик – соддаликдаdir, шунинг учун китобхон қалбида кўп жилдли фалсафий асарлардан кўра лўнда афоризмлар кўпроқ мухрланиб қолади.

Афоризм илдизи кўхна тарихга бориб тақалади. Улар мисолида турли даврларда одамларни ҳаётнинг қайси масалалари ва томонлари ҳаяжонлантирганлигини кузатиш мумкин. Афоризмларда миллий тафаккурнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам ўз ифодасини топган. Афоризм жанри асрлар давомида ўзгариб борган, бироқ кўп мавзулар – дунёни фалсафий идрок этиш, давлат ва жамият қурилиши, эзгулик ва ҳоказолар сақланиб қолаверган.

Милоддан аввалги IV минг йиллик охири – III минг йиллик бошида кўхна Мисрда ёзув пайдо бўлиши биланоқ илк ҳикматли сўзлар дунёга келган. Ўша даврнинг энг буюк мутафаккирлари ўз фикрларини шу қадар лўнда ва чуқур ифода эта олганларки, уларнинг бу сўзлари халқ мақол ва маталлари қаторидан ўрин олган.

Ҳикматли сўзлар милоддан аввалги учинчи минг йилликка дахлдор қадимий Шарқ адабиётида кўплаб учрайди. Бунга мисол тариқасида курраи заминимиздаги дастлабки ҳикматлардан бирини – «**Ёвузлик қилма, шунда доим кўрқинчда яшмайсан**», деган фикрни келтириш мумкин.

Кўхна Юнонистон ва қадимий Римда ҳикматли сўзлар, айниқса, кўп тарқалган. Юнонлар дунёга буюк маданиятни ва буюк мутафаккирларни инъом этганлар. Уларнинг номлари ҳаммага маълуму машхур: **Гомер, Пифагор, Эзоп, Софокл, Сукрот, Аристотель...** Уларнинг ҳикматли сўзлари бизнинг давримизгача етиб келган ва ҳозир ҳам турли миллат ва элатлар тилларида такрорланиб келинмоқда. Масалан, «**Пашшадан фил ясама**» ёки «**Ачинишга дучор бўлгандан кўра, ҳасадга сазовор бўлган яхшироқdir**» ҳикматлари бевосита юнонлар томонидан муомалага киритилгани ҳаммага ҳам маълум бўлмаса керак.

Агар юнонистонлик муаллифларнинг ҳикматли сўзлари кўпроқ инсонлар ўртасидаги шахсий муносабатларга (севги ва нафрат, дўстлик ва душманлик ва ҳоказолар) тааллуқли бўлса, кўҳна Римда туғилган қуйма сўзлар асосан ижтимоий соҳа ва фуқаролар турмуши тўғрисидадир. Бунга Цицерон Марк Туллийнинг ҳикматли сўзлари намуна бўла олади:

«Биз эркин бўлишимиз учун қонунларнинг қули бўлишимиз зарур».

«Қурол фуқаролик либосига, ҳарбий шухрат фуқаролик миннатдорлигига ўрниларини бўшатиб берсин».

«Фақат Ватангина ҳамма учун кадрли бўлган барча нарсаларни ўзида мужассамлаштира олади».

Уйғониш даврида мутафаккир ва файласуфларнинг янги авлоди дунёга келди, улар ёзув ва оғзаки нутқда ҳикматли сўзларни ўта моҳирона қўллаш намунасини яратдилар. Шу даврдан бошлаб ҳикматли сўзлар тез кўпая бошлади. Ҳар бир аср ҳикматли сўзлари жаҳон зукколиги майдонида тобора нуфузли ўрин эгаллай бошлаган янги-янги мутафаккирлар номларини кашф эта бошлади. Эразм Роттердамский ва Мишель Монтень, Данте ва Петрарка, Бокаччо ва Шекспир, Румий ва Аҳмад Яссавий, Навоий ва Ҳайём шулар жумласидандир. Улар ҳаёт бахш этган ҳар бир жумла ниҳоятда жозибалилиги, пурмаънолиги, фикрни гоят қисқа, лўнда ва ниҳоятда аниқ ифода этиши билан кишини хайратга солади.

Бу мутафаккирлар орасида Данте Алигъери алоҳида ўрин эгаллайди. У томонидан битилган ҳикматлар мана, неча асрлардан бери, оғиздан-оғизга ўтиб, халқ мақолларига айланиб кетган.

## ҲИКМАТЛАР ҲАЗИНАСИ

Алдов ва куч — ёвузлар қуролидир.

\* \* \*

Қўрқинч маслаҳатгўй бўла олмайди.

\* \* \*

Тамагирилик — сунъий қашшоқликдир.

\* \* \*

Инсон қалби — дунёнинг энг буюк мўъжизасидир.

\* \* \*

Ўзгалар нони аччиқ, ўзгалар остонасининг зиналари заҳмат поғоналаридир.

\* \* \*

Мен қадам қўйган сувдан ҳали ҳеч ким кечиб ўтмаган.

\* \* \*

Одамлар нима деб гапиравермасин, ўз йўлингда давом эт.

\* \* \*

Бахтли онларингни ёдга олишдан ортиқроқ азоб йўқ.

\* \* \*

Шубҳалар менга билимлардан кам роҳатбахш эмас.

\* \* \*

Муҳаббат — бу қалб зарблари ва Коинотнинг бирламчи қудратидир.

\* \* \*

Ким бахтсиз вақтларда қувонч лаҳзаларини ёдга олар экан, олий азобга маҳкумдир.

\* \* \*

Ким вақтни бой бераётганлигидан койинса, ўша одам энг до-  
нодир.

Кўпинча одамлар вақт оқими бўйича сузадилар! Ҳолбуки, бизнинг пачоқ кемамиз бошқарила олади; нима учун инсон ўз интилишларига бўйсунмасдан, тўлқинлар узра сузади?

\* \* \*

Ҳар бир одам елкасига кучига яраша юкни ортмоқлаши зарур, чунки юк жуда залворли бўлса, уни кўтарган кимса балчиққа юзтубан йиқилиши ҳеч гап эмас.

\* \* \*

Тубсиз осмонда энг секинлик билан ҳаракат қилаётган жисмнинг лаҳза билан таққосланишига қараганда минг йиллик мангуликка нисбатан анча қисқароқ вақтдир.

\* \* \*

Раҳм-шафқат — бу ҳиссиёт эмас; балки қалбнинг севги, эзгулик ва бошқа сахий туйғуларни идрок этишга тайёрлик ҳолатидир.

\* \* \*

Ўзгалар мени кўришаётганини билиш учун кўзларимни очдим.

\* \* \*

Фалсафа — бу олий мавжудотдир.

\* \* \*

Балиқларга денгиз қандай бўлса, биз учун Ватан худди шундай бутун дунёдир.

\* \* \*

Адолат учун даъват этаётган шахс ўзига нисбатан қилинган қонунсизликни била туриб, унга адолатсизликни раво кўрганларни муносиб одамлар сифатида эътироф этса, унга бу дунёда ўрин йўқ.

\* \* \*

Лотин тили фақат айримларгагина фойда келтириши мумкин, итальян тили эса кўпларга хизмат қилади... Бу мингларни тўйдирадиган жавдари нондир, менда бу нонларга тўла ҳали кўп

саватлар бор... Бу янги нур, эскиси уфкка бош қўйганда кўтариладиган янги қуёшдир. У коронгуликдагилар ва пана жойдагиларга шуъла сочади.

\* \* \*

Юксак халқ тили лоқайдлар иродасини уйғотиш, иродаликларни руҳлантириш даражасида қалбларни жўшқинлаштириши энг олий ҳокимият эмасми? Ахир, бу тилга эга бўлганлар шон-шуҳратлари билан қироллар, маркизлар, графлар, дворянларни энгмайдами? Бундай нарсаларни исбот қилишнинг зарурати йўқ.

\* \* \*

Ким катта бойликка эга бўлса, унда инсон кадр-қимматини ерга урадиган хасислик пайдо бўлади. Бир одам қўлида бойликнинг тўпланиши кўпчилик учун уқубат ва камбағаллик қисмати келтиради. Бойлик ёвузлик манбаидир. У пок қалбни таҳқирлайди. Инсонни саҳийликдан бебаҳра қилади. Донишманд бойликни ёқтирмайди ва уни йўқотса ташвишланмайди.

\* \* \*

Ёлғиз киши оилавий ҳаётга интилгани каби ёлғиз хонадон ҳам қўшнилар бўлишига эҳтиёж сезади, акс ҳолда кўп нарса бахт-саодатга тўсқинлик қилган бўлур эди.

\* \* \*

Ҳар қандай салтанат ўзини-ўзи парчалар экан, заифлашиб кетади.

\* \* \*

Инсониятнинг бирлиги ўзаро тотувлигидадир.

\* \* \*

Фуқаролар консуллар учун, халқ подшо учун эмас, аксинча — консуллар фуқаролар учун, подшо халқ учун мавжуддир.

\* \* \*

Агар қонунлар бу қонун остида бўлганлар бахт-саодатига қаратилмаган бўлса, улар номигагина қонун ҳисобланади, амал-

да эса қонун бўла олмайди. Зеро, қонунлар одамларнинг умумий фойдаси учун уларни бир-бири билан боғлаши керак.

\* \* \*

Ҳуқуқ – жамият ҳаётини тартибга соладиган энг зарур воситадир.

\* \* \*

Эркинлик – Тангри томонидан инсонга ато этилган буюк неъматдир.

\* \* \*

Монарх ёнида файласуф бўлиши керак. Файласуфсиз ҳукмдор хавфли бўлганидек, ҳукмдор қўллаб-қувватлашисиз файласуф ҳам ожиздир.

\* \* \*

Табиат томонидан ўрнатилган тартибни ҳуқуқ билан сақлаш керак. Акс ҳолда инсоний жамият дунё тузилишидан узилиб қолади.

\* \* \*

Ижтимоий қонунлар фақат вақт тўхтаб қолсагина амал этишини тўхтатади.

\* \* \*

Диний ва сиёсий ҳокимиятни аниқ чегаралаш суиистеъмоликлардан муҳофаза этади.

\* \* \*

Бу дунёдаги барча мавжудотлар ичида энг мукаммали – инсондир.

\* \* \*

Муҳаббат – дилларни ёқувчи зўр ўт.

\* \* \*

Ишқ – бу фақат ишқни чорловчи туйғу.

Очкўзлик, кибр, ҳасад – шу уч нарса доим бедаво.

\* \* \*

Меҳр ипи узилса оқибат сабаб,  
Ишонч, имонга ҳам еткуси путур,  
Барҳам топар дўстлик, ҳар эзгу матлаб.

\* \* \*

Санъат табиатга доим эргашар,  
Шогирди мисоли борар изма-из.  
Уҳам илоҳийдир асли бир қадар.

\* \* \*

Диққатдир – суҳбатнинг асли асоси.

\* \* \*

Турган гап, таъмадан инсон деган зот  
Қулулмас, кўзига тупроқ тўлгунча.

\* \* \*

Ҳамён – оқибатда ўзимга қафас.

\* \* \*

Олтин ва кумушдир сизларнинг меърож;  
Бутпараст юкинса битта санамга,  
Сиз бир деб, минг бирга уражаксиз бош.

\* \* \*

Пар тўшак қошига келмас шон-шараф,  
Чарчок, танбалликка берма асло раъй.

\* \* \*

Дунёда ҳад йўқки, енголмаса руҳ!

\* \* \*

Бўладиган ишнинг бўлгани маъкул.

Яралган эмассиз нафс учун фақат,  
Тафаккур ва шавкат инсонга чирой.

\* \* \*

Тавбасиз ювилмас гуноҳ ҳеч қачон,  
Тилда тавба қилиб, дилда бўлса доғ,  
Ижобат бўлмагай узру пушаймон.

\* \* \*

Хушёр йўлдошимиз виждон ҳамиша  
Ҳақиқат либосин кийгай бежирим.

\* \* \*

Бетамизни тинглаш – эмасдир тамиз.

\* \* \*

Озодлик дегани умрбахш шукуҳ.

\* \* \*

Фикрим сатримда ошкор.

\* \* \*

Италия, муте, ҳасратли маъво,  
Бўронда бошвоқсиз қолган кемасан.  
Элга паноҳ эмас, гўшасан расво.

\* \* \*

Шоҳларга берилган шавкат ва зафар  
Доим ҳам бутоққа бормагай етиб  
Бунга улуғ қудрат фақат муяссар.

\* \* \*

Шафқат – бу ҳиссиёт эмас; бу – кўпроқ муҳаббат, меҳр ва бошқа эзгу ҳисларни идрок этишга тайёр қалбнинг олийжаноб-лигидир.

\* \* \*

Дўзахдаги энг ҳароратли чўғлар буюк маънавий ўзгариш давр-ларида бетарафликни танлаганлар учун сақлаб қўйилган.



Вақтни йўқотишдан ҳаммадан кўп азият чекадиган — энг дондир.

Одамлар нима деса деяверишсин, ўз йўлингда давом этавер.

\* \* \*

Севишганлар маъбудларига қарши борма: қандай қурол ишлатма, жангни бой беришингга ишонавер.

## *ИЛОВАЛАР*

- Данте Алигъери. Ҳаёти ва ижодининг асосий саналари
- Жованни Боккаччо. Дантенинг ҳаёти

## ДАНТЕ АЛИГЬБЕРИ. ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИНГ АСОСИЙ САНАЛАРИ

- **1265 йил май ойининг иккинчи ярми** – Флоренцияда гвельф Алигьеро Алигьери ва Бела хоним оиласида Данте исми ўғил туғилган.
- **1277 йил 9 февраль** – Данте Жемма Донатига унаштирилган.
- **1283 йил февраль** – Алигьеро Алигьери вафот этган ва Данте ўғай она ҳамда сингиллари ва укасидан иборат оила бошлиғи бўлиб қолган.
- **1285–1287 йиллар** – Данте Болонья университетининг юридик факультетида ўқиган, Чина да Пистойя билан дўстликнинг бошланиши.
- **1289 йил 11 июнь** – Данте Кампальдинодаги жангда қатнашган. Жанг Аймерик де Нарбон йўлбошчилик қилган флоренцияликларнинг аретинецлар устидан ғалабаси билан яқунланган.
- **1290 йил 8 июнь** – Дантенинг маҳбубаси Беатриче Портинари вафот этган.
- **1291 йил** – «Янги ҳаёт» асари ёзилган.
- **1291-1292 йиллар** – Данте Жемма Донатига уйланган.
- **1294 йил март** – Данте флоренцияликларнинг фахрий рицарлар эскорти таркибида Венгриянинг Қироли Карл Мартеллага Сиенадан Флоренциягача ҳамроҳлик қилган.
- **1295 йил 1 ноябрь – 1296 йил 30 апрель** – Данте Халқ капитани ҳузуридаги Махсус кенгаш мажлисида қатнашган. У Сан Пьер Мажор шахрининг ўз қисми оқсоқолларидан бири этиб сайланган.
- **1296 йил май – сентябрь** – Данте Флоренция Республикасининг молия ишларини бошқарадиган Юзлар кенгаши таркибига кирган.
- **1297 йил** – Данте Подеста кенгаши аъзоси этиб сайланган.
- **1298-1299 йиллар** – Данте сиёсий фаолият билан шуғулланишда давом этган (Флоренция коммунасининг бу йиллардаги архиви йўқолган, Данте эгаллаган лавозимлар ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас).

• **1290-йиллар** – ўғиллари Якопо ва Пьетро, қизи Антония туғилган.

• **1300 йил 15 июнь – 15 август** – Данте Флоренциянинг етти приорларидан бири этиб сайланган.

• **1301 йил июль** – Данте яширин равишда ноябрь ойидан бошлаб қора гвельфлар ҳукмронлиги остидаги Флоренцияга қайтган.

• **1302 йил январь ойи боши** – Данте жонажон шахрини абадий тарк этган.

• **27 январь** – Дантега қарши айблов ҳужжати эълон қилинган. Собик приор Алигъери коммуна пулини талон-торож қилишда, Папа ва Карл Валуага қаршилиқ кўрсатишда, гвельфлар партияси орасида нифоқ келтириб чиқаришда айбланган.

• **январь – куз** – Данте Гвиди графларининг тоғдаги қасрида яшаган.

• **1303 йил боши** – Данте оқ гвельфларга ёрдам бериш тўғрисида гибеллинлар ҳукмдори Верона Бартоломео делла Скала билан музокаралар олиб бориш учун Тосканодан жўнаб кетган.

• **1303-1304 йиллар** – Данте Веронада яшаган ҳамда «Базм» ва «Халқ тили тўғрисида» асарларини ёзган.

• **1304 йил 7 март** – Дантега ҳомийлик қилган «буюк ломбард» Бартоломео делла Скала вафот этган.

• **1305-1306 йиллар ёз** – Данте Шимолий Италия шаҳарларида дарбадарликда бўлган (Торенто, Венеция, Режо, Виченица, Падуя, Парма, Мантуя).

• **1306 йил ёз – 1308 йил** – Данте Лунижанада маркизлар Маласпинлар қасрида яшаган.

• **6 октябрь** – Маласпин оиласи ваколоти остида епископ ва граф Луни Антоний Камулла билан сулҳ шартномаси тузилган. Данте «Халқ тили тўғрисида» устида ишлашни давом эттирган, «Тош хоним» шеърлар туркумини яратган.

• **1308 – 1310 йиллар** – Данте Парижда яшаган, ўқитувчилик қилган, Сорбоннада маърузалар тинглаган.

• **1310 йил 23 октябрь** – Генрих VII нинг Италияга юриши бошланган.

• **1311 йил январь** – Данте Миланга тож кийдириш тантаналарига келган ва «Италия ҳукмдорлари ва халқига» нома билан мурожаат қилган.

• **31 март** – Дантенинг ватандошларига қахрли мактуби ёзилган.

• **апрель** – Данте Пизага флоренциялик мухожир Петрарканинг уйига ташриф буюрган, бу ерда Уйғониш даврининг бўлажак машхур шоири Франческо билан учрашган.

• **18 апрель** – Данте Генрих VII ни Тосканого йўл олишга чақирган.

• **1312 йил** – Данте «Монархия» номли асосий сиёсий асарини тугатган.

• **1313 йил 24 август** – Генрих VII тўсатдан вафот этган.

• **сентябрь** – Данте бенедиктли Санта Кроче да Фонте Авеланонинг тоғдаги монастирида узлатга чекинган ва у ерда «Комедия»нинг биринчи қисмини ёзган.

• **1314 йил июнь** – Данте Италия кардиналларига мактуб билан мурожаат қилган.

• **октябрь-ноябрь** – Данте монастирни тарк этган.

• **1315 йил** – Данте Луккада яшаган, «Дўзах»ни тугатган. Данте «флоренциялик дўсти»га ёзган мактубида авф этиш тўғрисидаги декрет шарти билан Ватанига қайтишни рад этган.

• **1316 йил боши – 1317 йил охири** – Данте Веронада Кан Гранде делла Скаланикида яшаган, «Аъроф»ни ёзган.

• **1317 йил** – «Дўзах»нинг тўлиқ қўлёзма рўйхати пайдо бўлган.

• **1318 йил** – Данте Равеннага, Гвидо шаҳри ҳукмдори да Полента совға қилган уйга жойлашган. «Аъроф»нинг охириги қўшиқларини ёзиб тугатган.

• **1319 – 1321 йиллар** – Данте «Комедия»нинг охириги қисми – «Жаннат»устида ишлаган, болоньялик профессор Жованни дель Виржилио билан ўзаро шеърый номалар алмашган.

• **1321 йил ёз** – Данте Муқаддас Республика билан Равенна ўртасидаги урушнинг олдини олиш учун Гвидо да Полентанинг элчиси сифатида Венецияга йўл олган.

• **куз** – Элчиликдан қайтганидан кейин безгакка чалинган.

• **14 сентябрь, тун** – Данте вафот этган.

## ЖОВАННИ БОККАЧЧО. ДАНТЕНИНГ ҲАЁТИ<sup>1</sup>

**Жованни Боккаччо** (Giovanni Boccaccio, 1315–1375) – машхур италян ёзувчиси ва шоири, илк Уйғониш даврининг вакилидир. Боккаччонинг асосий асари ва ижодининг чўққиси – «Декамерон» (1350–1353 йилларда битилган, 1470 йилда эълон қилинган) – инсонпаварлик ғоялари, хур фикрлилик руҳи ва антиклерикализм, таркидунёчилик ахлоқини рад этиш, ҳаётбахш юмор билан суғорилган, Италия жамияти рангин манзараси акс этган новеллалар китобидир.

Жованни Боккаччо, шунингдек кўҳна ривоятларга асосланган поэмалар, «Фьямметта» («Lamorgosa Fiammetta», 1343 йилда ёзилган, 1472 йилда нашр этилган) психологик қисса, пастораллар, сонетлар муаллифи ҳисобланади.

Жованни Боккаччо Дантега италян тилида битилган икки асарини бағишлаган. Биринчиси – «Дантени эъзозлашга кичик трактат» («Trattatello in laude di Dante», аниқ номланиши – «Origine vita e costume di Dante Alighieri»). Жованни Боккаччонинг бу асарида буюк шоирнинг таржимаи ҳоли акс этган, аммо у тарихий воқеалардан кўпроқ романга ўхшайди. Иккинчиси – «Илоҳий комедия» тўғрисида тугалланмаган (17-қўшиққача етказилган) лекциялар туркумидан («Argomenti in tezza rima alla Divana Commedia») иборат.

### Дантенинг киёфаси ва одатлари

Бизнинг шоиримизнинг бўйи ўртачадан пастроқ, кексая бошлаганда букчайган ҳолда бўлган. У ҳамиша шошилмасдан, жуда равон кадам ташлаган, ёшига мос равишда жуда камтарона кийинган. Унинг юзи чўзинчок, буғдойранг, бурни бургутники сингари, кўзлари анчайин катта; жағлари бақувват, пастки лаби олдинга чўзилган, қалин қора сочлари соқоли каби жингалак эди. У доимо ўйчан ва ғамгин кўринган. Бу, ўйлашимизча, қуйидаги воқеага ҳам сабаб бўлган. Дантенинг асарлари, айниқса, «Комедия» асарининг «Дўзах» деб номланган қисми ҳамма жойда машхур бўлиб кетган, шоирни кўпчилик яхши танийдиган вақтда, кунлардан бирида у Верона кўчаларидан бир неча аёллар ўтирган эшик ёнидан ўтаётганди. Аёллардан бири уни кўриб, овозини пасайтирган, лекин Данте ва унинг

<sup>1</sup> Боккаччо Дж. *Малые произведения*. – Л., 1975. С.546-549.

хамрохлари эшита оладиган даражада гапирган: «Қаранглар, ана, хоҳлаган пайтида Дўзахга тушиб, у ердан чиқадиган ва у ерда азоб чекиб ётганлар тўғрисида хабар келтирадиган одам кетяпти». Бунга жавобан аёллардан иккинчиси жўнгина қилиб: «Сен айна ҳақ гапни айтяпсан – қара, дўзах оловидан соколи жингалак бўлиб кетибди, тутунидан эса юзи қорайибди», – деб гап қўшган. Данте ортидан айтилган бу гапларни эшитиб ва улар соддадиллигидан шундай дейишаётганлигини тушунган ҳолда ўзи тўғрисидаги бундай фикрдан мамнун бўлиб жилмайган ва йўлида давом этган.

У уйда ҳам, одамлар орасида ҳам ҳайрон қоларли даражада бамайлихотир ва вазмин, жуда такаллуфли бўлган.

Овқатланиш ва ичкилик борасида у ўзини ниҳоятда тийиб юрган, ҳамма вақт бир хил пайтда овқатланган, бирон таомни устун қўймаган, тансиқларини мақтаган, лекин ўзи жуда оддий таомлар билан чегараланган. Ноёб маҳсулотлар топиш ва кейин улардан тансиқ таомлар тайёрлашга вақтини беҳуда сарфлаб, машғулотлардан чалғийдиганларни қаттиқ қойиган, улар яшаш учун овқат ейиш ўрнига, овқат ейиш учун яшаяптилар, деган. У илмий ишларга, умуман, нимага қўл урмасин – ҳаммасига ўта талабчан бўлган. Ота-онаси ва рафиқаси бу одатларига кўникишгунча, ҳатто бунга эътибор бермай қўйгунларига қадар, жуда жаҳллари чиқадиган бўлган.

У камдан-кам ҳолларда суҳбатга биринчи бўлиб қўшилган, қўшилган тақдирда ҳам, жуда секин гапирган, овози сўз нима ҳақда борса, ўшанга мос равишда бўлган. Лекин талаб қилинса, ҳар бир сўзни жуда жарангдор талаффуз қилган, ҳатто ўта сўзамол бўла олган. Ёшлигида у мусиқа ва қўшиқ айтишга эҳтирос билан кўнгил қўйган, барча энг яхши қўшиқчилар ва мусиқачилар билан дўстона учрашиб турган, улар Дантенинг илтимосига кўра ўзларига у томонидан махсус битилган кўпгина шеърларга оҳангдор ва ширали мусиқалар яратишган.

Мен Данте бутун умри давомида севган маҳбубасига садоқати ҳақида аввал ҳикоя қилган эдим. Ҳамманинг ишончига кўра, Беатричега бўлган муҳаббат уни итальян халқ тилида шеърлар битишга давъат қилган. У даставвал турли шоирларга шунчаки тақлид қилган, кейинчалик эса, муттасил машқлар натижасида ўз туйғуларини эҳтиросли ифода этишга ва шуҳрат қозонишга интилиб, халқ тилида шеърлар битишда буюк санъатга эришган. У ўз замондошларидан ўзиб кетибгина қолмасдан, бундан таш-

қари кўплар мукаммал эгаллашга интилаётган ва ҳамиша интиладиган тилга сайқал берган ва уни безаган.

Данте уни ҳеч нарса ўйларидан чалғитмаслиги учун танҳоликда бўлишни маъқул кўрган, агар миясига бирон ажойиб фикр келиб қолса, шоиримиз қайси жамиятда бўлиши ва ундан нима ҳақида сўрашларига қарамасдан, ўйини охирига етказмасдан, буни қабул қилиб ёки рад этмасдан, индамай тураверган. Бундай ҳоллар одам гавжум бўладиган зиёфатлар вақтида ҳам, саёҳатлар пайтида ҳам — умуман, қаерда бўлмасин, учраб турган.

У қаерда ва қачон бўлмасин, ўз машғулотларига берилган бўлса, энг фавқулудда хабарлар ҳам ҳаёлини бўла олмаган. Унинг диққат-эътиборини эгаллаган нарсага буткул берилиш қобиляти тўғрисида ишончга сазовар кишилар қуйидагиларни гапириб беришган: Данте Сиенада бўлган пайтида бир кун дорихонага кирган ва шу ерга унга ваъда қилинган, китобхонлар эътиборига тушган, ўзи ўқимаган китобни олиб келишган. У китобни бошқа, қулайроқ жойга олиб кетиш имкониятига эга бўлмасдан, шу ернинг ўзида пештахтага кўкрагини тираган ҳолда жуда берилиб ўқишга тушган. Кўп ўтмай худди шу кўчада, қандайдир байрам муносабати билан сиеналик машхур ёшлар ўртасида мусобақалар бошланган. Лекин ҳеч нарса — одатда бундай ҳолларда томошабинларнинг бақирик-чақириклари, мусиқа асбоблари товуши, мусобақадан сўнг эса гўзал аёлларнинг рақслари ёки ёш йигитларнинг гимнастика машғулотлари каби томошалар — ҳеч нарса, такрор айтаманки, ҳеч нарса Дантени китобдан бош кўтаришга мажбур қила олмаган. У кундузи соат бирдан кечкурунгача, яъни китобни ўқиб тугаллаб, унинг мазмуни ҳақида бирор фикр келгунга қадар ўз ҳолатини ўзгартирмай тураверган. Шундан кейин ундан бу ерда бўлатуриб, ана шундай байрамга бирон марта ҳатто кўз қирини ташламаганлининг сабабини сўрашганда, Данте ўзига бу савол билан мурожаат этганларни ҳайратга солган ҳолда қулоғига ҳеч нарса эшитилмаганлигини айтган.

Шу билан бирга, Данте бекиёс қобилятга, ажойиб хотирага ва жўшқин мулоҳаза юритиш фазилатларига эга бўлган. Жумладан, у Парижда ўтган «*de quodlibet*»<sup>1</sup> баҳс-мунозарада (бундай мунозаралар диншунослик факультетида вақти-вақти билан ўтказиб туриларди) шоир 14 масала бўйича кўпгина олимларга қар-

---

<sup>1</sup> Турли масалалар хусусида (лотинча).



ши ўзининг қарашларини ҳимоя қилган. У ўз муххолифатларининг ана шу 14 масала хусусидаги барча фикр ва мулоҳазаларини тинглаб, кейин бу масалалар қандай тартибда айтилган бўлса, ўша тартибда, бирор жойда тутилмасдан, билдирилган ҳамма эътирозларни чилпарчин қилган. Бу баҳсда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси ана шу воқеани ҳақиқий мўъжиза сифатида хотирлашади. У, шунингдек мутлақо янгича мулоҳаза юритиш қобилиятига ва жуда кенг дунёқарашга эга бўлган.

Лекин унинг бу фазилатлари ҳақида мен тилга олганларга қараганда ижоди янада муфассалроқ ва чуқурроқ маълумот бера олади.

У, юқорида қайд этилган ўта ажойиб хислатларга эга бўлган, инсон эҳтиёж сезаётганидан, эҳтимол, янада кўпроқ мақтовларга ва ўзига иззат-икром кўрсатилишига ташна бўлган. Хўш, шундай бўлганда ҳам бунинг нимаси ёмон? Қани, менга шуҳратга талпинмайдиган камтар одамни кўрсатинг-чи. Ўйлашимча, бу шуҳратпарастлиги туфайлигина Данте бошқа машғулотларга қараганда шеърият билан шуғулланишни мақбул топган бўлса керак. Чунки у фалсафадан-да олижаноб фан йўқлигини, фалсафанинг туб моҳиятига фақат айримларгина ета олишини, дунёда машхур файласуфлар кўплигини, айти пайтда шеъриятни ҳамма тушуниши ва кадрлашини, яхши шоирлар эса, бармоқ билан санарли даражада эканлигини жуда яхши билган. Шунинг учун ҳам у ниҳоятда ноёб ва жуда орзули шараф – зайтун чамбараги билан сийланишга умид қилиб, бутун борлигини шеъриятни ўрганиш ва ижодга бахшида этган. Агар тақдир унга кулиб боққанида ва у Флоренцияга қайтиб келганида, бу орзуси рўёбга чиқишига шубҳа йўқ эди: у Сан Жованни черковида чўқинтирилганида ўзининг биринчи исмига эга бўлганди. У худди шу ерда иккинчи марта зайтун чамбараги билан мукофотланишни хоҳлаган. Аммо вазият унинг орзуларига зид келган. Дантенинг бир оғиз сўзи хоҳлаган жойида зайтун чамбараги билан мукофатланиши (бу чамбарак доноликни оширмаса ҳам, ҳар холда, зукколикдан гувоҳлик берган ва шунинг учун олий мукофот ҳисобланган) учун кифоя эди, бироқ у бу мукофотни фақат Флоренцияда олишни истарди, ўзи эса, Ватани бағрига қайтишни кутган. Аммо Данте яна юртига қадам босиш ниятига ҳам, ўзи жуда умид қилган ҳурматга ҳам эриша олмасдан, вафот этди.

## ДАНТЕШУНОСЛИККА МУНОСИБ ХИССА

Мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият яратишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш энг устувор вазифалардан ҳисобланади. Мустақиллик йилларида халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган маънавияти тикланди ва тобора ривожлантирилмоқда, бой тарихий меросимиз чуқур ўрганилмоқда, фан ва таълим, маданият ва санъат равнақ топмоқда.

Жамият, айниқса, ёшлар маънавиятини шакллантиришга хизмат қилаётган миллий ғоя ҳам аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, халқимиз қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган кадриятларга асосланади.

**«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»**да алоҳида уқтирилганидек, ҳозирги кунда барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари амалда олий кадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этишда ҳам миллий, шу билан бирга, умуминсоний кадриятларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида: **«Бинобарин, биз давлатимиз келажагини ўз қобивимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик кадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз»**<sup>1</sup>, дея таъкидлайди. Буюк италян шоири Данте Алигъерининг «Илоҳий комедия»си, бошқа нодир асарлари ана шундай умумбашарий маънавий кадриятларнинг энг ёркин намуналаридан ҳисобланади. Данте ижодида инсоний кадриятлар мадҳ этилиши билан бир қаторда, Шарқ, жумладан, юртимиз қадим ўтмишидаги буюк сиймолар, уларнинг жаҳон илм-фани ва маданиятига қўшган беқиёс ҳиссаларига муносиб баҳо берилганлиги билан ниҳоятда аҳамиятлидир. «Илоҳий комедия»нинг «қўшиқ»ларида Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Тўмарис номларининг тилга олинishi бунинг ёркин мисолидир.

---

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 114-б.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов Дантенинг дунё адабиётининг мумтоз намунаси ҳисобланган «Илоҳий комедия» асарини катта маҳорат билан таржима қилиб, халқимизни бу шоҳ асарни ўз она тилларида ўқишга муяссар қилди.

Дантенинг бу беқиёс асари Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳри филиали талабалари, умуман, мамлакатимиз талаба ёшларини миллий ва умумбашарий кадриятлар руҳида тарбиялашдаги аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда «Илоҳий комедия»нинг Абдулла Орипов томонидан таржима қилинган «Дўзах» қисми ҳамда «Аъроф» қисмининг тўққизта қўшиғи алоҳида-алоҳида китоб ҳолида нашр қилинди.

Шу ўринда Данте таълим олган, жаҳондаги энг кўхна университетлардан ҳисобланган Болонья университети билан Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳар филиали ўртасида ҳамкорлик алоқалари мустаҳкам ўрнатилганлигини эслатиб ўтиш лозим. Таълим муассасалари ўртасида профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг малака алмашинуви, илмий изланмаларни айрибошлаш йўлга қўйилган.

Филиалда «дантехонликлар» ўтказиб туриш ҳам анъанага айланган. Буюк Данте ижодига бағишланган бу тадбирларда чет эл ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар, мамлакатимиз жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари вакиллари, адабиёт ихлосмандлари иштирокида талабалар Данте асарларини итальян, инглиз, француз тилларида ёддан айтадилар, театрлаштирилган сахна кўринишларини намоён этиш этидилар.

2008 йилда эса, Италиядаги анъанавий «Данте ўқишлари» бевосита Ўзбекистонга бағишланди. Мазкур тадбир ўтказилган Равенна шаҳри кўчалари бу галги дантехонлик байрами Ўзбекистонга бағишланганлигидан хабар берувчи шиорлар билан безатилди, кўплаб босма нашрлар, хусусан «Илоҳий комедия»нинг ўзбек тилидаги таржимаси китоб ҳолида ҳам чоп этилди.

«Илоҳий комедия»ни ўзбекчалаштирган Абдулла Орипов билан биргаликда бу тадбирда иштирок этдик. Италиядаги учрашувларимизда Ўзбекистонда Данте ижодига берилаётган эътиборга юксак баҳо берилганлигини таъкидлаш ўринлидир. Шаҳар маъмурлари, жамоатчилик вакиллари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон маданияти, маънавияти, адабиётининг бой тарихини, жаҳон фан ва

маданиятининг равнақига беқиёс ҳисса қўшган улуғ мутафаккирларимиз, алломаларимиз хизматларини эътироф этар эканлар, мамлакатимизда умумбашарий кадриятлар қаторида Данте ижодига берилаётган эътибор таҳсинга сазоворлигини алоҳида таъкидладилар. Айниқса, «Илоҳий комедия»ни ўз она тилига таржима қилган халқ юксак ҳурматга сазовор эканлигига урғу берилди.

Юридик фанлар доктори, профессор Акмал Саидовнинг «Данте – юрист» китоби умумбашарий кадриятларга эътиборнинг яна бир ибратли намунасидир. Фарб ва Шарқ мумтоз адабиётидан яхши хабардор бўлган муаллиф бу асарида буюк италян шоирининг деярли барча муҳим асарларини чуқур таҳлил қилиш билан бир қаторда, бевосита Дантенинг сиёсий, фалсафий қарашлари, айниқса, унинг асарларида инсонпарварлик руҳи билан суғорилган ҳуқуқшунослик ғояларининг ҳозирги даврда ҳам долзарблиги ва аҳамиятини батафсил тадқиқ этган. Китобда адабиёт ихлосмандларига, шу жумладан, мутахассисларга ҳам яхши маълум бўлмаган илмий тадқиқотлар хулосалари, ноёб манбалар келтирилганлигини Данте ижодини ўрганишга том маънода янгича ёндашув дейиш мумкин. Айниқса, ҳозирги даврнинг ҳуқуқий давлат ва эркин жамият, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, бошқа долзарб муаммоларини илк Уйғониш даврининг ҳуқуқий қарашлари ва ғоялари билан таққосланган ҳолда таҳлил этилгани муҳим илмий аҳамият ҳам касб этган.

Шунинг учун ҳам Акмал Саидовнинг «Данте – юрист» китоби дантешуносликка муносиб ҳисса, мумтоз адабиёт мухлислари, ҳуқуқшунослар, умуман, кенг китобхонлар оммасига муносиб совға бўлиши шубҳасиздир.

**Каландар АБДУРАҲМОНОВ,**  
Г. Плеханов номидаги  
Россия иқтисодиёт университети  
Тошкент шаҳар филиалининг раҳбари,  
иқтисод фанлари доктори, профессор

## МУНДАРИЖА

Башарият фарзанди. <i>Абдулла Орипов</i> .....	3
Мукаддима .....	5
<b>БИРИНЧИ БОБ. ДАНТЕ – КОИНОТНИНГ БУЮК ФУҚАРОСИ (Ҳаётдан лавҳалар)</b> .....	9
Дантенинг оиласи, таваллуд топиши ва ўқувчилик йиллари .....	10
Дантенинг сиёсий ва дипломатик фаолияти .....	21
Дантенинг дарбадарликдаги ҳаёти .....	32
Дантенинг вафоти ва ижодий меросини ўрганиш .....	39
<b>ИККИНЧИ БОБ. ДАНТЕ ДАВРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ДУНЁҚАРАШИ</b> .....	42
Рим ҳуқуқи – Данте давридаги ҳуқуқий таълимнинг асоси .....	43
Рим ҳуқуқи рецепцияси – ҳуқуқий Уйғониш даврининг бошланиши .....	53
Болонья ҳуқуқшунослик мактаби – Данте «Alma mater»и .....	62
Данте даври ҳуқуқий дунёқарашининг хусусиятлари .....	77
<b>УЧИНЧИ БОБ. ДАНТЕ ИЖОДИ – ИЛК УЙҒОНИШ ДАВРИНИНГ ИНЪИКОСИ</b> .....	80
XIII асрда Италия маданияти ва шеърляти .....	81
«Янги ҳаёт» («Vita Nuova»): муҳаббатнинг назмий тарихи .....	87
«Базм» («Convivio») ва «Халқ тили тўғрисида» («De Vulgari eloquentia»)ги асарлар: илм нони, ҳаммага зиё сочувчи янги қуёш .....	94
«Монархия» («De Monarchia»): давлат – миллат бирлиги- нинг таянчи .....	100
«Илоҳий комедия» («Divina Commedia»): Уйғониш даври- нинг шеърлий қомуси .....	105
<b>ТЎРТИНЧИ БОБ. ДАНТЕНИНГ ФАЛСАФИЙ ВА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАРИ</b> .....	122

Ўрта асрларда Флоренциядаги сиёсий-ҳуқуқий вазият .....	123
Дантенинг фалсафий қарашлари .....	133
Дантенинг эркинлик, адолат ва қонун ҳақидаги қарашлари ...	136
Данте давлатнинг пайдо бўлиши ва давлат бошқарув шакли тўғрисида .....	136
Дантенинг умумжаҳон дунёвий монархия тўғрисидаги таълимоти .....	137
Дантенинг ҳуқуқий қарашлари .....	140
Данте ялпи тинчлик тўғрисида .....	143
<b>БЕШИНЧИ БОБ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЎЗБЕК ДАНТЕ-ШУНОСЛИГИ</b> .....	149
Буюкликнинг қўш қаноти .....	150
Ўзбекона «Илоҳий комедия» – адабий жасорат .....	160
Тошкент ва Равеннадаги дантехонликлар .....	170
<b>ОЛТИНЧИ БОБ. ДАНТЕ ҲИКМАТЛАРИ</b> .....	175
Афоризм – қатрада олам мужассам .....	176
Ҳикматлар хазинаси .....	178
<b>ИЛОВАЛАР</b>	
Данте Алигъери. Ҳаёти ва ижодининг асосий саналари .....	186
Жованни Боккаччо. Дантенинг ҳаёти .....	189
Дантешуносликка муносиб ҳисса. Қаландар Абдураҳмонов ....	193

## СОДЕРЖАНИЕ

<i>Абдулла Арипов. Сын Вселенной</i> .....	3
Предисловие .....	5
<b>ГЛАВА ПЕРВАЯ. ДАНТЕ – ВЕЛИКИЙ СЫН ВСЕЛЕННОЙ</b> (Зарисовки из жизни) .....	9
Семья Данте, его рождение, годы учебы .....	10
Политическая и дипломатическая деятельность Данте .....	21
Жизнь Данте в изгнании .....	32
Смерть Данте и изучение его творческого наследия .....	39
<b>ГЛАВА ВТОРАЯ. ЮРИДИЧЕСКОЕ МИРОВОЗЗРЕНИЕ</b> <b>ЭПОХИ ДАНТЕ</b> .....	42
Римское право – основа юридического образования эпохи Данте .....	43
Рецепция римского права – начало юридического Возрождения ...	53
Болоньская школа права – «Alma mater» Данте .....	62
Особенности юридического мировоззрения эпохи Данте .....	77
<b>ГЛАВА ТРЕТЬЯ. ТВОРЧЕСТВО ДАНТЕ – ОТРАЖЕНИЕ</b> <b>НАЧАЛА РЕНЕССАНСА</b> .....	80
Культура и поэзия Италии XIII века .....	81
«Новая жизнь» («Vita Nuova»): поэтическая история любви .....	87
«Пир» («Convivio») и «О народном языке» («De Vilgari eloquentia»): хлеб науки, новое солнце, светящее всем .....	94
«Монархия» («De Monarhia»): государство – оплот единства нации .....	100
«Божественная комедия» («Divina Comedia»): поэтическая энциклопедия эпохи Ренессанса .....	105
<b>ГЛАВА ЧЕТВЕРТАЯ. ФИЛОСОФСКИЕ И ПОЛИТИКО-</b> <b>ПРАВОВЫЕ ВЗГЛЯДЫ ДАНТЕ</b> .....	122
Политика – правовая ситуация во Флоренции в Средние века .....	123
Философские взгляды Данте .....	133
Взгляды Данте о свободе, справедливости и законе .....	136

Данте о происхождении государства и о форме государственного правления .....	136
Учение Данте всемирной светской монархии .....	137
Правовые взгляды Данте .....	140
Данте о всеобщем мире.....	143
<b>ГЛАВА ПЯТАЯ. СОВРЕМЕННОЕ УЗБЕКСКОЕ ДАНТЕ-ВЕДЕНИЕ</b> .....	149
Два крыла величия .....	150
Узбекская «Божественная комедия» – литературный подвиг .....	160
Дни Данте в Ташкенте и Равенне .....	170
<b>ГЛАВА ШЕСТАЯ. АФОРИЗМЫ ДАНТЕ</b> .....	175
Афоризм – в капле отражается мир .....	176
Самое великое чудо .....	178
<b>ПРИЛОЖЕНИЯ</b>	
Данте Алигьери. Основные даты жизни и творчества .....	186
Джованни Бокаччо. Жизнь Данте .....	189
Каландар Абдурахманов. Достойный вклад в дантеведение .....	193



## ДАНТЕ – ЮРИСТ

Мухаррир: *Г. Ортиқхўжаева*  
Техник муҳаррир: *А. Аҳмедов*  
Компьютерда  
саҳифаловчи: *Ш. Қурбонбоев*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
хузуридаги «Адолат» нашриёти. Нашр лиц. АІ №133, 14.03.09.  
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга 02.04.2011 йилда рухсат этилди.  
Қоғоз бичими 60x90 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «Antiqua Uz» гарнитураси.  
Офсет усулида чоп этилди. Босма табағи 12,5.  
Нашриёт ҳисоб табағи 11,5. Адади 4000 нусха.  
-сонли буюртма. Нархи шартнома асосида.

«Niso Poligraf» босмаҳонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Х.Бойқаро кўчаси, 41-уй.



ISBN 978-9943-332-99-7

